

# ҲАКИМ НАЗИР

Асарлар



БЕШ ТОМЛИК

I ТОМ

Ўзбекистон ЛКСМ Марказий Комитети  
„ЁШ ГВАРДИЯ“ нашриёти

Тошкент — 1977

**Редколлегия:**

**Асқад Мухтор, Нормурод Нарзуллаев, Пирмат  
Шермухамедов, Пўлат Мўмин, Худойберди Тўхтабоев**

## ҲАКИМ НАЗИР

Ҳаётда ҳар бир кишининг — каттаю кичикнинг ўзига ярашиқ бурч ва вазифалари, юмуш ва ташвишлари, умид ва интилишлари бўлади. Тароватли қишлоқларимиздан бирида яшовчи Қаримнинг ягона иши сигир боқишдан иборат эди. Лекин инсон боласи бошига нима келишини, бугун қандай воқеа рўй беришини олдиндан билмайди-да. Тасодиф оёқ остидан чиқади. Қаримнинг сигири арқонини узиб кетиб, бир неча ғўза ниҳолларини пайҳон қилиб ташлайди. Бунга Қаримнинг бепарволиги сабаб бўлади.

Бўлиб ўтган воқеага Қарим аввал парво қилмайди. Чунки бепоен зумрад далаларда ғўзаларнинг сон-саногни йўқ. Қаримнинг сигири пайҳон қилган ниҳоллар денгиздан бир қатра-ку! Бошида Қарим ҳам шундай деб ўйлайди. Бироқ унга ўзидан каттароқ болалар бир туп ғўзада қанча тола, қанча ёр, қанчадан-қанча моддалар борлигини тушунтирадилар. Қарим шундан кейингина сигирнинг колхоз мулкига қанча зарар келтирганлигини пайқаб, ачинади, уялади. Чунки Қарим бу ишда, сигири эмас, ўзи айбдорлигини ҳам жуда яхши биларди.

Ҳаким Назирнинг асарларидан олиб ҳикоя қилинган бу парчада қатрада қуёш акс этганидек, бутун ижодининг нафаси сезилиб турибди. Ёзувчининг шунга ўхшаш ўнлаб ҳикояларида, биз ўзимизга қадрдон оловли қуёшни, мусаффо ҳавони, муқаддас она ерни, бир сўз билан айтганда, бугунги гўзал Ўзбекистонни, осмонўпар «оқ олтин» тоғлари бунёд этаётган фидокор пахтакорларни, уларнинг қувноқ, бахтиёр болаларини кўрамыз. Улар Ҳаким Назир асарларининг бош қаҳрамонларидир.

Ҳаким Назир ўрта ва катта ёшдаги мактаб болалари ҳаётидан кўп ёзди. Бу ёшда болаларни дунёдаги ҳамма нарса қизиқтиради. Бу ёшда уларнинг она-Ватанга бўлган меҳр-муҳаббат, садоқат, бурч каби олижаноб туйғулари шаклланади, гўзаллик ҳақидаги тушунчалари, олий инсоний муносабатлари уйғонади. Бу қаҳрамонлар шундайки, уларнинг ўзаро муносабатида ёшларга хос соддалик, шу билан баробар жиддийлик ва қатъият бор.

Шунинг учун ёзувчининг «Бошоқ» ҳикояси қаҳрамонлари Азимжон ва Тоштилла бошоқ теришда иштирок этмасак, катталар олдида уятга қоламиз, меҳнат интизомини бузган бўламыз, деган фикрга келадилар. Бу тушунча ёш қаҳрамонлар маънавий дунёси бойлигидандир. Ҳаким Назир бу туйғулар оламида меҳнат романтикасига катта эътибор бериб, унинг ўзига хос нафосатини кўрсатади ва адиб ўзининг бу фикрида жуда ҳақ.

Ҳаким Назирнинг бадий маҳорати, шунингдек, ўзбек миллий колоритини тўғри ва ёрқин тасвирлашида, қишлоқ турмушидан олинган жонли ва ҳаётий воқеа-деталларни усталик билан топишда яққол кўринади. Адиб асарларида болаларнинг халқ мулкини кўз қорачигидек асраш хусусидаги олижаноб туйғулари, коллективнинг меҳнатини қадрлаш, эъозлашлари,

меҳнатнинг шон-шараф иши эканлиги ҳақидаги тушунчалари ўзининг жонли ифодасини топган.

Ҳаким Назирнинг бадиий маҳорати юқорида баён этилган фазилатларда ва яна, болалар руҳий оламини чуқур идрок қилишда аниқ намоён бўлади. Боя айтганларимизга муаллифнинг турли мавзулардаги ҳикояларигина эмас, «Сўнмас чақмоқлар», «Ёнар дарё» каби пионерлар ҳаёти кенг планда кўрсатилган жуда қизиқарли, ажойиб повестлари ҳам далил бўла олади. Сиз «Ёнар дарё» повестидаги Дамир образига чуқурроқ назар ташласангиз, ёзувчининг психологик тасвирдаги маҳоратига яна бир карра ишонч ҳосил қиласиз. Адиб айтилган Дамирнинг билимга бўлган қизиқишини, баъзан тутиб қоладиган инжиқлигини, юрак сирларини ҳаққоний тасвирлаб берган. Муаллиф боланинг тилидан Ўзбекистон газчилари ҳаётини тасвирлаган чоғида ҳам реалист санъаткорлигини кўрсатади.

«Кўкорол чироқлари» асари ёзувчининг қиссачиликдаги илк қадами эди. Ҳикоя жанрида бадиий маҳоратини ошириб, қаламини қайраб олган адиб, ўз истеъдодини қисса жанрида тоблашга ўтди.

Ҳаким Назир мазкур асарида болаларни улкан совет оиласининг ажралмас қисми сифатида кўрсатади. Болаларнинг жўшқин ҳаёт, орзу-ўйлари ва тақдири орқали инсон кучи ва истеъдодининг нақадар чексизлигини тараннум этади. Бу ният қиссадаги ижобий қаҳрамонлар фаолиятида ёрқин намоён бўлади. Биз асарда ёзувчининг ёш авлодни коммунистик руҳда тарбиялашда ижобий қаҳрамонни намуна қилиб кўрсатишга алоҳида эътибор берганини кўрамиз.

Асарда ёзувчи болалар яшаётган муҳитни кенг ва чуқур таҳлил этади. Болалар ҳаётини катта ҳаёт оқими билан бир бутун ҳолда кўрсатади. Ёш авлод характерининг шаклланишида оила, коллектив, дўстларнинг таъсири қиссада ишонarli тасвирланган. Асар қаҳрамони Қудрат ва унинг дўстлари камолотини шу муҳит тасвири орқали ёрқин тасаввур этамиз.

«Кўкорол чироқлари» барча ёшдаги китобхонга баробар эстетик завқ бағишлайди. Чунки бу асар орқали катталар ёш авлод тарбияси билан боғлиқ проблемалар, ёшлар ўз тенгқурларининг гўзал маънавий дунёси билан танишадилар, улардан ўрнак олишга ҳаракат қиладилар. Шу маънода асар коммунистик тарбиянинг турли масалаларини кенг ёритиб берганлиги билан қадрлидир.

Ҳаким Назир ижодининг тематик диапозони кенг, жанрлари ранг-барангдир. Адиб қирқ йилдан мўл ижодий фаолияти давомида самарали ижод этиб, ўнлаб турли жанрларда яратилган катта-кичик асарлар муаллифи бўлди. У болаларга бағишланган бир қатор ҳикоялар, повестлар ва республика ёш томошабинлари театрларининг сахнасида муваффақият билан қўйилган «Чиранма ғоз, ҳунаринг оз!» драмасининг автори сифатида шуҳрат топди.

Ҳаким Назир ижодининг яна бир ўткир қирраси бор. У ҳам бўлса, ёзувчининг колхоз ҳаётидан олинган портрет ва проблематик очерклари, Польша ва Озарбайжон сафари ҳақидаги ҳужжатли асарларидир. Социалистик ахлоқ мавзусига бағишланган бир қатор психологик ҳикоялари, баъзи повестлари, шунингдек, таржималари фақат республикамиздагина эмас, балки бошқа жойларда ҳам маълум ва машҳурдир. Чунки Ҳаким Назирнинг энг яхши асарлари аллақачон рус тилига таржима қилинган ва Бутуниттифоқ китобхоналарининг эътиборини қозongan. Улар орасида «Сўнмас чақмоқлар», «Кўктерак шабадаси» каби асарлари ҳам бор.

Рус адабиётининг бой тажрибасидан ижодий ўрганиб Ҳаким Назирнинг бадиий маҳорати камол топган. У ўзининг «Сўнмас чақмоқлар» қис-

сасини ҳам шу маҳорат мактаби таъсири остида яратди. Мазкур асарда Гайдар томонидан илк бор қаламга олинган Темурчилик ҳаракати Ўзбекистон пионерлари орасида ҳам кенг қанот ёйганлиги ишонарли тасвирланади. Ёзувчи бу асарида бола характерининг шаклланишида оила, коллектив ва дўстлар муҳитининг роли ҳам катта эканлигига ҳамманинг диққатини жалб этган.

Ҳаким Назирнинг ижодий арсенали бой. Унинг асарларида ҳаётий протатипларга эга бўлган образларни кўп учратамиз. «Сув гадоси» асаридagi қаҳрамонларнинг кўпчилиги ҳаётдан айнан олинган. Сабаби, адиб қайси бир асарига мавзу танласа, ана шу мавзунинг синчиқлаб, чуқур ва атрофлича ўрганади. Худди шу маънода мазкур асар Қарши чўли ва Чимкўрғон сув омбори қурувчиларининг қаҳрамонона меҳнатига бағишланган. Ёзувчи асар ёзилгунча шу улкан қурилишда кўп марта бўлган. Қисса қаҳрамонларининг ҳаёти, фаолияти ва психологиясини жиддий ўрганган. Муаллиф кузатувларининг илк меваси сифатида бир неча ҳикоялар вужудга келган эди. Ҳаким Назир ижодининг характерли томонларидан бири ҳам шундаки, унинг ҳикоя ва очерклари катта асарлар учун хамиртуруш вазифасини бажаради. «Сув гадоси» асари шу услубда вужудга келган.

Ҳаким Назирнинг энг яхши асарлари рус тили орқали СССР халқлари ва баъзилари социалистик мамлакатлар халқларининг тилларига ҳам таржима қилинган бўлиб, умумий тиражи миллиондан ортқ.

Адибнинг ижод диапазони белгилаганда унинг таржимонлик фаолиятини ҳам алоҳида қайд қилмоқ керак. Чунки у Валентин Катаевнинг «Полк ўғли», Петр Павленконинг «Бахт», Лев Қассилнинг «Черемис — қаҳрамоннинг укаси» сингари қатор асарларни ўзбек китобхонининг ҳам маънавий бойлигига айлантиришда савобли ишга сабабкор бўлган. Бу асарлар Ҳаким Назирнинг юксак таржимонлик маҳоратидан далolat беради.

Мен бу ерда Ҳаким Назирнинг ўзи ҳақида, унинг ҳаёт ва ижод йўли ҳақида ҳам сизга қисқача сўзлаб бермоқчиман.

У 1915 йили Тошкентда туғилди. Косиблик ҳунарини ўрганди. Фабрикада ишлади, ҳозирги вақтда индустриал техникум деб юритилаётган ишчилар университетига таълим олди.

Ҳаким Назир журналистикада ижод дорилфунунини ўтди. У узоқ йиллар мобайнида пионер матбуоти, газета ва журналларининг, шунингдек, Тошкент радиоси ёшлар бўлимининг етакчи журналистларидан бири бўлган эди. Айни вақтда у юқори малакали педагог бўлиб, Тошкент кечки Педагогика институтини тамомлаган, бир неча вақт ўқитувчилик қилиб, «Ўзбекистон Халқ маорифи аълочиси», олтинчи йиллигида эса «СССР Маориф аълочиси» деган фахрий унвон олишга муяссар бўлди.

Ёзувчи Ҳаким Назир ижодни эрта бошлаган бўлса ҳам китобини кеч бостирди. Унинг илк китоби 1948 йилда нашр этилди. Муаллифнинг номи дастлаб 1933 йилда матбуот саҳифасида пайдо бўлган эди. Биргина шу фактнинг ўзиёқ ёзувчи ўз ижодига қандай талабчан бўлганлигини яққол кўрсатиб турибди.

Коммунист ёзувчи Ҳаким Назир ўзининг ижодий ва жамоатчилик фаолияти билан республикамиз меҳнаткашлари орасида катта обрў-эътибор қозонган.

Ўзбекистоннинг бадий прозаси унинг поэзиясига нисбатан анча ёш. Болалар прозаси эса унинг поэзиясига нисбатан яна ҳам ёшроқ. Мана шунинг учун биз Ҳаким Назирни болалар адабиётига катта ҳисса қўшиб,

уни Бутуниттифоқ минбарига олиб чиққан устоз ёзувчилардан бири сифатида қадрлаймиз.

Ҳаким Назир ҳозир ижодий балоғат ёшида. У сўнгги икки-уч йил ичида кўплаб очерк ва мақолалар ёзди. Унинг «Лочин қанотлари» романи 1973 йил прозасининг яхши намуналаридан бири деб баҳоланди. Чунки «Лочин қанотлари» романи ўзбек болалар адабиётининг кемтик жойини тўлдирди. Унгача болалар прозасида Улуғ Ватан уруши мавзуси яхши ёритилмаган эди. Ёзувчининг хизмати шундаки, у бугунги ёш авлодга 40-йиллар ўсмирларининг жанговар ҳаёти ҳақида ҳикоя қилувчи, уруш даврининг реалистик манзараларини намён қилувчи асар яратди.

Ҳаким Назир «Лочин қанотлари» романида ёш авлод ҳаёти, характери тарбияси билан боғлиқ проблемаларни ўртага ташлаган. Қичикларга меҳрибонлик, катталарга ҳурмат каби инсоний туйғуларни улуғлаш гоёси асар мазмунига сингиб кетган.


Ёзувчи давр билан ҳамнафас яшайди. У ҳаёт тақозо этаётган муҳим масалалардан четда қолмайди. Ўз асарларида шу масалаларни ёритишга, китобхонларга етказишга ҳаракат қилади.

Ҳаким Назирнинг «Кенжатоё» қиссаси ишчи синфининг кенжа авлоди ҳақидадир. Маълумки, ҳозир ёшларга ҳунар ўргатиш, уларни ҳунар-техника билим юр்தларига ўқишга жалб этиш энг асосий масалалардан бири бўлиб қолган.

Шунинг учун ҳам ёзувчининг бу қиссаси Ўзбекистон ССР ва Ўзбекистон компартиясининг эллик йиллик тўйига бағишланиб ҳунар-техника билим юр்தлари ҳаётига оид энг яхши асарлар учун ўтказилган республика конкурсида биринчи мукофот ва диплом олди.

Қанот жуфт бўлади. Ҳаким Назир ижодий фаолияти ҳам икки қанотда: болалар адабиётида ва катталар учун асар ёзишда давом этмоқда. Бу қўш қанотли ижодкорга лочин парвозини тилаймиз.

ЛАЗИЗ ҚАЮМОВ.



---

# ЁНАР ДАРЁ

қисса





**Б**аҳорни ҳеч ким менчалик яхши кўрмас. Ахир ҳам-ма ўйин-кулгилар, ҳамма соз нарсаларни бошлаб келаётгандай. Офтоб шуълалари тонгдаёқ ётган уйнинг деразасидан барала кириб келади. Юзларингда ўйнаб, «Шундоқ вақтда ётаверасанми, тура қол!» дегандай қитиқлайди, сени гашқарига етаклайди. Ташқарида бўлса ўрик, шафтолилар бирин-кетин гулга қиряпти, қадрдон асалариларни ўзига им-ляпти. Далалар, қирларда чучмома, лолалар очилиб, ҳам-мани сайрга таклиф қиляпти. Ана шу лола, чучмомалар қўй-нига отила қолсаму қўзилардай сакраб-сакраб ўйнасам, қушлардай тўйиб-тўйиб сайрасам дейсан. Бувим ҳар нарсага от қўяди. Баҳорни «ёзнинг карнайчиси», дейди. Тўғри-да, кар-най тўй-томошадан хабар берганидай, баҳор ёзги каникулдан дарак беради. Лагерлар, саёҳатларни эсга тушира бошлайди. Эҳ, тезроқ кела қол ёз, дейсан. Бирпас ҳам уйда ўтиргинг келмай қолади.

Мана бугун каравотчамни ҳовузча лабига, ўрик дарахти тагига олиб чиқдим. Кўм-кўк осмонга қараб соф ҳаводан ми-риқиб эмиш, ариқдаги сувнинг жилдирашини, ўрик гулларига дув ёпишган асалариларнинг ғув-ғувини эшитиб ётиш қандай маза-я!

Қулоғимга қушнинг ёқимли сайрагани эшитилгандай бўлади. Кўзимга ўрик тепасида қуш уяси кўринади. Кечагина ўзим ўрнатган уяча эмас, каттакон, саватдай уя! Ундан қиройли лочин бошини чиқариб мени имлайди. Мен лип этиб ёнига чиқаман. Лочинни оламан деб қўл чўзаман, қўлим унинг кучли чангалига тушиб қолади. У қанотини ёзади-да, темир қанот боласи билан мени кўтарганча виз этиб учиб кетади. Боласи шўхлик қилиб бағридан чиқиб кетмоқчи. Она қуш қўймайди. Боласи бўлса ўзим учаман деб типирчилайверади, ахир онасидан ажралади, мени ҳам ажратади. Кейин икко-

вимиз ҳам учолмасдан пастга шўнғиб туша бошлаймиз. Она куш жон ҳолатда кетимиздан ёрдамга шошилади. Шу тушишда нақ ўтакам ёрилай деб чинқирдим-да, ўзимни ўнглайман деб бир интилувдим, шалоп этиб ҳовузчага қуладим. Югура келган бувим:

— Ҳа, ҳа болажоним, нимадан кўрқдинг?— деганча мени ҳовузчадан тортиб олди.— Қўявер, сув ёруғлик,— деб юзқўлларимни артди. Лой бўлган майка, иштонимни алмаштирди.

Ҳушим жойига келгандан кейин, тушимни айтиб берган эдим, бувим кулди:

— Баҳор келиб, хаёлинг ҳар ёққа чочилиб юрганиди ўзи. Тушингда ҳам ўнгингдагидай оинггни сўзига кирмагансан-да, ўзингча шошилгансан. Шошган ўрдак ҳам боши билан, ҳам думи билан шўнғийди, дейишади. Хайриятки, сувга тушдинг. Яхшиликка кўринади тушинг...

Бувим аломат-да, дарров гап топади. Пайтдан фойдаланиб, шошқалоқлигимни юзимга солди. Майли, ишқилиб оингнинг олдида юзимга солмаса бўлгани.

Урикда яна куш чирқилади. Бу, албатта тушимдаги лочин эмас. Чиройли, сарғимтир, жажжи саъвача. Уяча атрофида пир-пир учиб, уни текширди. Ёқди шекилли, секин туйнугидан мўралади. Ҳа, ичи кенг, ёруғ, энг муҳими, мушукдан, лочиндан хавфсиз эканини кўрди шекилли, саъвача севинди. Севинчидан яна чир-чирлаб, уячага кириб чиқди. Бир айланиб келиб яна уячага қўнди. Буни кўриб, мендан олдин синглим Попукнинг севинганини кўрсангиз.

— Уямда қуш телди, уямда қуш телди! Қушни обейнинг, ата, қушни обейнинг!

— Қушни олиб бўлмайти. Тегсанг қочиб кетади. Кейин қайтиб келмайди,— дейман. Қани кўнса!

Попук шунақа. Нимани кўрса ёпишиб олади. Унинг дастидан биров ғилдирак ғилдиратолмайди, самокат учолмайди. Дарров: «Менгаям! Менгаям», деб хархаша қилади. Ўзи жимитдай, эндигина алпанг-талпанг қилиб оёққа кирди-ю, самокат учолармиди-я! Қиз бола деган қўғирчоқ кўтаради, копток ўйнайди. Бу бўлса ўғил болалар ўйинига аралашади нуқул. Баъзида уларнинг ёнига кириб, лойдан машиналар ясашади, ерга қатор чўплар тиқиб, уларга ип тортишади. «Бу нима?» десангиз, «электр сими» эмиш. Ўғил болалар от минса, бу ҳам от мингиси, чиллак ўйнаса, чиллик ўйнагиси келади. Булар ҳам майли-я, осмондан самолёт учиб ўтса, уни

ҳам олиб бер, деб хархаша қилгани ортиқча. Хўп, отни, чиллакни тол новдасидан ясаб бераман, самолётни-чи? Билмайман, десам, ерга ётиб олиб, дод солади. Қоғозга урина-урина расмини чизиб берсам ҳам қутулмайман. Кейин авиамодель тўғарагида ўрганган ҳунаримни ишга соламан-да, фанердан моделча ясаб бераман. Попук буни учираман, деб бирласда бурдалаб ташлайди.

Ҳозир ҳам Попукни ҳар нарсага чалғитиб кўрдим, бўлмади. «Қушни обейинг», деб додлаб, ерга ётиб олди.

— Ахир нима қиласан қушни?— десам, ердан бош кўтариб, ёшсиз кўзини уқалаб:

— Уйнагим қиставотти!— дейди.

— Қуш чўқиб олади, йиғлайсан,— десам, тилини яна чуқуқ қилиб:

— Йиғлиман йўқ!— дейди.

Кулгим қистади. Очиғи, ўзим ҳам қизиқиб кетдим. Урикка тирмашдим. Бир бутуқча миғиб, ўзимни панароқ тутдим-да, саъвадинг уячага киришини пойладим. Саъва учиб келди-ю, шарпамни сезиб, уяга йўламади. Мен яна панароқча ўтаман, деб бир сурилувдим, оёғим тойилиб алла бўлиб тушдим. Попук чинқириб юборди. Эсхонам чиқиб кетай деди. Ерга ағанаб ётибман-у; ҳамма ёғим бутунмикин, туролармикинман, деб ўйлайман. Йўқ, бувимнинг ёрдамида туриб олдим. Яхшики, ҳамма ёғим бутун экан. Бўлмаса ойимдан роса балага қолардим. Фақат ўнг қўлимнинг кафти ачишиб кетди. Ловиллагани босилармикин, деб қўлимни силкитаман — баттар зўраяпти. Йиқилиб тушаётганимда, кафтим ўрик танасига тегиб, териси шилинган экан. Бувим бечора югуриб-елиб дори қидирди. Пахта куйдириб босди-да, боғлаб қўйди. Қўлимни қучоқлаб олиб, ҳовлининг тўрт томонига югураман. Унга сари Попук йиғлайди.

— Муғомбир-эй! Йиқилган мен-ку. Сен нега йиғлайсан кўрққан олдин мушт кўтарар қилиб?!

Ана шу кундан ҳамма иш чап қўлимга ўтди. Қошиқни ҳам, ручкани ҳам чап қўлда тутишим керак. Қошиқ оғзимга келгунча овқатнинг ярми тўкилиб кетади. Ручкага қўлим қовушмайди. Ёзган хатим чумоли изидай ажи-бужи бўлиб, оқ деворга лой сачрагандай чаплашиб чиқади. Чап қўлим худди беганага ўхшайди-я. Билмайман, шу вақтгача у нима иш қилиб юрган экан!

Мана энди на футбол, на волейболга аралашаман, на авиамодель тўғарагига қатнашаман. Қараб туриб «якка мохов»

бўлиб ўтирибман-а. Ҳаммадан алам қиладигани шуки, энди ким кўрса, «Ҳа, чапақай?» дейдиган бўлиб қолди. Илгари негадир «Митти» дейишарди.

Отимни сўрасангиз — Дамир. Жуда кичкиналик вақтимда бўлса, Замир деб аташарди. Боғчага кирганда Замира деган қиз бор экан. Уни бир хил пайт қисқача «Замир» дейишарди. Узоқдан биров «Замир!» деб чақирса, иккимиз баравар югуришардик. Ҳамма кулги қиларди.

Мақтабда ҳам икковимиз бир синфга тушиб қолдик. Энди бизни ўқитувчимиз адаштирадиган бўлди. Фамилиямизда ҳам ўхшашлик бор-да: меники Носиров бўлса, уники Нодирова. Бир куни ўқитувчи ёзувимизни текширганда менинг кундалигимга «5», уникига «3» қўйибди. Замира бунни кўриши биланоқ йиғлаб юборди. Мен бўлсам «5» ёққанидан индамай ўтиравердим. Бир вақт ёзувимни қарасам — хато кўп, ўзи хунук. Шошилиб ёзганимданми бу, билмайман.

Ўқитувчимиз янглишганини билди-ю, дарров хатосини тузатди. Орада менинг изза бўлганим қолди. Бошқа синфга ўта қолсаммикин, шуни ўқитувчига айтсам хафа бўлмасмикин, деб юрувдим, Замира олдинроқ ўтиб кетди.

Энди ишим яхши кетаётган эди. Физкультура тўғарагига ёзилдим-у, чатоғи чиқди. Ўғил болалар бир томон, қиз болалар бир томон бўлиб волейбол ўйнаган эдик. Биринчи ўйинда бизнинг команда ютқиздй. Шунга мен сабабчи эмишман. Шошилиб қолиб, икки мартагина тўпга чалишиб умбалоқ ошдим-да. Нима бўлти, бошқалар умбалоқ ошмабдими. Звеновой Солиҳ бошқаларга индолмасдан менга ўшқириб: «Ўз отингга яраша қиз болага ўхшайсан. Қизлар томонга ўта қол, бор!» деди. Аламимга чидолмадим. Уйга келиб, бўлган гапни ойимга айтиб бердим.

— Нима учун менга қизларникидақа от қўйгансиз-а уялтириб? Бошқа тўғри отлардан қўяверсангиз бўлмасдими?

— Қанақасидан?— деди ойим ажабланиб.

— Мана, масалан: Раҳим, Салим, Қарим...

— Уялмай қўя қол, ўғлим. «Замир» янги чиққан отлардан. Раҳматлик...— деган жойида ойимнинг тили тугилди.

Ҳа, «даданг» демоқчи бўлди-ю, айтолмади. Адамни эслаб ўзининг ҳам, менинг ҳам кўнглимизни бузгиси келмади. (Мана адамнинг ўлганига икки йилча бўлди, доим шундай қилади.)

— Ўзим топган эдим «Замир»ни,— деди ойим, гапини тўғрилаб.— Уша сен тугилган кезде бунақа отлар расм бўлувди-да: Гулмира, Элмира, Ғалаба, Инқилоб.

Айтандай, бунга ўхшашлари мактабимизда ҳам бор: биттасиники Марат, биттасиники Феликс. Лекин бу отлар қизларниқидан узоқ, ҳеч ким чалкаштиролмайди. Ахир Маратни «Маратой», деб бўлармиди! «Маратжон» деса келиша қолади. Қизларнинг отига «жон» қўшсанг ҳеч ҳам ёпишмайди. Менинг отимга-чи, битта ҳарф қўшилса, тамом...

Кейинги кунларда машқ қила-қила волейболни ўрганиб олдим-ку, шундаям бари бир болалар: «Замира, Замира», деб кулишни қўйишмади. Энди жуда жаҳлим чиқди. Ойимга хархаша қилавергандим, ойим бувимга маслаҳат солди. Нима деса кўнадиган бувим, бу маслаҳатга юрмади.

— Қўй, Анорхон қизим, дадагинасининг номига муносиб ном: «Собиржон»га «Замиржон». Узукнинг кўзидай ярашган. Эсимизга тушиб туради дадагинаси,— деб қўйди бувим.

Ойим, бувимнинг сўзини ерда қолдирмади-ю, ўйлаб-ўйлаб, охири «Дамир»ни топди.

— Бу ҳам аввалгисига ўхшаш ном. Маъниси ҳам ўхшаш,— деди ва маънисини айтиб берди. («Замир», дегани «Тинчлик учун» дегани бўлса, Дамир дегани «Яшасин тинчлик» дегани экан).

Ишқилиб қиз бола отидан қутулиб олдим-да. «Митти», «Чапақай» дейишса дейишар.

## 2. БУВИМ БИЛАН ОЙИМ

«Чапақай» бўлиб қолганим мендан кўра бувимга оғир тушди. Бувимга илгари мен унча-мунча боқишиб турардим. Магазиндан нон, сут олиб келардим, синглимни боғчадан келганда ўйнатардим, «Лайка»ни боқардим («Лайка»— бу кучукчам. Кучукча бўлганда ҳам антиқа кучукча). Яна бувимга газета ўқиб бериш, узилган тугмаларимизни қадаганда, нинасига ип ўтказишгача менинг вазифам эди. Тўғриси, бу ишларни ҳамма вақт эмас, қўлим теккан-текканда қилардим. Узимнинг зарур ишларим кўпайиб, боқишолмай қолганимда ҳам, бувим хафа бўлмасди.

Ойим куни билан ишда бўларди. (У якка буюртма кийимлар тикадиган жойда ишлайди). Эрталаб вақтли туради-ю, кетишга тайёрланади. Ойна олдида узоқ ўтириб, сочини тараб, ўради-да, орқасига юмалоқлаб қўярди. Кейин кийимларини дазмоллашга киришарди. Бувим, худди мотоциклдай потиллаб турган самоварни стол ёнига келтирарди. Дастурхон ёзарди-да, ўзи дивандаги қалин кўрпачага чордана қуриб ўтирарди. Кейин:

— Қани, кўзичоқларим, чойга,— деб бизни чақирарди.

Дастурхон бошига келганда, ойим шошиб қоларди. Тик турганча, бир пиёла чой ичарди-ю, Попукни олиб, йўлда боғчасига қўйиш учун чиқиб кетарди. Чиқиб кетаётганда, менга:

— Бувингнинг юмушларига боқишиб тургин-а, Дамир,— деб тайинларди. Ишдан қайтганда бўлса, боқишган-боқишмаганимни сўрарди. Боқишолмаган бўлсам ҳам, бувим:

— Ҳа, кўзичоққинам қарашиб юборди,— деб, менга кўзини қисиб қўярди.

Ростини айтсам, бувимнинг шу қилиғи менга ёқади. Боқишолмаганим устига, билмасдан ишини бузиб қўйган вақтларимда ҳам, ойимга айтмайди.

Бир куни Попук варрак учираётганларни кўриб, «Менгаям вайяк!» деб туриб олди. (Яна ўғил болалар ўйини!) Мен бўйра чўпни чой қоғозга нари-бери ёпиштирдим-да, ип боғлаб берсам, «мунақамас!» деб улоқтирди. Кейин ўзимнинг ҳам варрак учиршга ҳафсалам келиб қолди. Қамиш қидирдим. Ҳужрадан иккита савағич топдим-да, рostaкам катта варрак ясашга тушдим.

— Қараб тургин, Попугим! Бир вайяк ясайки, дардарағи, қулоқлари қип-қизил, думлари ола-була бўлади. Учирганимизда ҳамманинг кўзи ўйнайди-а!

— Эҳ, мазза, мазза!— деб Попук севинчидан қўендай диконг-диконг сакради.

Мен ўткир пичоқ билан савағичнинг биттасини иккига бўлиб, йўнишга тушган эдим, бувим кўриб қолди-ю:

— Вой, шўрим!— деб пичоқ билан савағичларни тортиб олиб, ҳужрага опкириб қўйди. Билсам, бувим пахта саваганда ишлатадиган савағичлар экан.

Бу воқеа бувим икковимизнинг ўртамизда қолиб кетди-ю, бошқаси очилиб қолди. Бир куни Попук тикув машинасидан резинка тасмани тортиб чиқиб, бошқа ип қуриб қолгандай Лайканинг бўйнига боғлаб юрган экан. Ойим кўриб қолиб, ўша тасма билан Попукнинг оёғига шарт-шарт туширди. Попук: «Вой оёғим, вой оёғим!» деб йиғлай бошлади. Ойим:

— Сенда айб! Сен кўра туриб қайтармагансан!— деб мени койий кетди.

— Қилгуликни қизингиз қилсин-у, гапни мен эштайми?— десам, ойим баттар аччиғланди:

— Узбошимчаликни бошлайдиган аввал ўзинг. Сендан юқяпти укангга ҳам!

Нима, мен қозонмидимки қорам юқса! Синглимни ўйната-

ман деб ҳам балога қоламан шекилли. Қошки ўзи унақа-мунақага кўнадиган қизлардан бўлса. Гап уқмас, инжиқ. Ясаб берган ўйинчоғингдан ҳам айб топади. Муштдай бошидан шунақа қилса, мактабга кирганда елкамга миниб олмасайди!

Анча кундан бери тинч юриб, бугун яна қўлга тушдим.

Кечқурун ойим қайтганда, мен чапақайлаб, қийнала-қийнала велосипедимга дам бераётган эдим. Бувим қаёққаям чиқиб кетган эди, шу тобда оғиргина халта кўтариб қайтиб келди. Магазиндан нон билан макарон олиб келаётган экан. Буни кўриб ойимнинг жаҳли чиқди.

— Бувингнинг ишларига қарашгин, десам, ўйин билан овора экансан-да. Сени нима қилсам бўлади, а?

— Қарасам, дарс тайёрлаб ўтирган экан. Алақимасин, деб ўзим чиқа қолган эдим. — Дарров бувим жавоб топди.

— Қани дарс тайёрлагани?

— Ҳозиргина танаффус қилдим-да, ойижон! — дедим бувимнинг гапига тўғрилаб ва ҳовузча бўйидаги столда очиқ-сочиқ ётган китоб, дафтарларимни кўрсатдим.

— Кечқурун дарс тайёрласин, деб ким айтди сенга?

— Жадвалим асосида қиялман-да, ойижон.

— Қани, жадвалингни ол-чи!

Оббо, бунақа одати йўқ эди, қаттиқ тергашга тушди-ку. Мен айвондаги миҳга илиғлиқ жадвални олдим. Бунда кун бўйи қиладиган ишларим белгиланган. Илгари дадам тузиб берган жадвалда, дарс эрталаб тайёрланади, деб кўрсатилган эди, бунисини яқинда ўзим ўзгартириб олган эдим. Бунда ҳар эҳтимолга қарши эрталаб ҳам, кечқурун ҳам дарс тайёрлашни кўрсатган эдим. Ахир, олдиндан нима бўлишини билиб бўлармиди! Олдиндан билиш учун оддий мия эмас, машина мия керак. Ҳа, электрон ҳисоб машинасига ўхшаган мия! Қани энди шунақа миянг бўлса-ю, олдиндан берган топширигингни ўзингга керакли вақтда тайёрлаб қўяверса. Кўпинча эрталаб энди дарс тайёрлашга ўтирай деганингда, кўчадан болаларнинг шовқини келади, хаёлинг бодроқдай сочилиб кетади. Улар мазза қилишиб юрганда, сен мук тушиб ўтир — алам қилмайдами! «Ҳа, жадвалда бор-ку, кечқурун тайёрларман» дейман. Кечқурун бўлса тагин бирон зарур нарса чиқиб қолади. Бу ўртада овқатланиш бор. Овқатдан кейин бир-икки соат ўйнаш албатта зарур, буни ўқитувчимиз ҳам буюрган. Ундан сўнг уйқу. Ана шуниси чатоқ — уйқуга камиде етти-саккиз соат вақт кетади. Шуним ким чиқарган бўлса ҳам, ўйламай чиқарган-да...

Ойим жадвалга кўз ташлаб олди-да, менга бармоғини ўқталди:

— Буни ким ўзгартирди? Кимдан ўргандинг бу ўзбошим-чаликни?

— Йўқ, ойижон, ҳозир учинчи чорак охири-ку? Эрталаб ҳам, кечқурун ҳам дарс тайёрланглар деган ўқитувчимиз.

— Қайси ўқитувчинг деди.

— Ҳалима опам,— деб юбордим шошиб. Кейин тилимни тишладим. Ҳалима опамнинг номини бекор айтдим-да. У синф раҳбаримиз. Гоҳ-гоҳ келиб ойим билан кўришиб туради. Кўришганда ойим ундан «шунақа дедингизми?» деб сўраб қолса-я!..

Ойим чарчаб келгани учунми, ортиқча тортишиб ўтирмай, ичкарига кириб кетди. Бувим секин менга:

— Ишни унча ундирмасанг ҳам, гапни кўп дўндирасан-да, кўзим. Ишқасмага иш буюрсанг, отангдан яхши насиҳат қилади, дегани шу бўлади!— деб кулиб қўйди.

Қаранг, шунга ҳам дарров мақол топди-я бувим!

— Гапни дўндирадиган ўзингиз-ку, бувижон!— десам, у қисик кўзларини чиройли жилмайтириб:

— Ишни-чи?— дейди.

Мен жавоб тополмай қоламан.

Ойим уйдан бошқа кийимини кийиб чиқди-да, тепамга келди. (Бояғи гап билан тергаш тамом бўлганми десам, чаласи қолган экан). Дафтаримни текширди. Уйга берилган топшириқлар тахи бузилмасдан турган эди.

— Қани тайёрлаганинг? Қачонгача кўзимни бўяйсан, а, шумтака?

Мен индамасдан, қовоғимни солиб, чап қўл билан хат ёзиб ўтирибман. Энди бас қилар десам, йўқ, баттар тутоқяпти:

— Одамни хуноб қилдинг-ку. Сенда тайин деган нарса борми? Қачон эс-ҳуш киради-ю, ўз вазифангни тушуниб оласан? Айт ҳозир, қайсар!— деб, бирдан чап қулоғимни чўза кетди.

Қулоғим ловилласа ҳам, ручкамни қўймайман. Гапим кор қилмади, деб ўйлади шекилли, ўнг қулоғимни ҳам омбурдай тортди. Мен жон аччиғида иккала қўлимни қулоққа оборибман. Боғланган қўлим оғриб кетди. Худди ўрикдан йиқилган вақтимдагидай вой-войлаб туриб кетдим-ку! Кетимдан ойим қувди. Урмоқчими деб, қаттиқроқ вой-войлаганимча ҳовлини гир-гир айландим. Охири ойим чарчаб:

— Бўлди, ҳой бола. Тўхта, қўлингни кўрсат!— деди.



Калтак ейишдан чўчиганимданми, оғриқ таққа тўхтаган эди. Шундоқ бўлса ҳам қўлимни ачомлаб, бўйнимни кифтим-та қисиб, қўрқа-писа тўхтадим. Бу ёқда, калтак еса ажратаман, деб бувим тайёр турибди.

— Қаттиқ оғрияптими қўлинг?— деди ойм, худди ўзиники оғриётгандай юзини тириштириб.

У қўлимдаги докани, худди чақалоқнинг йўрғагини ечгандай, жон ҳовучлаб ечди. Кафтимдаги шилинган жой ўпкадай қизариб турарди.

— Ҳаммаси шўхлик, бебошликники,— деди ойм энди жаҳлдан тушиб ва сассиқ сариқ мойдан суркаб қўйиб, тайинлади.— Қўлингни эҳтиёт қил. Сөвуқ сувга урма, газак олса, ёмон бўлади.

Ҳамманинг оймиси ҳам шунақа бўладими, билмайман. Менинг ойм, бир ёқдан уй ишларига ёрдамлашмадинг, деб уришади, бир ёқдан қўлингни совуқ сувга урма, дейди. Салга раҳми келади-ю, тагин уришгани ортиқча.

Қизиқ, бирдан ойм, бояги жаҳли эсига тушдими, қовоғини солиб олди. «Қовоғимни очсам талтайиб кетади», деб ўйлагандир-да. Нима, мен Попукмидимки, салга талтайсам. Ана бўлмасам дедим-да, мен ҳам қовоғимни солиб олдим. Ҳеч ким билан гаплашмасдан дарсимни тайёрлайвердим. Овқатга чақирришган эди, «Қорним тўқ», деб бормадим. Ойм ўйлагандай бетайин эмаслигимни, ўз вазифамни билиб қила олишимни бир кўрсатиб қўяй!..

Охири бувимнинг раҳми келди.

— Чарчагандирсан, қўзичоғим. Ичагинг узилиб кетгандир. Бўлди қила қол,— деб зорланди.

Кўз қиримни ташласам, бувим айвонга чинни косаларда овқат олиб ўтди. Бурнимга райҳон, кашничларнинг ёқимли ҳиди кирди. Ҳа, мошхўрда. Ўзим яхши кўрган овқат. Бувим хўп пазанда-да. Ҳар қанақа томоққа маза киритиб юборади. Ҳали кўк резаворлар чиқмаган вақтда, уларнинг қуритилганидан ишлатади. Эҳ, у пиширган лағмону қуймоқларни еб тўймайсан. Негадир ҳозир тухум егим келиб қолса-я! Оғзимдан сўлагим келиб, дафтарга оқиб тушай деди. Қилт-қилт ютиндим-да, мук тушиб ишлай бердим.

— Бўлмаса овқатини олиб қўя турунг, ҳали плитада иситиб ичар,— деди ойм бувимга.

Мен бўлсам, ичимда, «тезроқ овқатланиб бўла қолишсаяди!» деб турибман. Чунки энди миямга ҳеч нарса кирмай қолди. Дафтар бетигаги рақамлар, ҳарфлар худди чигирткалар-

дай дик-дик сакрашиб, ўрик гулидаги асаларилардай учишиб юрибди.

Бувим билан ойим айвондан туриб кетишлари биланоқ, мен лип этиб ўтинхонага ўтдим. У ерда товук катаги бор эди. Мўралаб кўрдим. Товук тухум қўйибди-ю, чиқиб кетибди. Бир эмас, иккита тухум. Ушлаб боқсам, ҳали илиққина. У ёқ-бу ёққа аланглаб олдим-да, тухумнинг икки ёғини чўп билан чумчуқ кўзидай тешиб, оғзимга хўп этувдим, лиққа кетди. Қани энди устидан юмшоқ нон бўлса, еб юборсанг. Оёқ учиди ошхонага кирдим-да, яримта булқачани чўнтакка уриб чиқдим. Яна келиб стулимга ўтирдим. Боғланган қўлим билан оғзимни пана қила-қила нонни туширдим. Бирдан ҳиқичоқ тутиб қолди. Ҳиқичоқ босилармикин, деб водопроводдан бир ҳовуч сув ҳам ичиб олдим. Қорним тўйганга ўхшади. Энди дафтардаги ҳарфлар, рақамлар учинини қўйиб, ўз ўрнига қўнди. Лекин қўнгани билан миямга кирмади. Негаки, уй ичидан ойимнинг йиғи аралаш овози эшитилаётган эди. У бувимга дерди:

— Бу мени куйдирадиганга ўхшайди. Тепасида ҳақ деб турсанг, ишга қарайди, бўлмаса йўқ. Пешонам шўр бўлмаса, раҳматлик...

Яна эсига адам тушди. Ойимга ўзимнинг раҳмин келиб кетди. Чиндан, адам борида ойимга енгил эди. Парвойипалак, ишхонасига бориб келишини биларди, холос. Бунақа дафтар текширишу жадвал суриштиришлар қаёқда эди! Уқишларимнинг бориши, қанақа баҳолар олаётганимни ўзим айтмагунча билмасди. Мактабда ота-оналар мажлиси бўлганда ҳам «Адаси, ўзингиз бора қолинг. Ишдан ҳориб-чарчаб келдим», дерди. Кейин менинг бирон қилигим ёқмаса, ўзи тергаб ўтирмасдан, «Ўғлингизнинг айбини билиб қўйинг», деб дадамга айтардию қутуларди. Буни эслаб ҳам қўймасди кейин. Мен билан гаплашиб ўтирадиган, томошаларга олиб борадиган ҳам адам эди. Попукни-ку адам кечалари аллалаганини қўяверинг. Адам ўлганда, Попук йўрақда эди...

Ўйлайвериб чарчадим. Бирдан миям қовоққа ўхшаб ғувиллаб қолди. Худди унинг оғзи ёпилгандай ҳеч нарса кирмасди. Тепамдан вағиллаб самолёт учиб ўтди. Попук елкамга осилиб «самолётни обейинг!» деб хархаша қилди. Узим туриб кетишга баҳона тополмаётган эдим. Дафтар, китобларимни йиғиштирдим. «Юра қол, обераман», дедим-да, Попукни эргаштириб кўчага чиқдим.

### 3. «ПУШТ, СТЕПА АМАКИ КЕЛЯПТИ!»

Кўоронғи тушгунгача кўшни болалар билан тўп те-пишдик. Хўб чарчаган эканман. Ҳовлига келдим-у, каравотга ўзимни отдим. Ётганимни кўриб, ойим бувимдан сўради:

— Овқатини ичдимикин?

Бувим ошхонага кириб қараб чиқди-да, «ичмабди», деди. Ойим нолиб кетди:

— Қандоқ бола чиқяпти ўзи. Камчилигини кўрсатсанг ҳам бир бало. Чапақайга олиб, тўнини тескари кияди бу қайсар! (Э, нега ҳадеб чапақай деяверади десам, бу қайсар дегани эканда. Нечук биз қайсар бўлар эканмиз?)

Бувим чойнакка чой дамлаб келди. Дивандаги кўрпачага чордана қурди-да, мен томонга бир қараб олди. Мени ухлади деб ўйлади. Ойимни олдига ўтқазиб, бемалол гап бошлади:

— Ҳамма бало, Анор қизим, дада йўқлигида. Дада бўлганда, йўлга солиб оларди буни. Мен сенга айтсам, қизгинам, ҳали ҳам бўлса ўша маслаҳат...

(Ҳа, бўлди. Қачон ойим нолишга тушса, бувим пайтдан фойдаланиб, шу гапни очарди.)

— Султонбой мўмин-қобил йигит,— деб сўзини давом эттирди бувим,— қолаверса, кўлида гулдай ҳунари бор...

— Кўйинг, ойижон, шу гапни!— деб ойим ўрнидан туриб кетди.

Бувим ялиниб-ёлвориб уни яна жойига ўтқизди. Ҳалиги гапни такрорлади:

— Бунинг устига болажонлигини айтмайсанми-я! Дамир билан Попук жони-тани.

Бувим айтаётган Султон амаки бизнинг узоқ қариндошимиз бўлади. Яқиндан бери бизникига икки-уч марта келди. («Лайка»ни ҳам ўша олиб келиб берган). Ўзи жуда баланд бўйли, қотма, лекин кучли киши. Ҳазилкашлиги ҳам бор. Эшикдан кираётганда бўйи дарозлигидан энгашиб:

— «Пўшт, Степа амаки келяпти!»— деб кўяди. (Чиндан, ўзи анави китобдаги Степа амакига жуда ўхшаб кетади-да. Фақат милиционер эмас, холос.)

Султон амаки кирган заҳоти мен билан Попукни азот кўтариб, «Қани, ким катта?» деб бошидан ошириб кўяди. Ҳамма ҳазили ҳам майли-ку, гап орасида «Жўжалар!» деб кўйгани унча ёқмайди менга. Қиз болаларни шунақа деб айтса яраша-

ди. Кўп чийиллашади улар. Мени нега қўшади? Майли, буниси ҳеч гапмас. Ўзи соз одам, бувимнинг мақтаганича бор. Менга, Попукка ўзини жуда яқин олади. Иннайкейин ҳафсалалигини айтмайсизми: эринмасдан биз билан соатлаб гаплашиб ўтиради. Қап-катта киши ўйинларимизга аралашади. Мен бунга ҳайрон қолардим, тўғриси, бу ёқарди менга. Чунки унинг ана шу қилиғи дадамга ўхшаб кетарди. Дадам ўзи катта ўқитувчи бўлса ҳам, мендан ҳеч вақтини аямасди-да. Нимани сўрасам сира эринмасдан, жеркимасдан жавоб берарди. Бўш қолди дегунча дафтарларимни варақларди, ё бўлмаса мен билан шахмат ўйнарди, тўғриси, ўргатарди.

Дадам ўлгандан кейин уйимиз ҳувиллаб, жуда зерикарли бўлиб қолган. Бувим, айниқса ойим бизга анча вақтгача кулиб қарамади. Ортиқча гапимиз, Попукнинг эркаликлари ҳам уларга ёқмасди. Мен буни тушунардим-ку, Попук тушунмасди. Шовқин-сурон, хархаша қилиб, ойимдан гап эшитиб оларди.

Султон амаки келиб юргандан бери, худди уйимиз тўлгандай бўлди. Ҳаммасидан унинг ўзи ҳақидаги ҳикоялари қизиқтиради мени. Мен уни гапга солиш учун:

— Нега мунақа қорайиб кетгансиз, Султон амаки?— дейман.

— Чунки, жўжалар, бутун умрим дашту саҳрода ўтган,— дейди.

— Нима, туғилганингиздан берими?— дейман гапни улаш учун.

— Ҳа,— дейди у.— Ойим мени далада туққан. Далада ўсганман. Кейин шаҳарда ўқиганман. Уқишни битириб, яна саҳрога кетганман. Йўллар, кўприklar қурганман. Чўлларга сув чиқарганман. Бир шоир айтгандай, «Этик билан сув кечиб, сувлиқ билан сув ичганман»...

Айтаверса адо бўлмайди. Ҳар гапида мен: «Қандай қилиб?» деган саволни беравераман. У қандай бўлганлигини тушунтирмақчи бўлади-ю, бари бир тушунолмайман.

— То ўз кўзинг билан кўрмагунча тушунмайсан,— деб қўяди у.

Мен унинг ҳикоясини эшитсам зерикмайман-у, Попук дарров эснайди.

— Амати, амати, ўйнагим қиставотти!— деб гиншиб қолади.

Кейин Султон амаки: «Жўжалар зерикмасин», деб бирон ўйин ўйлаб чиқаради. Мендан бўр олади-да, ерга катак чиза-

ди. Кўзни бекитиб шу катакни босмасдан юришни ўргатади. Ё бўлмаса, ўрик шохига тик туриб учадиган тахта арғимчоқ солиб беради. Попукдан кутулганидан кейин, менга навбат келади: велосипедчанинг қайишиб-майишиб кетган симларини тўғрилашга тушади, ўзи совға қилган «Зорька» фотоаппаратида сурат олишни ўргатади. Мен қуш учун чиройли уя ясашни ҳам Султон амакидан ўрганиб олганман.

Султон амаки келганда бувимнинг жони киради. Бир-икки соатга бўлса ҳам биздан қутулади-да. Бувим хурсанд бўлганидан уни яхши овқат билан меҳмон қилади. Султон амакининг ўзи тортинчоқ одам, овқатни кўп емайди. Айниқса ойим уйда бўлса тортинади, тезроқ жўнаб қолишга ҳаракат қилади. Кетаётганида бувим илтимос қилади:

— Султон болам, ўзингнинг уйинг, ийманмасдан тез-тез келиб тургин, болаларни соғинтириб қўймагин. Хўпми, болам?

— Хўп, онажон. Сизлардан бошқа кимим ҳам бор бу ерда? Сизни кўрсам, онамни кўргандай бўламан,— дейди Султон амаки.

— Иннайкейин дўхтирларнинг ҳам айтганини қилгин, гипиртон ёмон касал дейишади,— деб тайинлаб қолади бувим.

Султон амакининг бош оғриқ касали бор. Унинг ота-онаси ўлиб кетган. Ҳеч кими, уй-жойи ҳам йўқ. Бу шаҳарга касалини боқизгани келиб қолган. Докторлар унга «шаҳарда қолинг», деб маслаҳат беришаётганмиш. Қоладими-йўқми, ким билади. Бувимнинг гапларидан қоладиганга ҳам ўхшайди. Бугун аниқ билдимки, бувим Султон амакини бир илож топиб бизникига олиб келмоқчи. Қелгани-ку яхши, биз у билан зерик-маймиз ҳеч. Лекин бутунлай, бизга дада қилиб олиб келмоқчимиш. Шуниси ойимга ўхшаб менга ҳам тўғри келмади. Фашим келиб, бувимдан жаҳлим чиқди. Мунча ахир қистайвермаса, қистаб чақиравермаса! Бунинг устига ойимга Султон амакини мақтагани-мақтаган.

— Ҳа, яхши одамнинг садағаси кетсанг арзийди. Менга қариганимда суйанчиқ керак,— деб бувим кўз ёши қилади, кенг енгига кўз ёшларини артиб, қўшиб қўяди.— Болаларга бўлса ота керак. Мени онам десанг, хўп дея қол, қизгинам...

Ойим нима деркин, деб юрагим пўкиллаб турувди. Яхшики, ойим хўп демади. Хўп деганда ундан ҳам хафа бўлиб кетардим. Лекин бувим қисташини қўймади. Эртасига ҳам қистади. Индинига ҳам қистади.

Ойим бечора энди ялинишга ўтди:

— Ўйлаб кўрсангиз-чи, ойижон. Ахир Собиржонингизнинг

тупроғи совумасдан, хотираси ўчмасдан шу ишга қандоқ кўнглимиз бўлади-я!..

Бувим яна ўз сўзини қайтарди.

— Султон ўзи кўп одамшаванда йигит-да. Уни кўрсам, Собиржон ўғлимни кўргандай бўламан. Менга раҳм қилгин, қизим,— деб охири ув тортиб йиғлади. Шундан сўнг ойим:

— Болалар нима дейишаркин?— деб қолди.

— Болаларми?— деди бувим енгил нафас олиб.— Уларни кўндиришга мен кафил. Худога шукур, болажонларим қобил. Муомилага юради.

Бувимнинг мақтагани-ку менга ёқди-я, «уларни кўндираман, кўнади» дегани ёқмади. Попук-ку тентак, ҳеч балонинг фарқига бормади, унга ўйин бўлса бас. Мен-чи? Нега мени унга тенг қилади, мёндан сўрамасдан ваъда беради? Ё энди сўрармикин? Борди-ю, сўраб қолса-чи? Унда нима дейман? «Майли», деёлармидим? «Йўқ, бўлмади», деб айтсам-чи? Бувим хафа бўлмасмикин?

Уйлаб қолдим. Қулоғимга уларнинг гап-сўзлари ортиқ кирмай қўйди. Уйлайверганимдан, охири миям ари инндай ғувиллаб кетди...

Кейин, эшиқдан энгашиб Султон амаки кираётгандай, қулоғимда унинг йўғон, хушчақчақ овози янграгандай бўлди: «Пўшт, Стёпа амаки келяпти!»

---

#### 4. НОРОЗИЛИК

**У**йимизга Султон амаки брезент жилдлик чамадонини кўтариб келганига бир ойча бўлди. Шунча турса ҳам, унга кўникиб кетолмаяпман. Қайтага илгари, келиб-кетиб юрганида менга яқин кўринарди. Уйимизда тура бергани сари, кўзимга бегонароқ кўрина бошлади.

Попук тентакка-ку билинмади. Бувим, «ада» дегин деб ўргатган эди, дарров «ада»лайдиган бўлди. «Ада, ўйнагим қис-тавотти; ада, учадиган копток қилиб бейинг, (шар олиб беринг демоқчи), қонним очиб тетвотти, маяжни обейинг...»

Султон амаки унинг хархашаларига эринмасдан қулоқ солади. Қап-катта киши майда-чуйда ўйинларга ҳам аралаша-веради: арғимчоқ учиради, қамишдан кўзанак ясаб, энди қиндан чиқаётган довучча узиб беради, елкасига кўтариб, ҳовли айлантиради. Дадам мени худди шундай қилиб кўтариб юрарди. Булари ҳам майли-я, айвонда тўрт оёқлаб Попукни

устига миндиргани ортиқча. Попук хўп маза қилиб қиқиллайди-ю, менинг ёмон ғашим келади: чақиршса ҳам олдиларига бормайман, ўзимни четга оламан. Кўпроқ вақтимни дарсга бераман. Бир ёқдан ўқув йили тугаяпти, иккинчи ёқдан янги одамга кимлигимни кўрсатиб қўйишим ҳам керак-да.

Дарс тайёрлаб ўтирганимда, Султон амаки тепамга келиб:

— Аҳвол қалай, ўртоқ ўқувчи?— деб қўяди.

Бирон масалани ечолмай хуноб бўлиб турган бўлсам ҳам:

— Раҳмат, яхши,— дейман.

Лекин Султон амаки (худди дадамга ўхшаб) алданмайди. Муғамбирлик билан афтимга тикилиб туради-да, қийналаётганимни пайқагандай:

— Чиқаришиб юборайми?— дейди.

Ичимда жон дейман-у, сир бой бермайман.

— Раҳмат. Бировга ишлатиш тўғри келмайди.

— Ҳа, ҳа,— дейди у бароқ қошларини чимириб, кўзлари чақнаб.— Бу гапинг жойида! Ўқитувчингга балли!

«Нега ўзим қолиб, ўқитувчимга балли деяпсиз?» дегандай тикилсам, у:

— Тўғри тарбия берибди,— деб қўшиб қўяди.

Кўп ўтмасдан, у чапак чалади. Бу — таннафусга звонок эди.

Яқинда у, фанердан теннис столча қурган эди. Стол ёнига бориб қўлига ракета тутиб, мени кутади. Ичимда жон деб турган бўлсам ҳам:

— Ҳали дарсим чала,— деб қўяман.

— Яхши ўқувчи иш билан дам олишни қўша билади. Ўқитувчинлар бу ёғини ўргатмаганми? Қани, бўла қол, қўлим қичишиб турибди. Чемпионликни бир кўрсатиб қўяй кечаги-дақ,— деб кулади кечаги ўйинда ютмаган бўлса ҳам.

— Бўлмаса сиз ҳам чап қўлда ўйнайсиз,— деб ҳазилга ҳазил билан жавоб қайтараман-да, ўйинга тушиб кетамиз.

Роса терлагунча ўйнаймиз. Ҳар гал шарча шақирлаганда, менга ўхшаб у ҳам севишиб сакраб тушади, танглайини такиллатиб қўяди. Попук бўлса ерга юмалаган шарни тутаман деб, атрофимизда гилдирайди.

Мен чала қолган дарсимни унутиб юбораман. Теннисдан бўшаганимдан кейин фотога унаб кетаман.

Энди Попук билан икковимиз уйдаги ўйинларга алақсиб, кўчага ҳам кўп чиқмасдик. Чиқсак ҳам Султон амаки билан чиқардик. Секин-секин унга ўргана бошлагандик. Ойим ҳам

энди у билан илгаригига қараганда очилиброқ гаплашар, бош оғриғи тутса куйиб-пишиб қарарди.

Султон амакининг серҳафсалалиги ҳаммамизни ҳайрон қолдирарди. Кўпинча уй юмушларига ҳам араллашиб кетарди. Ҳали қарасангиз, болтада ўтин ёриб, тешада кўмир чақиб тандир тагига тахлаяпти, ҳали плитаними, кир ювиш машинасиними тузатаяпти, ҳали ер чопиб гулхона учун юлдуз шаклида жой тайёрляяпти. Борингки, бу одам эшик олдини супуришу, бувим кир юганда сув иситиб беришгача аралашаверади. Кейинги кунларда Попукни боғчага обориб опкелиш ҳам унга қолди.

Дам олиш кунлари бўлса бувимни ҳам, оймни ҳам аралаштирмасдан, якка ўзи «паловхон тўра яшаш»га киришади. Шунда ойм билан бувим кулишиб:

— Эркак киши хотинларнинг қозоқ-товоғига аралашавермайди, уят бўлади,— дейишса, Султон амаки:

— Биз ўрганиб кетганмиз. Саҳрода яшаган одам бировнинг кучидан фойдаланишни билмайди. Бутун тирикчилигига ўзи қарайди,— дейди.

Билиб турибман, бувим дастёрдан ёлчиб қолганига хурсанд, шундоқ бўлса ҳам:

— Қўя қол, болам. Гўдаклар билан ўралашганинг ҳам етар. Бирпас чўзилиб дамингни олгин,— деб ғамхўрлик қилди.

Ойм ҳам бувимнинг гапини қувватлаб:

— Кўп уринмай қўя қолинг. Бош оғригингиз зўрайиб кетмасин тагин,— деб қўяди.

— Қасалим хийли тузук, она. Бўш вақтимда қарашиб турай. Ҳали замон ишга жўнайман,— дейди Султон амаки.

— А, қаёққа тагин?— дейди бувим капалаги учиб.

Султон амаки киши билмас илжаяди-да:

— Маслаҳатлашамиз,— дейди дудмолгина.

Бувим билан мен ажабланиб қараб қоламиз. Лекин ойм бу гапга негадир парво қилмайди. Буни олдинроқ эшитиб юрганми дейман-да. Эшитиб юрган экан. Кечаси пайқаб қолдим. Урнимга ётганимдан кейин, Султон амаки билан ойм уйга кириб, алланимани маслаҳатлаша бошлашди. Султон амаки олдинига юмшоқ гапирди, бир нималар деб ялинди. Сал ўтиб жеркигандай бўлди. (Шунча вақтдан бери бунақа жеркиганини биринчи эшитишим). Йўғон овоз дўриллаб чиқди:



— Камида бир йилга сўз бериб қўйдим. Сўз олтиндан қиммат-ку ахир!..

— Астароқ. Ойим эшитсалар, диллари оғрийди. Болалар ҳам билишмасин,— деб илтимос қилди ойим.

Яқиндан бери мендан гап бекитадиган бўлган ойим. Бунинг қизиқ сабаби бор: бир куни қўшнимиз кетмон сўраб чиқди. Ойим: «Кетмоннинг дастаси синиб ётибди», деди. Тўғри, бир вақт синган эди-ю, лекин Султон амаки дарров янги даста солиб қўйган эди. Ойим бундан беҳабар экан, деб ўйладим. «Йўқ, ойи, кетмоннинг дастаси бутун», дедим-да югуриб ўтин-хонадан олиб чиқиб бердим. Қўшни севиниб олиб кетди-ю, мен балога қолдим. «Нега одамни изза қиласан, маҳмадона!— деб уришиб берди ойим.— Иккинчи катталарнинг сўзига аралашма, калтак ейсан!»

Ҳозир Султон амакига «секинроқ сўзланг» деди-ю, ўзи қаттиқ-қаттиқ гапира бошлади. Қулоқ солмай деганим билан, қулоғимга гаплари бемалол эшитилиб турса нима қилай?

Ана ойимнинг овози:

— Нега ўйламай-нетмай сўз берасиз? Инженерсиз, шаҳардаги заводга кирсангиз бўлмайдими? Чўли биёбонда қандай турасиз, докторлар узоққа бормагин деган? Яна у ёқда касалингиз зўрайиб кетса, нима бўлади? Жонингизда қасдингиз борми?

Султон амаки жавоб қайтаряпти:

— Қизиқ гапирасиз-а. Чўлга кетаётган шунча одамнинг жонида қасди бор эканми?

Ойим қизиқ-а: нега ҳадеб гапини қайтараверади.

Анча жим туришгандан сўнг ойимнинг овози чиқди:

— Майли, билганингизни қилинг...

Буни розилик билан айтдими, зарда билан айтдими, пайқай олмадим. Султон амаки илтимосга ўтди:

— Бирга борсак-чи?

— Нималар деяпсиз?— деди ойим.— Менга зарур келибдими? Қиндик қоним тўкилган жойдан кечиб-а? Иннайкейин, болалар нима бўлади?

— Олиб кетамиз,— деди Султон амаки.

— А-а, ўйлаб гапиряпсизми?

Мен бу ёқдан: «Жон ойи, қаттиқ гапирманг. Тагин амакимнинг жаҳли қистаб «бўлмаса ўзим кетдим», деб қолса, унда нима бўлади. Ҳаммамизни ташлаб кетса-я!» дегим келди.

Ойим ҳайтовур қаттиқ гапирмади-ю, ялингандай деди:

— Ўзингизга ачинмасангиз, болаларга ачининг. Шундоқ

иссиқ уйим қолиб, гўдакларни чўлда сарсон қилармишман-а? Бунақа хом хаёлларни қўйинг. Ўзингиз ҳам бормаганингиз яхши.

Султон амаки яна бўш келмади:

— Ваҳма қилаверманг. Чўлнинг ҳам ўзига яраша гашти бор. Борганда биласиз. Бўлмаса ҳозир Попукни олиб кетайлик-да, Дамирни ўқиши тугагандан сўнг чақириб олайлик. Маъқулми?

Бу ҳам ойимга маъқул бўлмади. Яна қистайвергандан сўнг, ойим бу ердаги ишни ташлаб кетолмаслигини айтди.

Султон амаки:

— У ерда ҳам сизга лойиқ иш топилади,— деб кўрган эди, ойим очигига кўчди:

— Болалар бувисига ўрганган. Мен эплай олмайман буларни. Бир-биридан баттар шўх, қайсар. Қийнаб юборишади одамни. Бутунлай бувисига ташлаб кетишимиз ҳам инсофданмас.

«Ҳей, ойижон. Амакига нега ёмонлайсиз бизни? Попукка мени тенг қиласизми? Мен ўзимни ўзим эвлотмас эканманми? Қўлим ҳам тузалиб қолар! Агар биз учунгина қоламан деяётган бўлсангиз, бемалол бораверинг! Биз бувим билан ўтираверамиз!» деворгим келди менинг. Лекин «гапимизни эшитиб ётганмидинг, маҳмадона!» деб уришмасин, дедим.

Султон амаки бир нималар деб гудиллади. Кейин жим бўлиб қолишди. Менинг ҳам кўзим илиниб, уйқуга кетибман.

## 5. «КЕНГАШЛИ ТҒЙ ТАРҚАМАС»

**Н**онуштага ҳамма ўтирди-ю, ойим ўтирмади. Ҳар кун-гидек узоқ соч тараш, кўйлак дазмоллаш бугун эсига ҳам келмади. Бир пиёла чой ҳам ичмасдан ишга жўнади. Нега ундоқ қилди, а? Шошганиданми, ё бир нарсага зарда қилганиданми?

Бувим унинг кетидан:

— Ҳой, болам, оч-наҳор қаёққа кетяпсан?— деганича ачиниб қолди.

Кунига биз билан чақчақлашиб чой ичадиган Султон амаки бўлса индамай ўтирибди. Чаккаси тиришиб, кўзи қизариб кетибди. Нима бўлди? Бош оғриғи тутиб, ухламай чиқдимикан? Сўрай десам, тилим бормади. Негадир бирдан иштаҳам бўғилди. Бувим пишириб келган қўймоқнинг ярим тарелкачасини зўрға едим-да, туриб кетдим.

Султон амаки соатига қаради.

— Юр, Попук, вақтинг бўлиб қолибди,— деб, уни боғчасига етаклаб кетди.

Бошқа кунлари Попукни боғчасига қўйгандан сўнг, тўғри уйга қайтарди. Бугун шу кетганча аллақаяёқларда юриб, кеч-қурун Попукни кўтариб кириб келди.

Мен мактабдан аллақачон келиб, нима қилишимни билмай ўтирувдим. Султон амаки келса, бир теннис ўйнайлик деган эдим. У чарчаб келган эканми, тўғри менинг каравотимга бориб чўзилди. Мен ҳеч нарса деёлмадим. Кейин фотоаппаратимни олиб, кўчага чиқиб кетдим.

Бугун уйимизда сув қўйгандай жимжитлик бўлди. Эртасига ойим билан Султон амаки ўртасида тағин ғиди-биди қўзғалди. Бу гал ойим бувимни баҳона қилди.

— Ойимларга гапингизни айтган эдим, диллари оғриди: «Султонбойдан умидим шумиди! Уғлим ўрнида ўғлим дегандим! Наҳотки, юзимга оёқ қўйиб кетса!» дедилар...

Султон амакининг дами ичига тушди. У индамай аллақаяёққа чиқиб кетганда, ойим мени олдига чақириб:

— Утир, маслаҳат бор,— деди.

Кўрқа-писа ўтирдим, афтига бақрайдим: ойим ҳеч қачон мен билан ҳеч нарсани маслаҳат қилмасди-ку? Қайтага ҳамма нарсани мендан бекитарди, бирон иши бўлса, ўзи ўйлаб олгандан кейингина менга айтарди, тўғриси, фақат буюрарди. Ҳозир менда бирдан фахрланиш пайдо бўлди. Томоғим қичимаса ҳам, қириб қўйдим. Зўракилик билан афтимни жиддий тутишга тиришдим. Ойим менга эътибор қилмади ва овози қалтираб кетди:

— Бизни ташлаб кетмоқчи аданг...

Худди электр токи ургандай, миямда бир нима шанғиллаб кетди. «Аданг!» Туғилганимдан бошлаб қулоғимга ўрнашган сўз. Бу сўзни ўзим ҳам, ойим ҳам ишлатмай қўйганимизга икки йилча бўлган эди. Ҳозир қулоғимга ғалати кирди. «Ташлаб кетмоқчи!» Буниси яна ғалати роқ. Тунов кунни ўз қулоғим билан эшитиб олган гаплар орасида бунақаси йўқ эди, шекилли. Ана, бордию, шундоқ деган бўлсин. Унда нима бўпти? Ойимнинг ўзи ўша кунни, «Билганингизни қилинг», демаганмиди? Нега бугун ваҳима қиляпти? Бундан чиқди, Султон амакининг бутунлай кетиб қолишига ойим розимас, ҳа, розимас!

Мен таваккал қилиб айтиб юбордим:

— Чўлга олиб кетаман, десалар. ўзингиз кўнмадингиз-ку?

— Ҳа, муғамбир!— деди ойим бармоғини ўқталиб,— буни

ҳам эшитиб олувдингми? Катталарнинг гапига қулоқ солмагин, деб айтмабмидим?

Балога қолдим. Секин қўзғалмоқчи бўлган эдим, ойим:

— Утир, ҳали маслаҳат битгани йўқ!— деб қўлимдан тортиди. Энди яраси битиб келаётган қўлим санчиб кетди. Афтимни буриштириб олувдим, ойим аччиғидан тушди.— Ақлингни йиғ, ўғлим. Гапимга диққат билан қулоқ сол. Агар бордию, аданг чўлдан гап очиб, «Ҳаммангни олиб кетаман» деса, сен нима дейсан?

Нима дейман-а? «Йўқ, бормаймиз» десам, у хафа бўлади. Албатта хафа бўлади. Аслида-ку ўша ёққа кўнглим чопиб турибди-я. Ўша, Султон амакилар ишлайдиган сахрони, Султон амаки бажарадиган ҳунарни бир кўриб қўйсам ёмон бўлмасди-я. Лекин, «Майли, борамиз», дейишга ойимдан ҳайиқаман-да. Ақлим ишламай қолди. Елкамни қисиб, бақрайиб тураверганимдан сўнг, ойимнинг ўзи ўргатди:

— Бўлмаса у қулоғингу бу қулоғинг билан эшитиб ол: «Чўлингизга бормаймиз», деб туриб олсан. «Ўзингизни ҳам юбормаймиз» деб этагига ёпишасан. Попукка ҳам шундоқ деб ўргатасан. Икковинг оёқ тираб туриб олсанглар, шахтидан қайтар. Тушундингми, ўғлим?

Тушунганим билан бу осон ишми? Мен артистманмики, биров ўргатганини худди ўшандоқ қилиб бажарсам? Ойимга миқ этмай, қараб турибман. Жавоб кутяпти у. То «хўп», демагунимча қутулмайдиганга ўхшайман. Қулоғимни чўзиб бўлса ҳам «хўп» дедиради. Бу ташвишдан қулоқни чўздирмай қутула қолай дедим-да, «хўп» девордим. Ойим азбаройи хурсанд бўлганидан:

— Баракалла, ўғлим!— деб елкамга қоқиб қўйди.

Неча кунгача ойимнинг ўргатганларини ичимда такрорлаб юрдим. «Чўлингизга бормайман!» Ўзи икки оғиз сўз-у, шуни овоз чиқариб айтмоқчи бўлсам, ҳеч тилим айланмайди. Султон амакининг ўзи ҳам бу тўғрида менга гап очмасди. Балки у кетиш фикридан қайтгандир? Докторлар: «Сенга чўл ҳавоси тўғри келмайди» деб қолдирганмикин? Докторларга маслаҳат солиб ўтирармиди у? Айтганидан қайтмайдиган кишига ўхшайди.

Уйлаганимча бўлди. Бугун у жуда эрта турди. Ҳар кунни киядиган оппоқ кийимларини қалинроқ одми кийимларга алмаштирди. Уйдан брезент жилдлик чамадонини олиб чиқди. Ойим билан озгина, бувим билан узоқроқ гаплашди. Попукни

осмонга кўтариб, пешанасидан икки марта, меникидан бир марта ўлди. Кейин хайрлашди. Попук:

— Менам бояман, менам,— деб эргашган эди, Султон амаки:

— Борасан, борасан. Кейин олиб кетаман,— деди.

— Маяжни-чи, маяжни обеясизми?

— Морожний ҳам обераман,— деб кулди-да, қўл силкитганича чиқиб кетди...

...Бир ҳафта деганда хат келди. Султон амаки чўлга эсон-омон бориб, ишга тушганини ёзибди. Лекин қаерда, қанақа ишлигини аниқ кўрсатмабди. Қисқа қилиб: «Енар дарё қуряпмиз», дебди-қўйибди. «Енар дарё»си нима экан, деб биз ҳайрон бўламиз. Мунча қисқа ёзмаса-я! Вақти бўлмагандир-да. Янаги хатида аниқроқ ёзар, деб кутган эдим, ёзмади. Анча кун ўтди. У кетган вақтда эрта пишар ўригимиз довуччаси киндан чиққан эди. Ҳозир данак қотирди. Токимиз куртак ёзаётган эди, бугун ток оши едик. Бувим ош еб туриб, эслади:

«Эссизгина, Султонбой ўғлим паловхон тўрани яхши кўрарди. Бўлганда, ток ошини мақтаб-мақтаб ерди-да». Кунига овқат маҳалида шунақа эслайди: «Тирикчилиги қандай кечаётган экан-а боламнинг. Қаровсиз қийналиб қолаётгандир». Бувим уҳ тортади-да, оймдан сўрайди:

— Ҳой, Анорхон, хат келдими? Нега узоқлаб кетди-я? Узинг жавоб ёздингми?.. Ҳали ҳам-а? Ҳафсалангга балли-е. Нақ шўрликнинг кўзи тўрт бўлиб жавобингни кутаётгандир!

Шундан сўнг тушунаман: Султон амаки ўша хатида, «уй-ничи, болалар тўғрисида хат кутаман», деган эди. Ойим жавоб ёзмабди. Шунини кутиб Султон амаки бошқа ёзолмагандир. Ё иши кўпайиб, қўли тегмай қолдимикан? Тўрт оғиз хат ёзишга ҳам қўли тегмас эканми. Ё бизни эсламай қўйдимикан, а? Йўғ-е. Нималар деганди хайрлашаётганида? «Борасизлар, кейин олиб кетаман», демаганмиди?

Шу ваъда эсимга тушиб туради. Ҳар эсимга тушганда, юрагим орқамга тортиб кетади. Очиги, кўргим келади. Унинг қизиқ-қизиқ ўйинлари кўз олдидан кетмайди. Мен-ку соғинганимни ҳеч кимга билдирмайман-а, аммо Попукнинг хархашаси ўтиб тушади. Эрталаб ўрнидан тура солиб:

— Адамга қачон боямиз?— деб ғиншийди.

Унга сари бувим уҳ тортади.

— Шунақа қилиб кечаю кундуз ташвишда яшагандан кўра, бора қолсанг бўлмасмикан-а, қизим? Хоҳла болаларни олиб кет, хоҳла менга қолдир,— дейди оймга.

— Бўлмайди-да,— деб ойим, нима учун бўлмаслигини очиқ айтди.— Болаларни ташлаб кетсам, сизга жавр бўлади. Олиб кетсам, энка-тинкамни қуритади.

Ана, келиб-келиб айб яна бизга тушяпти. Нима қилиш керак? Ойимнинг боргиси келаётган бўлса-ю, биз йўлини тўсамизми? Узимнинг ҳозир боришга кўзим етмаса ҳам:

— Ойижон, биздан хавфсирамай қўя қолинг,— дедим.— Айтганингизни қиламиз, сизни қийнамаймиз.

Ойим кўнмади. Менинг айтганимга кўниб бўпти! Шундан кейин бувим гап бошлади:

— Болаларни менга ишониб кетавер бўлмаса, қизим. Бинойидай олиб ўтираман. Вақтида хат-хабар юбориб турсанг бўлди. Ёз чиқса бир гап бўлар. Султонни ёлғиз қўйма, жонгинам. Хўп де сўзимга. Кенгашли тўй тарқамас, дейдилар.

Менга бу маслаҳат ёқди. Ойим бораверсин. Биз ҳозир эмас, ёзда борсак, ўйнаб келамиз. Хурсанд бўлганимдан Попукка:

— Роса ақлли-да акангни бувиси, а?— деб юборибман. Кошки Попук тушунса бу гапларга. Ўз ўйини билан овора у: Лайкага галстугимни «жилов» солибди-да, чув-чув деб миниб юрибди.

— Тентак-е, Султон амакининг «от-отакам» ўйини хумор қилибди-да.

Дарров галстукни ечиб, Лайкани сиртмоқдан озод қилдим. Сал бўлмаса Попук у бечоранинг бел-мелини синдириб қўярди-я!

Бувим ҳали ҳам ойимдан жавсб кутарди. Ойим ўйлаб-ўйлаб олгандан сўнг, менга эшиттириб гапирди:

— Дамирингиз бешинчини эсон-омон битириб олсин-чи, кейин кўрамиз...

Буни эшитдим-у, биров тарсаки ургандай, чўчиб тушдим.

— Ҳа, ойижон, бешинчини битирмайди деб қўрқяпсизми ҳали?

— Қўрқаётганим йўқ, ўғлим. Лекин битиришдаям битириш бор-да.

Ҳа, тузук, битириб олишимга кўзи етмаяпти. Султон амакининг олдига кетолмаётганига сабаб бир чекаси шумикин? Ҳамма гап менга, менинг ўқишимга боғлиқмикин? Наҳотки Султон амаки билан ойимнинг хафалашиб қолишларига мен сабаб бўлсам?.. Йўқ, йўқ, бундай бўлиши мумкинмас, ҳеч мумкинмас!

**Х**ар нима бўлсаям ҳаракатингни қилавер, Дамир-жон. Бешинчини битиргандаям «аъло» билан битиришга интил!

Тўғриси, бу айтишга осон. Ахир, бешинчида қанақа дарслар бор ўзи? Эҳе, битта арифметикани олинг. Қанча масала, қанча қоида. Қўшиш, айириш, бўлиш, кўпайтиришларни-ку билиб олдим. Агар мендан: «Бугун неча қадам йўл босдинг?» деб сўрасангиз, ўйламасданоқ айтиб бероламан: мактабга тор кўчамизнинг ўнг тарафидан чиқиб бордим — масофа 350 қадам (бир марта санаб кўрганман). Қайтишда бўлса ўртоқларим билан чиллак ўйнаганча, гузардан морожний олиб, чап тарафдан келдим. Бу ёғи ўнг тарафдаги масофага икки барабар келади. Ҳаммаси бўлиб бугун неча қадам босганимни билиш учун 350 ни иккига кўпайтириш, чиққан сонга 350 ни қўшиш керак, холос. Ҳа, айтмоқчи, неча морожний олдинг-у, неча пул тўладинг, деб ҳам сўрасиз. 30 тийин тўлаб, иккита морожний олдим. 30 тийинни иккига бўлсак 15 тийин. Энди бу пулни қаердан олдинг, десангиз, бу ёғини ҳам айта қолай. Кунига сут-қатиқми, мевами олиб келиш учун бувим мени бозорга чиқаради. Бозоргача бўлган йўл автобусда икки остоновка. Харажат пулига ойим ўн тийин қўшиб беради. Пиёда бориб келаман-да, бу пулни йиғаман. Уч кунда қарабсизки, ўтгиз тийин — ўзим билан Попукка морожний тайёр. Ана, пул ҳисобию, йўл ҳисоби десангиз, ҳаммасини билиб олдим, бўлди-да. Йўқ, бўлмас эмиш. Яна эринмаганлар «каср» деган нарсани ўйлаб топишибди. Бутун сонларнинг бўлаклари ёки улушлари эмиш бу: ярим, учдан бир, чорак, бешдан бир, ўндан бир... Куним шуларга қолдимиз? Нима қиламан-а бунақа майда-чуйда ҳисобларни: мактабимизда доим кўзойнак тақиб чўт солиб ўтирадиган кишига ўхшаб бухгалтер бўлармидим.

Ишқилиб, хоҳласанг-хоҳламасанг бир-биридан баттар қийин топшириқларни юклайверишади.

Бу чалкаш масалаларни қанақа одам ўйлаб чиқарган экан, мияси айниб қолмаганига ҳайронман. Биров ўйлаб чиқарадиган, сен бош қотирадиган. Бош қотира-қотира «4» баҳо олсанг, бу каммиш. Кейинги вақтда кунига икки маҳал дарс тайёрлаш ҳам озлик қилиб, кечалариям ўтирадиган бўлдим. Кўчага чиқиб футбол ўйнаш-у, ўртоғинг билан теннисда мусобақалашинг, суратчилик қилишга вақт қани. Бунинг усти-

га масалани ечолмай қолганинда йўл кўрсатиб юборадиган одам йўқ. Султон амаки эсимга тушиб кетади. Унинг жилмайиб қарашлари, «аҳвол қалай, ўртоқ ўқувчи?» деб дарсларимни суриштириши, бўш вақтида болалардай қизиқиб теннисда мен билан олишишлари... Ҳа, «Жўжалар», деб ҳазиллашишлари-чи? Олдиниға бу ҳазили менга унча ёқмаганиди, бора-бора Попук қатори менга ҳам ўрганиш бўлиб кетганди. Ҳаммадан ҳам, бир куни мен ҳовузча бўйидаги каравотда ўзимни уйқуга солиб ётганимда оёқ учида олдимга келиб ўтиргани, пашша таламасин деб устимга секингина оқ чойшабни ёпиб қўйгани-чи! Шуларни эсласам, Султон амакини ҳозироқ кўргим келиб кетади. Жуда қадрли ўтади. Бир келиб кета қолса бўлмасмиди, дейман. Менинг дарсимга ёрдам бермаса ҳам, Попукни ўйнатмаса ҳам, ўзи бир кўриниб кетса бўлгани эди. Борди-ю ҳозир келиб кетиши қийин бўлса, қисқагина хат ёзиб бувим билан ойимни тинчитиб турса бўлгани эди. Эсидан чиқардим, ё биздан кечиб юбордимми-а? Уз хаёлимдан чўчиб тушаман. Худди яқиндагина топиб олган қимматли нарсамни яна йўқотиб қўйгандай бўламан. Хат келиб қолар деб ўзимни тинчитаман. Бувим бўлса, уззукун хат кутади-да, кечга бориб ух тортиб қолади.

— У ёзмаганга яраша сенлар ёзсанг-чи, болажонларим! — деб зорланади.

Ойим чурқ этмайди. Афтидан ёзмайдиганга ўхшайди. Ўзим ёзсам-чи? Унғ қўлим ишнинг белига тепиб турибди-да. Тўғри, энди уни оз-оз ишлатяпман-у, аммо тузукроқ хат ёзишга ярамайди. Чап қўл ундан баттар. Шунча ишлатиб кўрганим билан ўрганмади, ҳафсалам пир бўлди. Бир амаллаб хат ёзишга-ку ярар. Эгри-бугри, чатоқ чиқса Султон амаки сабабини тушунади. Лекин ён-веридида бирор одам: «Қани, ўғлингиз қанақа хат ёзибди», деб қолса-чи. «Ия, ўғлим аёлочи дердингиз, хати шуми ҳали!» деб уялтириб қўймасмикин?..

Эртасидан хат ҳам, бошқа нарса ҳам эсга келмай қўйди. Чунки бувим касал бўлиб қолди. (Ух тортаверганидан хавотирим бор эди). Ҳадеб чап биқинини ушлайди. Ойим борида унча билдирмайди-ю, ойим кетганда диванга ёнбошлайди.

— Нима қилди, буви? — деб сўрасам, у:

— Ҳеч нарса, болам. Сал чарчабман, — деб қўяди.

Бир вақт келиб қарасам, бувим диванда чўзилиб ётибди. Ранги кетган, пешанаси терлаган, қўллари қалтирайди. Оғир-оғир нафас олади. Қулоғига секин:

— Нима қилди, буви? — дейман.



Гапиришга ҳоли келмай, бошини сарак-сарак қилади. «Ҳеч нарса», деб мени тинчитмоқчи бўлади. Мен қаттиқ қўриқиб, нима қилишимни билмай қолдим... Эсимга доктор қўшнимиз тушди. Уни қақриб чиқдим. У дарров укол қилди-да:

— Энди уринмасдан тинч ётинг. Сизга парвариш керак,— деб тайинлаб қўйди.

Ойим келиши билан бувим тагин туриб кетди. Қасалидан ҳеч гапирмади. «Гапирсам, қизим ташвиш тортади, қийналади», деб ўйласа керак. Одати қизиқ-а бувимнинг: ўзи қийналсаям, биров қийналмаса бўлгани. Шу ётган жойида ҳам Султон амакининг гамини ейди:

— Қасал қурсин. Ишқилиб, у ёқда Султонбой соғ юрган бўлсин. Бугун ҳам хат келмади-я, Дамиржон?

Энди ўзим хат ёзишим керакка ўхшайди. Бувимнинг касалини билдирай. Шундан сўнг зора жавоб ёзса, ё бир келиб кетса. Қойил фикр!

Буни ўйлашга ўйладим-у, аммо ёзишга қўлим тегавермади. Авваллари ишим кўп деб юрган эканман. Мана энди кўринг: ўқишга бориш, дарс тайёрлаш. Попукни ўйнатиш, уй иши... Ҳа, бувимга қарашмасам бўлмай қолди. Унинг ётганини кўрганимда раҳмим келади-да.

— Буви, чой қўйиб берайми? Ё қатиқ ичкингиз келяптими?— деб сўрайман.

— Йўқ, қўзим. Барака топ. Дарсингга қарай қол,— деб қўяди бувим.

Бувимнинг инқиллаб-синқиллаб картошка артаётганини кўрсам, чапақайлаб бўлса ҳам артишиб юбораман. Лекин пиёз артишга тобим йўқ— кўзингдан ёш оқизиб юборади. Энг ёмон кўрган нарсам — йиғлаш.

Шунақа қилиб, вақт деган нарса етишмай қолди. Мактабга югуриб бораман-у, югуриб келаман. Уйинлар, тўғарақларга ҳафсалам ҳам қолмади. Бу ишим Солиҳга ёқмади.

— Ҳўш, сен нима учун звенодан четлашиб юрибсан?— деб сўрайди.

— Уйда ишим кўпайиб кетди,— десам, у ишонинқирамай:

— Қанақа ишлар экан, очигини айт-чи?— дейди.

— Бувим касал.

— Бувингни касалини сен боқарминдинг? Бошқа сир бордир-а, айт очигини!

Мен буни энг яқин кишимиз — уйга келиб турадиган синф раҳбари Ҳалима опамга ҳам айтолмайман. Неча марта Ҳалима опам: «Дамиржон, аҳволлар қалай?» деб сўраганда ҳам,



Ҳаким Назир набираси Даврон билан.

«аҳвол яхши», деб қўя қолдим. Ҳозир Солиҳ, «очигини айта-сан», деб тиқилинч қилиб туриб олган эди.

— Бор, бор, мен билан ишинг бўлмасин,— деб жеркиб ташладим.

— Нима дединг? Тўхтаб тур ҳали,— деб энгагини қисим-лаб қўйди.

Эртаси звенода менга топшириқ берадиган бўлишди. Нима эмиш, бир боланинг «икки»сини «уч»га чиқаришга ёрдам берармишман. «Вақтим йўқ», дегандим, звено собори чақириб, мени роса гап билан дўппослашди. Фақат ўзимни ўйлаб звенони менсимай қўйганмишман, аълочиман деб гердайиб кетганмишман. Вой, нодонлар-эй, нимамага гердаяман? Тўғри, қишқи каникулга чиққанимда, ҳамма баҳом «беш» эди. Ҳозирчи, ҳаммасимас. Ўзим ҳаммасини «беш» қиламан деб тиришиб ётибман-ку. Иннайкейин, гердайиш нималигини бола бўлиб билган эмасман. Суриштирмай-нетмай айблайверар

эканда. Жаҳлим қистаб, тишларим ғижирлаб кетди. Аммо индолмадим. Солиҳга бир ўқрайдим-у шартта синфдан чиқиб жўнадим. Солиҳ кетимдан югуриб, йўлимни тўсди.

— Нимага берухсат жўнаяпсан? Нима учун менга ўқраясан? Айт очигини!

Қарасам, худди муштлашадигандай кўкрагини кериб турибди. Унинг одати шунақа — боксчимаан деб чиранишни яхши кўради. Худди бокс тушадигандай муштини тугиб, тирсагини чиқариб, семиз гавдасини полвонларча лапанглатиб юради. Гердайган деб уни айтса бўлади. Ҳозир бўш келсам, мени кўкраги билан итариб юборадиган. Агар тегса мен ҳам тушираман деб лунжини кўзлаб турибман. Ўзидан-ўзи чап қўлим мушт бўлиб кетди.

Солиҳ буни кўрди-ю:

— Ия, ҳали шу митти гавданга мен билан муштлашмоқчимисан!— деб елкамга туртди. Мен ҳам туртдим. Бирдан боксга олиб иккала муштини ишга солди. Мен ҳам муштларимни ишга солмоқчи бўлдим. Йўқ, ўнг қўлим ярамади. Оёғидан чалишга ҳаракат қилдим. У фирромлик қилди, мени олдинроқ юмалатиб қўйди. Мактабдан чиққан болалар тепамга келиб:

— Оббо митти-ей! Оббо миттивой-ей? Юрагингни қара! Шу айиқ полвон билан олишиб ўтирибсан-а! Бешинчи синфда донғи чиққан чемпион билан-а!— деб хахолашди.

Қўлим, елкаларим оғригани майли-я, болаларнинг «митти, митти!» деб калака қилишгани алам қилиб кетди. Югуришда кейин қолсам, сим дорга осилолмасам ҳам, шунақа дейишади. Қўлим билан оёғим калтароқ бўлса, нима қилай!

Шу-шу Солиҳ билан юрмайдиган бўлдим. Илгари у бизни кига кириб турарди. Мен унга теннис ўргатмоқчи бўлиб юргандим. Энди у уйимизга кирмай қўйди. Менинг ҳар хил юмушларга ўралашиб зерикаётганимни кўрган бувим:

— Болам, ўртоғингни чақириб ўйнай қолгин,— деди.— Анави дўмбоқ ўртоғинг бор-ку, нега кирмайди?

Солиҳни айтмоқчи. Дўмбоқ бўлмай қурсин.

— Солиҳ билан пом чиқдик, буви. Ярамас, фирром...

— А? Нега? Ул-бул талашдиларингми?— деди бувим хавотир олиб.— Қўй, болам, ўртоғингни ёмонлашга ўрганма. Яхшимас — бировни камситиш. Ўзингни эр билсанг, ўзгани шер бил, деганлар.

Тушунолмадим. Нима. Солиҳни шер демоқчими? Солиҳни кўргим йўқ. Уйимга кирмай қўя қолсин. Бошқа ўртоқларим

етарли. Лекин улар ҳам кам киришяпти. Нега унақа? Улар мендан хафа эмас-ку. Ҳа, уларнинг ҳам иши кўпайиб кетганмикин менга ўхшаб? Уйимизга кам киришгани майлику-я, бир хил ўйинларга мени чақирмай қўйишгани чатоқ бўлди. Дам олиш куни болалар тоққа экскурсия қилмоқчи, деб эшитдим. Солиҳ рўйхат қилибди-ю, мени қўшмабди. Қўшганда ҳам, бари бир, уйдан чиқолармидим? Шундоқ бўлса ҳам Солиҳдан сўрагим келди:

— Нима учун мени ёзмадинг?

— Биз кучли болаларни ёзамиз. Сен тоққа чиқолмайсан,— деди у.

Ҳавасим келганини, алам қилганини билдирмасдан:

— Шу тоғ ҳам гап бўптими!— дедим. Тоғ мактабимиз майдонидаги дарахтлар орасидан офтобда симобдай йилтираб кўринади.— Ушамми? Машинага тушсанг, бирпасда етасан. Қараб туринглар, мен шундоқ жойларга борайки, ҳеч қайси-ларинг тушларингда кўрмагансизлар.

— Қаерга экан, айтавер очигини,— деди Солиҳ менсимандай бўлиб. Билиб турибманки, қизиқяпти.

— Айтиб бўпман!

— Ҳа, бўлди, айтмасанг ҳам биламан. Мирзачўлга бормоқчисан, холам бор деган эдинг. У ер нима бўпти, қип-қизил чўл.

— Қип-қизил чўлмиш. Кўрмаганмисан, гапирма.

— Кўрган бўлсанг, гапир-чи!

Бултур Мирзачўлда кўрганим обод қишлоқлар, мевазорлар эсимга тушиб тилим қичиди-ю, яна айтгим келмади.

— Ана билмайсан, чунки кўрмагансан. Биз тоғ остида қурилаётган денгизни, дарёнинг тоғ тепасидаги бошланиш жойларини томоша қиламиз. Кўрмаган армонда қолади.

— Мен ундан ҳам антиқа жойларни кўриб келайки, оғзиларинг очилиб қолсин.

— Кўрамиз!

У билан ади-бади айтиб ўтиришга вақтим йўқ эди. Бувим эсимга тушиб, уйга чопдим. Келсам, бувим инқиллаб-синқиллаб ҳовли супуряпти. Қўрқиб кетдим. Тағин касали тутиб қолмасин дедим-да:

— Мен супура қолай. Сиз ётинг,— деб супургига қўл узатдим.

Бувим биқинини ушлаб, менга жилмайди.

— Барака топ, кўзим. Бугун, шукур, хийли тузукман. Ҳовли супуриш ўғил болага ярашмайди. Ундан кўра ўтириб адангга хат битгин. Ҳа, шундоқ. «Жуда соғиниб кетдик, адажон. Нима

бўлди сизга? Омон-эсон юрибсизми? Хатингизга интизормиз, адажон», деб битгин.

Ўзим ҳам шу бугун аҳд қилиб қўювдим. Стулга ўтириб, хат ёза бошладим. Чиройли чиқсин деб уринаман: гоҳ чап қўлим билан ёзаман, гоҳ ўнг қўлим билан. Бувим айтган сўзларни ёзиб бўлдим-да, ўйланиб қолдим. Тагин нималар десам экан? Ҳа, «бувим касал бўлиб қолдилар, сизни кўп ўйлаб ташвиш қиляптилар!» дейман. Буни ҳам ёздим. Энди-чи? Ҳа, «она тилидан баҳомни «беш»га чиқаряпман. Езувим тузаяпти, мана кўринг», дейман. Хурсанд бўлади. Ёздим. Ҳаммаси бўлиб ярим бетча бўлди. У ёғини нима билан тўлдираман? Варақ-варақ хат ёзганлар гапни қаёқдан топаркин-а?

Ёнимга бувим келди. Хат ёзганимни билиб, севинди.

— Қани ўқи-чи, чироғим. Нима деб бошладинг? «Адажон» деб бошладингми?

— Ҳа, ҳа, сиз айтганча,— дедим. Ҳақиқатда эса, «Амаки» деб бошлаган эдим. Ҳаммасини ўқиб берганимдан кейин, бувим:

— Йўқ, йўқ,— деди.— Мени касал деган жойингни ўчир. Узоқдаги одамни ташвишга солиш яхшимас. Ўчир ҳозир.

Ўчиришга мажбур бўлдим. Энди хатни бошқатдан, тоза, чиройли қилиб кўчириш керак. Шундай қилаётган эдим, ойим ишдан қайтди. Олдимга келди-да, хатни олиб ўқиди. Ўқиётиб негадир афти тиришиб кетди.

— Дарс тайёрлапсан десам, вақтингни шунга сарф қилиб ўтирибсанми!— деб менга қаттиқ ўқрайди-да, хатни йиртиб ташлади. Бувим билан мен ағрайганча қолдик. Эссизгина, қанча уриниб, биров кўрса кулмайдиган қилиб ёзувдим-а!

— Нега ундоқ қилдинг-а, қизгинам?— деди бувим.

Ойим димоғида бир нималар деди. Қулоғимга «унутган одамга ҳам хатми?» дегандай бўлиб кирди. «Нега ундоқ дейсиз, ойижон?» деб сўрамоқчи бўлдим-у, авзойи бузуқ бўлганидан юрагим бетламади... Сал туриб қарасам, ойимнинг ўзи қилган ишига пушаймон бўлдим, пиқ-пиқ йиғлаяпти...

## 7. МЕНИ КИМ ҚУТҚАРДИ?

Эҳ, ойижон, ойижон! Нега тагин хафа бўлдингиз-а? Наҳотки, шундоқ бўлади деб ўйлаган бўлсам-а? Ахир сизни хурсанд қилмоқчи эдим-ку.

Қим ойисини хурсанд қилгиси келмайди. Жон деб истайди ҳамма. Лекин-чи, истагани билан уддасидан чиқавермас экан.

Ойилар кўп нарсани талаб қилишадими дейман-да. Кучинг етиш-етмаслиги, ҳафсаланг келиш-келмаслиги билан иши йўқ. «Айтганимни қиласан», дейди — тамом. Боринг, ана — кучингиз ҳам, ҳафсалангиз ҳам етсин, аммо вақтингиз бўлмаса-чи? «Вақт ҳар кимнинг ўз қўлида. Гап ундан тўғри фойдаланиш-да», дейди ойим. Тўғри фойдаланиш учун нима қилишинг керак? «Ўзингни тута билишинг, бошқара олишинг керак», эмиш. Қачонки, миянг бир жойда турмаса, ўзингни қандай ушлай оласан? Мия беданамаски, тўр қовоққа қамаб олсанг.

Айниқса эшик қоқиб ёз келди-ю, хаёл тўрт ёққа сочилиб, вақт етишмай қолди. Қийналиб-қийналиб бўлсаям аҳдимни бажаришга бел боғладим.

Ўқишнинг охирги куни ҳам келди. Бугун йиллик баҳомиз эълон қилинади. Ишқилиб ҳамма фандан «Беш» бўлай-да!

Бошқаларни билмайман-ку, мен жар ёқасида тургандайман. Пуф деса қулаб кетадигандай. Йўқ, қулаб кетмадим. Баҳолар эълон қилинганда, бўйим бир қарич ўсгандай бўлди. Йўқ, ундан анча баланд, осмон баравар кўтарилгандай бўлдим. Шу кўтарилганимча қушдай пириллаб уйга учдим.

Ҳовлиққанимдан ҳаллослаб, ўпкам тикилиб қолган экан, бувим жон ҳолатда дивандан туриб кетди:

— Ҳа, ҳа, қўзим! Биров қувдими, айт!

— Жойида! Жойида!— дейман-у, у ёғини айтолмайман.

Оғзимга пиёлада сув тутди. Ича туриб, воқеани айтдим.

— Вий, хайрият, хайрият-эй, қутулибсан!— деб мени бағрига босди бувим.— Ана энди еган-ичганинг ичингга тушиб, бемалол ўйнайдиган бўпсан.

Ойим мендан тезроқ хабар олиш учунми, шанба бўлгани учунми, бугун ишдан эрта қайтди. Унга ҳам ҳовлиқиб айтиб бердим. Севиниб кетар деб турсам, йўқ, оддий хабардай қарши олди.

— Энди борамиз-а ойи?

— Қаерга?

— Чўлга.

— Мен сенга ваъда берибмидим? Жуда боринг келяптими?

— Шунча кутай, шунча овора бўлай-да, тагин сиз...

— Овора бўлган бўлсанг, биров учун овора бўпсанми?

Дамим ичимга тушди.

Нималар бўлаётганидан беҳабар Лайка ўзича суйилиб оёғимга суйкала бошлаган эди, уни тегиб юбордим. У вангиллаганича думини қисиб нари кетди. Попук бўлса:

— Ата, тилла қўнғиз тутиб бейинг! Учйигим қиставотти,— деб хархаша қиларди.

— Бор, бор, ҳамманг ҳам!— дедим-да, кўчага чиқиб кетдим.

Кетимдан бувим:

— Кўзим, йироққа кетма. Машина, ҳаптабусларга яқинлашма. Болаларга қўшилиб, катта сувга тушма,— деб тайинлаб қолди.

Катта кўчага чиқибоқ, автобусга тушдим. Комсомол кўлига кетдим. Каникул бошланган. Боғда болалар кўп. Айниқса, катта кўл қирғоғи қий-чув. Болалар қумда ағанашган, бир-бирларини қувишган, тўп тепишган, балиқлардай биланглашиб сувда сузишган. Мен қараб турармидим! Ечинибоқ ўзимни сувга отдим. Кун иссиқ. Сув муздаккина. Жуда маза. Одам чиққиси келмайди. Сузишни унча билмайман. Аввал юзароқ жойларда чўмиламан. Кейин болаларга қизиқиб, чуқурроқ жойларга интиламан, шўнғиб-шўнғиб чиқаман. Сувдан чиқа солиб, иссиқ қумга чўзиламан, болалар билан ўйнайман.

Кун қизигандан-қизияпти. Қорним очди. Энди қайтсаммикин десам, ҳеч ким кўлдан чиққиси келмайди. Қизиқиб, яна сувга ўзимни урдим. Бир тўда бола ким ўзиш ўйнашга киришди. Кўлнинг ўртасига қараб сузиша кетди. Балиқдай биланг-биланг қилиб, гоҳ униси ўзиб кетади, гоҳ буниси. Унга сари, қирғоқдагилар чуввос кўтаришади. Ўзиб кетган боланинг номини айтиб:

— Яша, бўш келма, қойил!— деб, чапак чалишади. Худди футболдагининг ўзи.

Мен ҳам қизишиб кетибман. Сузиб бораётганларга қараб интилибман. Нима, кўпчилиги ўзим тенги болалар шунақа сузганда, мен қоларканманми. Кучим борича кўл-оёғимни шалоплатиб, анча жойга бориб қолибман. Шу вақт гулдир-гулдир қилиб кўл ўртасидан «Пионер» кемаси ўтиб қолди. Бирдан сув қаттиқ чайқалиб, тўлқин турди. Тўлқин кўтарила-кўтарила биз томонга етиб келди. Етиб келди-ю, ўзишув ўйнаётган болаларни худди пўкакдай ҳар ёққа улоқтириб ташлади. Арғимчоқ учгандай болалар сувда баланд-паст бўлиб, гоҳ йўқолиб, гоҳ кўриниб орқага қайтишарди.

Бу — ҳам қизиқ, ҳам қўрқинчли эди. Яхшики, мен бери-роқдаман. Лекин тўлқин менга ҳам етиб келди, тўсатдан тўнақ кетди. Илгари кўчамиздаги ариқда чўмилганимда ҳеч бунақа бўлмасди. Ҳозир оёқ-қўлларимни эволюмай қолдим. Оғзи-бурним сувга тўлди. Кўзим ҳеч нарсани кўрмайди, қуло-

ғим эшитмайди. «Вой-дод!» деб бақирмоқчи бўламан, овозим чиқмайди. Ҳзим сувнинг устидаманми-остидаманми билолмайман.

Бир вақт кўзимни очсам, қумдаман. Устимда болалар уймалашган. Шовқин-сурон. Мени улоқ-улоқ қилишяпти:

— Қулоғидан торт! Оёғини осмонга қил! Бошини силкит!

Мени циркдаги дорбоз боладай хўп ликиллашиб, ағдар-тўнтар қилишди. Шалвираб қолдим. Кейин ётқизишди. Илиққина қум ёқиб, мудрабман. Шовқиндан уйғониб кетдим. Урнимдан турай дейман, гавдамни кўтаролмайман. Ҳзим нима аҳволдаман-у, болалар хахолашарди. Майна бўлиб қолдим шекилли-а, уларга.

— Бўлди эркалик қилиб ётиш. Уйнинг эмас бу. Тур, кетдик!

Таниш овоз. Солиҳ. Чап қўлтиғимдан у, ўнг қўлтиғимдан яна биттаси кўтариб, мени етаклаб кетишди. Йўл-йўлакай Солиҳ жаврарди.

— Сен миттига ким қўйди кўлда сузишни! Ҳазилми бу сенга. Олдин уйнингдаги ҳовузчада сузишни машқ қилиб олгин-да, кейин тушгин катта кўлга.

Оббо, роса жиғимни эзади шекилли боргунча.

Иккинчи бола индамайди-ю, пиқ-пиқ кулади.

— Нега куласан, ҳей бола? Тўғримасми сўзим? Қўлидан келса қатнашсин-да сузиш мусобақасига. Мана бизга ўхшаб...

Баҳона билан ўзини мақтаб, мени ерга уряпти. Бола энди жим туролмади:

— Ҳзи бечоранинг бўладигани бўлди-ку. Нима қиласан дакки беравериб,— деди у.

— Менга ақл ўргатмоқчимисан?— деб Солиҳ унга ўшқирди. — Сувга чўккани қутқардим деб чираняпсанми? Сен бўлмасан ҳам ўзимиз қутқариб олардик! Ҳа, ўзинг кимсан, қайси мактабдансан? Очиғини айт-чи!

Шундан кейин, мен ўнг ёнимдаги болага яхшироқ тикилдим. Бегона бола. Мендан каттароқ. Қотма, кўк кўз. Юзи, пешанасига ҳурпайиб тушган сочлари сап-сарик. Кўриниши мўмин-ювош. Анча жойгача Солиҳнинг саволини эшитмагандай борди. Солиҳ яна «Очиғини айт!» деб қистагандан сўнг, секин деди:

— Нима қиласан суриштириб?

— Билишим керак.

— Нима учун?

— Шунинг учун!— деди Солиҳ гап тополмай.



— Қизилқумданман,— деди бола энсаси қотгандай.— Қизилқумни биласанми?

Солиҳ ажабланиб боланинг бошидан оёғигача қараб чиқди-да, яна сўради:

— Қизилқуминг қаерда?

— Географиядан хабаринг йўқми?

— У ёғи бизнинг иш,— деди турқини ўзгартмай Солиҳ. Тўғриси, Қизилқумни у ҳам, мен ҳам билмасдик.— Географияни билсанг, ўзинг айт-чи: Қизилқум қайси республикада?

Бола пиқиллаб кулган эди, Солиҳнинг жаҳли чиқди. Болага хунук қаради-да:

— Нима, ўйнашаяпсанми биз билан. Шаҳаримизда нима қилиб юрибсан, қишлоқи! Боравер келган жойингга!— деб юборди.

Боланинг кўзлари пир-пираб, лаблари гезарди.

— Нима, нима? Оғзингга қараб гапир!— деди овози қалтираб. Шунда унинг «ғ»ни «г», «қ»ни «к»га яқин қилиб айтганини сездим. Бирдан Солиҳнинг олдига ўтиб, йўлини тўсди. Тишлари ғижирлаб, муштлири тугилди. Азбаройи қаттиқ тугилганидан ориқ қўлининг суяклари оқариб кетди. Энди менга у, мўмин-ёввош бола бўлибмас, бировга ҳақини ўтказмайдиган, ёмон гапни кечиролмайдиган бола бўлиб кўринди.— Қим қишлоқи?— деди Солиҳнинг энгагига муштини тираб.

«Ҳорма, Солиҳ!» деб турибман ичимда. Солиҳ ҳам дарров муштини ишга солди. Ўзим шалвираб, кўнглим озиб кетаётгани учун аралашмай, бир чеккада туравердим. Кўз очиб-юмгунча ола-тасир «жанг» бошланиб кетди. Солиҳ илгари менга ишлатган фирромлигини ишлатиб кўрди, бўлмади. Бола бало экан. Шошириб, довдиратиб қўйди. Солиҳ гоҳ у ёққа, гоҳ бу ёққа гандираклаб кетар, деворга, сим ёғочга суяниб қоларди. Яхшики, йўловчилар келиб ажратиб қўйишди. Солиҳ шолғомдай қизариб, қалт-қалт титраб, пишқирганча ўтириб қолди. Утирган жойида ҳа деб кучарди.

— Тўхтаб тур, қишлоқи, абжағингни чиқараман! Сен мени билмас экансан! Тўхтаб тур, ҳали!

— Мана тўхтаб турибман. Кела қол, кучинг бўлса,— деди бола ҳам ҳарсиллаганча.

Мен боланинг қўлидан тортдим. Солиҳ эргашар десам, юраги бетламади. Бола мени ёлғиз кетмасин дедими, бирга юрди. Энди у ўзини босиб олган, башараси аввалгича ёввош бўлиб қолган эди. Кўнглимдан шу гап ўтди: «Фирромликни билмайдиган, ҳалол бола кўринади. Ўртоқ бўлсанг арзийди».

Шундоқ деб айтгим келди-ю, кейин айтарман дедим. Уйга таклиф қилдим.

— Йўқ, зарур ишларим бор,— деди тортиниб.

Қистаб қўймадим. Қизилқумлик ажойиб бола билан яхшироқ танишиб олгим келарди. Иннайкейин, уйга у билан кирсам, ойим камроқ уришар...

## 8. ҲАЙВОНОТ ДУНЁСИДА

**О**йим хўб аччиғланиб, калтаклайдиган бўлиб ўтиргандир десам, бошқача бўлиб чиқди.

— Қаёқларда шаталоқ отиб юрибсан, ўғлим. Қидирмаган жойим қолмаса-я!— деб олдимга келди. Мен ўзимни дадил тутишга интилдим. Шундоқ бўлса ҳам, ойим афтимга қараб чўчиб кетди.— Сенга нима бўлди, рангинг қум ўчиб, лабларинг гезариб кетибди?— Мен индамадим. У тахмин қилди.— Ҳа, ўлардай чўмилганга ўхшайсан-а?

— Тайинламабмидим, қўзичоғим: йироққа кетма, катта сувда чўмилма, ров бориб, ров кел, деб-а!— деди у ёқдан бувим куйиниб.

Энди, ойимнинг кўзи болага тушди. Бола йўлакда мўлтайиб турарди.

— Кел, укажон, тортинмай келавер, бу ёққа,— деб ойим икковимизни ҳовузча бўйидаги столга бошлади. Иссиқ чой олиб келди. Кетидан овқатга уннади. Биз бола билан индамасдан чой ича бошладик. Бир-биримизга, қизиқ бўлди-а, деб ишшайишиб қўямиз. Сал ичим исигандан кейин гап бошлайман:

— Қизилқумданман дедингми?— Қизилқумнинг қаер, қанақа жойлигини билмайман-у, лекин билгандай кўринаман.— Нима иш билан келган эдинг?

— Ўзим,— дейди бола тортиниброқ.

— Гапиравер. Уртоқ бўлдик-ку. Айтмоқчи, отинг нима?— Саволни қалаштириб, уни гапиришга мажбур қилдим.

Болани биринчи кўрганимда сочи, афти сариқ бўлганидан рус ё татармикин деб ўйлагандим. Оти — Бўрон экан. Асли тошкентлик бўлиб, геолог дадаси билан Қизилқумга бориб қолган экан. (Ҳа, Солиҳ «қишлоқи» деганда хафа бўлгани шундадир.) Аввал куни Тошкентдаги қариндошиникига келибди. Бекор келмабди. Қизилқумдан кийик боласи келтириб, ҳайвонот боғига топширибди.

— Кийик боласини қаердан олдинг?— дедим ишонинқирамай.



— Адашиб келган экан, тутиб олдик.

Кийик боласини ким билан, қандай қилиб тутганини тўла билгим келади. У бўлса «отам билан», деб қисқа жавоб беради. Бола бунни шунчаки арзимас бир нарсайдай қилиб гапирди. Менга бўлса жуда ғалати воқеа бўлиб кўринади. «Тагин куруқ аравани олиб қочаётган бўлмасин» дейман ичимда. Шу пайт бувимнинг «биров тўғрисида ёмон фикр қилма!» дегани эсимга тушади-ю, яна ишонмайман.

— Ростдан айтаяпсанми шуларни?

Саволим ёқмадими, бола елкасини қисди-да, ўрнидан турди.

— Шошмай тур, теннис ўйнаймиз.

— Билмайман.

— Ургатиб қўяман.

— Вақтим йўқ.

Бўроннинг кетаётганини кўриб, ойим:

— Ҳой, укажон, тўхта. Овқат еб кет,— деб йўлини тўсди.

Бола ноилож қолди. Мен уни теннис тахтасига бошлаб, ўзимча ўйин қоидасини тушунтирган бўлдим. Бўрон дарров уқиб олиб, ўйинга киришди. Ўйин баҳона-ю, гапга соляпман. Қизилқумдан, кийик овидан сўраяпман қайта-қайта. У тушунтириб ўтиришга эринди-да:

— Ишонмасанг, ҳайвонот боғига бориб кўра қол,— деди.

— Ўзинг бирга борасанми?— дедим.

— Майли. Эртага,— деди.

Бўрон кетгандан сўнг ойим у боланинг кимлиги, у билан қаерда танишганимни сўраган эди. Мен, кўлда чўкканим, боланинг қутқаргани қолиб, бошқа томонини айтдим.

— Қизилқумдан бўлса, балки...— деб ойим негадир ўйланқиради.— «Енар дарё»ни ўша ёқда дейишади...

Шу вақт ойим Султон амакини эсладими йўқми, билмайман. (Кейинги кунларда ойим бувим билан бир-икки марта уни эслашиб гаплашганини эшитган эдим). Ойимнинг ҳозирги сўзи менга Султон амакини эслатди. Чиндан ҳам «Енар дарё» ўша ёқда бўлса, Султон амаки ишлаётган жойлар ҳам ўша ёқдамасмикан?

Эртаси Бўрон билан ҳайвонот боғига кетаётиб шуни сўраб олмақчи эдим. «Ҳайвонот боғига борамиз» деганимизни Попук эшитган экан, «мен ҳам», деб ёпишди. Попук-ку томоша пайнда. Лайка нима қилади бурнини суқиб. Ҳайдасам, кетмайди. Хуллас, одамни ўз ҳолига қўйишмас экан-да.

Йўлда пайт топиб, Бўрондан сўрайман:

— Уша ёқда «Енар дарё» бор дейишади. Тўғрими шу?  
Бўрон менга кўзларини пирпиратади.

— Буни кимдан эшитдинг?

— Ойимдан.

— Ойинг кимдан эшитган?

Нима десам экан? Уйлаб турувдим, ёнимиздан «пат-пат» қилиб мотоцикл ўтиб қолди. Уни кўрди-ю, Попук: «Ака, пат-пат обейинг, пат-пат обейинг!» деб шовқин солди.

— Гапнинг белига тепмай тур,— деб оғзини бекитдим-да, Бўронга айтдим.— Адамдан.

— Адагг ўша ёқдами?— Бўрон қизиқиб тўхтади. Ҳа, деб бош қимирлатсам, кўзларини бақрайтиради.— Ия, қизиқ бўлди-ку. Нима иш қилади адагг?

— Машиналарга катта у киши.

-- Қизиқ бўлди-ку!— деди яна Бўрон, ўзини тутолмай кулиб.— Қанақа машиналарга катта?

Бўронга ҳайронман, мунча сўроқни кўпайтирмаса. Ё шу қизиқишида бир гап бормикин, а? Мен Султон амакининг қанақа машиналарга катталигини қаёқдан билай? Шунини ўйлаб бораёяман. Аммо Попук ўйлашга ҳам қўймайди. Елкамга миниб олгани етмагандай, икки юзимни дўмбира қилиб чалади, «Туёмбой! Туёмбой!» деб қичқиради. «Туям бор» деганими, ё трамвайни кўриб айтяптими?

Лайкани аранг ҳайдаб, ўзимиз трамвайга чиқдик. Тиқилинч экан. Гапимиз узилиб қолди. Ҳайвонот боғига етиб, трамвайдан тушсак, Лайка яна олдимизда! Думини ликилла-тиб, ҳарсиллаганча тилини осилтириб турибди. Қандай етиб келганига ҳайронмиз.

— Бунинг эси бутун экан. Катта бўлганда овга ўргатсанг бўлади,— деб Бўрон Лайкани кўтариб олди. Бошини силаб-силаб эркалади.— Роса чарчабсан-а жонивор, югуравериб. Упкангни бос.

Ҳайвонот боғига анчадан бери келмаган эдим. Киришим билан томошага қизиқиб кетдим. Бўрон ўзи топширган кийик боласини сим катаклардан қидира кетди. Биз бўлсак, ҳали дарахтларга осилиб дор ўйнаётган маймунлар олдига, ҳали ўйнашиб бир-бирини гажиб қўяй деяётган йўлбарслар катта-гига югураемиз. Болалар ташлашаётган ёнғоқ, қандларни узун хартуми билан илиб олаётган филин, икки оёғида туриб музикага ўйнаётган айиқларни томоша қиламиз.

Бўрон бир кўриниб, бир кўринмай, томошабинлар тўпига шўнғиб юрибди. Ҳар кўринганда:

— Ҳа, топдингми?— дейман.

У бошини сарак-сарак қилади. Бир вақт роса диққати ошиб келди.

— Мен топширган кийик боласи ҳеч қайси катакда кўринмайди.

Боши қотиб турди-турди-да, яна боғни айланиб кетди. Анчадан кейин, шалпайиб қайтди. Энди у менга нима дейишга ҳайрон. Мен Бўронга қанчалик ишонмай, «кийик тўғрисидаги гаплари ёлғонмасмикин», деган фикр калламга келиб туради. Узига бу шубҳамни сира сездирмайман.

Роса айланиб чарчадим. Кўпроқ Попук чарчатди. Тез-тез елкамга чиқиб туради. «Мояжни» жанжалини қилади. Морозний олиб, бир чекада еб турдик. Шунда Бўроннинг диққатлигини ёзиш учун бояги гапга қайтдим:

— Сен нега ҳадеб адамни суриштирдинг, а?

— Адангними?— деди ҳушини йиғиб олиб у.— «Ёнар дарё»да бўлса кўрганмикинман, деяпман-да.

— А, а?— дедим,— ҳали сен «Ёнар дарё»ни кўрганмисан? Уз кўзинг билан-а?

— Бўлмасам-чи?— деди Бўрон парвосизгина ва нарироқда бир таниши кўриниб, ўшанга эргашди. Мен уни тутиб:

— Ҳозир айтасан, қанақа «Ёнар дарё»?— деб қистайман. «Хўп, ҳали», деб Бўрон ўша одамга етиб олади. Бу ёқда морознийни еб бўлган Попук, энди:

— Сомса!— деб хархаша бошлади.

— Оғзинг жим турмас экан-да!— деб бақирган эдим, йиғлаб берди. Лайка ҳам унга қўшилишиб вовиллаб юборди.— Жим, жим!— деб унисининг оғзини ёпсам — буниси бошлайди, бунисиникини ёпсам — униси.

Одамлардан гап эшита бошладим. Бир милиционер хотин бўлса азда-базда дастрўмолига Попукнинг бурнини, сўлакайини артиб қўйди. Қўлига битта сомса олиб бериб, кейин мени уриша кетди:

— Ойисига обор, ойисига! Ёш болани ёш болага топширган она қанақа она экан!

Бировнинг ойиси билан милициянинг неча пуллик иши бор-а, деб хит бўламан. Попук жиннивой бўлса, ори келди шекилли, сомсани отиб юборди. Лайка пайдан экан, хоппа илиб олди-да, овози ўчди. Попук энди:

— Ойимга тетамиз,— деб йиғи солди.

— Бирпас жим тур,— деб нарироққа бораман. Аланглаб Бўронни қидираман. Тополмайман.

Попук барала чинқириб юборгандан сўнг, эшикка чиқишга мажбур бўлдим. Попук трамвайга қараб чопди. Мен ушлаб, орқага тортаман. Зора Бўрон кўриниб қолса дейман. Охири бўлмади. Попук билан Лайка дардисарни деб, Бўронни адаштирдим. Энди нима бўлади? Уни қайтиб кўроламанми-йўқми? Уйлаб ўтиришга вақт қолмаганди. Трамвайга тушадиган бўлдик. Лайка-чи? Трамвайга туширармиди уни! Бор-е, уйни топса топиб борар, топмаса ўзидан кўрсин.

Кўчамизга келдик. Кўп ўтмасдан Лайканинг қораси кўринди. Трамвай билан олдинма-кетин етиб келибди. Ҳарсиллайвериб тили бир қарич осилиб кетган. Ҳар ҳолда эсинг бутун-да, қурғур. Катта бўлсанг овчи қиламан!

## 9. ХУШХАБАР

**К**орним кўчиб кетган ҳовлидай бўлиб қолган эди. Шунга қарамай, томоғимдан овқат ўтмасди. Ҳайвонот боғида кўрганларимизни гапириш Попукка қолди. У ойим билан бувимга чучук тили билан, пойма-пой сўзларди. Бир томошабиннинг қизиқчилик қилиб айтган гапи эсида қолган экан: маймунни — чала одам, йўлбарсни — полвон мушук деб тушунтирди. Филни — бурни узун туя, кийикни бўлса шохли тойча деб, кулги бўлди.

— Попугинг тўғри айтаяптими?— деб сўраб қўяди кулгидан ўзини тўхтатолмаган ойим.

Ақл-ҳушим Бўронда бўлганидан, гапни айлантирмаслик учун:

— Ҳа,— деб қўя қоламан.

— Ҳалиги ўртоғинг айтганини кўрсатдимиз?— деб қизиқадди ойим.

— Ҳа,— дейман. Бўроннинг обрўсини туширмаслик учун.

— Анча уддабурон бола кўринади-я? Ўзи қани?

— Ҳозир келиб қолади.

Шу гап оғзимдан чиқди-ю, чиндан ҳам Бўроннинг келишига ишониб қолдим. Тиқ этса эшикка қарайман. Кўчага чиқиб пойлайман. Келавермагандан кейин қидириб, комсомол кўлига бордим. У ерда болалар чўмилаётган, самолёт учаётган, волейбол ўйнашаётган жойларни, кема пристанини айланиб чиқдим. Кўринмайди. Ҳафсалам пир бўлиб қайтаётганимда, болалар темир йўли тарафдан:

— Дамир, ҳов Дамир!— деган овоз келди.

Таниш овоз. Қарасам — Бўрон. Югурдим.

У станцияни кўриб юрган экан.

— Одамни сарсон қилдинг-ку. Қаёққа йўқолдинг?

— Ўзинг-чи,— деди у баланд келиб.— Дарров жуфтакни ростлаб қолибсан. Ошна ҳам шунақа бўладими? Мен бир танишни учратдим. Қийикчамни олиб қолган ўша киши эди. «Қийингимни нега катакка қўймадинглар? Керак бўлмаса ўзимга тан» десам, у қизиқ гап айтди: «Хотиржам бўл, кийикчанг худди онаси қорнида ётгандай роҳат қиляпти. Шерикларни қаторига қўшиб, уни ўқитяпмиз. Саводи чиқиб, гапга тушунадиган бўлгандан кейин, катакдан жой олади». Олдин индамасдан ташлаб кетаверган эканман. Энди бўш келмадим. «Бўлмаса, амаки, менга тилхат ёзиб беринг», дедим. «Ҳа, бу пухта гап. Ўзинг ҳам пишиққина бола кўринасан», деди. Идорага бошлаб кирди-да, бир қоғоз ёзиб берди. Мана.

Бўрон чўнтагидан қоғоз олди-да, ўқий бошлади:—«Берилди ушбу справка гражданин Б. Титовга шул тўғридаким, мазкур гражданин бизнинг ҳайвонот боғимизга бир нафар кийик боласи келтириб топширди. Ҳайвонот оламидаги жониворлар оиласига янги меҳмон қўшилганлиги учун ёш овчи Б. Титовга ташаккур билдирилади...»

Кейин кийикчанинг олти ойлик бўлгани, оғирлиги, бўйи кўрсатилган эди.

— Ухў!— дедим бу аломат хатдан оғзим очилиб.

Айниқса «Б. Титов» деган жойи мени ҳайрон қолдирди. Еки Бўрон жўрттага шундай деб ўқидими? Қоғозни қўлимга олиб, унга тикиламан: «Б. Титов». «Б» дегани Бўрон бўлса, «Титов»и ким бўлди?

— Нега унақа?

— Нимаси «унақа?» Тўппа-тўғри-ку!— дейди Бўрон.

— Нега энди «Титов?»

— Шунақа-да фамилиям.

Ақлим шошди. Бир йўла анча савол туғилган эди: дадаси рус бўлса, нима сабабдан унинг оти ўзбекча? Иннайкейин, анави космонавт Герман Титовнинг қариндош-париндоши эмасми?

Очиги, ҳозир мени ҳаммадан олдин «Ёнар дарё» қизиқтираётган эди. Бўрон кассада иккита билет олиб чиқди-да:

— Қани, юр,— деб поездга бошлади. Яна бирпас тўхтаб, чиройли вагонлар, уларнинг эшигида билет текшираётган темирйўлчи формасидаги кичик кондукторлар, шошилишган ҳовлиқишган йўловчиларга ағрайди.

Вагонлар олдида турган навбатчи қўлидаги сариқ байроқ-



часини силкитди. Сигнал чалинди. Паровоз пишқирди. Биз шошиб вагонга чиқдик. Вагон лиқ тўла. Жойлар талаш. Чувур-чувур. Мен бу поездда кўп юрганман, шунинг учун ҳеч нарсага парво қилмай, Бўронни гапга солмоқчи бўлман. Бўрон шовқин-суронга алаҳсийди, дарахтлар оралаб бораётган поезд ойнасида ташқарини томоша қилади.

— Ҳой, менга қарасанг-чи, — дейман уни туртиб. — Ҳар балога аграяверасанми? Айтгин, «Ёнар дарё» қанақа?

— Миямни қотирдинг-да, — дейди Бўрон ташқаридан кўзини узмасдан. — «Ёнар дарё»ни икки оғиз сўз билан тушунтириб бўлмайди-да.

— Ке, ўртоқ, айта қол, — дедим ялиниб.

— Бари бир тушунмайсан-да... — Бўрон бир оз таранг қилгандан кейин, қисқача деди: — Ҳов Бухоро тарафдаги Қизилқумда зангори олов кони чиққан, эшитгандирсан? Уша кондан дарё қазиб келишяпти зангори оловни оқизиш учун, тушундингми?

— Кўйсанг-чи, олов қандай оқади дарёдан?

— Оқади! Дарёга жуда каттакон, сен билан мен сиғиб кетадиган пўлат қувурлар ётқизишяпти. Уша қувурлардан ҳамма ёққа олов оқиб боради — сенинг кўчангу уйингга ҳам...

Бўроннинг гапларига оғзим очилиб турган эди, поезд таққа тўхтаб, ҳамма бир-бирига урилиб кетди. Шовқин-сурон кучайди. «Қуёш» станциясига келган эдик.

Бу ердан осмондай кўм-кўк кўл, «Пионер» кемасининг байроқлари, узоқда ўрдаклардай сузишаётган болалар яққол кўринди.

— Яна мусобақалашамизми? — деди Бўрон, ўшаларга хаёли оғиб. — Ё қўрқиб қолдингми? Бир мақол бор: бўридан қўрққан ўрмонга кирмайди. Дадам кўп ишлатарди шуни. — Бўрон негадир чуқур хўрсиниб олди. Афтига тикилсам, кўзларида қайғуга ўхшаш белги. Нега унақа? Унинг ҳам дадасига бир нима бўлганмикин-а? Шунда у бирдан сўраб қолди:

— Дадангинг фамилияси нима?

— Арслонов.

— Э, тўхта! Қанақа ўзи? Бўйи новчами?

— Новча. Стёпа амакидай...

— Пешанасида ортиғи борми?

Елкамни қисдим. Шунча бирга бўлиб Султон амакининг пешанасига тикилмаган эканман. Тавба, одам яқин кишисидаги камчиликларни кўрмас эканми, деб қўйдим. Ё, Бўрон бутунлай бошқа одамни айтяптимикин?

— Афти-чи? Неграг ўхшаганми?

— А-а?— дедим, бу саволи ҳам галати эшитилиб.— Қора-чароқ-да, отлари Султон.

— Отини билмайман,— деди бу ёғини тағин ланж қилиб.— Ўзи яқинда борган. Яхши инженер, дейишади. Ушами-ўшамасми даданг, қайдам.

— Ушадир,— дедим ишонгим келиб.

Поезддан тушдик. Тағин йўқотиб қўймай деб, Бўроннинг тирсагидан олиб олдим.

— Юр, уйга. Бу гапни айтиб, бувимни хурсанд қиламиз.

Ичимда ўйладим: бувим-ку хурсанд бўлади-я! Ойим қандай бўларкин? У ҳам хурсанд бўлар. Соғингандир бизга ўхшаб. Бир-икки марта тушига ҳам кирибди — бувимга айтганини эшитдим. Агар ўйламаса тушига кирармиди. Бирдан хаёлимга янги фикр келди:

— Қачон қайтмоқчисан?

— Индинга. Ҳа?— деди афтимга тикилиб.— Борнинг кел-яптими?

— Олиб кетсанг борардим...

— Хоҳ, ойингиз кўчага зўрға чиқаради-ку, Қизилқумга жавоб берармиди?

— Жавоб олсам-чи?

— Олиб бўпсан!

Ўйлаб кетдим.

— Бўлди, жавоб оламан! Қандай қилиб бўлса ҳам...

Бўрон чўмилгани қолди. Ўзимнинг ҳам чўмилгим келиб турувди-ю, уйга шошилдим.

Хурсанд кириб борсам, ойим билан бувим:

— Ҳа, ўртоғингни топдингми? Мунча оғзинг қулоғингда?— дейишди.

Мен, Қизилқум, «Ёнар дарё», Султон амаки тўғрисидаги гапларни айтмадим. Айтганимда ойим қизиқса-ку тузук, қизиқ-маса унда йўлимга ғов тушади. (Хатни йиртиб ташлаганидан бери Султон амакидан гап очишга безиллаб қолганман). Ундан кўра гапни бошқа ёқдан айлантира қолай.

— Ойи, отпуссага қачон чиқасиз?

— Маълуммас.

— Мактабдагилар экскурсияга кетишяпти. Мен ҳам борай.

— Қайси тарафга?

— Тоққа.

Ойимга ёқинқирамасдан турган эди. Ҳар вақтдагидай бувим ёнимни олди.

— Майлига. Якка ўзи кўча чангитиб юргандан кўра, ўртоқларига қўшила қолсин. Мук тушиб ўқий-ўқий чарчади, қўзичоғим. Яйраб, дам олиб кела қолсин.

Экскурсияни гапириб қўйдим-ку, кетидан пушаймон бўлдим. Ойим хўп деса, болалар қўшармикин? Агар бир-иккита бола «қўшмаймиз» деса, Ҳалима опам бор-ку, қўштириб қўяр. Лекин-чи, қўшишсаям иш чатоқ бўлади, қўшишмасаям.

Дилимдагини худди билгандай, ойим маслаҳатни бошқа ёққа буриб юборди:

— Ундан кўра холангникига бориб кела қолгин. Кўп вақт бўлди кўришмаганимизга ҳам. Чақиравериб эси кетди. Ўзи келмоқчи эди, дараги йўқ. Хабар олиб келасан.

Бўлди! Мирзачўлга рухсат! Бўлди! У ёғи осон! Қанча-қанча нарсаларга илож топган—бунга илож тополмасмиди Дамир?!

Суюнганимдан ойимнинг бўйнидан қучоқлаб олдим. Ойим ҳам мени маҳкам ачомлади. Попук туғилгандан бу ёғига ойим кўпроқ уни ачомларди-ю, мен анча четга чиқиб қолгандим-да. Ҳозир бирам роҳат қилдим. Дарров мени уйқу босди. Ойиси ачомлаганда ҳаммани ҳам шунақа уйқу босадими-йўқми, билмайман.

Одам хурсанд бўлса чарчаганини ҳам билмас экан. Ўзимни қўярга жой тополмайман.

Яна Бўронни излашга тушдим. Боғ эшигида учратдим.

— Қўлингни бер. Маслаҳат битди!

— Алдаётганинг йўқми?— деди Бўрон ишонмай.

— Ишонавер, беш кунга рухсат олдим.

Бўрон ҳам бу хабардан хурсанд бўлиб кетар, деб турсам, парво қилмади. Қайтага ваҳма солиб, самолётда учиш, қум саҳросида юришнинг қийинлигидан гапириб кетди.

— Тағин йиғлаб, менга дардисар бўлиб юрмагин?

— Йўқ.

Шундан сўнг у мени бирга олиб кетишга кўнди.

Сир очилиб қолмасин деб, бу сафар Бўронни уйимга судрамай қўя қолдим.

Эртасига аэропортда учрашадиган бўлиб хайрлашдик.

Уйда сафар тайёргарлигим қизиб кетди.

Эсимга Бўроннинг Арслонов тўғрисидаги ғалати саволлари тушади. Тағин кўнглим хиралашади. Айтаётган кишиси Султон амакимикин-бошқамикин, деб иккиланаман.

Ҳеч кимга билдирмасдан, оёқ учида ичкари хонага кирдим. Папкадан, стол тортмасидан Султон амакининг суратини қидирдим. Топсам, пешанасида ортиғи бор-йўқлигини билиб

олардим. Афтига яхшироқ тикилардим. Бўрон уни ҳабашга ўхшатиб ўтирибди-я!

Ҳеч қаердан суратини тополмадим. Бор эди шекилли-а? Ёки аччиқ устида ойим уни ҳам хатга ўхшатиб йиртиб ташладимикин? Нега унақа қилаверади? Ё ундан кечиб юбордими, а? Йўғ-е! Нималар деяпман! Бу миям қургурнинг тешиги катта бўлиб қолдими дейман, ҳар бало кириб келаверади. Худди хира пашшадай ёпишиб олиб, ҳадеганда чиқиб кета қолмайди. Биттасини қува-қува зўрға чиқарсам, ўрнига бошқаси кириб келади.

Қизилқумга, Султон амаки олдига кетаётганим ростми-кан-а? Ёки охириг минутда бир чатоқлик чиқиб, йўлим тўсилармикан? Тўсилмаса, таваккал қилиб кетавераман-да. «Қизилқум йўли оғир, қийналиб, йиғлаб юрма», дейди Бўрон. Нима, мен Попукманми сал нарсага йиғлаб? Бўроннинг ўзи жуда катта кишимиди? Мендан атиги икки ёш катта-да. У бориб-келиб юрган жойларга мен боролмайманми? Иннай-кейин-чи, у билан бирга юрган одам қўрқмаса бўлади. Зўр, билағон ҳам раҳмдил бола. Ишонсанг бўлади!

Лекин, бу қилаётган ишимни ойим бугун билмаса, бир кун билади, ўзим билдираман-ку, албатта. Унда нима бўлади? Кечирармикин бу қилиғимни? Кейинги кунларда ундан «чапақай», «қайсар» деган гапларни эшитмай турувдим. «Энди эсинг қиряпти десам, тагин чапақай иш тутибсан-да!» деб хафа бўлмасмикин? Нима қилай, бўлмаса, ҳаммадан ажралиб, уйда қимирламай ўтиравераманми? Султон амакининг қаердалигини билиб турсам, биров олиб бораман, деб турса ҳам-а! Йўқ, нима бўлса бўлар. Мен бекордан-бекорга, ўзимча ўйнагани кетаётганим йўқ-ку, ахир!

---

## 10. ОСМОНДАГИ ҲОДИСА

«Ёз кечаси бир тутам», дейди бувим. Тўғри айтади. Бир ухлаб турсанг, тонг отибди-қолибди-да. Аммо бу кеча шунақаям узайиб кетдики, кети кўринмади. Кўзга ҳам уйқу кела қолмади. Эрталабга яқин чаласини ухлаб оларман десам, ойим билан бувим ғира-ширада туриб олишди. Патир ёпишди. Бўғирсоқ пиширишди. Буларнинг ҳиди димоғимга киргандан кейин-ку, уйқу деган нарсадан тариқча қолмади. Бунинг устига ойим ҳадеб уйғотади.

— Ҳой, Дамиржон! Тура қол, ўғлим, шунча ухлаганинг етар. Сафарга кетаётган одам бунақа беғам бўлмайди.

Кулгим қистайди. Шундай бўлсаям, ўзимни ухлаганга солиб ётавердим. Жўрттага шундай қилаётибман. Чунки, ойим, «сени ўзим автобусга обориб қўяман», деган. «Овора бўлиб нима қиласиз. Ўзим кетавераман, йўлни биламан-ку» десам, «Кузатиб қўйган яхши бўлади», деди. Кечаси билан уйқум келмаганига битта сабаб — шу. Ишга кетадиган вақтига қанча қолдйкин? Секин чойшаб четидан айвон деворидаги соатга мўралайман. Ҳали бир соат бор кетишига. Қандай бўлмасин ишга шошилтириб қўйишим керак. Ойим бувим билан нонуштани тайёрлаб бўлиб, мени яна чақирди. Аввал яхшиликча, кейин жаҳл билан. Ҳадеганда туравермаганимдан сўнг, ўзи келиб чойшабимни тортиди.

— Қани, тез ювиниб, кийина қол. Вақтим бўлиб қолди.

Имиллабгина кийиндим. Кунига совун ишлатишга эринадиган одам бугун узоқ совунлаб ювиндим. Бемалол артинаётиб, соатга қарайман: ярим соатча вақти қолибди ойимнинг.

— Бўлди, ивирсима, — дейди ойим.

Чой ичаётибман-у, хавотирдан ичимни ит таталаяпти. Бу ёғи нима бўлади? Қанақа қилиб ажралиб қоламан энди? Ҳа, бўлди! Шартта туриб, фотоаппаратни қидираман. Турган ери бу ёқда қолиб, бошқа жойларни титкилайман. Уни елкамга илган еримда ичини очиб кўраман. Ҳамма нарсаси жойида бўлса ҳам, ҳовлиқиб:

— Плёнкаси қаёқда қолди? — дейман-да, подвалдаги лабораториямга югураман.

Ойим аллақачон кийиниб, патир билан бўғирсоқ солинган халтани кўтариб турибди.

— Эсинг қурмагур, ахир шу ашқол-дашқолингни кеча тайёрлаб қўйсанг бўлмасмиди-я! — дейди тажанглиги тутиб.

Мен:

— Ҳозир, ойижон, сабр қилинг, ҳозир, — дейман-у, яна вақтни чўзаман.

Охири бошқа баҳонам қолмади. Ойим жовраганча мени кўчага судраб, бувим билан хайрлашишга ҳам қўймади. Бувим бечора кетимдан кучоқ очганча, Попук: «Мен ҳам бояман!» деб йиғлаганча қолди. Лайка бўлса, ҳайдасам ҳам, кетимдан қолмасди.

Ойим мени эргаштириб физиллаганча бораркан, оғзи тинмасди:

— Қайсар бўлмай кетгур, вақтида турмай мени кечиктирдинг. Ишим тиқилинч эди бугун. Кечиксам, заказчиларим кутиб қолишади.

— Ойижон,— дейман пайтдан фойдаланиб,— ундоқ бўлса, сиз кетаверинг. Заказчиларингиз диққат бўлиб қолишмасин.

Ойим қулоқ солмайди. Миям бошқа баҳона топиш билан банд. Катта кўчага чиқиб, трамвай останковкасига етганимизда, лоп этиб эсимга халтадаги блокнот тушади.

— Эҳ, блокнотим эсдан чиқибди-ку!— деб типирчилайман.— Кеча атайлаб магазиндан олиб келган эдим-а. Яхши блокнот эди. Тўхтаб туринг, ойижон, икки минутда олиб келаман.

— Қўя қол, блокнот зарурми сенга.

— Зарур, ойижон, жуда зарур. Кўрган-билганларимни ёзиб боришим керак. Мактабдан буюрган. Ҳозир.

— Қўй, бошқасини оларсан. Ана келяпти!— дейди узоқдан кўринган трамвайга қараб.

— Жуда яхши блокнот эди. Ҳеч қаердан топиб бўлмайди унақасини. Қўйворинг, ойижон!— деганимча, амаллаб қўлидан сирғилиб чиқаман.

— Тўхта, бўлмаса мен шунисида кета қоламан. Кейингисида ўзинг борарсан,— деди ойим ноилож.— Ишқилиб кўзингга қара, ҳазир бўлиб юр. Холангга кўпдан-кўп салом айт. Ме-ни хавотир олдирмай, вақтида қайтгин, жон болам.

Қўлимга халтани тутқизди, пешанамдан битта ўпди-ю, қўлини силкита-силкита трамвайга чиқиб кетди.

Негадир ичимдан йиғи келди. Филт этиб кўзимга чиқаётган ёшни зўр билан ютдим. Нега унақа бўлди-а?

Аэропортга етганимда, ваъдалашган вақтимиздан анча ўтган эди. Нафасим оғзимга тиқилганча аэропорт биносига кириб бордим. Олазарак бўламан. Бўрон кўринмайди. Бир вақт касса ёнида кўринди. Мен қанча ҳовлиқмай, у шунча бемалол. Турқини ўзгартмасдан нима дейди денг:

— Узим ҳам ўйловдим-а, боролмайди, деб. Кузатгани чиқдиларингми мени?

— Билет олмадингми менга?

— Олгандим. Энди биттасини қайтараётувдим.

— Нима?— дебман, жон ҳолатда билет тутган қўлини ушлаб.— Ҳазилни қўйсанг-чи, ўртоқ. Бирга кетамиз!

— Нега бўлмаса уни эргаштириб чиқдинг?

Ёнимга қарасамки, Лайка тилини осилтириб, думини ликиллашиб турибди-да!

— Вой, қурғур, шу ергача келдингми? Кет, кет ҳозир! Бу ер сенга ҳайвонот боғимас. Жўна, мохов!

Бу ёқдан ҳайдасам — у ёғимдан келади, у ёқдан ҳайдасам — бу ёғимдан. Нима қилдик-а энди бу хирани.

— Ҳайда, ҳайда тезроқ. Милиция кўрса штраф қилади,— дейди Бўрон.

Икковимиз биргалашиб қувамиз. Кўзини шамғалат қилиб, аэропорт ҳовлисига ўзимизни урдик. Шу вақт баланд бино пешанасидаги карнайдан эълон эшитилиб қолди:

— Пассажир граждандар! Тошкент — Бухоро маршрути бўйича учувчи 151-рейсли самолётга пассажирлар чиқарилмоқда...

Бўрон мени самолётга олиб чиқадиган йўлак томон бошлади. Шунда оёғимга тагин Лайка ўралашиб қолди.

— Ҳайда, ҳайда,— деди Бўрон биқинимга туртиб.

Тўғрилиқча ҳайдасам, кетмайди. Биқинига телувдим, вапгиллаб юборди-ю, одамлар «аэропортга ит бошлаб келган ким?» деб шовқин солишди. Лайка олхўри кўзларини менга мўлтиллашиб, кетмай, тураверди. Мён уни кўтариб олдим-да, ташқарига чопдим.

— Ҳой, узоққа кетма,— деб Бўрон кетимдан қичқирди.

Лайкани баланд зинадан кўчага отган эдим, фиқ этиб асфальтга тушди-ю, жони оғриганига қарамай, яна келиб оёғимга суйкалди. Мендан ажралса, худди ўладигандай жони чиқиб кетяпти.

— Олиб кета қоламизми, а?

— Эсинг борми? Самолётга итни туширармиди?— деди Бўрон.

Яна радиодан эълон қайтарилди.

— Юр, тез!— деди Бўрон, темир панжарали эшик томонга юриб.

Мен, Лайканинг кўзини чалғитиб жўнай десам, шиммининг почасидан тишлаганча сургалди. Раҳмим келиб кетди. Уни кўтариб гулзор панасига ўтдим. Халтамга солиб олмоқчи бўлдим. Бўрон, Лайкани ташлаб кетолмаслигимни билди-да, чуқур саватдаги нарсаларни бўшатди. Лайкани саватга жойлаб, устига газета ёпиб қўйди. Саватини узатди-да, дўқ урди:

— Бир нима бўлса ўзинг жавобгарсан. Сени олиб юриб балога қолмасам эди! Кетдик!

Яна бир минут кечиксак, темир эшикни ёпиб қўяркан. Ҳайтовур ўтиб олдик. Ўзимча Лайкага пўписа қиламан: «Дамингни ўчириб ётсанг-ётганинг, сирни очадиган бўлсанг, самолётдан улоқтираман, абжафинг чиқади».

Самолётга етдик. Эҳе, унинг ваҳимасини кўринг. Ҳовлимиз устидан учиб ўтганда турнадай кўринарди. Уйимиздан ҳам катта экан-а? Тумшуғи-чи, тумшуғи акуланинг бошига ўхшаб кетади! Баркашдай ойна кўзлари, устига автомобиль сиғиб кетадиган узун қанотларини тузукроқ кўриб олай дегандим, бўлмади. Хаёлим сабатга оғаверди.

Гилдиракли, томдай баланд зинадан самолётга чиқдик. Йўлакдаги кийим иладиган жойга сабат билан халтани қўйдик-да, секин жойимизга бориб ўтирдик. Самолётга биринчи чиқишим бўлгани учун, ҳамма нарса қизиқ кўринадую, сўролмаيمان. Уғринча иш қилаётгандай, Бўронга қарайман-у, тилимни қисаман.

Шу вақт ҳаво ранг қалпоқ, ҳаво ранг кўйлак кийган бир чиройли хотин ўртага келди. Кулиб туриб ҳаммага алланималар деди. Эсим бошқа ёқда бўлгани учун гапирганини англолмадим. Савол назари билан Бўронга қарайман. Бўрон қулоғимга шивирлайди:

— «Бухорога бир соату чоракда етамиз. Ердан уч минг метр баландликда учамиз. Биз учадиган баландликда ҳаво йигирма даража совуқ» деяпти.

Энги калта кўйлақдаман. Этим увишиб кетди.

— Совуқ қотиб қолмаймизми?

— Кўрқма, самолёт печкасини ёқади.

Самолёт вағиллаб кўтарилди. Ойнадан қараб турсак, ҳадемай ер пастга чўкиб кетди. Самолёт ёнларида бўлса катта-катта тоғлар кўчгандай бўлди.

— Вой-бўй! Бу нима ўзи?

— Секин! Булутлар...

Булутлар, денгизда муз кўчгандай, жуда тез сузиб юрибди. Гоҳо улар орасидан ярқ этиб қуёш ёриб чиқади. У жуда, жуда яқин, шундоқ ёнгинамизда ёнади. Унинг ўткир шуъласи самолёт қанотини оловдай ловиллатади. Сал ўтмай, осмонни яна булутлар чулғайди, қуёш юзини тўсади. Ҳамма ёқ, туман ичида қолгандай, хиралашади. Бўрон билан икковимизнинг кўзимиз ойналарда-ю, қулоғимиз йўлакда. Индашга ён-вернимиздагилардан ҳайиқамиз. Булардан кўра ҳам, овозимизни Лайка эшитиб ёншимасин, деймиз.

Бунақа вақтда соат ҳам имиллаб юрадим дейман. Қорним очиб кетди. Эрталаб нонуштанинг мазаси бўлмаганди-да. Халтадаги бўғирсоқдан егим келди. Шивирлаб сўрасам, Бўрон ҳам жон деб турибди. Секин-секин юриб, йўлакка бордим. Халтани очдим. Патирдан олаётган эдим, Лайка газета-



нинг тирқишидан қўзини мўлтиллашиб турган экан, рингшиб қолди-ку! Эсим чиқиб, оёқ учида орқага қайтдим. Қисимимдаги бўғирсоқлар сочилиб кетди. Лайка бўғирсоқни менга ташлади деб ўйладими, бошини чиқариб, сўнг саватдан сакраб тушди-ю, бўғирсоқни териб, курсиллата бошлади. Қўриқиб нафасим ичимга тушди, пешанамдан тер чиқиб кетди.

— Расво қилдинг!— деди пичирлаб Бўрон.

Самолётни ола-ғовур босди; юмшоқ креслога бош қўйганча журнал, газета ўқиб кетаётган кишилар бирдан Лайкага ўгирилишди:

— Ҳой, ит қаердан пайдо бўлди?

— Бу қандай бемаънилик?

— Нега стюардесса чиқишда текширмаган?

Стюардесса — ҳаво ранг қалпоқли хотин келди. Ҳозир мени тутиб олади, деб бўйнимни ичимга олиб турибман. У бўлса, негадир Лайканинг бошини силаяпти, боягича қулиб:

— Ҳурматли пассажирлар! Бу, бизнинг самолёт тарихида учраган фавқулодда ҳодиса! Тўппа-тўғриси айтишлар, кимники бу?— деди.

Ҳеч ким индамади. Хотин саволини қайтарди:

— Ҳурматли пассажирлар! Экипаж илтимос қилади, айта қолинглар! Бўлмаса итни эгасиз деб ҳисоблаймиз. Ақлли, зотли ҳайвон экан, давлат ҳисобига ўтказамиз.

«Айта қол!» деди биқинимга туртиб Бўрон.

«Шундоқ ақлли, зотли итдан ажралиб қолавераманми?» деб ўзимга ҳам алам қилиб турибди. Лекин тилим айланмасди.

— Қўрқма, айтавер!

Бўронга суяниб, таваккалига:

— Меники! Меники!— деб юбордим.

Бунинг кетидан келадиган ғалвани ўйламаган эканман. Ҳамма ҳар чеккадан мени кулгига олди:

— Дубдуруст довьюрак экансан-ку, жиян, самолётда овга чиқибсан.

— Ити билан космосни текширмоқчи бўлганлар-да, қахрамон!

— Масхарабозлик қилиб пассажирларни тонг қолдирмоқчи бўлгандингизми?

Олдимдаги креслода маза қилиб хуррак отаётган бир чол ҳам шовқин-суронга уйғонди-ю, менга қўлини пахса қилиб, ўшқирди:

— Ширин уйқуни буздинг-а, ярамас бола! Ким ўргатган

сенга бунақа номаъқулчиликни? Адабини бериш керак бу ўзбошимчани.

Мен креслога кириб кетгудай бўлиб ўтирибман. «Ҳозир самолётдан тушириб юборса-я!» деб ваҳимага тушаман. Менинг титраб-қақшаётганимни кўриб:

— Қўрқма, қўрқма,— деб овутмоқчи бўлади Бўрон.

Ичимда ўйлапман: «Лайка қўлдан кетса ҳам майли-ку, уйимга хабар етказиб қўйишмаса бўлгани».

Самолётдан тушдик. Стюардесса, бир қўлтиғида ит, бир қўли билан мени ушлаб олган. Энди қовоғини солиб, қошларини чимирган. Кетидан халта билан саватни кўтариб, Бўрон келяпти.

Хотин мени аэропортнинг эшигига «Бошлиқ» деб ёзилган бир хонасига бошлади. Форма кийган савлатли киши (учувчими, милиционерми, билолмадим) хотиндан воқеани эшитиб олди. Аввал у кўзимга сержаҳл кўринди. Мени ўтқазиб қўйиб, қовоғини чимириб, деди:

— Қойил иш қилибсиз-ку, йигитча. Чора кўрмасдан иложимиз йўқ. Қани, ўзингизни танитинг-чи. Исм, фамилиянгиз?

Отимни айтдим-ку, фамилиямга тўхталиб қолдим: Носиров десаммикин, Арслонов десаммикин?

— Арслонов,— дедим.

Арслоновнинг қаерда, ким бўлиб ишлашини суриштира кетди. Мен айтиб беролмай қийналаётган эдим. Эшик тирқишидан мўралаб турган Бўрон:

— Айтавермайсанми: «Ёнар дарё»да инженер,— деб юборди, бошлиқни ҳам, мени ҳам ҳайрон қолдириб.

— Қани, йигитча, бу ёққа кириг-чи, бу ёққа,— деди унга бошлиқ.

Бўрон халта, саватларини кўтариб кирди. Энди бошлиқ жаҳлидан тушиб, юзи кулиб турарди.

— Сиз ким бўласиз, йигитча?

Бўрон юмшоқ курсига ўз уйидай бемалол ўтириб олди. Томоғи қуруқшагандай қайта-қайта йўталди. Бошлиқ унга стаканда сув узатди. Бўрон сувнинг ярмини шимириб, ярмини менга берди. Кейин исм, фамилиясини келиштириб айтди:

— Боря Титов!

Бошлиқ лунжини шишириб, елкасини қисди. Энди бир нарса деб сўрамоқчи бўлиб турганди. Бўрон илиб кетди: ўзининг Қизилқумдаги машҳур чўпоннинг шогирди экани, унинг «махсус топшириғи билан» Тошкентга бориб келаётганини гапириб, бошлиқни бақрайтириб қўйди. Мен ҳам ичимда:

«Чиндан билагон. Уринлатяпти. Вақти келса опқочишни ҳам ўхшатаркан», деб турибман.

Бошлиқ, алланарсани ўйлаб туриб, сўради:

— Аникроқ қилиб айт-чи: Арслонов деганинг қанақа инженер?

— Газопровод қураётган колонна инженери-да!— деди Бўрон, бошлиқ бўла туриб шуни ҳам билмайсизми дегандек қилиб.

Бошлиқ, қийин масалани ечгандай, енгил нафас олиб:

— Э, ҳа, бўлди. Уша Арслоновми?— деб ўрнидан туриб кетди.— Ҳамма ёққа дoston бўлган «Ёнар дарё» қаҳрамони-я? Шундоқ демайсанми? Таърифини эшитганман. Узини ҳам Бухорода бир мажлисда учратганман! Демак, бу болакай ўша қаҳрамоннинг ўғли дегин? Ушандай одамнинг ўғли бўла туриб, қилган интизомсизлигини қаранг-у. Ярашмайди сизга, сира ярашмайди. Мен ҳозирча жавоб бераман. Шу шарт биланки, бунақа беодобликни иккинчи қилмайсиз. Келишдикми, йигитча?

«Қутулдим шекилли», деб хурсанд бўлиб турсам, бошлиқ қўшиб қўйди:

— Дадангизни таниймиз. Кўришганда айтиб қўямиз бу ҳодисани.

Шу ёғини чатоқ қилди-да. Ҳа, майли, ишқилиб уйимга хабар етказмаса бўлгани. Бошлиқ бизни чиқариб юборяпти-ю, у ёқ-бу ёққа аланглайман: Лайка қани? Уни қамаб қўйишдими? Лайка ёнимиздаги хонада экан. Кетимиздан уни ҳам ҳайдаб чиқаришди.

— Ҳа, мохов, қамоқдан қутулдингми? Шунча овора-сарсон қилдинг-а одамни!— деб Лайкани қулоғидан чўзаман. Оғзига бўғирсоқ солиб қўяман.

Узимиз ҳам бўғирсоқ кавшаб борамиз. Ичимда ўйлаб кетаялман: «Бошлиқ нечук осонликча жавоб бера қолди-а? Арслоновни у қаердан таниркан? Унинг номини эшитганда, нега бирдан афти бошқача бўлиб, муомаласи ўзгарилиб кетди? Арслоновдан қўрқармикин? Инженер зўрми, милиция зўрми?»

Кейин Бўронга дейман:

— Бўлган ишни адамга билдирмаймиз-а?

— А? Нима кераги бор бекитишни? Шунақа гап яшириш одатинг ҳам борми?— деб Бўрон менга тикилди.— Агар шунақа одатинг бўлса, ўртоқчиликни йиғиштирамиз-а, билиб қўй.

Мени ғам босиб кетди. Сал юрганимиздан кейин, бирдан Бўрон тўхтаб:

— Эҳ, почтадан ўтиб кетибмиз-ку. Ойингга телеграмма берсак бўларди, «эсон-омон етиб келдик», деб. Почтага қайтамызми?— деди. Юрагим шиф этди. Бўрон яна юрди.

— Қишлоқ почтасидан берармиз-а? Юр, тезроқ. Шамол бошланяпти. Автобусдан қолмайлик.

## 11. САҲРО ШАМОЛЛАРИ

**М**ана автобусда кетяпмиз. Нотаниш шаҳар кўчалари орқада қолди. Дала йўллари бошланди.

Бора-бора кўз илғамас кенгликларга чиқдик. Кенгликда баланд-паст қум тепалар. Улар жуда-жуда кўп, уфққача ёйлиб кетган. Улар сариқ-қизғиш райгда товланади. Шамолда қум даласи денгиздай жимир-жимир қилади. Тўлқинланади. Чайқалади. Тинимсиз ҳаракатланиб, кўзингни тиндиради.

— Бошланди,— деб қўяди Бўрон. Лекин нима бошланганлигини айтмайди.

Шамол кучайиб, автобус ойналаридан кириб туради. Ис-сиқ, нафасни сиқадиған шамол. Худди кун ботаётгандай ҳаво бўзариб кетади. Гоҳ-гоҳида қум кукунлари автобус ичига тундай уради, одамлар ойналарни бекитиб қўйишди. Кўп ўтмасдан автобус ичи ҳаммомдай дим бўлиб кетди, томоғим толқон ютгандай қуруқшайди. Тер ҳидлари димоғимни ачита бошлади. Одамлар бурунларини бекитишади, паровоздай виш-виш қилиб нафас олишади. Мен чанқаб, бўғилиб кетяпман.

Ташқарида ғувиллаб шамол қутуради. Ҳамма ёқни қум бўрони қоплайди. Осмон кўринмай қолди. Автобус қандай йўл топиб бораётганига ҳайрон бўламан. Лайка эсимга тушди. У саватда, бўларича бўлгандир. Шу тобда ким қарарди унга.

— Ҳа, ишлар қалай?— деб қўяди Бўрон илжайиб ва дарров дастрўмолини оғзи-бурнига тутиб олади.

— Жойида,— деб қўяман мен ҳам зўрга илжайиб. Ичимда-чи: «Бошланиши шу бўлса, у ёғи нима бўлар экан?» деб ваҳима қиламан.

— Сен ҳам оғзи-бурнингни беркитиб ол. Бўлмаса ичингга қум киради. Сувга шўнгитиб, ичингни чайиб юрмай тағин.

Кўл воқеаси эсимга тушди. Бўронга қўшилиб куламан. Енимизда келаётган бир йигит бизга қизиқиб қолди. У, бароқ-

қош, кўзи чақчайган, афти ишшайган. Еш бўлса ҳам сичқон думидай мўйлов қўйган. У ташқаридаги бўронни-ю, ичкаридаги иссиқни писанд қилмайди. Ҳаммага гап отиб келарди.

— Офарин, чаккимассанлар-ку, ошналар. Бировлар ўлай деса, сенлар кулай дейсан,— деди бизга.— Шундоқ қиёмат об-ҳавода қаёқдан келиб, қаёқни ихтиёр қилдиларинг? Саватпават кўтариб чиққанларингдан, ойиларинг тўй-пўйга юбордими деб қўйдимов.

Йигитнинг қизиқ гаплари ҳаммани ағрайтириб қўйди. Биз кулиб юбормаслик учун тескари ўгирилиб олдик.

— Қани, томоқни ҳўллаб олайлик-чи, бапуржа отамлашамиз.— У шими чўнтагидан шиша олди. Кафти билан орқасига пақ-пақ уриб очди. Қоғоздан «рюмка» ясади-да, қуйиб ичди. Худди ачиқ дори ичгандай олдин афтини буриштирди, кейин «ҳай, ҳай», деб тилини чапиллатди. Мўйловини силаб қўйди. Яна ўша «рюмка»га жиндек қўйди-да, менга узатди.

— Олинг, ошнам. Лиқ этиб буруннинг остига отиб юборингчи, азбаройи шифо, деб.

Мен қайтардим. У зўрлади.

— Қўлим қайтган йигитлардан эмасман. Улфат деган мард бўлади. Юз граммгина. Кемага тушганнинг жони бир, деган гап бор. Ҳа, ола қолинг, ошна, қўлим толди.

Йигит бу гапларни кулмасдан айтяпти. Қўлидаги қоғоз «рюмка» ивиб, суви силқиб кетяпти. Бўрон бўлса, «ичавер-майсанми!» деб мени туртапти. Кўнмаганимдан сўнг, у шартта олиб ичиб юборди.

— Офарин, ана бу йигитнинг иши бўлди! Балли, раҳмат,— деди йигит Бўроннинг елкасига қоқиб. Яна янги «рюмка» ясаб, қўйди-да, менга узатди.— Мана дўстингиздан ўрнак олинг. Мард бўлинг сиз ҳам.

Мен яна қайтарган эдим. Бўрон қулоғимга: «ичавер, яхши лимонад экан», деди. Кулиб юбордим. Кулгидан ўхчиб-ўхчиб, лимонаднинг ярмини тўқдим. Йигит яна қуйиб берди. Яна ичиб, раҳмат айтдим. Уртамизда бўлган ҳангомани тушуна олмаганлар бизга ажабланиб қарашарди.

Йигит энди биздан кетаётган жойимизни суриштирди.

Бўрон «Ёнар дарё» қурувчилари посёлкасига кетаётганимизни айтиб берган эди, йигит бирдан елкамизга қоқиб:

— Э, офарин, бизнинг дўстларимиз олдига кетаётган экансизларда!— деб қолди. Бўрон айтмасданоқ, йигит газопроводчиларнинг номларини санаб кетди. Султон амаки билан-ку эскидан таниш экан. Йигитнинг ўзи Газқайнар деган жойда

ишлаб, газопроводчиларнинг ишидан ҳам хабардор бўлиб тураркан.— Офарин, «Енар дарё»ни кўрмоқчимиз денглар-а? Арзийди кўрсанглар. Жойида! Аммо-чи,— деди бошмалдоғини баланд кўтариб,— томошанинг кони Газқайнар шаҳри азимда. Уни кўрмабсан, оламга келмабсан. Хўп десаларинг, олиб кетай. Учкиларинг келса — осмон баравар доримиз, футболга ишқивоз бўлсаларинг — стадионимиз бор. Чўмиламан десаларинг, кўлимиз нақд — ичида танга балиқлари билан.

Йигит «томоша кони»ни шундоқ мақтадики, ҳамманинг оғзи очилиб қолди. Мен бўлсам ўйлайман: бу қум саҳросида қанақа «шаҳри азим» бору, қанақа «томоша кони?» Тўғримикан, ё бу ёқдаги одамлар шунақа қуруқ аравани олиб қочаверармикан? «Бормаймизми?» деб Бўронни туртсам, «Борганман», деб қўя қолди. Мен йигитдан сўрадим:

— Шамоли ҳам зўрми?

— Ҳай, ҳай сўрама.

— Бундан ҳам-а?— дедим ташқарида қутураётган шамолга имо қилиб.

— Шамолнинг оғзи ўшоқда-да. Унинг олдида бу шамоллар ип эшолмайди. Ҳай, ҳай, ўнча-мунча одамни ямламасдан ютади.

Вой-бў ваҳмасини! Бўронга «Шунақами?» десам, «ҳим», деб бош қимирлатди.

— Қўйсанг-чи! Қанақа қилиб ютади одамни, кўрганми-сан?— десам, Бўрон яна «ҳим», деб бош қимирлатадию ранги қум ўчиб, хўрсиниб қўяди. Нега унақа бўлди, тушунолмадим.

Шу вақт машина тўхтадию, Бўрон «тушамиз», деб қолди. Сават билан халтани кўтариб тушаётганимизда, мўйловли йигит:

— Арслоновга салом айтинглар. «Али чемпион салом айти», десанглар билади. Ўзларинг бир айланиб конимизга боринглар,— деди.

— Қонда чемпион нима қилади, а?— дейман тушаётиб.

— У ерда чемпиони ҳам, дорвози, артисти ҳам бор,— деб қўяди Бўрон.

Гапи ғув-ғувда қулоғимга аранг киради. Энди шамолнинг шарпасига эмас, қоқ ўзига дуч келган эдик. Бўрон халтадаги лаш-лушлари ичидан битта эски кўк шапка олди-да, соябонини орқага қилиб кийди. Шапка каттароқ бўлгани учун ҳурпайган сочи устидан кўзи, қулоғигача босиб тушди. Шапканинг икки чеккасидан тасма осилиб турарди, уни ўт ўчирувчиларникига ўхшатиб томоғи остидан ўтказиб боғлаб олди.

Шамол мени довдиратиб қўйди. Дўппим учиб кетай деганидан бир қўлим бошимда. Бир қўлим билан саватдан Лайкани чиқарай дейман, чиқа қолмайди. Сулайиб ётибди. Қўрқиб кетдим.

— Лайка, Лайка! Тур, бу уйингмас!— деб уни туртдим. Қўзини пириллатди — қум тиқилибди. Раҳмим келиб, бир чақмоқ қанд тутсам, олмади. Ерга қўйсам, ғоз-ғоз турган чақалоқдай гандираклар кетаверди.

— Машинанинг дами элитган, — деди Бўрон.

— Юр, қани юр!— деб йўлга тушдик. Лайкани шамол орқага суриб юмалатиб юборяпти. Ўзимнинг бўлса дўппим учиб кетай дейди.

— Дастрўмол билан дўппининг устидан бошингни бойлаб ол,— дейди Бўрон. Боғлаб оламан.

— Лайкани саватга солиб ол,— дейди Бўрон. Солиб оламан.

Ана энди ҳаммолдай юкларни орқалаб кетяпмиз. Қаёққа кетаётганимизни билмайман. Чунки ҳеч қанақа йўлнинг ўзи йўқ. Бу яқин орада одам қораси тугул, тиккайган нарса ҳам кўринмайди: на уй, на дарахт, на чайла. Ҳамма ёқ қум, шағал.

— Қаёққа кетяпмиз, Бўрон?

— Суриштирмай юравер,— деб у олдинлаб кетади. Орқамиздан ботаётган қуёшнинг хира шуъласи тушади, Бўроннинг соябони орқага ўгирилган шапкасида бир нима йилтиллади: юлдузчами? Ҳа, юлдузча!

— Бўрон!— дейман бақириб.— Шапка кимники?

— Суриштирмай юравер,— дейди-ю, кетаверади.

Анча олдинлаб кетади. Унга яхши-да. Ўрганган ерлари. Иннайкейин, оёғида қўнжли ботинка. Мен бўлсам, шиппак билан келаверибман. Энди шиппак тирқишларидан кирган қум-шағал оёғимни шилиб юборяпти. Аммо Бўронга оғиз очолмайман. Очсам, ҳойнаҳой: «Айтмабмидим йўли оғир деб», дейди. Тишимни тишимга босаман. Охири Бўроннинг ўзи буни пайқаб қолади-да, дейди:

— Гимнастика ўйнайдигандай оёғингга кийиб келган нарсангни қара-ю! Ечиб, қоқиб ол-э!

Ечиб, қоқиб оламан. Бир оз юргандан сўнг яна қоқаман. Яна, яна! Безор бўлиб кетдим. Шамол хиёл бўшашди. «Бўлди энди шунча опичганим!» деб Лайкани ерга отдим. У бир юмалаб саватдан чиқди-ю, жони оғригандан юра кетди. Энди сал енгил тортдим-у, лекин оёғимнинг оғриғидан қутулолмайман. Ҳеч юролмай қолдим: «Бор-е!» деб охири шамолга тескари

қараб, бир тошга ўтириб олдим. Бўрон кўрди-ю, аввал майнабозчиликка олиб:

— Йиғлолмайди кал-кал, йиғлолмайди кал-кал!— деб чапак чалди. Аламимдан ўпкам тўлиб кетди. Охири деди:— Утирсанг, оёғинг баттар оғирлашади. Совитмасдан юравер, бира тўла бориб дам оламиз.

Турай дейман, оёғим без-без қилиб туролмайман. Бўрон бўлса, ачиниш ўрнига кулади.

— Опич!— деди кейин орқасини ўгириб.

Ҳазиллашяптими десам, астойдил қистаяпти.

— Бор-э, бу нима қилиғинг! Майнавозчиликка қолдимми энди!— дедим-да, аччиқ билан юриб кетдим.

Ликонглаб юришимга қараб турди-да, Бўрон хахолади:

— Ҳайт, ҳайт, оёғи куйган товуққа ўхшайди-я! Циркда ўйнасанг ҳам бўлади!

— Бор-э!— дедим. Энди ростакам жаҳлим чиқди, кўзимга ёш келди. Умримда йиғлаган бола эмасдим-а! Ёшни секин сидириб ташладим. Бўрон билганга ўхшайди. У олдимга келди-да:

— Сахрога энди келдик, ҳалитдан бўшашма. Қани, шиппагингни ечгин-чи,— деди. Ўз ботинкасини ечиб, қўймай менга кийдирди. Ботинкаси оёғимда шалопласа ҳам, анча яхши бўлди. Лекин менинг шиппагимдан Бўроннинг товони чиқиб қолди. Шунда ҳам парво қилмади, ҳақачаклаб Лайка билан қувиша кетди. Ҳайрон қоламан унга: чарчаш нималигини билмайди-я! Мен унинг ҳозирги ҳақачаклаб кетишини ёғоч оёққа ўхшатсаммикин, чигиртканинг сақрашига ўхшатсаммикин, ўзига айтиб бир кулдирсаммикин деб ўйлаб кетаётсам, у:

— Урра, урра!— деб қичқириб юборди.

Нима экан деб атрофга алангладим. Жуда узоқда, ботаётган қуёшнинг сомондай сариқ яллиғи тушиб турган жойда асалари уяларидай қутичалар кўринди. Яқинлашганимиз сари бу қутичалар вагонларга ўхшаб кетди.

— Ия, Бўрон, поезд ўтадими бу саҳродан?

Бўрон қаттиқ хахолаб, тушунтирди:

— Гилдираб юрадиган посёлка бу. Қурувчилар посёлкаси.

Бир оз юрганимиздан сўнг, қум тепалар орасидан кўзимга офтобда ялт-юлт ёниб бир нималар кўринди. Ўзундан-узоқ чўзилиб кетган қувурларга ўхшайди. Қувурларнинг ён-верида ҳар хил машиналар қалашиб турибди.

— Ана ўша «Енар дарё», яъни газопровод трассаси ўтган жойлар, илгари ҳам айтган эдим-ку?



— Айтганинг билан мен бошқача ўйлагандим-да. Ўзинг «олов оқади» дегандинг-да!

Бўрон қотиб кулди.

— Қойил бешинчи синф ўқувчисига. Шу чоққача ўз уянгдан ташқарига чиқмаганинг билиниб турибди!

«Кулмай қўя қол. Билмайсан. Дадам мени Москвага обормоқчи эди»... Ичимда шундоқ дедим-у, Бўронга чурқ этмадим. Бўрон бўлса, нега дамнинг чиқмай қолди, деб менга қаради-да, яна баттар кулди:

— Афтингни қара, ҳақиқий масхарабоз бўпсан-ку. Шундай бораверамизми?

— Ўзинг-чи, ўзинг!— Унинг афти башараси ҳам нимранг упа чаплагандай эди. Бошидаги кўк шапкасининг ҳам ранги бўзариб кетган. Фақат юлдузча милт-милт ажралиб турарди.

— Дадангинг олдига шу аҳволда борсанг танимайдида,— деди Бўрон.— Уст-бошимизни қоқиб олайлик.

— Ундан кўра чўмилиб олсак-чи?

— Тошкентингмиди бу — ҳар қадамда кўл, ариқ бўлса. Ичишга сувни зўрға топамиз-ку бу саҳрода!..

Ўзи чанқаб қуриб келаётган томоғим бу гапдан кейин баттар қақраб кетди. Энди сувни қаердан топиб ичаман, деб ваҳима босди.

Яна сал юрган эдик, тошлар ва қамишлардан ясалган чайла учради. Чайлага бойлоқлик турган қора от бизни кўриб кишнади. Чайла тепасидаги айрига қўниб турган каттакон қуш қанотини пар-пар силкитиб нақ устимизга сапчигудай бўлди. Мен чўчиб орқамга тисланиб турувдим, Бўрон: «Кўрқма, ўзимизнинг қўлга ўргатган бургутимиз»,— деди-да, мени эшик ёнидаги катта катак олдига судради. Катакда думи узун, сап-сарик юнги тилладай товланган чиройли ҳайвон типирлаб турибди. Тулки!.. Ҳайвонот боғи эсимга тушиб кетди. Тулки қулоқларини динг қилиб, шаҳло кўзларини бизга айёрона қадади. Бўрон унга тегажаклик қилиб қўл силкитади, ҳар силкитганда тулки четандан сапчиб чиққудай бўлади.

— Ху, айёр ўлгир! Шеригингни ташлаб келдим. Бемалол яшайвер энди.— Кейин менга тушунтиради Бўрон.— Шу ўлгурда кийик боласини чиқиштирамаган, ҳадеб овқатини еб қўйверган... Ху ўлгур...

Бўроннинг Тошкентга ташлаб келган кийигига ачинаётгани яққол сезилиб турарди.

Овозимизни эшитиб чайладан бетлари кепчикдай, узун соқоллари жўхори попилдириғидай қизғиш, кўк яктак устидан

қават-қават белбоғ боғлаган бир чол чиқди. У чўлоқланарди. Чиқа солиб:

— Кел, бўтам, соғ-саломат келдингми?— деб Бўронни кучоқлади. Кейин менинг елкамга қоқди. Бошқа сўз айтмасдан, бизни чайлага киргиздию, ўзи қумғон кўтариб чиқди. «Мингаймас одамга ўхшайди», деб орқасидан қараб қолдим. Бир оёғи ёғоч экан. Кетидан анқайганимни кўриб, Бўрон:

— Бизнинг бобой, билиб қўй,— деди.

— А-а?— деб ажабланиб қолдим. (Эсимга «Титов» фамилияси тушди, ҳайронлигим ошди).

— Қолхознинг бош чўпони. Отлари ҳам Чўпонбобо,— деб қўшиб қўйди Бўрон.

Яна от кишнади. Лайка бегонасирабми, вовиллади. Бўрон югуриб чиқди-да, отга беда солиб, Лайканинг олдига суяк ташлаб келди.

— От кимники?

— Бобойники-да!

— Қандай қилиб минадилар?

— Нима деб ўйлаяпсан бобойни! Катта чавандоз. Улоқда бировни олдига туширмайди. Урушда герой бўлган. Будённий армиясида хизмат қилган.

Оғзим очилиб қолди: содда бир чўпон-а... Ишонмай турганимни билди-да, Бўрон ниманидир ўйлаб қолди. Чайла бурчагида турган яшиқни титкилашга тушди. Ундан битта дала сумкаси чиқди. Сумкани очиб ағдарган эди, конверт, блокнот аралаш суратлар тушди. Суратлардан бирини менга узатди. Мен суратга ағрайганча қолдим: бир одам эгнига шинель, бошига солдатча шлём кийган, отни гижинглатиб турибди. Катта қўй кўзлари билан қайрилма қошлари худди Чўпонбобоникидай. Фақат соқоли йўқ, ёш.

— Ана шунақа!— деб Бўрон мақтангандай бўлди. Кейин яна битта сурат кўрсатди. Бунисида уч киши: биттаси Чўпонбобонинг ҳозирги туришидай — соқолли, яктакли, бошида кигиз қалпоқ. Енидаги киши мўйловдор, юлдузчали шапка кийган, русга ўхшайди. Учинчиси бўлса жиккаккина, кўзлари ёввош бир бола.

— Ия, бу бола ўзинг эмасми?

— Ухшайманми?

— Ҳа. Анави мўйловлиси ким?

Бўрон чурқ этмади, кўзларини пирпиратиб четга қаради. Гапни чалғитиш учун:

— Бобо нега мунча узоқлаб кетдилар-а?— деб ташқарига

чиқиб келди.— Сувлари йўқ экан. Чой қидириб кетганга ўхшайдилар...

Бўрон бобойга ачиниб, ўзи бора қолмаганига афсусланди. Мен ҳам роса чанқаб, қорним очиб кетган эди.

Анча вақтдан кейин Чўпонбобо ҳаллослаб қумғон кўтариб кирди. Суратга кўзи тушди-да, уни қўлига олиб, тикилди. Худди соғинган одамни учрагандай:

— Эҳ, дўстим Титов, қадрдонгинам,— деб ўзича сўзланди,— кўп одамохун эди, раҳматлик... Урушга ҳам бориб келган. Кейин шу саҳрода ўн йилча кезди биз билан. Мен йўл кўрсатувчи эдим. Титов одамлар билан бирга саҳрони илматешик қилди. Ер тагидан хазина топадиган олим эди у.

Мен тушунмасам ҳам, бош қимирлатдим. Бобо чой дамлаб, қулоғимга:

— Қум бўрони ютди у шўрликни,— деб шивирлади. Уртотим кириб қолиб, у ёғини айтолмади. Уртага бир яшикни хонтахта ўрнида қўйиб атрофига пўстаклар солди. Яшикка газета ёзиб, нон қўйди. «Ол, ол», бошланди. Менинг миямни «қандоқ қилиб бўрон одамни ютади?» деган савол тимдалаганча қолди.

Бобойни минғаймас киши деб янглишибман. Жуда гаплашадиган чиқди. Бўрон олдида гапни дарҳол бурди:

— Шунақа қилиб, меҳмон бола, Арслоновнинг ўғлиман, дегин-а? Яшавор, йигитлар султонининг ўғли! Қелаётiboқ саҳро шамолини татиб кўрдингми? Қийналмадингми ишқилиб?

Ҳамма ёғим оғриб, оёғим безиллаб турган бўлса ҳам, сир бой бермадим.

— Ҳечқиси йўқ, ўрганиб қоласан. Бу ерга келган одам саҳро табияти билан олиша-олиша пишиб кетади.— Бобой пиёлада менга чой узатиб, гапни улади:— У ёғини сўрасанг, даданг ўз ўғлимдай бўлиб қолди. Зерикса, гаплашгани чайлага келади. Ҳар замонда ўз қўли билан ош қилади. Аммо пазанда йигит экан, паловхонтўрани дўндириб ташлайди-да, тўғриси,— деди бобой кўзларини юмиб чой ичаркан.— Палов билан кўк чой йиғлаб кўришади-да. Аъзойи баданингга мўмиёдай сингиб кетади, жонивор. Дадангни ўзим ўргатдим кўк чойга. Бош оғриғи касали бор экан, кўк чой даво бўлади унга...

Юрагим шнғиллаб кетди: «яна касали тутибди-да!» Бобой салмоқланиб гапирарди. Гаплари қизиқарли эди-ю, энди миямга кирмасди. Бўронни «юр», деб туртдим. Бобой дарров сездн.

— Бўлмаса дадангни олдига бора қол. Соғиниб, диққат

бўлиб юрувди ўзиям. Дарвоқе, эрталаб машинада район томонга ўтиб кетган эди, қайтдимикин-а?— деди. Бўронга тайинлади:— Меҳмон билан қайтиб келинглар. Шу ерда ётасизлар, дурустми?

Бораётиб, ўйлайман: «Соғиниб юрувди, дейди. Кимни соғинади? Бизними? Ойим: «кечиб кетди, унутди», деди-ку. Унутган одамни соғинармиди? Иннайкейин, диққатлиги нимадан экан-а? Султон амаки уйимизда ўтган гапларни бобойга гапирдимикин? «Ўғлимдай бўб қолди» деяптику, гапирса гапиргандир-да».

## 12. ФИЛДИРАБ ЮРУВЧИ ПОСЁЛКАДА

— **Ф**илдираб юрадиган посёлка мана шу,— деди Бўрон, вагонлар олдига етганимизда.

Посёлка эмиш. Қип-қизил сахро-ку бу ерлар ҳам. Ҳа, жиндаккина фарқи борга ўхшади. Бу ерда қум камроқ. Иннайкейин, сал қиялама бўлиб, пастроқларида сийраккина ўт, янтоқлар ўсган. Лекин булар ҳам иссиққа чидолмай жизгинак бўлиб кетибди.

Вагонлар ўнтача келади. Уларнинг тепасидан бир-бирига электр симлар тортилган. Бўрон ўзини бу жойларнинг эгасидай тутиб, битта-битта тушунтиради:

— Булар уйлар,— дейди ўртадаги янгироқ вагонларни кўрсатиб.— Аनावилари ошхона, устахона, клуб, омбор. Мана Арслоновнинг уйи.

Кўк вагон. Эшиги очиқ. Яқинлашишимиз билан тўхтаб қолдик. Ичкаридан бир хотиннинг шанғиллагани эшитилди:

— Қап-катта одам бўла туриб тайинингиз йўқ экан-ку! Сизни атайлаб даволагани олиб борсак, ўшандоқ жойни ташлаб келсангиз-а! Сўрамай-нетмай-а. Уят эмасми, ахир! Аввалам бор нима қилишарди сизни сахрога юбориб? Жонингизга жавр қилиб?

— Ўзийнгиз-чи, ўзингиз?— дерди эркак товуш бўғилиб.— Хотин бошингиз билан нима қилиб юрибсиз бу ёқларда?

— Менинг йўлим бошқа!

— Менинг йўлим ҳам!

— Сиз касалсиз, ахир, тушунинг, гипертония билан ҳазиллашиб бўлмайди,— деди хотин, кейин сал овозини пасайтириб ялинишга ўтди:— Қани ўртоқ инженер, кийина қолинг, қайтиб кетамиз. Бош врачнинг буйруғи шу.

— Сиздан сўрайман, опажон. Мени ўз ҳолимга қўйинг. Эр-тага ўзим борарман,— деди эркак ҳам овозини пасайтириб. Буниси аниқ Султон амакининг овози эди.

— Киравермаймизми?— дейман ичим ҳаприқиб.

— Тўхтаб тур. Катталарнинг гапига мушайт этмайлик,— деди Бўрон мени туртиб.

Мен унинг қўлидан сирғилиб, вагонга отиламан. Ҳаммом-дагидай гуп этиб юзимга дим ҳаво урилади. Вагон парда билан иккига бўлинган. Адёл-пардани очиб кирсам, енгил брезент каравотда боши боғлиқ, соқоли ўсиқ Султон амаки ўтирибди. Ранги сарғайиб кетган. Унинг олдида, қон босими-ни ўлчайдиган асбобни қўйиб, оқ халатли ёшгина хотин ўтирибди. Юрагим шиф этиб кетди. Султон амаки бизни кўрибоқ, кўзининг пахтаси чиқиб, ўрнидан сапчиб турди.

— Ия, ия, Дамиржон! Қандай шамол учирди?— деб, олдимга келди, белимдан ушлаб кўтариб қўйди. (Уйдаги қилиғи: «Пўшт, Стёпа амаки келяпти», дегани эсимга тушди). Кўтарганда бошим бир нимага чиқ этиб тегди. Қарасам, вагон шифтига осилган электр лампага теккан экан.— Ким билан келдинг?

Орқамда турган Бўронга имо қилдим.

— Ия, ҳа, Боря? Нечук кўринмай қолдинг десам, Тошкент-дамидинг? Қандай қилиб топишдиларинг? Нимада келдиларинг?

Мен қисқача айтиб бердим.

— Қўрқмадингми, қийналмадингми самолётда?

Мен «йўқ», деб бош чайқаган эдим, кулоғимга Бўрон: «Айт, Лайка воқеасини!» деб шивирлади. Қандай қилиб айтаман, деб қийналиб турувдим, доктор хотин, асбобларини йиғиштираётиб, гап қўшди:

— Дадангни кўргани келибсан-да, укажон? Шундан-шунга-я, эссизгина! Сенинг ўрнингда бўлсам, дадамни ҳам юбормасдим бу ерларга, ўзим ҳам келиб ўтирмасдим.

Афтига тикилдим: бу гапни ҳазил қилиб айтдим, чинданми — билиб бўлмайди. У Султон амакига дорилар қолдирди-да:

— Эртага касалхонага боринг, кутамиз,— деди. Кейин менга:— Келганинг бир ҳисобда тузук бўпти. Дадангга қараб турасан. Дорини эсларига солгин. Ташқарига чиқармагин. Хўпми?— деб тайинлади. Гапларига кулгим қистаганча, кетидан қараб қолдим.

— Эшитдингми, Дамиржон, мени сен боқишинг керак-

миш,— деб илжайди Султон амаки.— Докторлар ваҳимачи бўлади-да. Касалиннга касал қўшади. Бўш келсанг, сени чақалоқдай йўргаклаб қўйишдан ҳам тоймайди. Қани, ўтиринглар-э!

Султон амаки бошига боғланган рўмолчани олиб ташлади. Шунда Бўроннинг тунов кунги гапи эсимга келиб, Султон амакининг пешанасига тикилдим: ортиқ-портиғи йўқ, Фақат пешанаси устида сочи орасидан билинар-билинимас хол кўрилади, холос.

Стул атрофига ўтирдик. Султон амаки уйда аҳвол қандай деб суриштирди: Менинг ўқишларимни, бузимни, айниқса Попукни кўп сўради. Энди ойимга гал келган эди, эшик ғиқ этиб очилди-да, икки қўлида икки сопол товоқ кўтарган киши:

— Ассалому алайкум, хўжайин!— деб кириб келди.

Султон амаки хоҳламайгина:

— Келинг, Тоға,— деб қўйди.

«Тоға» худди эҳтиёт бўлмаса, қўлидан тушиб синадигандай, косани авайлаб столга қўйди. Султон амакининг соғлигини қайта-қайта сўрагандан сўнг, қатигини мақтаб кетди:

— Атайлаб ўзларига ивитдим. Эшитганмисиз-йўқми, Зарафшон дарёси лабида Бўстон қишлоғи бор. Отига яраша — жаннатнинг ўзи. Ҳавосию мевасидан тортиб сут-қатигигача машҳур. Асли ўша ерликмиз-да биз. Буни ичсангиз, бамисоли Бўстоннинг сермаза қатигини ичгандай бўласиз. Дардингизга шифо бўлади.

Гаплари ҳам, ўзи ҳам ғалати. Қари десам, овози ингичка, соқоли йўқ. Еш десам, юзларини кампирникидай ажин босган. Унинг узундан-узоқ сўзини Султон амаки ижирғаниб эшитди. Сўнг уни алақситиш учунми ё вагон жуда исиб кетганиданми, кичик ойнани очиб юборди. Тоға бўлса парвосиз, гапини чўзарди.

— Хўш, Тоға,— деди Султон амаки, Тоғанинг сўзини кесиб,— бузилган машинанинг ременти битай дедими?

— Ҳим, хўжайин, озгина қолди,— деди Тоға худди ёлғон гапираётгандай ишшайиб.

— Қачон битади? Иш тўхтаб қолди-ку?

— Эртага битиб қолар, хўжайин.

— Аниқми?

— Худо хоҳласа, хўжайин,— деди Тоға яна боягича ишшайиб.

Султон амаки энсаси қотиб кулди. Кейин энди бораверсангиз бўлади дегандай, Тоғага бир сўмлик узатди.

— И-и, хўжайин,— деди Тоға аввалгидан баттароқ чи-йиллаб.— Мен сизни холисона кўргани кирганман-а. Уят бў-лади. Қўйинг пулни.

Султон амаки қўймай, унинг кители чўнтагига пулни со-либ қўйди. Тоға билмаганга олди.

— Қани, ичиб юборинглар-чи,— деди Султон амаки коса-ларни бизга суриб.

Чанқаб, қорним очиб турувдим. Қатиқни хўриллатиб ич-дим.

— Қалай, ширин эканми, жиян?— деди Тоға ишшайиб.

Бош қимирлатдим. Чиндан ширин экан. Аммо қимматга тушди-да!

Тоға энди кетармикин деб турсак, яна ҳам очилиб, «хўжа-йин»лай бошлади:

— Хўжайин, қорнингиз очган бўлса, аччиққина мастава қилиб берайми? Чойга қалайсиз?

Шу вақт эшикни устма-уст чертиб икки йигит кирди. Улар-ни кўрибоқ, Тоға сирғалиб чиқиб кетди.

Султон амаки ўрнидан туриб уларни хурсанд кутиб олди.

— Ўзим ҳам чақиртирмоқчи эдим. Кел, Вася,— деб ўзи-дай баланд бўйли рус йигити билан кўришди. Кейин:— Кел, Мамед,— деб бурни ялпоқ, қоши қалин, кўзлари катта йигит-га қўл узатди.

Биз жой бўшатиб, пастроқдаги яшикка ўтирдик. Бўрон қу-лоғимга: «Вася — катта механик, адангни ўнг қўли, Мамед — зўр экскаваторчи, ҳам шофёр», деб қўйди. Йигитлар, Султон амакининг соғлигини, касалхонадан нега тез қайтганини сў-рашди. Султон амаки уларга мужмал жавоб қилди-ю:

— Ишлар қалай?— деб сўради.

Вася билан Мамед бир-бирларига кўз қирини ташлашиб, жавоб беролмай тураверишди.

— Кўргани келганларингга раҳмат-у, менга трассадаги ишлардан гапириб беринглар-да. Куни билан бош оғриб ёта-вериб, ичим пишиб кетди.

Тоға тунука чойдиш олиб кириб, индамай чиқиб кетди. Сул-тон амаки темир кружкага чой қуя туриб, Васядан сўради:

— Қани, айт-чи, ўртоқ механик: колонна ўрнидан жилай деяпгими? Сув масаласи қалай бўляпти?

Вася у ёқ-бу ёққа аланглаб, индамай турарди. Мамед ор-тиқ жим туролмади:

— Тоға ремонтни чўзди. Эртага битирса, колоннани ўрни-дан жилдириб юборардик. Лекин ботқоқликда яна иш тўхта-

ладиганга ўхшайди-да!.. Сув масаласи ҳам аввалгича чатоқроқ... Кечадан бери бўронда қум кўчиб, водовознинг йўлини тўсиб қўйибди.

— Кўп ваҳима солаверма!— деди уни туртиб Вася. У ташвишга туша бошлаган Султон амакини тинчлантирмоқчи бўлди:— Чорасини топамиз. Эртага ўнглаб юборамиз ҳаммасини.

Султон амаки тинчланмади. Яна суриштираверди. Вася бўлса бир нималарни тушунтириб, ўзиникини исботламоқчи, қандай бўлмасин Султон амакини хотиржам қилмоқчи бўларди. Гапни бошқа ёққа буриб: колонна кутубхонасига янги китоблар келгани, аллақайси бир машинистнинг хотини ўғил туққани, бугун ошхонага ўн яшик «Тошкент суви» келгани, яна бошқа хил янгиликлардан сўзларди. Султон амакига бу ёқмадими:

— Бу янгиликларинг учун-ку раҳмат. Лекин сен мendan асосий гапни бекитяпсан,— деди норози оҳангда. Кейин бирдан этигини кия бошлади. Мени эсноқ босаётганини кўриб, меҳрибонлик билан деди:— Сен, ўғлим, чарчаб келгансан, ётиб дам олавергин.

Уялиб уйқум ҳам қочиб кетди. Нима, ҳамманинг олдида ётиб ёш боламанми! Бўрон секин қулоғимга:

— Ундан кўра юр чайлага, бобой кутиб ўтирибдилар,— деди.

Мен Султон амаки билан тузуқкина гаплашолмасдан кетсам қанақа бўларкин, деб ўйланиб турган эдим. Бўрон ўз таклифини Султон амакига ҳам айтди.

— Бўлмаса рухсат,— деди Султон амаки.— Эрталаб вақт-лироқ туриб келгин, шу ерда нонушта қиламиз.

— Кетдик,— деди Бўрон эшик томон юриб. Менинг бўлса оёғим тортмай қолди. Чунки Султон амаки отланяпти. Қаёққа отланяптикин шу бемаҳалда? Уни ташлаб кетгим йўқ эди. Султон амаки шуни пайқагандай:

— Бора қол, ўғлим, бора қол ўртоғинг билан,— деб қистарди.

Вагондан тушиб кетаётганимизда, «ғилдираб юрувчи посёлка» четида трактор гулдурай бошлади. Трактор пешанасида прожектор ярқираб, посёлкани ёритди. Вагонларда лампочкалар ёнди.

— Тоға движокни юргизиб юборди,— деди Бўрон. Шунда мен, Тоғанинг фақат қатиқчи бўлмай, машинага ҳам алоқаси борлигини билдим.

Султон амакининг вагонига қараб-қараб қўяман. Кўк ва-



гоннинг кичкинагина кўзи юлдуздай чақнаб турибди... Ия, ана юлдуз ўчиб қолди. Уч киши вагондан тушгани, прожектор яқинида турган усти брезент машинага чиқиб чўлга жўнаб кетишгани яққол кўринди...

— Қаёққа кетишяпти улар?

— Трассага,— деди Бўрон, кундузи узоқдан кўрсатган қувурлар томонга қараб.

— Кечаси нима қилишади у ерда?

— Ишлашса керак. Кундузги жазирамада ишлаш қийин-да.

— Нима иш қилишади?

— Эзма-чурук бўма, одамнинг қорни очиб кетяпти!— деб жеркиди Бўрон.— Кейин ўз кўзинг билан кўрасан ҳаммасини.

Доктор хотин Султон амакига қимирламанг деган эди-ку. Нима қилади-я бориб? Қасали зўрайиб кетмайдими? Одамлар ҳам қизиқ. Кўриб туришибди-ку касаллигини, нега тағин уринтиришади? У бормаса, иш битмас эканми жуда?

Буларни Бўрондан сўрагим келади. Лекин нима деб бошлайман. «Дадам», деб бошласам, ҳалиям тилим келишмайди. «Султон амаки» десам, Бўрон ҳайрон қолиши мумкин. Султон амакининг ўзи мени «ўғлим», деяпти. Яна одамлар олдида. Худди «кўриб қўйинглар ўғлимни», деб фахрлангандай. Қани бизни унутгани? Ойим бекорга гумонсираяпти. Шундоқ бўлгандан кейин, мен нега «дада», деб айтолмайман? Тўғриси, уйдаги гапларни ҳаммадан бекита-бекита ичим тўлиб кетди. Қийналаман, ичимни бўшатгим келади. Ахир, одам ўзининг яқин ўртоғига сирини айтмаса, кимга айтади? Бўрон менга ўртоқдан ҳам ортиқ бўлиб кетдику, «Дўст», деб шунақасини айтса керак-да. Бўлди, ҳаммасини айтаман унга — ойим билан Султон амакининг қаттиқ аразлашганини, бундан бувим, ҳаммамиз хафалигимизни, Султон амакининг бедарак кетгани, ундан хабар олай деб ойимга билдирмай йўлга чиққангани — ҳамма, ҳаммасини! Ойдинда чайлага бора туриб, тилимга шу гап келди.

— Даданг қанақа эди, Бўрон?

— А-а?— деб менга анқайди Бўрон.— Яхши эди.

— Қанақа «яхши» эди?

— Жуда яхши эди-да,— деди, саволларимдан ҳайрон қолиб,— сенинг дадангга ўхшаган.

— Тўхта-чи,— дедим. Олдинда кетаётган эди, тўхтади.— Даданг билан ойинг ҳеч аразлашганми?

— Ҳей, уйқусираяпсанми ўзинг?

Индамай қолдим. Бўрон оғзимни узоқ пойлади-да, охири:

— Нима демоқчисан, очиқ айтавермайсанми?— деди.

— Ҳеч нарса, ўзим,— дея олдим.

— Мужмал бола экансан, думи хуржунда қиласан гапни. Нега тўғри гапиравермайсан?— энди қизишди Бўрон.— Ҳу станцияда айтабмидим, «ўртоқ бўладиган бўлсанг, гап бекитма» деб. Эсингдан чиқдимидарров?

На «ҳа» дедим, на «йўқ».

Бир-биримизга индамасдан қум-шағал кечиб кетаётган эдик, гира-ширада олдимиздан отлиқ Чўпонбобо чиқди.

— Кўп ҳаялладиларинг, болакайлар. Овқат ҳам ланж бўб кетди,— деди бобо от жilовини тортиб. Кейин мендан сўради:— Даданг қалай, тузукми?

— Трассага чиқиб кетди,— деди мендан олдин жавоб бериб Бўрон.

— Шу маҳалда-я? Ҳа, дарвоқе, трассада бир ишқал чиққан деб эшитдим...

Бобо, прожектор нурида кўп қаватли бинолардай чўзиқ-чўзиқ соя ташлаб турган вагонларга тикилди-да:

— Қасал нарсага ким қўйибди кечаси тентирашни. Бориб уришиб қўймасам бўлмайди. Сизлар чайлага бориб овқатланиб туринглар,— деб отнинг жilовини силкиди.

Қап-катта одамни худди ёш болага ўхшатиб гапиргани менга жуда ғалати кўринди.

— Биз ҳам борамиз,— дедим хавотирга тушиб.

Бўроннинг боргиси келмай турарди. Бобо ҳам кетаётиб, қайтарди:

— Қўй, болам, бевақт юрсанг даданг уришади.

Мен отага эргашдим. Бўрон ҳам юрди. Бобо ноилож отни тўхтатиб, бизни мингаштириб олди.

Посёлка оралаб ўтиб, қум тепалари оша қоп-қоронғи сойликка тушиб кетдик. Ҳали отнинг туёқлари остида қум-шағаллар гижирлаган бўлса, энди қуруқ ажриқлар чарс-чурс қиларди. Узоқдан милт-милт ёниб чироқлар кўринди. Чироқлар у ёқдан-бу ёққа тинимсиз ҳаракатланади.

— Улар трассада эмас, траншея тепасида юришибди-ку,— деди бобо чироқ кўтарганларни кўрсатиб.

Бериоқда «газик» турган экан. Бобо бизни машина пана-сида қолдириб ўзи отдан тушди-да, одамлар олдига борди. Одамларнинг қўлидаги фонарчалар янги қазилиб, тупроғи уйиб ташланган траншеяни, ундаги милт-милт сувни ёритиб турса ҳам, аммо одамларнинг афтини кўрсатмасди. Чўпонбобо

улар билан саломлашди. Улардан бири ёнидагиларга траншеянинг охирида, тупроқ уюмига ботиб турган машинани кўрсатиб, қаттиқ-қаттиқ гапиряпти. Овозидан танидим — Султон амаки.

— У нима деяпти?— деб Бўронни туртдим.

— Қулоғинг битиб қолдими дейман. Даданг Васяни уришяпти: «Нега бу чатоқликни менга дарров айта қолмадинг!» деб.

— Қанақа чатоқлик экан?

— Ҳов анави полвонни кўряпсан-а?— деб Бўрон ҳалиги машинани кўрсатди. У энди кўзимга яққол кўринди — экскаватор экан, хартумининг ярми тупроқ уюмидан чўзилиб чиқиб турибди.— Уша ботқоққа ботиб қолибди-ку!

— Ўзинг бу ерларда сув йўқ демабмидинг? Ботқоқ қаердан?

Бўрон жавоб беролмай қолди. Мен катталарнинг гапига кулоқ сола туриб, боя Чўпонбобо айтган «ишқал»нинг нима-лигини тушундим: бу сойлик саҳронинг чуқур ери экан. Сойликдан бир неча чақирим наридаги баландликда сув омбори бор экан. Ушандан сизиб келган, ҳам баҳорда тўпланган сувлардан бу сойда ботқоқлик ҳосил бўлибди. Катталар, шу сизот сувни тездан йўқотилмаса, полвон машина траншея қазий олмайди, қувурларни ётқизиш ҳам амри маҳол, деб ташвишга тушишяпти. Бу ишқалдан тез қутулиш чорасини қидиришяпти. Ҳамма Султон амакини қуршаб: «Нима қиламиз?» деб маслаҳат сўраяпти.

— Ўзларинг нима дейсизлар, қани?— деди Султон амаки.

— Менимча, ўртоқ инженер,— деди биттаси,— бундай қилсак: траншеянинг ҳар ер-ҳар ерида ёнга қарата ариқлар қазисак, сизот сувни оқизиш юбориш мумкин бўлар дейман.

— Полвон ҳам, бошқа машиналар ҳам ботиб қолаётган бўлса, ариқларни нима билан қазийсиз?— деди Мамед.

— Қўл билан қазир экансан-да!— деди кулгига олиб Вася.

— Бу нарса ишни белига тепади, баттар чўзиб юборади,— деди Султон амаки.— Тошбақа қадам билан газопровод қурилишини имиллатишга, оғайнилар, ҳеч ҳаққимиз йўқ. «Бу газопроводчиларни азамат одамлар деб эшитардик, ёппа-ёз куни ботқоққа ботиб ўтиришибди-ку!» деган таънани эшитишга тоқатимиз борми!

У Чўпонбобога маслаҳат солди. Бобо бир нималар деб тушунтирди. Шундан сўнг Султон амаки ўз таклифини ўртага қўйди:

— Менимча, бобойнинг фикри тўғри, огайнилар. Бу ерга икки-учта насос машина келтирсак, шулар ёрдамида траншеяда тўпланган сизот сувларни йўқотиб борсак. Шунда экскаватор ҳам ишлайверади. Колоннамиз бу сойликка етиб келгунча, траншея хийла қуриб тайёр бўлиб туради. Шундай эмасми, Вася?

— Шунда иш тўхтамайди, Султон Арслонович, уятга ҳам қолмаймиз!— деб маъқуллади Вася.

— Лекин насосни қаердан топамиз, Султон ака?— деди ташвишга тушиб Мамед.

Султон амаки ўйланиб турди-турди-да, кейин:

— Узимизга яқинроқ Газқайнарга борсакмикан? Уларда ҳамма хил машинадан топилади. Вақтинча фойдаланишга сўрасак, йўқ дейишмас дўстларимиз.

— Хат ёзиб берсангиз, мен бораман,— деди Вася.

— Узим борсаммикин,— деди ўйланиб Султон амаки.

— Йўқ, сиз касал одамсиз. Узимиз борайлик,— деди қатъий қилиб Вася.

Улар тортиша-тортиша «газик» олдига келишди. Бобо ҳам етиб келиб, отига бизни мингаштириб олди. От устида ўзимча ўйланиб кетдим: ҳаммалари Султон амакини ҳурмат қилишаркан, касал деб аяшаркан-у, лекин бари бир усиз ишлари битмас экан!..

### 13. «ОБИ ҲАЕТ»

**А**лланиманинг тарақа-туруқидан уйғониб кетдим. Чайлада бир ўзим қолибман. Бўрон ҳам, Чўпонбобо ҳам ўринларини йиғиштириб, қаёққадири кетишибди. Қулоғимга самолёт учгандай гув-гув овоз келади. Бирдан яна тарақа-туруқ бўлади. Эсимни йиғиб ололмай турдим. Кейин билсам, чайланинг четан эшиги очилиб-ёпилаётган экан.

Бу — шамолнинг иши. Ҳа, ташқарида кечагидай қаттиқ шамол. Ҳавога қарайман. Тонг отган-отмаганини билиб бўлмайди. Туманми? Йўқ, ҳавони қум тўзони қоплаган. Хув узоқ-узоқда, саҳро қирғоғида бўзариб кўринган нима?— Ой ботяптими, қуёш чиқяптими?

Қум бўрондан юз-кўзимни тўса-тўса «посёлка»га бордим. Қўк вагонга чиқишим билан Тоғага дуч келдим. У тунука чой-чиш билан бўш товоқларни кўтариб чиқаётган экан.

Мендан:

— Даданг қаёқда, хабаринг борми?— деб сўраб қолди.

— Мен қаёқдан билай?— дедим. Бирдан кечаси Султон амакининг «Газқайнарға борамиз», дегани эсимга тушди. Наҳотки ўзи кетган бўлса ўшоққа?..

— Кечаси билан чўл кезиш одатини чиқарди бу тинмаган одам. Трассада ҳам иш оғирлашиб кетди. Иннайкейин, жиян, кундузги иссиқда касали зўраяди. Доктор кундузи юришга йўл қўймайди.

Мен ўзимни қаёққа уришимни билмай қолдим.

— Бўронни кўрдингизми, Тоға?

— Ҳозиргина тепа орқасига ўтиб кетишди. Чўпонбобо билан тагин бир нечта бола, кетмон, белкураклар кўтариб олишган.— Тоға рўпарадаги баландликни кўрсатди.

— Ушоқда бобой ўзича «қудуқ очамиз», деб юрганмиш. Кўнглида сув топиб одамларга яхши кўриниш. Беҳуда уринади. Сув анқонинг уруғи бу ерларда, аммо газ десанг ҳар қадамда.

Бўрон бугун менга ҳамма ёқни кўрсатмоқчи эди. Индамай кетиб қолгани қизиқ. Мендан қаттиқ хафа бўлдимми? Кетидан борсаммикин, **деб турувдим, каттакон темир бочка ортиб келаётган машина кўринди** (Кеча Мамед айтган «водовоз» шу экан), унинг кетига илинган пақир, банклар тарақлаб келарди. У посёлка ўртасида тўхтади. Кабинадан Васька бошини чиқариб, мени имлади. Олдига бордим. Рулда Мамед ўтирибди.

— Даданг ухляптими?— деб сўради яқинимга келиб Вася. «Йўқ», деганимдан сўнг, елкасини қисди.— Кечаси уринган, ухляптими десам, қаёққа кетдийкин-а азонлаб? Газқайнарға ўзи жўнаворган бўлса-я?

Вася бўшашиб, кабинага қайтди. Машина тепасида ўтирган бир бола мени имлади.

— Бу ёққа чиқ, Дамир!

— Кимсан, ўзинг?

— Мен Қўлдош бўламан.

Ҳа, отини эшитганман. Бўрон бир-икки марта гапирган эди.

— Чиқа қол, Дамир, катайса қилдириб келаман,— деди Вася ҳам. Чиқа қолдим.

— Сув олиб келганимиздан кейин Бўронларнинг олдига обораман. Қизиқ янгилик бошлаяпти улар,— деди Қўлдош.

Бу дуккибош, сепкил юз бола ҳар гапда тиржайиб турарди— ўзича кулаётганими ё одамни масхара қилаётганими, билиб бўлмайди. Бунисидан ҳам, катталарга ўхшаб гапиришини ёқтирмадим. Нима бўлса ҳам, шамолдан бекиниб вагон-

да ўтирганимдан кўра, машинада айланганим ҳам тузук. Султон амаки қайтгунча келармиз.

Бочка ёнида гаплашиб кетдик.

— Сени яхши танийман. Вагонда суратинг турибди. Приёмник устида, кўргандирсан,— деди Қўлдош менга яна иш-шайиб.— Ўртоқ Арслонов кўрсатганлар: «Маъна буниси ўғлим Дамиржон, буниси қизим Попук», деб. Бу йил бешинчини битирдингми? Бўрон билан мен олтинчини битирдик. Мендан атиги битта «икки» чиқди.

— «Беш»инг ҳам борми?

— Бизнинг муаллимлар ҳеч кимга «беш» қўйишмайди. «Беш» қўйсак, талтайиб кетасизлар, дейишади.

Мен «икки» олсам, уйқум келмасди. Қўлдош бўлса, ҳеч парво қилмагандай гапиради. Жуда беғам бола кўринади.

— Бизда «икки» олганни синфдан-синфга ўтказмайди.

— Кузда топшириб ўтиб кетаман. Бўрон ёрдамлашмоқчи,— деб қўйди Қўлдош, секингина.

Мен қизиқиб нимадан икки олганини сўрай девдим, шамол зўрайиб, гапиргани қўймади. Мамед юрадиган йўлидан адашдим, машина қаттиқ силкина берди. Банка, пақирлар, худди тунука томга тош отгандай шарақлаб борарди.

Машина таққа тўхтади. Мен ағдарилиб тушдим. Қапалагим учиб кетди. Лекин ҳеч ерим оғримасди. Худди тўшакка ағанагандай юмшоқ қумга тушибман. Қўлдош хахолаганча тушиб келиб, кийимларимни қоқиб қўйди. Қарасам, қум тепа олдида турибмиз.

— Вой-бўй!— деди Қўлдош ҳовлиқиб.— Дарёга борадиган йўлимиз тўсилиб қолибди-ку!

Вася билан Мамед пастга сакрашди.

— Ваҳима қилганингча бор экан, Мамед,— деди Вася, қум тепанинг у ёқ-бу ёғига кўз югуртириб.

— Кеча бунчалик баланд эмасди. Бир амаллаб ошиб ўтган эдим,— деди Мамед.

— Энди сувни қаёқдан топамиз?— деди Мамедга тикилиб Вася.— Бутун ишимиз тўхтайдиган бўлди-ку, қардош?

— Сув азоби қурсин, жонга тегди,— деди уҳ тортиб, папирос чекиб Мамед.

Шу вақт орқадан машина овози эшитилди. Ҳадемай «ГАЗ-69» етиб келди. Ундан ҳаммамизни ҳайрон қолдириб, Султон амаки тушди.

— Ия, ия, Султон Арслонович, қандай қилиб бизни топиб келдингиз? Азонлаб қаёққа кетиб эдингиз?

Султон амаки Газқайнарға бориб, иккита насос ундирганини, насослар ҳали замон етиб келишини гапирганда, Вася билан Мамед хурсандликдан сакраб юборишди.

— Хўп саз бўпти-да, Султон Арслонович. Ботқоқдан тез жиладиган бўбмиз-да, соғ бўлинг!

Султон амаки уйқудан қолгани, қаттиқ чарчагани учун кўзлари қонталашиб кетган бўлса ҳам, лекин чеҳраси очиқ эди. Бирдан менга кўзи тушиб қолди.

— Сўрамасдан тентираверишми? Чайладан ахтариб юрибман-а сени, Дамир!

Менинг номимни эшитибми, машина ойначасидан Лайка бошини чиқариб, ҳурди. Оббо қурғур-эй, охири эганг билан топишиб олибсан-да!..

Султон амаки, баланд қум тепани кўрди-ю, чеҳраси тундлашди. Уч киши алланарсаларни маслаҳатлашишди. Мамед-га узоқ бир сойни тушунтириб, сўрашди:

— Топа оласанми?

— Топа оламан. Хотиржам бўлинглар,— деди Мамед.

— Бўпти бўлмаса! Дамир, сен ҳам ўртоғинг билан ўйнаб кела қол,— деди-да, Султон амаки Васяни ўз машинасига ўтқазиб, тез орқасига қайтди.

Мамед «водовоз»ни чапга бурди.

— Энди қаёққа боради?— дейман Қўлдошга.

— Қўявер. Қатайса қилганимиз қолади,— дейди Қўлдош хурсанд бўлгандай.

Яна қанча тепалардан, саксовулзорлардан ўтдик. Кўп юрдик. Бир сойлик кўринди. Машина пастга тушиб борди. Сойликнинг остида шилдираб сув оқарди. Шишадай тип-тиниқ. Худди бизнинг Қомсомол кўлидаги сувга ўхшайди. Мамед билан Қўлдош умрида сув кўрмагандай, ётиб сувдан шимиришди, ювиниб олишди-да, ишга тушишди. Қўлдош икки пақирлаб сув ташийди. Мамед машина устида туриб, пақирни бочка оғзига қуяверади. Қўлдош ҳар пақирни узатганда, Мамед «молодец», деб кўярди. Бирпасда Қўлдошнинг юзлари қип-қизариб тер қуйиб кетди.

— Қарашиб юборайми?— деб сўрайман. Шунчаки сўраган бўлсам ҳам Қўлдош жон деб турган экан, пақирнинг кичикроғини қўлимга тутқазди.

Ким ўзарга сув таший бошладик. Мен ҳам ҳар борганда, Мамеддан «молодец» эшитиб турдим. Олдинига бу қизиқарли кўринди. Салдан кейин чап қўлим чарчади. Унг қўлим билан ташишга тушдим. Кафтимнинг оғриғи кейинги кунларда би-

линмай қолган эди. Беш-олти пақирни ташидим у яра ўрни зирқираб кетди. Бочкаси қурғур ҳали-бери тўладиганга ўхшамайди. Мамед «молодец, Дамир!» деб қўйса ҳам, лекин Қўлдош парвойи палак. Бир вақт у афтимга тиржайиб:

— Пиш-ш!— деди.

— Нима «пиш?»— дедим алам қилиб.

— Шолғоминг чиқиб кетибди-ку, оғайни! Хом экансан.

Жаҳлим қистади. Челагини отиб юбордим.

Тепадан Мамед кулиб:

— Ўзинг жиндек бўлганинг билан зарданг катта-ку!— деб қўйди.

Бочка тўлгандан сўнг, Қўлдош оғзи қопқоқли каттакон сут бидонга сув тўлдира бошлади. Унга беш челақча сув кетди. Энди қандай кўтараркин, деб турибман. У, «кўтаришмайсанми» дегандай, менга тиржайди. Мен билмаганга олдим. Бир вақт қарасам, ўзи бидоннинг икки қулоғидан кўтарганча, пишиллаб чиқяпти. Сойдан чиққунча, уч-тўрт марта ерга қўйиб олди. Юзи қип-қизариб, чакка томирларигача ўйнаб кетди. Шунда мен унинг чап юзида ялтираган ямоқлари борлигини билдим. Ачиндим. Кўтаришиб юборсам, деб турувдим, Мамеднинг ўзи кўтаришиб, машинага боғлаб қўйди.

Кела-келгунча Қўлдошга индамадим. У ҳар хил гап билан мени юпатишга уринди. Мен ундан хафа бўлганимни, кафтимнинг қавариб кетганини айтиб ўтирмадим-да:

— Катайсанг шумиди?— дедим.

— Кунига шунақа,— деди у.

— Нега шунақа?

— Шунақа-да.

Мен тушунолмасам ҳам, бошқа сўрамадим.

Қайтишда шамол сал тинди. Анча йўл босдик. Саҳродан посёлкага кириб келаётганимизда, посёлкадан ҳайбатли куракларини офтобда ярақлатиб икки зўр машина чиқиб кетаётганини кўрдим. Машиналардан бирини Вася ҳайдаб кетяпти.

— Бульдозерлар ҳалиги қум тепани сургани кетишяпти — даданг юборган,— деб қўйди Қўлдош.

Водовоз келиши билан вагонлардан кишилар: хотинлар, болалар сакрашиб тушди. Ҳаммасининг қўлида пақир, чойнак, кастрюль. Худди ари болга ёпишгандай, ғувурлашиб, машинани ўраб олишди.

Бир-бирларига:





Бутуниттифоқ ёзувчилар IV съезида. 1967 йил, май.

— Хайрият-э, оби ҳаёт келди, оби ҳаёт!— деб севинишарди. (Мунчалик буларда сув азиз бўлмаса-я).

Оқ пешбанд, сурп қалпоқ кийган семиз хотин бўлса (ошпазга ўхшайди), Мамедга бидиллаб кетди:

— Сувни кечагидан ҳам кечиктирдинг-ку, кавказ боласи. Қозонга ўт ёқолмай ўтирибман-ку. Тушлик кечикса, ким жавоб беради? Бошлиқларга айтиб таъзирингни бердирмасам!

Мен буларга алақсиб турувдим. Қўлдош кўринмай қолди. Қарасам бидоннинг белидан арқон ўтказиб орқалаганча, нарида лапанглаб кетяпти. Бирпас ағрайдим-да, қаерга бораркин, деб кетидан эргашдим. Бир бостирмага қараб борди. Бостирма ёнида Тоға кўринди. Қозиққа боғланган оқ эчкининг тагини супурапти. Атрофида товуқлар тезак титиб юрибди. Қўлдош инқиллаб-синқиллаб, бидонни ерга қўйиши билан Тоға ўдағайлади:

— Битта сувга шунча юрасанми! Эчкини суғориш, боқиш хаёлингга келмадими, зумраша!

Қўлдош бугун сув топиб келиш жуда қийин бўлганини гапирса ҳам, у ишонмади.

— Биламан, ўйинга алақсигансан. Бекорчи хўжалар билан лақиллашиб юргансан,— деди.

Мен боришимни ҳам, қайтишимни ҳам билмай, берироқда турувдим, Тоға кўриб қолди-ю, афтини ўзгартди.

— Э, меҳмон йигит, келинг, келинг,— деб мени чақирди.— Қани, Қўлдошбой, ўртоғингни ичкарига олиб кир, меҳмон қил!

Мен қулоқ солмай орқамга қайтдим.

---

#### 14. АДАЖОН!

**К**ўк вагон олдида Султон амаки мени кутиб турган экан. Унинг оёғига ўралашган Лайка югура келиб менга ўзини отди.

— Лайка бечорани қамаб кетган экансизлар, озод қилиб келдим,— деди кулиб Султон амаки.— Сен буни қандай олиб келдинг? Самолётга итни туширармикан?

Довдираб қолдим. Самолётдаги воқеани айтмайми-айтмайми? Ортиқча ўйлашга вақт йўқ. Айтмасам, Бўрон айтади бари бир. Балога қоламан. Айта қолдим — ҳамма, ҳаммасини. У, хафа бўлиш ўрнига, қотиб-қотиб кулди.

Столга ўтирдик. Иштаҳаси бўлмаганми, мени кутибми, нонушта қилмабди. Чойи ҳам, қуймоғи ҳам совиб қолибди.

Гапимизга тагин биров халақит бермасин, деб эшикнинг иллагини солди. У ёқ-бу ёқдан сўзлашиб ўтирдик. Дарсдан олган йиллик баҳоларим, болалар мени қолдириб тоққа кетишгани, кўлда чўкканимда Бўроннинг қутқаргани, ҳайвонот боғига борганимиз, бу ёққа келаётганимда Попукнинг эргашганигача айтиб бердим. «Айтсам, тезроқ бирга қайта қолармикин», деб бувимнинг касалини ҳам билдирдим. Ҳамма гапни очилиб эшитган эди, бунисидан хафа бўлиб кетди. Пешанасини қашиганча, узоқ ўйлади Кейин сўради:

— Ойинг яхшими, ишга боряптими?

— Ҳа,— дедим.

Яна бирпас пешанасини қашиб, у ёқ-бу ёққа аланглаб турди-да, кутилмаганда деди:

— Ойинг сендан қаттиқ хавотир олиб ўтирганмиш. Қидириб бормаган жойи қолмаганмиш. Кетингдан самолётда келатганмиш...

Нималар деяпти ўзи, деб эсим оғиб қолди, устимдан муздай сув қуйгандай бўлди. Султон амаки худди синамоқчидай кўзимга тикилиб олгандан сўнг:

— Ҳали бирпас мизғиганимда шундай туш кўрибман. Гоҳида тушнинг ўнг келиши ҳам бор,— деб қўйди. Ҳа, ишқилиб туриш экан-а, деб хиёл энгил тортдим. Кейин Султон амаки сўради:— Сени бу ёққа ойинглар юборишдими ё ўзинг бораман деб қистадингми?

Имтиҳонда оғир саволга дуч келгандай эсанкирадим. Султон амаки афтимга илжайиб тикилган сари, бир нима сезяптими, деб юрагим пўкиллайди.

— Узим ҳам қистадим,— дедим охири таваккалига. Дудмалроқ жавоб қилган бўлсам ҳам қулоғим, биров чўзгандай, ловиллаб кетди.

Эҳ, Султон амаки, Султон амаки! Бу ёғини сўраб нима қилардингиз-а? Сизнинг уйдан кетиб қолганингиз, ойимнинг ҳадеб хафа бўлавергани келишга мажбур қилди-да мени. Бўлмаса у ёқда ойимни хавотир олдириб, сизнинг олдингизда ўзимни қийнаб юрармидим?

— Ойинг хат-пат ёзиб бермадим?

Овозим чиқмай, бошимни сарак-сарак қилдим.

Султон амакининг ранги аввалгидан ҳам сарғайиб кетгандай бўлди. Анчагача дами чиқмади. Хаёли ўзида бўлмаганидан, совуқ чойни пуфлаб-пуфлаб ичарди.

Қандай қилсам Султон амакининг хаёли жойига келаркан, қовоғи очиларкан, деб ўйлайман. «Ойим сизга салом айтди-

лар», десаммикин? Йўғ-э, келишмайди. Буни кечаёқ айтганимда бўлак гап эди. Ёлгонлиги билиниб қолади. «Сизни келсин деб айтдила», десам яна ишониши қийин.

Султон амакининг ўзи гап очиб қолди:

— Дамиржон!— деди овози қалтираб ва бирпас жим қолиб.— Чин ўғлим бўлсанг, бир сўз сўрайман. Тўппа-тўғри жавоб айтасан, келишдикми?

— Химм,— дедим.

— Қани айтгин-чи: ойинг мени ҳеч эслайдими?

— Хим-м,— деб юбордим-у, лекин нима деб эслаганини айтиб ўтирмадим. Кейин бир оз дадилланиб, қўшдим.— Бувим ҳам доим эслайдилар, соғлигингизни ўйлайдилар...

— Ростданми? Шундай экан, нега хат ёзишмади?

Султон амакининг рангига қон югуриб, қовоғи очила бошлади. Шуни кўрдим-у, усти-устига дедим:

— Вақтлари бўлмади. Менга айтишувди ёзгин деб, келиштиролмадим...— Кулворай деб, яна ўзимни тутдим.— Ойим ҳам, мен ҳам бувимнинг касали билан овора бўлиб қолдик.

Султон амаки чуқур хўрсиниб олди-да:

— Ҳа, ундай бўлса, тушунарли,— деб қўйди. Бу гапи қулоғимга: «Сабабли экан, кечирарли», дегандай бўлиб кирди. Кейин хавотирга тушиб, ўзига-ўзи деди:— Бориб, кўриш керак экан...

Яшавор, Дамир! Келганинг бекор кетмайдиган бўлди!

Ҳозир кўзимга Султон амаки ҳар вақтдагидан кўра ғам-хўр, раҳмдил кўриниб кетди. Севиниб, шошиб қолганимдан:

— Борасизми, ада?— деб юборибман.

Бу — биринчи «ада»лашим эди.

Айтишга айтдим-у, ичимдан чуқур хўрсиниқ келди, қулоғим шанғиллаб, кўзим тиниб кетди.

Султон амаки ҳам шундай бўлдими, билмайман: анча вақт индамай, қон талашган уйқусиз кўзларини менга тикиб қолди.

Бу тикилиши менга жуда ҳам юмшоқ, меҳрибон, ич-ичимдагини билиб тургандай яқин кўринди.

Кейин бирдан эгилдию кучли қўллари билан кечагидай қўлтигимдан олиб осмонга кўтарди-да, деди:

— Сенга айтсам, ўғилгинам, ҳозироқ уйга қанот бойлаб борардик! Аммо бу ердаги ишлар, ўзинг ҳам кўряпсан, оғирлашиб кетяпти, кўнгил узолмай турибман.

«Бўлмаса қачон борасиз?» деб сўрамоқчи бўлиб турган эдим, ташқарида машина гудок берди. Эшик тақиллади. Ки-

шиларнинг ғўнғир-ғўнғири орасида: Султон Арслонович! Насос келди! Насос!» деган узук-юлуқ сўзлар эшитилди.

Султон амаки апил-тапил кийиндию чиқди. У, устига аллақандай темир асбоблар ортилган юк машинасидаги одамлар ёнига ўтириб, траншея томонга жўнади.

Мен кетидан ағрайганча қолдим.

Чайладан хабар олай-чи, деб кетаётган эдим, бир сумка тўла газета кўтариб югуриб келаётган Бўронни кўрдим. Оёғида катта этик, дўқ-дўқ қилади. (Кечадан бери унинг ботинкасини кийиб юрганим эсимга тушди).

— Ҳа-а?— дедим.

— Ҳа-а?— деди у ҳам.

Кеча сир беркитдинг, деб Бўрон мендан сал аразлаган эди. Ҳозир иккимиз ҳам гапни нимадан бошлашни билмасдик. Бўрон:

— Бўпти,— дедию ўтиб кетди. Султон амакининг вағони-га, яна бошқа вагонларга кириб, сумкасини бўшатиб чиқди. Кейин қовоқ солиб сўради:— Қоққан қоziқдай нима қилиб турибсан?

— Сени пойлаб турибман. Почтальонмисан?

— Почтальон ёрдамчиси,— деди-да, индамай йўлига кетаверди.

— Тўхта, ҳей, менга ҳамма ёқни кўрсатмоқчи эдинг-ку. Қани ваъданг?

— Узингни ваъданг-чи?— деди зарда билан.

— Кел бўлмасам. Қовоғингни солма лекин.

— Айтавер,— деди берироқ келиб, боягича бўзариб туриб.

— Мен адамга ҳамма гапни айтиб бердим...

— Ростданми?— деди Бўрон кўзларини катта очиб, лекин нималарни айтганимни суриштирмади.

— Ишонмасанг, ўзидан сўраб боқ.

— Ундай бўлса бўпти,— деди қовоғини очиб, менга қўлини узатиб.— Қани, юр, Тошқудуққа борамиз. Бобой болалар билан антиқа иш қиляпти.

## 15. МУЪЖИЗА ҚУДУҚ

**Ш** амол тинган. Офтоб чарақлаб, бутун саҳрони ёндиряпти.

Туя ўркачларига ўхшаш қум тепаликларидан ошиб борсак, Чўпонбобо билан уч-тўрт бола белкурак, кетмонларда қум суришяпти. Бўрон югура бориб, бобойнинг қўлидан кет-

монни олди-да, ишга тушди. Бобой соқолларига ёмғирдай оқиб тушаётган терни яктак этагига артди, белини уқалай-уқалай, дўнгликка ўтирди.

Мен қаққайиб турдим-турдим-да, кейин Бўрондан:

— Нега унақа қиялпсизлар?— деб сўрадим.

— Кудуқ очяпмиз,— деди у.

— Қанақа кудуқ, ростданми?— дедим,— боя Тоғанинг, «Чўпонбобо беҳуда уриняпти», дегани эсимга тушиб.

Бўрон бир менга, бир бобойга қараб олиб:

— Ўзим ҳам билмайман,— деди.

— Бу ерда кудуқ борми-йўқми, ҳали. Бекордан-бекорга қазиб ётибмиз десанг-чи,— деди бошқа бола, белкурагига таяниб.

— Оғзингга палов, ёмон нафас қилма, бўталоғим. Яхши ният-ярим мол,— деб бобой гапга тушди:— Сенлардай бола-кайлигимдан бу саҳрода кезавериб, ҳар қадами кўзимга чен бўлиб кетган. Соқолим шу ерларда оқарган. Бир вақт кон очувчилар саҳрони текшира-текшира келиб, шу ерда бекат қуришган. Атрофни илма-тешик қилишган. Бир ердан газ отилиб чиқса, бир ердан сув отилган. Ширин сув чиққан ерда кудуқ очишган. Қимдир унга «мўъжиза кудуқ», деб ном берган. Кудуқ оғзини қум тушмасин, деб харсанг тошлар билан маҳкамлашган. Тошкудуқ номи ҳам шундан. Кейин, газ конининг катта оғзи нарида экан деб бекатни Газқайнарга кўчиришган. Ана шунақа, бўталарим...

— Мўъжиза кудуқ нима бўлган?— деди Бўрон.

— Мўъжиза кудуқ узоқ вақт қаровсиз қолган. Бора-бора қум бўронда кўмилиб, ўрни йўқолиб кетган. Ана шунақа...

— Бўлмаса ўрнини қандай топдингиз?

— Мана бу шоҳларга қараб топдим,— деди бобой, қумлардан туртиб чиққан қуруқ ёғочларни кўрсатиб.— Улар саксовул шоҳларига ўхшаб кетарди. Кудуқ сувидан фойдаланиб шу ерга анча саксовул экилган, бир нечтаси униб қолган эди. Ушанинг қолдиқлари бу. Ана шунақа. Бу ердан мўъжиза чиқмаса мен кафил.

Билиб турибман, болалар Чўпонбобо билан гаплашишга ҳеч эринмас экан. Яна бир бола ишни тўхтатиб, жўрттага ҳазил қотди:

— Борди-ю чиқмаса, ким жавобгар, бобой?

Бобой ҳам ҳазил билан хириллаб жавоб қилди:

— Белкуракка суянишларингдан қоринларинг очганга ўхшаб қолди-я. Майли, чиқса-чиқмаса оғзингга паловхонтўра!

Ҳамма кулди.

— Паловхонтўра билан қутулиб кетолмайсиз, бургут билан овга олиб чиқасиз бизни!

Чўпонбобонинг яна тили қичиб, хириллади:

— Қўли югурикнинг оғзи югурик, деган гап бор. Сенларники бўлса тескарисига ўхшайди. Шу имиллашларинг бўлса, паловхонтўра ҳам ланж бўлиб, ов ҳам инига кириб кетар, худ хоҳласа.

— Ҳой, бўлсанг-чи, ошдан қуруқ қолмайлик. Ҳой қимирласанг-чи, овни ундирайлик!— деб болалар бир-бирларини қисташа кетди.

Мен нима қилишимни билмай ҳайронман. На гапга аралашаман, на ишга. Таваккал қилиб биттасининг белкурагини олайми десам, қўлим ҳалигидақа. Шу ҳазиллари бўладиган бўлса, ҳадемай мени ҳам қуруқ қўйишмас. Тагин ҳам булар тоғанинг «бекорчи хўжа» деганини эшитишмаган. Эшитишсачи, кўз очиришмас экан. Обрў борида жўнаб қолсаммикан? Орқамдан «шаҳарлик бола олифта, нозик экан — ишдан қочди», дейишмайдими? Қайтиб буларга қандай аралашаман. «Бор-е, нима дейишса дейишар», дедим. Йўқ, яна юзим чидамади. Бориб, Бўроннинг кетмонини сўрадим.

— Бу кетмоннинг бўйи сенга тўғри келмайди,— деди Бўрон.

Ҳамма кулди. Кейин Бўрон мени изза бўлмасин деб, бир боланинг кичик белкурагини олиб берди. Энди уч-тўрт марта қумга белкурак урган эдим. Бобой:

— Қўя қол, меҳмон бола. Сенга тўғри келмайди,— деди. Лекин афтидан билиб турибман: боқишганимга хурсанд.

Белкуракнинг эгаси бўлса ўтириб олиб, ишимга қарайди. Кейин индамасдан келди-да, «рахмат» деб белкуракни олди. У ҳам, «меҳмон бола», деб сийладими, ёки белкурак тутишим ёқмадими, билолмадим. Нима бўлсаям, бўшаганим тузук бўлди. Бир зумдаёқ ҳаммомга тушгандай терга ботиб, ҳаллослаб қолган эдим. Битта мен эмас, ҳаммаям офтоб қизигида шунақа аҳволга тушган эди.

— Юраклар куйиб кетди-ку,— деди томоғи қуриган бобой— Асли «офтоб ўчоқ»ни келтирганингда, чой қайнатардик-да.

Бўрон жон деб турган экан, чайлага югуриб кетди. Бобой кетмонни қўлга олиб, болаларга деди:

— Ҳа, бўталарим, яна бирпас ғайрат қилсак, ажабмаски, мўъжизанинг кўзи очилса! Зора оби-ҳаётга ёлчиб қолсак.

Ахир, бўталарим, одамларнинг ташналигини қондиришдан кўра савоб иш борми оламда!

Бобойнинг сўзлари таъсирида болалар яна қимир-қимир қилишиб қолди-ю, лекин ишлари унча ҳам унмасди. Шу чоқ бобой Қўлдошни эслади.

— Хийла тиришқоқ бола экан-да, барака топгур. Кеча яхши иш берган эди.— Болаларнинг юзида «биз-чи?» деган савол пайдо бўлди. Бобой буни пайқаб, кетини тизатди:— Сизлар ҳам хўп ғайрат кўрсатяпсизлар-ку, аммо Қўлдош бўлганда сизларга бунчалик оғир тушмасди-да. Бугун нечук дараги бўлмаяпти?

Болалар елка қисишди. Қўлдошни тоғаси уришгани, эчки боқишга юборганини айтай дедим-ку, айтолмадим. «Ўзинг ишимизга ёлчитиб боқишмаган, чақимчилигинг бормиди!» деб қолишмасин тағин.

Бўрон, мангалкага ўхшаган нарса билан тунука чойдиш кўтариб келди.

— Бу нима ўзи?— деб болалар унинг устига ёпирилишди.

— «Офтоб ўчоқ». Мана ҳозир кўрасизлар.

Мангалкада на ўтин бор; на кўмир. Булар ўрнида оташдонга жимир-жимир майда ойначалар ўрнатилган. Улар шундай ўрнатилибдики, ҳамма ойначалардан бир нуқтага ўткир шуъла тушади, худди электр лампочкадай ёнади. Бўрон ана шу «олов» устига чойнакни қўйди-да:

— Ун беш минут сабр қилсаларинг, чой гатоп,— деди, худди циркда фокус кўрсатаётган масхарабоздай.

Биров ишонди, биров ишонмади.

— Буни қаёқдан олдинг?

— Ўзимиз ясадик. Қўлдош билан бирга.

Шовқин кўтарилди:

— Ёлғон!

— Рост!

— Ёлғон!

— Рост!

Мен ҳам ишониш-ишонмаслигимни билмай турибман. Бўроннинг олдинги гаплари-чи, ҳаммаси тўғри чиқди. Бунисям тўғридир балки. Баъзи болаларнинг «ёлғон» деганига унинг жаҳли чиқадими десам, йўқ, парво қилмай турибди. Болалар энди бобой зўрласа ҳам ишга қарамай фақат «офтоб ўчоқ» фокусининг натижасини кутиб қолишган эди.

Кўп ўтмасдан, чойнак оғзидан буғ чиқиб, чойнак қопқоғи



визз-визз этиб титрай бошлади. Болалар «ура!» дейишиб, чапак чалиб юборишди.

— Бўронбойда ҳунар кўп, ишонаверинглар!— деди бобой фахрланиб ва белбоғига тугиб келган нон билан туршак, жийдадан оз-оз улашди. Кружкада навбати билан чой ичишди. Мен ҳам қуруқ қолмадим.

Чойдан сўнг яна қудуқ қазиш бошланди. Қум тепа сурила-сурила пастга тушиб борарди. Унга сари қизиққан бобой қаттиқроқ кетмон урарди. Унинг астойдил ҳафсала билан ишлаётганини кўриб, болаларда ҳам ишонч пайдо бўлди: «Муъжиза очиладиган бўлса очилсин, бўлмаса йўқ», деб урина кетишди.

Бобой куйиб кетди. Упкаси шишиб, бурун катаklarини кериб қаттиқ-қаттиқ пишиллар, қақраб кетган томоғини қириб-қириб қўярди. Кейин қарасам, эгилиб кетмонга тиралганича белини кўтаролмай қолди. Раҳмим келди, бир жойда томошабиндай қаққайиб туролмай қолдим. Шартта бориб бобойнинг кетмонига ёпишдим. Бобо «бу нима қилиқ?» дегандай ажабланиб турди-да:

— Бироқ кўтаролармикинсан,— деб кетмонни берди. Ўзи четга чиқиб, чойдишни ёнига қўйиб ўтирди.

Кетмонни кўтарай десам, зил-замбил. Бобой «Айтмадимми?» демасин деб, кучим борича кетмонни кўтариб урдим. Бобой кулган эди, болалар ҳам бирдан хахолашиб юборди:

— Ия, ия, кичкинтой, ҳорма! Шундоқ кетмонни кўтариш йўл бўлсин, аввал ўзингни эвласанг-чи, миттивой!..

Булар қаёқдан топди-а «митти»ни! Ҳа, ҳа, майли кулаверларнинг. Қўлидан ҳеч бало келмайди деган бўлсаларинг, энди кўриб қўйларинг, деб кетмонни уравердим, қумларни суравердим. Қўлларим, елкаларим оғриб кетаётган бўлсаям билдирмадим. Бир вақт десангиз, кетмоннинг тиғи заранг бир нарсга урилиб қарсиллаб кетди-ю! Ўзим ҳам қўрқиб кетганимдан ўтириб қолибман. Баттар кулги кўтарилди.

— Ана, айтмабмидик! Ҳолинг шу экан-ку, миттивой! Нима қилардинг чираниб. Чиранма роз — ҳунаринг оз!— деб шовқинлашди болалар.

Битта бобой кулмади. Югура келиб кетмонни олди-ю, ўша заранг ерни оча бошлади.

— Айтмадимми!— деб ҳайқириб юборди бобой.

Биз унинг кетмони тушган жойга тикилдик. Қум орасида алланима йилтилларди. Кўпчилик ёпирилиб, ўша ерни очиш-

ди. Мен ҳам қизиқиб ишга аралашиб кетдим. Харсанг тош, ёғоч, темирлар...

— Энди нима дейсизлар?— деди овози хириллаб, кўзлари чақнаб бобой. Кейин бирдан мени мақтаб кетди:— Яша, шов-воз! Омадинг келган экан, кўлинг ёқди. Мўлжални тўғри олибсан. Чиндан отасининг боласи чиқдинг!

Мен уялиб кетдим. Болалар бўлса, тан беришганиданми, менга ер остидан қараб-қараб жим туришарди.

Ҳадемай «Мўъжиза қудуқ»нинг усти очилди. Унга ёпилган қопқоқнинг тахталари чириб, темирлари занглаб қолган экан. Лекин у маҳкамлаб ташланган экан. Очмоқчи бўлиб хўп уриндик, очила қолмади. Бобой бир чеккага чиқди. Чойнакда қолган чойни ичиб ўтириб, хаёл сурди. Болалар хурсандликдан чувур-чувур қилишарди.

— Нимани ўйлаяпсиз, бобой?— деди Бўрон. Болалар жим бўлишди.

— Очишга очдик-ку,— деди бобой ҳорғин овозда,— қудуқда сув қолганми ё бошқа ёққа оғиб кетганми, шуни ўйлаяпман.

— Буни қандай қилиб биламиз?

— Билиш учун устини очиб, ичига тушиш керак. Уткир асбоблар билан уста бўлмаса бунни уддалаш оғир кўринади. Болалар шалпайиб ўтириб олишди.

— Топдим, топдим, бобой!— деди ўрнидан сакраб турган Бўрон.— Қўлдошга айтамиз. Тоғаси уста-ку. Асбоблар ҳам ўшанинг қўлида.

— Ха, дарвоқе,— деди бобой руҳланиб,— ақлинг жойида, бўтам. Қўлдош ўртоғинг билан бориб, тоғасидан илтимос қилинглар. Бироқ, бўталарим,— деб ҳаммамизни огоҳлантирди,— бу янгилик ҳозирча ўртамизда қолсин. Подадан олдин чанг чиқариб, ўсал бўлиб қолмайлик. Қудуқдан сув чиққандан сўнгигина, овоза қилсак арзийди. Хўпми?

— Хўп,— деб ваъда бердик ҳаммамиз.

— Бўлмаса,— деди бобой Бўронга,— сен ўртоғингни топиб, маслаҳатни битир. Сизлар,— деди болаларга,— асбобларни йиғиштириб чайлага бориңлар. Бу меҳнатларга палов-хонтўра ясамасак бўлмас.

Бобой ёғоч оёғини дўқиллатиб чайласига кетди. Бўрон бўлса, этигини шалоплатганча посёлка томонга юрди. Мен ҳам кетидан эргашдим.

Сал-пал ишлаган бўлсам ҳам, қаттиқ чарчаган эканман. Кўк вагонга чиқиб, каравотга таппа ташладим.

Қанча ухлаганимни билмайман, бир вақт Бўрон уйғотиб:  
— Юр чайлага,— деди,— қорин пиёзнинг пўсти бўбкетди.  
Бирга чиқаётиб, ундан Қўлдошни сўрадим.

— Қўлдошдан иш чиқмади,— деди у қўл силтаб.

— Нимага?

— Борсам, бостирмада хум бўлиб терт қоряпти. Мени кўриши билан кўзини артиб олди. Бари бир ҳиқ-ҳиқ қилишидан билиб турибман — тоғаси хафа қилган. Ўзи шунақа илгаритдан.

— Қўлдошнинг ота-онаси йўқми?

— Ота-онаси, ака-укалариям бор. Узоқ қишлоқда улар. Тоғаси буни, қурилишга борсанг, ҳунарвон қилиб қўяман, деб опкелган. Қўлдош ўзича, бу ерда машиналарни ўрганиб механик бўламан, кейин ўқиб инженер бўламан, деб орзу қилган. Лекин келгандан бери эчки, товуқ боқиш, сув ташишдан бўшамайди. Устахонада камдан-кам бўлади. Ўқишига ҳам тузук қаролмади. Шунча юмуш қилсаям, бари бир тоғасининг кўнгли тўлмайди. Мен Қўлдошдан, «тўғрисини айт, тагин урдиғми?» деб сўрадим. У айтмади. Қўймаганимдан кейин, айтди. «Эчкини яхши боқмаяпсан, кам сут беряпти. Сутини ичиб қўяяпсан шекилли», деб тоғаси савалапти. «Яхши боқмаганинг тўғримми ўзи?» дедим. «Улай агар, яхши боқяпман-у, сутни оз беряпти. Шунисига ҳайронман ўзим ҳам», дейди. «Оқ эчкининг сути ширин бўларкан, балки ичиб қўяётгандирсан?» деб ҳазиллашсам, жаҳли чиқиб кетди. Биламан, Қўлдош унақа боламас. Бунда бир сир борга ўхшайди, текшириш керак.

— Қанақа сир бўлади?

— Эчкисини эчкиэмар эмиб қўяётган бўлмасин, дейман-да.

— Ия, шунақасиям бўладими?— Оғзим очилиб қолди.

— Бўлмаса-чи! Саҳрода эчкиэмар кўп. Бобой билан мол боқиб юрганимизда, неча марта учратганмиз. Эртага ҳам пойлаймиз.

Бўрон буни жўн бир нарсдай гапиряпти. Менга бўлса аломат кўриняпти.

Чайлага келсак, бурнимизга гуп этиб палов ҳиди урди. Болалар йўқ. Чўпонбобо ёнбошлаб, чой ичяпти.

— Қалай, ундириб келдиларингми?— деди қаддини кўтариб.

— Йўқ,— деди Бўрон, ўртоғининг сирини очгиси келмай,— ҳозир Қўлдошнинг вақти йўқ экан, ҳали борамиз тоғасининг олдига.

Бобой сопол лаганда қолган паловни олдимизга қўйди. Бизни кутавериб, ошни тагига олдирибди. Болалар яхши жойини еб-еб, нукул қирмочини бизга қолдиришибди. Шундоқ бўлса ҳам, мақтаб-мақтаб туширдик. Кейин посёлкага кетдик.

Бўрон юрак ютиб тоғага учрамоқчи бўлди-ку, тоғани ҳеч ерда учратолмади. Сўнг, «устахона», деб ёзиб қўйилган қизил вагон олдига бордик. Эшиги қулф экан.

— Кеч бўпқолди. Энди тоға устахонани очмайди. Унга билдириб ўтириш ҳам бекор. Бир иш қиламиз,— деди Бўрон, вагоннинг орқасидаги тепа тўйнуғига имлаб. Бу — кўчиб кетган ойна ўрни эди.— Шундан тушиб, керакли асбобларни шартта олмаймизми?

— Ҳазилингни қўй!— дедим, мени синамоқчи деб ўйлаб.— Ўғирлик қиламизми?

— Вой тентаг-эй!— деди Бўрон кула-кула елкамга уриб.— Асбобни еб қўярмидик. Ишлатамизу, тагин дарров жойига олиб келиб қўямиз-да.

У тўйнуққа қўл чўзиб кўрди, қўли етмади. У ёқ-бу ёққа аланглади. Ҳеч зог йўқ. Нарироқда ювинди бочкадаги чиқиндиларни еб турган эшакка кўзи тушди. (Бу эшакни ҳам тоғанинг кулбасида кўрган эдим.) Эшакни қулоғидан тортиб вагон ёнига олиб келди. Кўндаланг қилиб вагонга суюди-да, устига чиқиб, тўйнуққа бош суқди.

— Ҳаммаси есть! Аммо сизмас эканман,— деди елкасини тўйнуққа тўғрилаб кўриб.— Чиқ, бу ёққа!

Ўзим, худди биров келиб қоладигандай қочиш пайида турувдим, шундоқ бўлса ҳам, Бўроннинг буйруғига бўйсундим. Мени эшак устига тортди. Эшак яғир экан. Яғирига оёғим тегиши билан, типирлаб юборди. Икковимиз ўмбалақ ошиб тушдик. Бўрон эшакни «тек тур, ҳаром ўлгур!» деб тепа-тепа тагин вагонга қапиштирди. Устига чиқдик. Бўрон мени бир амаллаб ўз елкасига чиқарди-да, вагон ичкарисига итарди. Ичи қоронғироқ экан, билмасдан темирлар устига тушдим. Вагон ичи шарақа-шуруқ бўлиб кетди. «Секинроқ! Секинроқ!» деб Бўрон тўйнуқдан шивирлади ва менга керакли нарсаларни буюрди. Кўзимни қоронғига ўргатиб олиб, болта, аррача, омбур, ломларни узата бердим. Кейин Бўрон ихраб-схраб мени тортиб олди. Икковимиз шоп этиб эшак устидан ташладик. Ташлашимиз билан, биров:

— Тўхта, ўғрилар!— деб чинқирди-да, икковимизни ҳам маҳкам тутди. Бу — Тоға эди. Бизни таниб қолди-ю кўзлари

ола-кула бўлиб кетди.— Ия, ия, бу қандоқ бўлди, жиянчалар! Сизлардан шў иш келдими! Етти ухлаб тушимга кирмаган-а! Қандоқ бўлди бу-а, Бўронбой!

Менинг қўлимни қўйиб юборди-ю, Бўронникини ушлаб турибди.

Зўр келгандан сўнг, Бўрон бор гапни айтиб қўя қолди: қудуқ очилаётганию бобой айтган топшириқча. Бўрон ўз гапидан ўзи дадилланиб, илтмосга ўтди:

— Сизни қидириб келувдик, тоға. Ўзингиз бориб ёрдам бера қолинг, бобой сўраб юбордилар.

Тоға чийиллаган товуши билан жеркиди: аввало, жиянча, бу бўлмағур қилиғинг осонликча кечирилмайди. Иккиламчи, унақа бефойда машмашаларга алақситма мени. Катта қурилиш билан банд одамман. Чўпонотага ҳам айт: хом хаёлни қўйсинлар. У ердан сув чиқади деб ўйлаш — ҳўкиз сут беради деб ўйлашдай гап.

— У ёғини сўрасангиз-чи, тоға...— деб Бўрон қудуқ очилганини айтиб юборай деганди, мен оёғини босиб қўйдим. Бўрон ҳайтовур у ёғига ўтмади, лекин ялинишини қўймади:

— Битта бора қолинг, тоға. Битта қарашангиз ҳақингиз кетадими?

— Ялинма, устанинг бекорчи вақти йўқ. Бўлди,— деди пўписа қилиб тоға, кейин бирдан паст тушиб, кўзини қисди.— Текинга мушук офтобга чиқмайди, деганни эшитганмисан ўзинг?

Бўронга бу совуқ ҳазил ёқмади. Тоғанинг тиржайган афтига ҳам, асбобларига ҳам бошқа қарамай:

— Юр, кетдик!— деб мени судради.

Кегимиздан Тоға алланималар деб вайсаганча қолди. Мен Бўронга:

— Бобой ҳозирча қудуқни овоза қилмай туринглар, деган эдилар-а?— дедим.

— Кўрдинг-ку, қанақа пайтда қўлга туширди,— деди Бўрон, энди кулгиси қистаб.— Шошганда лаббай топилмайди, дейишади. Ёлғон тўқиёлмай қолдим-да, сен тўқиёларминдинг?

Бу савол мени ўйлатиб қўйди: Бўрон шошганда ҳам, шошмаганда ҳам ёлғон тўқиёлмаса керак. Ҳа, ҳа! Мен-чи, мен? Ёлғон тўқиёлмаганимга яраша нега ростига ҳам кўчолмайман? Нима қилай? Султон амакига:

«Ойим сиздан аразлаган. Унга қолса мени юбормасди, Мен ўзим бекитиқча келавердим» дейми? Унда нима бўлади? Хафалиги ошиб, касали зўрайиб кетмайдими? «Ундай бўлса

хат ёзишим ҳам ортиқча, боришимнинг ҳам ҳожати йўқ» деб қолса-чи? Йўқ, йўқ, Султон амакини хафа қилиш мумкинмас, ҳеч мумкинмас!

## 16. ОВ

**К**еч бўлишига қарамай, посёлка сув қуйгандай жимжит. Фақат дайди шамол вагонлар орасида ғир-ғир изғиб юрипти.

Бизнинг вагонда ҳам ҳеч ким йўқ. Салқин тушишини пойлаб Султон амаки яна трассага жўнаб кетган.

Вагон эшигида ўтирдим-ўтирдим, Султон амакидан дарак бўлмади. Қоронғи тушди. Движокни юргизадиган одам ҳам бўлмади. Изғиринда нафасим бўғилади, вагонга кираман. Ичкари баттар қоронғи, мени чўчитди, энди шамол бўри увлагандай эшитилади. Гоҳ-гоҳ вагон томини мушук тимдалагандай, ер қимирлаётгандай бўлади, юрагимни ваҳима босади. Ётсам билинмасмикин, дейман, баттар бўлади, уйқум келмайди. Ярим кечага борганда ухлаб қолибман.

Султон амаки нонушта маҳали уйғотди. У қай вақтда келгану қай вақтда ухлаган — билолмадим. Унинг кўзларига яна кўпроқ қон қуйилгандай, юзлари ориқлаб кетгандай эди. Шундай бўлса ҳам, ўзи хурсандроқ кўринарди. Чой ичиб ўтирганимизда, ўз ишидан сўз очди:

Насослар ишга туширилиб, ботқоқда ботган экскаватор юргазиб юборилганини айтди. Мен буни трассада ишлар юришиб кетибди, деб тушундим-да, пайтдан фойдаланиб:

— Иш тузалган бўлса, энди кетамизми?— деб сўрадим.

— Бир томони тузалгани билан иккинчи томони тузалгани йўқ-да, трасса оқсаб ётибди,—деб яна кўнглимни хира қилди.— Иннайкейин, телеграммага ҳам жавоб келсин-чи,—деб қўшиб қўйдим.

Юрагим шув этиб кетди: «Қанақа телеграммани айтяпти?» Сўрасаммикин, деб турувдим, у:

— Қани, юр суриштирайлик-чи,—деб ўрнидан турди.

Хавотир ичида кетидан чиқдим.

Султон амаки у ёқ-бу ёққа аланглади. Узоқдан Бўронни кўриб:

— Боря, бу ёққа!—деб чақирди. Бўрон яқин келиши билан, сўради:— Бугун почталъон сенми, бошқами?

— Бошқа. Яқинда келиб қолади,—деди Бўрон. «Иш бор», дегандай мени имлаб, изига қайтиб кетди.

Мен, Султон амаки буйруғи билан почтальонни кутиб қолдим. Почтальон қанақа хабар олиб келаркан, деб ҳам қизиқаман, ҳам хавотир бўламан. Ҳа деганда келавермади. Бўроннинг имлагани эсимга тушиб, юрагим сиқилди. Нима иши бор экан, деб олдиға югурдим. У худди парадда юраётгандай катта-катта қадам ташлаб қудуқ тарафға кетаётибди. Шу кетишда: «бир, икки, уч, тўрт...» деб санаяпти.

— Бу нима қилганинг?— дедим ҳайрон бўлиб.

— Мешат этмай тур,— деб қўл силкитди Бўрон. Нарироқ бориб,— юз!..— деди-да, тўхтади.— Қани мўлжаллаб кўр-чи, бу ёғи қанча келади?— деди қудуққача қолган масофани кўрсатиб.

— Нимани ҳисобляяпсан ўзинг?— дедим, ҳеч нарса тушунолмай.

— Қудуқ билан бостирма ўртасидаги масофани,— деди у Қўлдошларнинг бостирмасини кўрсатиб.

— Нима учун?

— Сув келтириш учун. Ҳазил деб ўйляяпсанми?— Бўрон жиддий сўзларди:— Қудуқда сув етарли экан, эрта билан текшириб кўришибди. «Унга мотор ўрнатиб сув чиқарсак бўлади», деяпти бобой.

— Ростдан-а? Йўлни нега ўлчааяпсан бўлмаса?

— У ёғини кейин биласан. Қани, юр,— деб Бўрон яна боягича қадамлаб кетди.— Бир, икки, уч, тўрт...

Қудуққа етдик. Бобой аллақадан отга тахта, асбоблар ортиб келиб, икки бола билан туширарди.

— Ҳаммаси уч юз қадам чиқди, бобо,— деди Бўрон.

— Ҳа, ҳа,— деди бобо қаддини тиклаб,— сенинг қадмингни метрга айлантирсак, икки юз чиқар-а? Демак, шунча ингичка қувур керак. Қаердан оласанлар, буни?

— Топамиз, деди-ку ўзимизнинг механик.

— Қайси? Э, ҳа, ўзимизнинг Қўлдошми? Дарвоқе, у темир-терсакка ўч кўринади. Қани энди қувур топилса-ку чакки бўлмасди. Бола пақир ҳам сув ташиш азобидан қутуларди. Қолаверса қўни-қўшниларга ҳам нафи тегарди. Бироқ, тоғасининг қаттиқлиги бўлса, қувур ундириш амри-маҳолдиров!

— Мен ҳам шуни айтган эдим, Қўлдош: «Ундирамиз, уйга водопровод оборишимизни билса, тоғам қувурни ер тагидан бўлсаям топиб беради», деди.

Гап нима устида бораётганига энди тушундим. Лекин бу иш аввал кимдан чиққанини билолмадим.

— Топиб берса бўпти,— деди бобой. Кейин тахтани қарич билан ўлчаб, арралашга тушиб кетди.

У, Тоғанинг ёрдам бермаслигига кўзи етиб, ўзи устачиликка киришган, қудуққа янги қопқоқ ясаётган эди. Бўрон унга боқишга кетди. Бошқа болалар, бобойнинг маслаҳати билан қудуқ ёнига йирик тошларни тўплай бошлади. Мени ҳам энди «миттивой» деб масхара қилмасдан, камситмасдан, ёнларига қўшишди. Бобой мени, «меҳмон бола», деб сийлаганиданми самоварчиликка қўйди.

«Офтоб ўчоқ»ни олиб келдим-да, чой қайнатдим. Юмшоқ қум тепасига ёнбошлаб, чой ичдик. Яна ишга тушиб кетдик. Иш қизиб турган вақтда Бўроннинг суратга тушгиси келиб қолди, фотоаппаратни келтирасан деб қўймади. Саҳрога келганимдан бери ўзимнинг ҳам эсимга энди келди. Бўроннинг кўнгли учун фотоаппаратни олиб келдим, болаларни ҳар хил туришда суратга олдим. Шу вақт бир халта нарса кўтариб Қўлдош келди. Бўрон уни ёнига чақирди. Иккаласи бир-бирининг елкасига қўл ташлашиб суратга тушишди.

Қўлдош бобойнинг олдига халтани ағдарувди, ундан тарақлаб темир асбоблар тушди.

— Қанақа асбоблар булар, ўртоқ механик?— деб болалар Қўлдошни ўраб олишди.

Қўлдошнинг айтишича, булар водопровод қурадиган асбоблар экан.

— Мана буни «клубик»— дейди — резьба кесадиған. Мана буни «муфта» дейди — икки қувурни бириктирадиган филдиракча.

— Аनावи қисқичбақага ўхшагани-чи?— деди бир бола тунакасозлар қайчисига ўхшаш асбобни кўрсатиб.

— Муфтани бураб маҳкамлайдиган ключ бу,— деди Қўлдош. У билагонлардай ишонч билан гапиряпти. Чиндан техник бўладиган кўринади.

Хуллас, керакли ҳамма икир-чикирни қолдирмай олиб келган эди.

— Қуруқ асбоблар билан нима иш битади?— дейишди болалар.

— Сеники, бўтам, афандининг ишига ўхшади,— деди кулиб бобой.— Афанди эшак олмасдан бурун ҳовлисига қозик қоқиб қўйган экан.

— Қувур ҳам бўлади, кўрасиз,— деди ишонтириб Қўлдош.

Қайтаётганда Бўроннинг қулоғига пичир-пичир қилди. Нимани пичирлаётган экан? Мабодо телеграммани гапиряётган



бўлса-я, деб юрагим шиг этиб кетди. Бўрон, «салдан кейин», деб уни жўнатди. Бир оз ўтгач бобойга алланима деб шивирлади. Бобой «майли» дегандай бош силкитди. Бўрон, «кетимдан юр», деб мени имлади-да, чайлага жўнади. Кетидан бордим. Чайлада Бўрон қўлига брезент қўлқоп кийди. Тепадаги дордан бургутни ечиб олди-да:

— Овга кетдик,— деди.

Севиниб, ёнига тушдим. Кетимдан бўлса Лайка эргашиди. Кёчадан бери мени кўрмасдан соғинган экан. Ҳайдамадим. Анчагина юрдик. Қуриган, қамишли кўл келди. Ундан ўтдик. Қовжираган ўтлоқда сигир, қўйлар подаси кўринди. Берироқдаги қовжираган ўтлоқда Қўлдошнинг бир ўзи эчкисини боқиб юрган экан. Бизни кўриб:

— Бу ёққа, бу ёққа!— деб кичқирди.

Бордик. Бўрон бургутни оёғидаги чилвирдан ажриққа боғлаб қўйди. Ўзи эчки ўтлаб юрган жойнинг атрофларини айланди. Янтоқзорларга оралади. Алланарсанинг изини топгандай ерга тикилиб-тикилиб қўярди. Оғзи қулоғида, олдимизга келди-да, Қўлдошга «бўлди», деб кўз қисди.

— Нима бўлди?— дедим.

— Тек туравер, ҳали замон кўрасан,— деди сирли қилиб Бўрон. Эчкини ўша ўзи текшириб чиққан жойга яқинроқ олиб бориб қўйди.— Энди бери келинглар,— деб бизни бургут олдига бошлади. Қамиш соясида ўтирдик. Бўрон, нима қилмоқчи бўлганини энди айтар деб турибман. У бўлса, бургутга мағиз едира туриб, уни мақташга тушди. Унинг ҳушёрлиги, олғирлиги, кучлилигини шундай мақтадики, худди одамга ўхшатиб юборди. Ҳайвонот боғига топширган кийик боласини шу ерда шу бургут билан тутганини нақ ҳовлиқиб, кўпириб ҳикоя қилди. Биз жуда берилиб эшитаётган эдик, бирдан Лайканинг вовиллагани эшитилди. Қарасам, у эчки яқинида, янтоқлар орасида ўйнаб юрган экан.

— Чақир, секин чақир!— деди Бўрон.

Мен ҳуштак чалдим. Лайка эшитди. Янтоқзордан чиқиб, қулоғини диккайтирди. Қўлим билан имладим. Бошқа вақтда югуриб келган бўларди. Ҳозир негадир келгиси йўқ. Жойидан сал бери жилдию, яна орқасига қараб бўйнини чўзди. Ҳуриб қўйди.

— Алланарсанинг исини олганга ўхшайди қурғуринг,— деди овозини пастлатиб Бўрон.

Уст-устига қаттиқ ҳуштак чалдим. Лайка жаҳлим чиққанини билди. Ун-ўн беш қадам бери келди-да, тагин қайтиб

кетди, ириллади. Бўрон бургутни елкасига қўндириб олди-да, қурбақадай эмаклаб кетди. Дўнгроқ жойга кўтарилиб ер қапишиб олди. Мушук сичқонни пойлагандай, Лайка билан эчки турган ердан кўз узмади. Бургут ҳам, эгасининг фикрини билгандай ўткир кўзларини ўша ёққа қадади. Менинг сабрим чидамади. Сургала-сургала, Бўроннинг ёнига бордим. Қўлдош ҳам борди.

— Нима пойлаяпсан ўзинг?— деб сўрадим.

— Жим! Етларинг!— деб қўлини силтади Бўрон.

У тикилган томонга мен ҳам тикилдим. Бир вақт Лайкам қаттиқ вовиллаб, эчкини қувиб қолди.

— Есть, Лайканг молодец!— деб Бўрон шартта ўрнидан турди. Турди-ю, бургутнинг оёқларини бўшатди-да, баланд кўтариб эчки қочган тарафга силкиди.

Бургут, соябон қанотини вар эткизиб ёзганча, самолётдай уча кетди. Янтоқзор устига борганда сал пастлади-ю, бўйнини илондек эгиб бир нимани қидирди. Дам ўтмасдан «ов»ини кўрди шекилли, бирданига тошдай пастга отилди. Шунда мен, Лайкага чанг соладими, деб қўрқиб кетдим.

Бўрон ўша томонга чопди. Кетидан Қўлдош билан мен ҳам.

Бир вақт янтоқлар орасида бургутнинг патир-путур қилаётганини кўрдик. Яқин борсак, бургут бир ҳайвон билан олишиб ётибди. Бу аждаҳодай бадбашара, қўпол, одам чўчийдиган махлуқ эди. У тиширчилаб бургутнинг кучли чангалидан чиқиб қочишга уринар, бесўнақай панжалари, йўғон думи билан бургутни урар, янтоқларни шитирлатиб сургаларди. Лекин бургут бўш келмади. Бигиз тумшуғи, ўткир чангаллари билан ҳайвонни хўб эзгилади, кўзларини ўйиб, баданларини тилиб ташлади.

— Бўлар,— деди Бўрон, Қўлдош билан янтоқзорга кириб.

Мен ҳам кетидан бориб, берироқда тўхтадим. Бўрон, қанотини патирлатиб ётган бургут устига дадил борди. Бир нималар деб, брезент қўлқоплари билан таппа бургутни босди. Бургут эгасини кўриши билан дарров жаҳлидан тушди. Индамай Бўроннинг қўлига қўнди. Бўрон бизга:

— Уринглар эчкиэмарни,— деди.

Шундагина билибман бу хунук ҳайвоннинг нималигини.

Қўлдош тош топиб келиб, эчкиэмарга ота бошлади. Мен ҳам қўлимга дуч келган нарсани итқитавердим.

— Қани энди судраларинг. Тоғанинг олдига олиб бориб ташлаймиз,— деди Бўрон.

Қўлдош югура бориб эчкининг бўйнидаги арқонни ечиб

келди. Сулайиб ётган эчкиэмар олдига тап тортмасдан борди. Унинг йўғон белидан арқон ўтказиб боғлади. Арқоннинг бир учини ўзи ушлаб, бир учини менга тутқазди. Икковимиз сургай бошладик. Ўлғудай оғир экан. Янтоқларга илиниб баттар оғирлашди. Амаллаб янтоқзордан олиб чиқдик-да, қумдан судраб кетдик. Лайка бўлса, боягича эчкини ҳайдаб кетяпти. Энг олдинда Бўрон, бургутнинг титилган патларини текислаб, тумшугини артиб, мағиз едириб кетяпти.

— Қалай, Дамир, овимиз жойида бўлдими?— деб қўяди у, менга маъноли қараб.

— Ҳа,— дейман. Қўлдошга қарайман.— Яхши бўлди-я?

Қўлдош ишшаяди. Шундоқ ишшаядики, оғзи қулоғига етгудай бўлади, юзидаги ямоқлари буришиб кетади. Бунақа қилиб ишшайишини энди кўришим эди.

Мана ҳозир Тоға олдимиздан чиқади. Катта ов қилиб келаётганимизни кўриб қойил бўлади. Бизга раҳмат ҳам дер балки. Биз «ов»ни унинг оёғи остига ташлаймиз. Шунда у нима деркин? «Қўлдошни бекорга хафа қилиб юрган эканман», дермикин деб ўйлаб бораман.

Аксига, Тоға йўқ экан. Бўрон «ов»ни бостирма эшигига кўндаланг қилиб ташлади. Қўлдош, эчкини суғориш, товуқларни донлатиш учун қолди. Биз чайлага кетдик.

## 17. «ЕНАР ДАРЁ»НИНГ ОҒЗИ

**Б**ургут билан Лайкани чайлага қўйдик. Овқатланиб олдик-да, қудуққа шошилдик. Қудуққа яқинлашиб борганимизда, орқамиздан бир юк машинаси келиб тўхтади. Кабинада Вася, тепада Қўлдош.

— Газқайнарга боргиларинг келса, юринглар,— деди Қўлдош.

— Нимага?

— Вася акам газ қувурларини пайвандлаш учун электрод олиб келмоқчи, ўша ердан ингичка қувур ҳам олиб келаемиз. Тоғам буюрди.

— Ўша тоғанг-а?— деди ажабланиб Бўрон.— «Қудуқдан сув чиқмайди, бу ерларда сув чиқади деб ўйлаш — ҳўкиз сут беради, деб ўйлашдай гап», демабмиди!

— Сув чиққанини ҳамма кўрди-ку. У ҳам кўриб ишонди-да. Уйимизга сув келаркан, деб хурсанд бўлди. Газқайнардаги танишимизга қувур сўраб илтимос хати ёзди-да, Султон акадан қўл қўйдириб олди. Шунга кетаяпмиз. Юринглар, томоша қилиб келаемиз!

— Мен кўрганман Газқайнарни. Сен бора қол,— деди Бўрон менга.

Ўзим қизиқиб юрувдим. Ҳеч нарсани ўйламасдан Қўлдошнинг ёнига чиқдим.

Қўлдош хурсанд кўринади. Мен ундан, «нечук тоғанг жавоб бера қолди», деб сўрамоқчи эдим, ўзи гап бошлади:

— Қизиқ бўлди, Дамир. Сенлар кетдиларинг-у, тоғам келди. Чайла эшигида эчкиэмарни кўриши билан капалаги учиб «ва-а» деганча ўзини орқага ташлаб юборди. Кейин туриб, кўкрагига «туф-туф» қилди-да, «буни ким олиб келди?» деб дўқ урди. «Ов» қилиб келдик десам ишонмади. «Ҳозир Бўрон билан Дамирни чақириб келай, ўзлари айтиб беришсин», дегандим. «Бўлди, бўлди. Бўроннинг қўлидан ҳар бало келади» деди. «Тулқини тутган, югурик кийикни қўлга туширган, буни тутолмайдими!» деди. Маъраб ётган эчкининг эмчагини ушлаб боқди. Тирсиллаб турганини кўриб, кулиб қўйди. «Майли, фалокатимиз арибди. Энди эчкини подага қўшганимиз маъқулга ўхшайди», деди.

— Баҳона билан эчки боқишдан қутулибсан. Қалтак ҳам емайдиған бўлсан-да?

Қўлдош, ори келиб бўзарди. Кўнглида, калтак еганими ҳеч ким билмайди деб юрган экан-да. Энди уялмай қўя қолсин, деб гапни бошқа ёққа бурдим. Газқайнарда қанақа ташишлари борлигини сўрадим.

— Қурбонов. Илгари бизнинг колхозда инженер эди. Ҳозир Газқайнарда инженер. Номи чиққан. Борганда кўрасан,— деди.

Машина қум саҳроси ўртасидан ғизиллаб чопарди. Бир вақт олдимизда милт-милт қилиб оқ уйлар кўринди. Улар анча экан. Тепасида баланд-баланд темир миноралар.

— Газқайнар дегани шу. Газчилар шаҳарчаси,— деди яқинлашганимизда Қўлдош.

Қум саҳросида шаҳар? Чиндан-а? Ҳа, ҳа чиндан! Ҳалигина кўзимизга жимитдай кўринган оқ уйчалар баланд, кўп қаватли, сонсиз деразали иморатлар экан. Бу ерда ҳам бизнинг шаҳардагидай асфальт кўчалар бир-бирини кесиб ўтган. Улардан ҳар ёққа ёғоч, тахта, қувурлар қоп-қанорлар ортган машиналар ғиз-ғиз ўтиб турибди. Одам бўлса, ундан кўп. Булар бизнинг шаҳардаги одамларга ўхшаб яхши кийинишган бўлса ҳам, лекин ҳаракатлари тезроққа ўхшайди: кўчалар, магазинлар, ошхоналар, яна аллақанақа биноларга шошилганча кириб-чиқишади, йўлақларда бир-бирларини қувишиб

кетаётганга ўхшайди. Нега шунақа десам, шамол ҳаммани шошилтираётган экан. Бу шаҳарда ҳам, худди саҳродаги каби ҳавони қум зарралари босган, асфальтларда ҳам қум кукунлари худди тумандай сузиб юрибди.

Тушиб шаҳарни томоша қиламиз, деб турсам Вася машинани тўхтатмади. Бир зумда шаҳарчадан яна саҳрога чиқиб кетдик.

— Ана, ана, оловли кўл!— деди бирдан ҳовлиқиб Қўлдош.

Чап ёққа қарадим. Офтобда жимирлаб кўл кўринди. Бери-роқдан бўлса негадир одам ўтмасин дебми, сим билан тўсиб қўйилбди. Кўл устида милт-милт этиб тутунми, алангами кўтарилиб турганга ўхшайди.

— Билдингми, газ ёняпти!— деди менга уқтириб.— Бу ерларда ҳар қадаминг ости газ. Кўл тагидан ҳам газ отилиб чиққан...

— Бўлмаса Вася акангга айт, тўхтасин,— дедим мен қизиқиб,— тушиб кўрайлик!

— Э, яқинига йўлаб бўлармиди, ловиллаб ёниб ётибди-ку!

— Ўзидан-ўзи қанақа қилиб ёнади?

— Болалар ёндиришган бунини! Баҳорда биз, кўлдан газ отилиб чиқаётганини кўргани келган эдик. Шунда бир бола қани ёнадими, йўқми деди-да, қоғоз ёқиб ташлаворди. Тўсатдан сув бети аланга олиб кетди. Шамол елиб турган эди, алангани бизга қараб урди-ку. Эҳе, қий-чувни кўрсанг. Биттасининг кўйлаги, биттасининг шими куйган. Қизларнинг рўмоли, сочи-га ўт кетган. Шунда мен яқинимдаги боланинг ёнаётган кўйлагини тортқилайман деб, аланга юзимга урганини билмай қолибман. (Ҳа, Қўлдош бечоранинг юзидаги ямоқлар шундан экан-да!)

Ҳикояга берилиб, каттакон бир минора тагига келиб қолганимизни билмабман. Машинадан тушдик. Эҳе, уни қаранг.

Боя узоқдан минораларга кўзим тушганда бу ерларда катта бинолар қурилаётган экан, деб ўйловдим.

Тошкентда Чилонзор қурилишига экскурсия қилганимизда, юқори қаватларга фишт чиқараётган кранларни кўрган эдим. Йўқ, бу бошқача минора экан — газ қудуғининг минораси! Бу темир минора шунча баланд, шунча ҳайбатлики, оғзинг очилиб қолади. Тагидаги кенг майдонда машиналар ғув-ғув юриб турибди. Улар хилма-хил, антиқа. Бола бўлиб бунақасини кўрган эмасман. Қувурларнинг кони ҳам шунда: катта-кичик, йўгон-ингичка — қалашиб ётибди. Ҳа, Тоға қув, билиб юбор-

ган экан. Мен пастдаги нарсаларга алақсиб турсам, Қўлдош туртди:

— Анави акробатчини кўряпсанми?

Ҳамманинг кўзи минора тепасида. Мен ҳам қарайман деб дўпним тушиб кетди. У ерда комбинезонли бир йигит худди циркдаги акробатлардай чаққон ҳаракат қиларди. Миноранинг у шотисидан бу шотисига каптардай лип-лип ўтади. Пастдагиларга қўли билан бир нарсалар деб имо қилади. Машиналарни айлантираётган, қудуққа қувур тушираётган, яна алланима қилаётганлар унинг имосига қараб ишлашади. Худди у дирижёр, пастдагилар музикачи. Бу йигитча киму, нега ҳамма унинг айтганини қилади, деб ўйлаб турувдим:

— Инженер Қурбонов,— деб қўйди Қўлдош.

— Кимни айтаяпсан?

— Уша акробатчини-да,— деди тепадаги йигитни кўрса-тиб.— Бизнинг қишлоқлик Али полвон.

— Ия,— дедим ҳайрон қолиб,— кичкинагина-ку? Полвон эмиш!

— Гавдасига қарама, ука,— деди гапимизни эшитган Вася.— Али Қурбонов курашда, боксда кўпларни енгган. У билан биз олимпиадада куч синашиб танишганмиз — ҳақиқий чемпион!

Кейин Вася Қурбоновга «Аливой!» деб бақирди. Машиналар гулдуросида эшитмади. Вася дастўмолини силкитди. Ана кўрди. Кўриши билан минорадан тез-тез тушди-да, югура келди. Икковлари қучоқлашиб, бир-бирларини кўтариб қўйишди. Шунда афтига кўзим тушди-ю бақрайиб қолдим. Тунов кун и автобусда кўрган кизикчи йигит-ку! Уни артистми деб юрсам, бунақа ҳунари ҳам бор экан! Бу ердагиларнинг ўзи ҳам, иши ҳам қизик экан-да шунақа!

Али Қурбонов мени кўрган заҳоти қошларини кериб:

— Э, офарин,— деди,— қандай қилиб келдинг? Отинг нима эди? Ҳа, Дамир?

Бизнинг таниш чиқиб қолганимизга Вася, Қўлдош ажабланишди. Вася менинг ҳақимда унга яна гапириб берди.

— Офарин, офарин! «Ёнар дарё» қаҳрамонининг ўғли! Султонбой оғайним, ҳамкасабам бўлади. Биз у билан бирга ўқиб, чўлда бирга кезганмиз. Бардамми, соғми? Мендан қоп-қоп салом айтиб қўйгин дадангга, хўпми?

Султон амакини сансираб гапирганидан бу йигит энди кўзимга каттароқ кўриниб кетди.

Вася келишининг сабабини айтиб, адам қўл қўйган қоғозни узатди. Али чемпион қоғозга кўз ташлади-да, дарров:

— Ҳамкасабаларнинг илтимосини қайтариб бўлармиди. Қани, юрингларчи,— деб кабинага кирди. Биз кузовга чиқдик.

Машинамиз бояги олов қўл яқинидан ўтиб шаҳарчага яқинлашганда, қаршимиздан биттаси от чоптириб келди. Тўппа-тўғри машинамизга қараб тасира-тусур босиб келяпти. Қанақа довярак отлиқ экан-а? Ана, ҳозир машина отни одам-подами билан мажақлаб кетади, деб нақ ваҳимага тушиб боряпман. Охири Вася ҳам қўрқди-да, тормоз берди. От шундоқ машина тумшугига келганда таққа тўхтади. Биз бўлсак қалқиб, тепадан учиб тушай дедик. Қарасак, отлиқ ким экан денг — Бўрон!

— Ҳой, чавандоз, нима қилиб юрибсан от чопдириб? Нега келдинг ўзинг?— деймиз ҳаммамиз унга бақрайишиб.

Бўрон чиндан ҳам чавандозлардай қорабайир устида қийшиқ ўтириб, чайқаларди. Гапирман деб гапиролмас, энтикарди. От эса сапчиб қочмоқчи бўлар. Бўрон жilовини қаттиқ тортиб турса зўр бериб ўйноқлар, машинани гир айланарди. Анча йўлдан чопиб келгани учун отнинг сағриси терга ботиб, чови кўприб кетганди. Ҳадеб пишқирар, бурун катлақларини кериб ҳансирарди.

Бўрон бир амаллаб отни машина ёнига ўнглади-да:

— Қани, мингаш!— деб менга қўл чўзди.

— Нега энди?

— Негалигини кейин биласан,— деб мени улоқчидай тортиқилади. Қўймасдан орқасига мингаштирди-ю, ҳеч нарса демасдан, отга қамчи босди. Машинадагилар ҳайрон бўлишганча:

— Қаёққа, ҳой Бўрон! Тўхтаб тур!— деб бақаришиб қолди.

Қорабайир учуриб кетди. Мен ағанаб тушай дедим-у, Бўронга ёпишиб белидан маҳкам кучоқлаб олдим. Кетимиздан машина қувиб келаверди. Вася билан Қўлдош алланима деб бақаришарди, сўзларини от туёғининг тасир-тусури, машинанинг гулдур-гулдурида тушуниб бўлмасди.

— Тўхтат, Бўрон, тўхтата қолсанг-чи! Қаёққа шошиласан, ўзинг?— дейман, Бўроннинг қамчи тутган қўлидан тортиб.

Бўрон қулоқ солмайди, қўлини силтаб тортади. Отини тобора қаттиқроқ чоптиради.

— Нима бўлди, Бўрон? Гапирсанг-чи, ахир!— дейман хуноб бўлиб.

— Нима бўларди!— дейди ҳаллослаб Бўрон.— Даданг, «отга мину, Дамирни топиб ўнгариб кел», деди.

— Нима иши бор экан?

— Нима иши б-бўларди! Ўзбошимча ўглининг таъзирини бериб қўймоқчидир-да!

— Ҳой, нималар деяпсан, ўзинг?

— Сени бунақа деб ўйламовдим. Билгаймда, ўртоқ бўлиб, шунча кетингда юрмасдим!

Бўрон чопиб кетаётган отни жаҳл-билан қамчилади. От, пойга чопгандай, шамол бўлиб учди. Мен бўлсам ҳар интилганда юмалаб кетай дейман. Ҳамма ёғимнинг оғриғига чидолмайман. Шундоқ бўлса ҳам билдирмасдан, Бўронга маҳкамроқ ёпишаман. Нега Бўрон аччиғланыпти? Султон амаки нима учун мени бунақа қисталанг билан чақирдийкан? Бўлди! Телеграмма келган, телеграмма! Ойимдан, ойимдан! Сир очилди. Бўлганимча бўлдим. «Ёнар дарё»да куним битди энди!.. Телеграммада нималар дейилган экан-а? Султон амаки мени қандай кутиб оларкан ҳозир? «Сен ёмон бола чиқдинг. Бунақа болани ўғил қилмайман», деса-я! Унда нима қиламан?

Посёлкага яқинлашяпмиз. Орқамиздан машина гулдуриси эшитилди, у ҳадемай бизни қувиб етди. Утиб ҳам кетди. Утаётганда қарасам, кабинада Вася билан Қўлдош кўринди. Қўлдош мағрурлик билан бизга: «Қойил қолларинг. Чавандозларни ҳам орқада қолдирдик-ку!»— деб бақирди ва қўл силкиб ўтди. Кузовда қувурчалар, яна аллақандай темир-терсақлар шақирлаб борарди.

Бўрон, машинага етиб оламан деб от жониворни шунча қамчилади-ю, лекин етолмади.

---

## 18. ЕР ЮЛДУЗЛАРИ

**Б**ўрон отни чайла устунига боғлади-да, йўлга чиқди. Гира-ширада узоқдан посёлкага қарайман. Вагонлар қорайиб ўшшайиб кўринади.

— Қаёққа кетяпмиз?

Бўрон жавоб бермади.

Яқинимизда ёнбошига «медицина ёрдами» деб ёзилган енгил машина кўринди. У посёлка томонга ўтди. Сал юриб тўхтади. Кабинада ўтирган хотин бизни имлади. Олдига борганда танидим: Султон амакини боқиб юрган доктор опа. Бўрон унга ҳозир посёлкада ҳеч ким йўқлигини, ҳамма трассага кетганини айтди.



— Сенинг даданг ҳам-а?— деди доктор опа менга тикилиб.— Роса ишонган эканман-а. Эрталаб келиб вагондан на дадангни топдим, на сени. Даданга қараб тур, демабмидим? Дайдиликдан бўшамаяпсан дейман-а? Ҳозир дадангни топа-мизу, машинага ўтқазиб кетаман. Тошкентга жўнатамиз. Бир-га кетасан.

Мен чурқ этмадим. Машинага ўтирдик. Бўрон йўл бошлади. Доктор опа яна менга деди:

— У ёқда ойинг ҳам пойлаб ўтиргандир-а хавотир олиб? Узи келмаганига ҳайронман. Дадангнинг касалини билармиди? Ё ойинг ҳам ўзингдақа бепарвоми?

Унинг сўзи бўлинди. Узоқдан кўзимизга ялт-ялт этиб нурлар кўринди. Ҳайрон бўлганимизни билиб, Бўрон:

— Юлдузлар учяпти,— деб қўйди.

— Пастда-ку?— деди доктор опа ишонмай.

— Тўғри, пастда учяпти. Бунни қурувчилар: «Ер юлдузи» деб аташади.

Бу ердагилар ҳамма нарсага ўзларича от қўйиб олишган экан: «Ёнар дарё», «Ғилдираб юрувчи посёлка», «Офтоб ўчоқ», «Мўъжиза қудуқ», «Газқайнар», яна алланарсалар.

Яқинлашганимиз сари юлдузлар кўпайди. Улар чанг ё туманга аралашиб учқунларга айланди. У ерда одамлар гулхан ёқишаётгандир деб ўйладим. Бирдан гулдурас эшитила бошлади. Икки прожектор қуёшдай ўткир шуъла сочиб, ҳамма ёқни ёритди: кундузи «Газқайнарда» кўрганимдан ҳам катта-роқ «завод»; ичига одам сиғадиган йўғон қувурлар, антиқа машиналар... Пастга тушдик. Бўрондан:

— Бу ерда нима бўлаяпти?— деб сўрайман. Жомакор кийган одамлар орасидан Султон амакини қидираман.

Бўрон менга жавоб бергиси келмайди, гулдуросда овозимни эшитмайдиам. Бу ерга доктор опанинг ҳам биринчи келиши экан. Аланглаб ҳайрон бўлиб қолди.

— «Ёнар дарё» колоннаси ҳаракатда!— деди Бўрон доктор опага бақриб. Кейин антиқа машиналарни бир чеккадан кўрсатиб кетди: бир хил машиналар йўғон қувурларни ўз қанотида кўтариб турибди. Бир хиллари қувурга суюқ мум суркаб, устидан сариқ қоғоз ўраяпти.— Анави, қувур устида чинқариб кетаётганини «йўрға» дейишади.

Жуда ғалати машина: қувурга маҳкам миниб олган. Унинг темир парраклари ғир-ғир айланяпти, ўткир темир тирноқлари қувурнинг зангини қириб ярқиратиб, учқунлар сочиб бо-ряпти.

Тутун, резинка, мум, яна алланималарнинг ҳиди қўшилишиб, кишининг димоғини ачитади. Проектор билан машиналарнинг ҳарорати эса ҳамма ёқни кундузгидай иситиб юборибди.

Иссиқ, чанг, шовқинда одамни одамдан ажратиш қийин. Бунинг устига, кўпчилиги катта қора кўзойнак тақиб олипти. Улар бир-бирлари билан соқовлардай имлашиб, туртишиб гаплашади. Уларнинг бу ҳаракатларидан мен ҳеч нарса тушунолмаман. Бўрон олдимизга тушиб ўзича ҳали у, ҳали бу машинани кўрсатиб, тушунтириб кетяпти. Доктор опа бўлса, энди унинг сўзларига қулоқ солмай, Султон амакини қидиряпти. Кўзим Ваеяга тушди. У, қўлида аллақандай асбоб, бир машинанинг ёнига энгашиб олиб, чарс-чурс электр учкунлар сачратяпти. «Пайвандлаш деб шуни айтармикин?» Унинг яқинига бориб, Султон амакини сўрайман, у эшитмайди.

Ана шу вақт ҳамманинг кўзи ўртага келган янги кўк автобусга тушди. Одамлар: «Телевизор! Телевизор!» деб қичқирди. Телевизор нима қилади бу ерда? Автобусда ҳар хил аппаратлар кўринди. Яхши кийинган ёш йигитлар автобусдан ўт ўчирувчиларнинг насосларига ўхшаган асбобларни тушириб, у ёқ-бу ёққа тўғрилай бошлади. Уларнинг нима қилаётгани билан ортиқча ишим йўқ, доктор опага аланглайман. Опа бўлса «Йўрға»нинг олдига бориб қолибди. У, «Йўрға» устида Васяга ўхшаб, машинанинг бир ерини пайвандлаётган кишига бақиряпти. Яқинроқ бориб, у кишига тикиламан: Султон амакими? Худди ўзику! Унинг терлаб, қурум босган юзлари электр нурида чўяндай йилтирайди.

— Тушинг, ўртоқ инженер! Қим рухсат берди ишлашга? Мумкинмас. Тушинг ҳозир!— деб доктор опа жеркияпти.

— Ҳозир, ўртоқ доктор, ҳозир,— деб Султон амаки илжаяди-ю, пайвандлаш асбобидан кўз узмайди.

— Сизга айтяпман, ўртоқ касал. Рухсат бермайман. Яна тагин кўзойнаксиз-а! Сизга кўзойнаксиз ишлаш у ёқда турсин, кўчага чиқиш мумкин эмас! Қандай қулоқсиз одамсиз?! Тушинг-э, ҳозир!— деб доктор опа баттароқ қичқирди.

— Ҳозир, ҳозир,— деди Султон амаки томоғи қирилиб.

Мен ҳам унинг аҳволига ачиниб кетдим:

— Ада, қўя қолинг!

Шунда унинг кўзи менга тушди.

— Бормисан, ўғлим! Ҳозир битади. Томоқ қақраб кетди. Менга сув олиб кел-чи. Ана у ердан...

Кўрсатган томонга чопаман. Проектор турган кўчма

электр станция супасида катта бочка. Бўрон ўша ерда. У қувурга ўраладиган сариқ қоғоз парчасидан «стакан» ясаб, сув олиб беряпти. Башараларига мой сурқалган, кўзлари милт-милт йилтираган йўғон, ингичка йигитлар сувни ичиб, унга раҳмат деб кетишяпти. Вася ҳам келиб сув ичди-да, менга:

— Дадангни кўрдингми? Молодец-а! Қувур тозалаш машинасини юриб турган жойида тузатяпти. Ҳеч кимнинг қўлидан келмайди бу,— деди.

— Хавфли иш қиляпти. Бош инженер ҳаммамизга хавфсизлик қондасини ўргатади-ю, ўзи бузаяпти,— деди сув ичаётганлардан бири.

— Хавфли бўлсаям, қоида бузилсаямки, иш тўхтамасин деяпти-да!— деди иккинчи йигит.

— Аввал бунинг ремонтини Тоғага ишонган эди. Қарайдики, Тоға ўз тирикчилиги билан овора бўлиб, ишимизни сургаб юборадиган. Кейин Тоғани ишдан четлатди-да, ўзи уннаб кетди ремонтга...

Бўрондан каттароқ «стакан»да сув олиб, Султон амакига обориб бердим. Сувни ичиб, «баракалла» деди-да, яна буюрди. Бу галги келтирган «стакан»имни доктор опага узатди. «Стакан»ни бир кўтаришда симирган доктор опа:

— Сувдай сероб бўл,— деб қўйди менга. Яна Султон амакига илтмос қилди.— Бўлди, ўртоқ Арслонов, тушинг!

— Ҳозир, мана ҳозир,— деб Султон амаки пайвандлаш асбобини машинага яна бирпас тутиб турди. Шунда бирдан боши эгилди-ю, «иҳ!» деб «Йўрға»дан ағдарилиб тушди. Одамлар ўрнидан турғизишиб қўйишди. Султон амаки қўллари билан кўзини бекитиб олди.

— Ана, ана, айтмадимми сизга, айтмадимми ахир!— Доктор опа Султон амакини четга етаклади. Қуйиб-пишиб сўради.— Бошингиз айландими? Учқун тегдими кўзингизга?

Султон амаки кўзини очолмасди. Ихраб, турганиб юрарди. Бир қўлтиғига мен ўтдим.

— Қаттиқ оғрияптими, ада?

— Қўрқма, ўғлим, салгина, салгина,— деб ўзини босишга ҳаракат қилди. Аммо нафас олишидан қаттиқ оғриётгани сезилиб турарди.

— Одамлар тўпланди. Ҳамма ҳар ёқдан аҳвол сўрарди:

— Нима бўлди, ўртоқ бош инженер! Кўзингиз лат едими, ўртоқ Арслонов? Э, аттанг, ўзингизни эҳтиёт қилсангиз бўлмасмиди!

Доктор опа бўлса у одамларга:

— Арслоновнинг касаллигини билардиларинг. Олдинроқ қайтаришларингиз керак эди!— деб зарда қилди.

— Қайтардик, неча карра қайтардик. Қулоқ солмадилар-да.

— Бўлар иш бўлди. Қани, четроқ чиқинглар. Ураманглар! Ҳаво керак!— деб доктор опа одамларни нари итарди. Сумка-сидан елпигич чиқариб, Султон амакини елпий-елпий машинасига етаклаб келди. Султон амаки билан мени машинага ўтқизди. Лип этиб Вася билан Бўрон ҳам чиқиб олишди. Кейин Вася ёрдамида доктор Султон амакининг юз-қўлларини ювиб артди. Кўзига дори қўйиб дока билан боғлади. Энди Султон амаки докторнинг айтганларига индамай кўниб турарди. Иложи борича ўзини маҳкам ушларди-ю, оғриқ зўридан тишлари гижирлаб кетарди. Доктор уни машинадаги оппоқ чойшабли каравотга ётқизмоқчи бўлган эди, бунисига кўнмади:

— Кўйинг-е, ётмайман... Салгина, салгина.

Этим увишиб кетди. Султон амакининг боғланган кўзларига қаролмай қолдим. Султон амаки:

— Ҳозирча хайр, биродарим,— деб Васяга қўл узатди.

— Хайр, тезда соғайиб келинг, дўстим!— деб Вася уни маҳкам кучоқлади, зўрға машинадан тушиб қолди.

Машина кўзгаларкан, Султон амаки қўллари билан тимискиланиб мени қидирди. Мен қалтираганимча ёнига сурилдим. У, елкаларимни пайпаслаб, бошимни силади. Бир нималар демоқчи бўлди-ю, деёлмади. Охири ўзим гап бошлайман:

— Каттиқ оғрияптими, ада?

— Йўқ, ўғлим, салгина,— дейди у. Бир оз ўтириб, сўрайди:— Сенга Боря ўртоғинг телеграммани айтдим?

— Й-йўқ,— дедим баттар бўшашиб.— Қ-қанақа телеграмма?

— Ойингдан келган,— Султон амаки жомакори чўнтагидан қоғоз олиб, менга берди.

Қўлларим қалтираб, қоғозни очдим. Ундаги: «Дамир қандай қилиб бориб қолди? Хавотирдаман. Тез жўнати...» деган сўзларни ўқиб, қалтираб кетдим. Султон амаки деди:

— Почтадан Борянинг ўзи олиб келган эди. Олдида ўқиган эдим. Айтмабди-да сенга. Қўрқитмай қўя қолай дегандир-да ўртоғинг.

— Тўғри,— деб қўйди шу чоққача бурчакда чурқ этмай ўтирган Бўрон.

— Ия, Боря, сен ҳам шу ердამисан? Балли, вақтида ўртоғингни етказиб келдинг.

Шофёрнинг ёнида ўтирган доктор опа бизга қайрилиб:

— Бўлди энди, касални гапга солаверманглар,— деди.

Посёлкага етганимизда доктор машинани тўхтатди.

— Қани, болакайлар, тушиб қолинглар. Мен бу кишини касалхонага олиб кетаман. Сизлар эртага хабар оларсизлар. Дадангдан ҳеч хавотир бўлма, йигитча, тезда тузатиб юборамиз.

Шу гапни айтди-ю машинанинг эшигини очди. Мен бирдан йиғлаворай деб, Султон амакига ўзимни отдим. У бўлса:

— Ия, ия, ўғлим, сенга нима бўлди? Тошкентдай жойдан самолётда учиб келган азаматсан-ку. Уят эмасми йиғлаш, ўртоғинг айбснтмайдимми? Менга ҳеч нима бўлгани йўқ. Салгина-да,— деб кулган бўлди, бошимни силаб қўйди.

Сезиб турибман, оғриғи зўр-ку, ўзини мажбур қилиб кул-япти.

— Бўлди, ўғлим, туша қолинглар. Эртага кўришамиз,— деб пешанамдан ўпди. Бўронга тайинлади:— Боряжон, сенга ишонаман. Ўртоғингни зериктирмай тургин-а?

— Хўп,— деди Бўрон машинадан тушиб. Мени ҳам машинадан тортиб туширди.

Машина бир зумда сахро зимистонига сингиб кетди, мен шалвайганимча қолдим. Энди нима қилдим, қаёққа бордим?

— Юр, қудуққа.— деди Бўрон.

— Қудуқда нима бор кечаси?

— Томоша! Эҳе, унда ҳозир болалар гулхан ёқишган. Гулхан ёруғида водопровод қуришга киришишган. Ҳамма, Қўлдош, Тоғагача ўша ерда. Юравер, кўрамиз.

Тепаликка чиқдик. Узоқдан уфқни ёритиб, гулхан шуъласи кўринди. Ана, ана, гулхан тобора баландроқ гурилляпти. Унинг учқунлари гир-гир шамолда мушакдай ҳар ёққа сочилади. Эҳ, мана икки йилча бўлди, пионерга ўтган вақтимдан бери, ловиллаган гулхан атрофида ўйнаганим йўқ! Айниқса кечаси, ҳозиргидай оймўма ёруғида, чарақ-чарақ юлдуз тагида гулхан ёқиш қандай гаштли-я!

Нариги талага ўтамиз. Энди болаларнинг қий-чуви барала эшитилди. Уларнинг ҳаммаси хурсанд. Уларга яхши-да. Ташвишлари йўқ. Ўйлаганларинг бўлиб, ишинг юришгандан сўнг хурсанд бўлишинг керак-да! Менинг бўлса кўнглим хира, жуда хира! У ёқда телеграмма: «Дамир қандай қилиб бориб қолди? Хавотирдаман. Тез жўнатинг...» Демак, ойим, бувим ўтакалари ёрилиб, кечалари ухламай чиқишяпти. Бу ёқда Султон амаки, энди кетишга кўнай деб турганда, шу аҳволга туш-

ди. Докторнинг гапи тўғридир: қарайдиган одами бўлганида бу аҳволга тушмасмиди балки? Мен ҳам қаролмадим. Менинг қўлимдан нима иш келарди. Ойим бўлганда бошқа гап эди-да. Қанақа эҳтиёт қилардики уйда, худди ёш боладай. Нега кела қолмади-а ойим? Келмаганига нима, ким сабаб? Ҳа, Султон амакига айтгани эсимда: «Буларингиз мўмин-қобил болалар бўлгандаям бир нав эди. Улардай қайсар. Чапақай!..» Шунинг учун биз билан келишни хоҳламади-да. Бунинг устига бувим касалланиб қолди. Нега? Кўп уринди-да бечора. Уни кўп уринтирган ким? Яна бизми? Мен билан Попукми?

Бундан чиқди, ҳаммасига ҳам биз сабабчи эканмиз-да? Йўқ, йўқ. Наҳотки мен шундоқ бўлишини хоҳлаган бўлсам! Ҳеч хоҳлаган эмасман!..

## 19. ҚАЙТИШ

**К**ечаси ваҳимали тушлар кўриб чиқдим. Худди бир вақтдагидек лочин мени осмонга олиб чиққанмиш-ку, мен унинг чангалидан айрилиб тушиб кетаётганмишман...

Қаттиқ овоздан уйғониб кетдим. Бўрон билан икковимиз апил-тапил бошимизни кўтарсак, Чўпонбобо тепамизда.

— Қани, тура қолинглар, бўталарим, илдамроқ. Кутиб қолди.

Чайла эшигида машина турган экан. Кечаси адамни олиб кетган қизил ёзувли машина. У нега келганини сўрамасимиз-даноқ, таниш шофёр бизни чақирди. Учовимиз чиқдик. Машина қўзғалиши билан, рўпарамиздан адам миниб юрган «Газ-69» чиқди. Унда Вася, Мамед, яна бир-икки киши кетаётган эди. «Виллис» тўхтаб, Вася бизнинг машинага ўтди.

Мен Бўронга, Бўрон менга қарайди: қаёққа кетяпмиз? Нега бунақа шошилинч? Бобой менинг кўзим бежолигини билди-да:

— Сенга машина юборибди даданг. Соғинган бўлса керак-да дарров. Сенинг баҳонангда биз ҳам кўриб келайлик.— деди. Кейин Васяга қаради.— Тунги смена дуруст ўтдим, болам. Жўнашиб кетдим ишинг?

— Йўрғалаб кетди!— деди Вася.

— Йўрғалаган бўлса, ошиқларинг олчи. Узларинг омади келган йигитсанлар-да,— деб қўйди бобой хурсандлик билан соқолини силаб.

— Аммо,— деди Вася пахсадай қўлларини тиззасига шап

уриб,— жонини аямай ишни юргизди-ю, ўзи сафдан чиқди-да. Шунисига хафамиз.

— Яхши нафас қил, болам,— деди бобой астойдил ишонч билан.— Худо хоҳласа тузалади, докторлар давосини топади. Бот фурсатда қарабсанки, яна сафларингда юрибди-да.

Бу гапларни бобой мени тинчлантириш учун гапирдимми ё чиндан ишониб гапирдимми, билиб бўлмади.

— Айтганингиз келсин ишқилиб, отахон,— деб қўйди Вася, чуқур нафас олиб.

Васянинг авзойидан адамнинг касали оғирга ўхшайди. Мен энди ҳеч кимнинг гапини эшитмасдан, ўзимча хаёл суриб кетяпман: докторлар даво топиб кўзини очаётганмикан, ё бўлмаса бутунлай... Йўқ, йўқ, бобой айтганча, «яхши нафас» қилай. Кўзи очилиши керак. Очилади, албатта!

Ана, деразаларига оҳак суркалган, кўрниниши совуқроқ бино. Касалхонадир. Машинадан тушамиз. Остонага қадам қўямиз. Юрагим қинидан чиқиб кетай деб, типир-типир қил-япти: адам қай аҳволда ётганмикан ҳозир? Мени танирмикан?

Қўрқа-писа одамлар кетидан йўлакка кирапман. Бирдан қаршимда адамни етаклаган доктор опа кўринди. Адамнинг кўзи боғлиқ эди. Бориб, қўлини ушладим. Дарров билди. Мени бағрига босди. Ўзим гап тополмайман. Ўзи бир нарса дермикан дейман. Индамайди. Хафамикан?

Доктор опа ҳаммамизни ҳалиги машинага бошлаб чиқди. Ўзимча: касали енгил бўлса жавоб берганмикан, дейман. Сўрашнинг иложи йўқ. Кетяпмиз. Адамга тўхтовсиз гапиришарди. Посёлкага қайтяпмиз деган хаёлда эдим, бир пайт аэропортга келиб қолибмиз.

Одамлар адам билан мени аэропорт майдонига олиб чиқишди. Узоқ гаплашиб, хайрлашибди. Мен адамни етаклаб самолётга чиқдим. Шундагина Тошкентга қайтаётганимизни билдим. Билибоқ, юрагим орқамга тортиб кетди: севинишданми, чўчишданми — тушунолмасдим. Бир ёқдан — роса хавотир бўлиб эшикка термулишган ойим, бувим кўз олдимга келишди, уларни ҳозироқ кўргим келиб кетди. Иккинчи ёқдан — бу ерда ортирган янги ўртоқларим, аломат кишилар ва қизик ишларни кўзим қиймасди. Худди тарвузи қўлтигидан тушган одамдай бўшашдим. Шу чоғ эсимга Лайка тушди. Фотоаппаратим-чи? Ия, айтгандай, дафтар, қаламларим-чи? Халтада борганича шундоқ қолаверибди. Каникулда мен ҳам бошқа болалар қатори кўрган-билганларимни ёзиб бормоқчи эдим. Синфдошларим ёзиб боришганда, ўқитувчи «қани сеники?»

деса, нима дейман энди? Тагин уришадиган бўлди-да: «Уйин-қароқлигинг, бесарамжонлигинг қолмабди», деб.

Одам чуқур хаёлга ботса кўзи кўр, қулоғи кар бўлиб қоладими, дейман. Тўсатдан олдинга қалқиб кетдим-у, ҳушим жойига келди. Адам қалқиганимни пайқади-да, мени маҳкам ушлаб олди. Шу ушлаганча қўйиб юбормади. Энди бир гап сўраб қоладими деб хавотир бўламан. Йўқ, индамайди.

Гулдурос солиб самолёт осмонга кўтарилади. Мен ғилдирак ойнадан ташқарига қарайман. Ер билан осмон бир-бирига қўшилишиб кетгандай, ҳамма ёқ қип-қизил ловиллаб ёнаётгандай кўринади. «Нега бундай?» деб адамдан сўрайман дейману, гапим ёқмайдими, деб сўрамайман. Лекин дилимдагини топгандай, ўзи сўраб қолди:

— Нимани кўряпсан, ўғлим?

— Осмонни.

— Қизилқумни-чи?

— Йўқ.

Адам бир хўрсиниб қўйди. Нега хўрсиндикин: Қизилқумдан узоқлашганиданми, энди уни кўришга кўзи етмаганиданмикан?

— Яхшироқ қара-чи: узоқдан Қизилқум қанақа кўринаркан?

Эгилиб узоқларга қарайман. Кўзимга худди оппоқ очилиб ётган пахтазор кўрингандай бўлади.

— Пахта! Оппоқ пахта!

— Йўғ-э!— дейди адам кулги аралаш.— Июнда пахта очилармиди! Булутдир?

Ҳа, ҳа, булут экан. Салдан сўнг, пахтадай сочилган майда булутлар бир-бирига хирмон-хирмон бўлди. Самолётнинг ҳамма ёғидан тоғдай бостириб келаверди. Эҳе, тагин самолёт уларга урилиб ағдарилиб кетса-я! Ваҳима босади. Кўзларим тиниб кетади.

Мени чалғитиш учунми, адам сўрайди:

— Сахро сенга ёқдими?

Нима деб жавоб бераман: «Ёқди» десам, нимаси ёққанини ўзим билмайман. «Ёқмади» десам, худди сахродаги ўртоқларимни хафа қилаётганга, уларнинг яхшиликларини унутаётганга ўхшайман. Наҳотки ҳаммасидан кечсам, уларни қайта кўрмасам?

Адамнинг саволига жавоб бериш ўрнига, шошилиб сўрайман:

— Энди сахрога қайтмаймизми, ада?



Адам бир оз ўйлаб олди-да:

— Сенга боғлиқ, ўғлим,— деди.

Ажабланиб унга тикиламан. У жим бўлиб қолади. Кўзи юмуқ одамнинг нима ўйлаётганини, хурсандми-хафами, билиб бўлмас экан. Гоҳо жағини қимирлатиб, тишини гижирлатиб қўйишидан, кўзи оғриётганга, бир нима алам қилаётганга ўхшаб кетади. Шунинг учун мен бошқа сўз сўрамайман. Фақат ичимда ўйлаб кетаман: «Сенга боғлиқ», дегани нима дегани? Ахир ўзининг касали тутиб, кўзи бунақа бўлиб қолди-ку? Докторлар уни саҳродан ҳайдай бериб, охири жўнатди-ку? Энди қайтиб боролармиди? Ойим бўлса, олдин ҳам боришига қарши эди. Энди-чи? Ойимнинг кўниш-кўнмаслиги менга боғлиқмикан. Адамга, бувимга қулоқ солмаган, менга қулоқ солармиди? Ҳеч-да!

Самолёт қаттиқроқ силкинди. Мен ўрнимдан қўзғалиб кетдим. Адам яна суяб қолди.

Самолёт пастлай бошлади. Хиёл ўтмай, ер кўринди. Тошкент, ана Тошкент!

Самолётдан тушдим. Адамни етаклаб, аэропорт майдонига юрдим.

Майдонда одам тирбанд. Шовқин-сурон. Ҳамма темир панжарага қараб интилади. Кўзимга бу одамларнинг ҳар бири икки-учтадан бўлиб кўринади. Қулоғимда худди карнай-сурнай чалаётганга ўхшайди. Шу пайт таниш бир қичқириқ эшитаман. Одамларга аланглайман. Ия, анави, тўда ичидан келаётган ким? Ойим эмасми? Ҳа, ҳа, худди ўзи, ўзгинаси!.. Бизни кутгани чиқибди-да. Қаердан билибди-а бизнинг келишимизни?.. «Ойи!» дейман, томоғимга бир нарса тиқилади. Ойим жон ҳолатда келади-ю, индамай-синдамай мени қучоқлаб олади, у юзим, бу юзимдан ўпади. Шу заҳоти бирдан афти тиришиб кетади.

— Бу нима қилганинг, ўзбошимча! Бу нима қилганинг, дайди!— деб қулоғимдан чўза бошлайди.

Мен пиқ-пиқ йиғлаб юбораман. Икки-уч қадам нарида туриб қолган адам буни пайқайди-да:

— Қўйинг, уни хафа қилманг!— дейди аста.

Ойим, ишчи кийимидаги, кўзи боғлиқ бу одам ким бўлди экан, деб унга бақраяди, қулоғимни қўйиб юборади.

— Адам, адам-ку!— дейман мен ҳиқиллаб, ловиллаган қулоғимни силаб.

— А-а?— дейди ойим чўзиб. Бир зум кўзлари бежо бўлиб

туради-да, бирдан бориб адамнинг елкасига қўлларини ташлайди. Шу кўйи анча тургандан сўнг титроқ овозда:

— Нима бўлди сизга, нима бўлди?— дейди-ю, ҳўнграб юборади.

— Кўз оғриди. Салгина,— дейди адам ойимнинг қалтирган қўлларини ушлаб.

Кейин адамнинг бир қўлтиғидан ойим, бир қўлтиғидан мен тутиб, аэропорт биносига кирамиз. Кўчага чиқаверишда ойим: «Шундоқ туринглар», дейди-да, тарозида юк тортаётган жойга ўтади. Ҳадемай, битта чамадон кўтариб чиқади. Ҳа, энди билдим: ойим бизни кутиб олганимас, қидириб боргани отланган экан!

Таксига тушиб, уйга кетяпмиз. Адам ойимга, кўзи боғлиқ ҳолда уйга бориши яхши эмаслигини айтди. Докторларнинг Тошкентдаги катта касалхонага ёзиб берган қоғозини кўрсатди. Шундан сўнг ойим мени кўчамизнинг оғзида тушириб қолдирди-да, адами касалхонага олиб кетди.

---

## 20. МИТТИ ДЕМАНГ БИЗНИ...

**О**смондан тушганимдан бери бошимнинг айланиши, қулогимнинг ғувиллаши тинмайди. Кўзимга кўчалар жуда тор кўринади. Осмон нақ пастлаб, томларни босиб тушаётганга ўхшайди. Иморатлар бўлса ҳар ёғимдан қисиб устимга ағдарилаётгандай бўлади.

Сахро қандай кенг эди-я: бошинг оққан тарафга кетаверсан, қанча югуриб-елсанг ҳам биров уришмайди, тақиқламайди. Ойинг, бувинг: «Йироққа кетма, кўзингга қараб юр, ров бориб, ров кел» деб тергамайди. Кўча ўртасида қаққайганча, ола-була таёғини кўтариб: «У ёққа юрма, бу ёққа юр!» деб буюрадиган милиционер ҳам йўқ. Эртаю-кеч қуёндай тепадан-тепага сакрайсан, бўронда қумларнинг гирдоб уриб кўчишини кузатасан. Қизиқ, аломат кишилар... бургут билан овга чиқиш, кечаси гулхан ёқиш, «Ёнар дарё» ишини томоша қилиш, эҳе...

Мана уйимиз. Эшик қулф. Қўшниникидан калитни олиб очаман. Ҳовлимиз ҳувиллаб ётибди. Бувим, Попук қаёқда экан? Қўшни хотиннинг айтишича, ўтган куни Мирзачўлдаги холам келибди. «Сиқилиб кетибсиз, уч-тўрт кун яйраб келинг» деб бувимни олиб кетибди. Попук ҳам эргашипти, албатта.

Бир ўзим нима қилдим-а уйда? Ана лиммо-лим ҳовузча. Ана ўрик тагидаги каравотим. Чарчаб келганман-у, ётиб ух-лолмайман. Бир чеккаси хавотирдаман: ҳали замон ойим келади. Мени сўроқ қилиб, ҳўб таъзимни беради. Унга нима-лар дейман? Ўзимни қандай оқлайман?

Юрагим хаприқади. Шунда болаларнинг шовқинини, машина овозини эшитаман. Эшикка югураман. Синфдошларим иккита кичик мотоциклда пойга қилишяпти. Солиҳ ҳам бор. Мени кўрибоқ, Солиҳдан бошқалари олдимга келишади. Қаёқларда юргангни суриштиришади. Айтиб бераман. Солиҳ ҳам яқин келиб эшитади. Гапимга бошқалар ишонсаям, Солиҳ ишонмайди.

— Қизилқумга бориб бўпти. Мирзачўлга борган, холасиникига!— дейди.

Бошқалар унинг гапига лаққа ишонишади, мени ёлғончига чиқаргандай лабларини сўлжайтириб, яна пойгага чопишади. Гапимга ишонмагани, пойгага қўшишмагани алам қилади менга.

Бояги таксида чамадони билан ойим келди. «Ҳозироқ сўроқ бошланади», деб юрагим пўкиллаб турувди. Йўқ, сўроқ қилмади. Қайтага мени меҳмондай сийлаб тўрга ўтқазди-да, чамадондан қатлама, патирлар олиб олдимга тўкди. Эрталаб Чўпонбобо берган чапати нон билан қуртдан бошқа нарса ичимга кирмай, яланиб турган эдим, очопатлик билан овқатга ёпишаман. «Ҳозир бошласа, овқат ҳам қолиб кетади», деб кавшамай ютавераман. Томоғимга тиқилади. Ухчийман. Усти-устига чой хўплаб ўтказаман. Ҳиқичоқ тутиб қолади. Ойимдан бекитиб тухумми, бошқа нарсами еганимда шунақа тударди. Ҳозир нега тутади, шошилганимданми — билмайман. Ишқилиб, эсон-омон қорнимни тўйғазиб олдим. Энди ойим нима деса деяверсин, деб турган эдим, дегани фақат шу бўлди:

— Чўл биёбонда ҳўб адабингни еб келибсан-ку, ўзбошимча!

Қим айтибди унга бунақа деб? Адамми! Е ўзи ичидан чиқаряптими?

— Нега унақа дейсиз, ойижон?

— Кўриниб турибди-ку афти-башарангдан. Қоп-қорайиб қотиб кетибсан!

Раҳми келиб айтаётган экан. Бўш келганидан фойдаланиб, мен кучайдим:

— Яхшиям борганим денг, ойи. Адам дастёрсиз қийналиб қолган эканлар. Қарашиб турдим.

Ойим ишонмай лабини бурди. Мен тўхтамай, саҳрода кўрганларимни сўзлайман. Қийинчилик, сарсонгарчиликларни айтмасдан, нуқул яхшиларини айтаман. Бу ойимга ёқмади шекилли:

— Бўлди, бўлди, барини эшитдим, — деди.

Кейин мен ҳовузчада чўмилиб, тоза кийим-бош кийиб олдим.

Хуллас, бу ташвишдан осонликча қутулиб турибман, у ёғинима бўлади? Адамнинг кўзлари очилармикан? Очилгандан сўнг, яна «Ёнар дарё»га қайтармиканлар? Қайтса, ойим борармикан, бизни ҳам олиб кетармикан?

Кунига ойим касалхонага қатнайди. Мен борай десам олиб бормади. Адамнинг аҳволи қанақалигини ойимнинг чеҳрасидан пайқаб тураман: чеҳраси бузуқроқ бўлса — ёмон, очиқроқ бўлса — яхши.

Тўрт кун деганда, Қизилқумдан адам номига хат келди. Уни ойим очдию ўқий олмасдан менга берди. Шошиб, ажи-бужи қилиб русча ёзилган экан. Қийнала-қийнала ўқидим. Кейин ойим мени касалхонага олиб борди.

Адам бугун биринчи марта бировга етаклатмасдан йўлакка чиқибди. Бир кўзи камроқ зарарланган экан, операциясиз, дорилар билан очилибди. Шундоқ бўлса ҳам ҳали хат ўқий олмас экан. Мен унга ўқиб бердим. «Ёнар дарё»дагилар унга кўпдан-кўп салом айтиб, соғлиқ тилаб ёзишибди. Колонна «чаққон йўрғалаётгани»ни айтиб, адамни хотиржам қилишибди. Иннайкейин, бир маслаҳат сўрашибди: Тоға, ўз хатосини бўйнига олиб ариза ёзибди, қайтариб ишга олишни сўрабди, аммо «Қўшоқнинг ичида бўшоқ бўлиб юрадиган одам керакмас», деб уни ишга олмай туришганмиш. Адам бу гапларни эшитиб кулди-да, дарров жавоб юбормоқчи бўлди: қалам, қоғоз топдириб, менга ёздирди. Соғлиғи аста-секин яхшиланаётганини айтиб, охирида кўшиб қўйди: «Агар Тоға астойдил тавба қилса, кечириш мумкин... Ишларингизда муваффақият тилайман. Бот фурсатда дийдор кўришгунча хайр». Шу сўзларни ёзаётганимда, «яна қайтиб бормоқчимисиз?» деворадими деб, ойимга қараб қўйдим. Йўқ, индамади. Бу сўзлар ёққан-ёқмаганлигини афтидан билиб бўлмайди.

Шу куни адам билан касалхона богида анча гаплашиб ўтирдик. Қоронғи тушганда уйга қайтсак, бувим билан Попук келишган экан. Ҳовузча бўйида энди у ёқ-бу ёқдан гаплашиб ўтирган эдик, чувур-чувур қилишиб болалар келиб қолишди. Ажабланиб турсам, улар бирданига менга ёпишиб кетишди.

Ҳа-ҳув дегунча қўймай оёқ-қўлларимдан тортқилаб, мени осмонга иргита бошлашди. Ойим билан бувимнинг капалаги учиб:

— Ҳой-ҳой, болалар, нима қияпсизлар? Дамир сизларга нима ёмонлик қилди?— деб чувурлашди. Болалар бўлса:

— Кўрдик! Кўрдик! Айтиб бер ҳозир!— деб шовқин солишди.

Ҳаммадан кўра Солиҳ қаттиқроқ бақирар, қаттиқроқ силтарди. (Қасди бор-да!) Мен болаларнинг нега ундоқ қилишаётгани, ундоқ дейишаётганини билолмасдим. Нафасим оғзимга тикилганча, зўр бериб:

— Нимани кўрдиларинг? Нимани айтаман?— дердим.

Болалар қўйиб юборишавермади. Жаҳлим чиқди. Унгландим-да, Солиҳнинг елкасига осилиб олдим. Силтаб туширди. Энди белидан сиқиб олдим. Қаттиқ курашиб кетдик. Болалар қийқиришиб, чапак чалишарди. Ойим аралашса ҳам Солиҳ қўйвормай, мени ҳовузчага пишмоқчи бўляпти. Мен бор кучимни тўплаб жони-жаҳдим билан бир кўтариб отувдим, унинг ўзи шалоп этганча ҳовузчага ағдарилди. Сувда бақалоқ гавдасини аранг ўнглади, ҳовузчадан чиқа солди-ю, ҳамма ёққа сув сачратиб, лапанглаганча мени қувди. Мен ҳовлини гир айландим. Бора-бора лип этиб ўриқка чиқиб олдим. У ҳам кетимдан чиқмоқчи бўлди. Лекин жиққа ҳўл қўйлак-шими халақит берди. Болалар жиртак чалишди:

— Йиқилган курашга тўймас! Йиқилган курашга тўймас!

Солиҳ бўлса, иложи қолмагандан:

— Кулмай қўя қолинглар! Шу митти сўйина қолсин деб, жўрттага йиқилдим,— деди.

Унинг бу гапига бувимнинг гаши келди шекилли, ҳазил аралаш:

— Митти деманг бизни, кўтариб урамиз сизни,— деб ўхшатиб жавоб берди.

Ойим ўшшайиб олган Солиҳнинг кийимларини сиқиб юборди-да:

— Қўй, укажон, хафа бўлма, ўз ўртоғинг — билмай қилди,— деб юпатди. Кейин сўради:— Узларинг нега келдиларинг-у, нега бунақа қилиқ қилдиларинг, бир гап борми?

— Телевизорни кўрмадингизми?— деди димоғи билан Солиҳ.

Болалар чекка-чеккадан ҳовлиқиб, ҳалигина экранда кўришган томошани гапириб кетишди. Билсам, «Ёнар дарё»даги ишларни телевизорда кўрсатибди. Уша томоша ичида бола-

лар адамни, мени, Бўронни ҳам кўришибди. Бекорга мени ир-  
фитишмаган экан осмонга.

— Эсизгина-эсизгина-я, томошадан қолибмиз-да!— дейиш-  
ди ойим билан бувим.

Кейин хурсандлик билан болаларни стол атрофига ўтқазиб,  
меҳмон қилишди.

Энди Солиҳ димоғидан сал тушган, бошқалар қатори у  
ҳам менга «Ёнар дарё»дан савол берарди. Сўзлаб берганла-  
римга астойдил қулоқ солиб, ишонарди, ҳаваси келганини ҳам  
яширмасди. Саволлар кўпайиб, гапимиз чўзилганини кўриб,  
бувим деди:

— Қани энди, чироғларим, уй-уйига, тепа тўйига. Аллама-  
ҳал бўлди. Ойиларинг хавотир олиб ўтиргандир. Эртага ҳам  
гап қолсин.

Уртоқларимнинг кетгиси келмасди. Бувим яна ҳайдаган-  
дай қилиб гапиргандан сўнг, ноилож қўзғалишди.

— Бўлмаса бундай, Дамирвой,— деди Солиҳ звено вожа-  
тийлиги эсига тушиб.— Пионерлар каникулдан қайтганда  
сбор қиламиз, ўшанда ҳаммасини гапириб берасан, бўлдимиз?

Мен ҳам энди жиҷча ғурурландим-да:

— Кўрамиз, агар «Ёнар дарё»га кетиб қолмасак,— дедим.

Малеевка — Тошкент.  
1964—1965.



---

СҮНМАС  
ЧАҚМОҚЛАР  
қисса





Урганмаган жойингда бемалол ухлолмас экансан. Ёстинг қизиб, ёнбошингга бир нималар ботиб кетаётгандай бўлади. Ҳар хил хаёллар миянгда аридай гувиллайди. Энди улар янги жойда қандай туришади? Онасиз, Раъно билан аҳволлари не кечади?

Қудрат у ёнбошидан-бу ёнбошига ағдарила бериб, ярим кечадан оққанда уйқуга толди. Аммо яна худди биров туртгандай, чўчиб уйғонди. Каравотига ўтириб, бир зум кўчага қулоқ солди... Нимадир аста дарангламоқда... Ҳа, қишлоқдагилар «тун соати» деб атаган Бобоқул ота ўзининг темир ҳассаси билан йўғон тут дарахтига осиглиқ оғир чўян зангни чалмоқда...

Қудрат ирғиб туриб, деразани очиб юборди. Ташқарида ғира-шира тонг. Кўр ойдин бетини сутдай қуюқ туман пардаси қоплаб олмоқда.

Занг овози тинди. Унинг ўрнини аллақандай шивир-шивир эгаллади. Тонг ели соф ҳаво билан бирга эшик олдидаги ёш терак, тол япроқларининг шилдираган ва «Шўхсой»нинг шовиллаган овозини келтирмоқда. Сой қишлоқнинг қоқ белидан айқириб оқади. Унинг шахдам овозини кундузи одамлар шовқин-сурони, машиналар гулдур-гулдури, гала-гала қушларнинг тинимсиз сайраши босиб кетади. Тун бўйи эса у барала эшитилиб чиқади. Ҳозир сой овозига томлар ва пахса деворлардаги даканг хўрозлар қичқирғи, саъва, булбуллар навоси кўшйилишиб, Қудратнинг хаёлини олиб қочди. Лекин шу чоғ ҳовлидан оёқ товуши келди. Сигир мўлади. Қудрат кўзини уқалаганча ҳовлига чиқса, айвон лабида Раъно кўринди. У, қулоқлари устидаги жамалак сочларини ликиллатиб, апил-тапил оқ пақирчадаги сутни косаларга қуяётибди.

— Ҳа, ўзинг соғдингми?

— Й-йўқ... 6-биров!..— деди ҳовлиқиб, тутилинкараб Раъно.— Уйғонсам, эшик ғийқ этди. Мундо-қ ҳовлига чиқсам, ҳеч

зоғ йўқ... Қарасам, пақирчада иссиқ сут. Қим соғиб кетдийкин-а, ака?

Қудрат ажабланганича эшик томон юрган эди, кўча босидан подачининг:

— Ҳай-до-о!..— деган чўзиқ ҳайқириғи келди.

Оғилхонадаги сигир таниш овозга қулоқларини динг қилиб, калта-калта мўлашга тушди. Қудрат бориб уни бўшатди. Сигир баҳайбат гавдасини лапанглатганча, кимнидир ахтаргандай ҳар ёққа олазарак бўлиб, томорқага ўзини урди.

— Ҳой, ҳой қашқа, эшик бу ёқда-ку!

Қудрат сигирни кўчага ҳайдаркан, сигир сўз бермасдан майсадай ўсиб ётган сабзи-пиёзларни босиб кетди. Шохлари ўроқдай қайрилган, оппоқ қашқали бу говмиш кўпдан бери оилага қадрдон эди. Лекин, ҳозир экинни ямлаган кенг жағлари Қудратга худди хаёлий аждаҳонинг беўхшов оғзидай хунук туюлиб кетди. Онаси кетидан ингичка думини гажак қилиб югурган ола бузоқча ҳам ёмон кўринди... Ахир Зеби хола илк кўкламнинг аёз тунида шу молни туғдираман деб ўпкасини шамоллатиб қўйган эмасмиди!..

Сигир-бузоқ, қўй-эчкиларнинг маъраши кўчани тутиб кетган. Патак соқол кекса подачи шўхлик қилган молларни гаврон билан савалаб, узун оёғини унда-мунда қўйиб кетмоқда. У буюрда қолгандай эғнига брезент чакмон, бошига оқ наमत қалпоқ кийган. Белига узун чилвирни қават-қават қилиб ўраб олган. Қўпол ағдарма этигининг қўнжидан пичоқнинг оппоқ суяк сопи кўриниб турарди.

— Полвон ота!— деди Қудрат, овозини молларнинг «мў-мў»сидан оширишга тиришиб.— Пода қайтганда қашқам эски кўрғончага бурилиб кетмасин тағин.

Пода шов-шуви ичидан Полвон отанинг:

— Қўрқма, чироғим, Полвоннинг қўлидан мол боласи қочиб қутулган эмас!— деган овози дўриллади.

Бу аломат чолнинг кетидан Қудрат узоқ қараб қолди. Чол, катта-кичик ҳар битта молни кўздан қочирмасликка тиришиб, атрофга аланглаб борарди. У моллардан қайсиси сузағон-у, қайсиси қочағон, қайси бири томорқасидаги ёш жўхорига кўз олайтиряпти-ю, қайси биттаси бедазорни мўл-жаллаяпти — бунини бир қарашдаёқ пайқарди. Ўзининг дароз бўйига роса икки баравар келадиган гаврони эса дорбознинг лангар чўпидай ҳавода ўйнарди.

Пода қишлоқ кўчасидан шудринг босган кенг сайҳонга чиқиб борди. Қишлоқнинг ана шу фарб томонида юксалиб

кетган тоғлар сиртини қуёшнинг илк нурлари ёрита бошлаган эди. Тоғлар Қудратга қишлоқнинг шарқ чеккасида яшган чоғидагига қараганда яқинроқ кўринди. Адирлар бағридаги харсанг тошдан қурилган яккам-дуккам иморатлар худди бир-бирига мингашиб кетгандай эди. Қудрат бу манзарага маҳлиё бўлиб турганда, каттакон қора картон папка қўлтиқлаган бола келиб қолди.

— Нимани томоша қиляпсан, Қудрат?

— Уҳў, хуржунинг ўзингдан катта-ку, «Жимит!»— деди Қудрат унинг папкасига кўзи тушиб, сўнг тоққа ишора қилди:— Қарагин, шундоққина уйимиз олдида-я! Дўлана, ёнғоқларни, ғуппак-ғуппак арчаларни кўр!..

— Рангини нимага ўхшатдинг?— деди ҳар нарсанинг рангини ажратишга қизиқадиган «Жимит» ва ўзи жавоб берди:— Худди, анақа, мош рангга ўхшайди, а?

— Қизиқ!— деди Қудрат, унинг саволини ва жавобини эшитмагандай.— Арчалар кўзимга аввалгидан сийрак, катта кўриняпти-я. Хув чўққидаги оппоқ қорлар-чи, худди пахта хирмонидай кўзни қамаштиради... Чиройли-а, «Жимит?»

— Ҳаммаси ҳам чиройли! Мен-чи, анақа... уларнинг расмини чизганман. Уйимдан туриб ҳам, яқинига бориб ҳам... кўчиб келган кунимизоқ «Оқтой» билан шу тоққа чиққанман. Қанчаям қуёнларни ўз кўзим билан кўрганман. Ҳа, ушлаб олай деганман!— деб лофу урди «Жимит».

«Жимит»лар оиласи янги ерга дастлаб кўчиб келганлардан эди. Дадаси дурадгор уста бўлиб, эрта кўкламдан янги мактаб қурилишида ишламоқда. Шу вақт ичида «Жимит» бу ерларни жуда «ўзиники» қилиб олди.

— Тоққа тагин чиқмайсанми?— деди Қудрат қизиқиб.

— Чиқамиз. Марҳамат опам яқинда олиб чиқармишларку, тоғдаги, анақа, «Тошбулоқ»қа... Аҳмад келиб айтди. Марҳамат опам ҳам айтдилар ўзимга.

— Менга бўлса ҳеч ким айтгани йўқ...— деди ўксиниб Қудрат.

— Ия, нега? Рўйхатда йўқмисан?

— Қанақа рўйхат?

— Булоқховуздаги-чи, анақа, эълонларни тагидаги... Юр, борамиз!

Ҳар вақт ўртоқларини бирор хушxabар билан суюнтириб юрадиган бу ёқимтой боланинг исми Қўзибой. Унга «Жимит» лақабини қайси ҳазилвони қўйган бўлсаям топиб қўйибди. Кўкрак чўнтагига рангдор қаламлар солган катак кўйлаги,

почаси бўғиқ кўк сатин шалвори озода ва ўзига ярашган бўлиб, қадди чоғ, қўл-оёқлари ихчам, қўйиб қўйгандеккина. Аммо синфдошлари уни ўз ораларида энг кичиги деб камситишмас, унинг пишиқлиги, билағонлигига қойил эдилар. Ахир бешинчи «А»ни аъло битирган тўрт боланинг биттаси шу-да. Қудрат ўзидан бир синф паст ва бўйи елкасидан келадиган Қўзибой билан худди тенгдошдай чиқариб қолган эди. Ҳа, иннайкейин Қўзибой рассомликдаям чаканамас-да. Қўзибойнинг гоҳо подадан олдин чанг чиқариш одати бор. Шунингчун баъзилар уни «сўнгги ахборот» деб ҳам аташаркан...

Қўзибой халоплаган папкасини ўнглаб олиб, Қудратни бошлаб бораркан, гап орасида сўраб қолди:

— Уни-муни қўй-чи, аканг нима дебди хатида?

— Қайси хат?— Қудратнинг думалоқ қора кўзлари ёниб кетди.

— Ҳали почтальон Марҳамат опамдан, анақа, янги адресингни сўраб турувди-ку.

Шу чоғ ёнбош кўчадан итини югуртирганча, ҳаллослаб Раҳим чиқиб қолди. Ҳаракатининг зўрлигидан унинг сепкилли бети, дукки пешанаси терлаб, қизил майкаси шимидан чиқиб кетган эди. Қудрат бу бола билан кечагина яқиндан танишди. Уларнинг иккиси бир мактабдан бўлса ҳам сменалари бошқа, қишлоқлари ҳам бошқа эди. Раҳим «Қизил шарқ» колхозидан, Қудрат «Учқун» колхозидан бўлиб, илгари камдан-кам дуч келишарди. Мана энди ён кўшни бўлиб қолишди. Қудратлар келганда Раҳим юкларини ташишиб ҳам юборди. «Уй муборак бўлсин»га Раҳимнинг онаси Хадича ая бир товоқ гўшқуйди қилиб чиқди.

— Суюнчи! Суюнчи!— деди Раҳим чийилдоқ товуши билан Қудратга, сўнг «Тарзан», «Тарзан» деб итини чақирди. Айиқдай бесўнақай, юнглари ҳурпайган оқ ит конверт тишлаб келди. Раҳим конвертни олди-ю, қулочини ёзиб туриб нарига улоқтирди.— Ол, Тарзан!..

Ит жон-жаҳди билан икки сакрашдаёқ, пириллаб кетаётган конвертни оғзига «хап» этиб илиб олди.

— Қойилман!— Раҳим мақтанчоқлик билан тиржайиб, қисик кўзларини пириллатиб қўйди.

— Хат сенга ўйин бўп қолдими!— Қудрат итнинг кетидан югурган эди, ит талағудай бўлиб унга ташланди. Қудрат тап тортмаса ҳам Қўзибой қўрқиб кетди, жон ҳолатда рассомлик папкасини итга қараб отди. Агар Раҳим чаққонлик қилиб

«Гарзан»ни тутиб қолмаганда, иш пачава бўлиши турган гап эди.

— «Гарзан»им билан ҳазиллаша кўрмаларинг, оғайнилар!— деди Раҳим ва итининг олғирлиги, қўй подасини қандай қилиб бўри ҳужумидан қутқаргани ҳақида мақтана кетди.

Қудрат, Раҳимнинг қўлидан гижимланиб кетган конвертни зарда билан тортиб олди-да, уйига қараб бурилди...

...Пўлатжон бу сафарги хатини Қудратнинг номига ёзган эди. Москвадан ҳаммаларига салом юборибди. Учувчилик мактабининг яқинда битириб, Тошкент аэропортига путёвка олармиш, Пўлатжон учувчи формасида тушган суратини ҳам юборибди. Қудрат кўпдан соғинган акасининг суратига тикилганча қолди. Унинг эгнида келишган, ёқаси бўғиқ кител; бошида паррак ва қанот белгиси тақилган гардиши таранг фуражка. Унинг жилмайган лаблари худди ҳозир сўзлаб юборишга мойилдай...

«Қудратжон! Бу йил олтинчини «мақтов қоғози» билан битирмоқчи эдинг-а? Ваъдангни бажардингми?...» — деб тургандай.

Қудрат хатнинг давомини ўқиёлмай, тутилиб қолди. Хатнинг давомида: «Илгариги хатимда сўраган суратни кутаман», дейилган эди. Пўлатжон қишда Қудратга фотоаппарат юборган ва бутун оила биргаликда суратга тушиб унга юборишларини сўраган эди. Қудрат хаёлга чўмди. Кенг пешанаси тиришиб, пайваста қошлари чимирилиб кетди. Ҳар доим кулиб турувчи кўзларига қандайдир ташвиш, алам сояси тушди.

Раъно Хадича ая чиқарган гўшқуйди билан бир коса қаймоқни столга келтириб, хатда ўз номи чиқишини ошиқиб кутаётган эди.

— Қани, қани, у ёғини ўқи!— деди Қудратнинг елкасига осилиб.

— У ёғи маълум...— Қудрат ҳалқумига бир нима тикилгандай гўлдураб, сингисининг қўлини итариб ташлади. Раъно аразлаганча ҳовлига тушиб кетди. Шу топда Қудратнинг юрагини тимдалаётган нарсани қаёқдан билсин!.. «Ваъда», «сурат» деган гаплар Қудратнинг ярасини янгилаб қўйганди. Чунки у на ваъдасини бажарди, на онаси ҳаётлигида суратга тушира олди. Чиндан ҳам унинг ўқув йили бошларида акасига ёзган хатида ваъдаси ҳамма фандан «беш» олиш эмасмиди. Ахир йил охирига келиб ўқишга яхши қатнашолмай,

бутун иш чапсига кетишини хаёлига келтирганмиди... Онажони ётган ерида сўнги кунларгача ҳам, ориқлаб кетган қўллари билан Қудратнинг пешанасини силаб: «Хафа бўлма, жонгинам, соғайиб кетаман» деб далда бермаганмиди!.. Уқишда орқада қолганининг сабабини айтиш ҳам, сурат ололмаганининг сабабини айтиш ҳам — бутун гапни очиқ билдириш деган сўз. Буни акасига қай йўсинда ёзсин!

Қудрат томоғидан овқат ўтмай, икки қўли чаккасида, хаёл суриб кетди. Нима деб ёзса экан-а акасига? Агар жавоб қайтармай қўяверса, акаси хавотирланади, яна эски адрес билан хат юборади, хати эса тагин қўлдан-қўлга ўтиб сарсон бўлади. «Эҳ, ким билан маслаҳатлашсам экан?..» Тўғриси, кейинги кунларда у ўз ёғида ўзи қовурилиб юрибди, юрагидаги тугунини бемалол еча оладиган кишини қолмагандай. Дадаси ҳам қайта қолмаяпти. У кеча эрталаб автомобилда кўчни келтирди-ю, яна ўша автомобилни ҳайдаганча, бир иш билан шаҳарга жўнаб кетди. Бувиси бўлса буларникида бир ҳафта аза тутди-ю, уйни ҳувиллатиб, қариндошлар қатори жўнаб қолди... Шундай пайтда, Коля — Қудратнинг яқин оғайниси — жонига ора кирарди. Аммо у шаҳарда еттичини битириш имтиҳонидан ўтاپти. Марҳамат-чи?.. Марҳамат вожатий, Қудрат эса звено бошлиғи бўлгани учунми ё Қудратни укасидай кўрганиданми, илгари кўпинча у билан гаплашиб турарди. Кейинги кунларда эса, мактабда қанча-қанча янгилıklar бўлаётган экан-у, Марҳамат Қудратни бир оғиз йўқлатмайди. «Э, ҳа,— деди ўз-ўзига Қудрат,— топширигимни бажармадинг, деб хафадир...» Ҳақиқатан ўқув йили тугашида Марҳамат Қудратга, ёш табиатшунослар тўғараги тузишда кўмаклашгин деган эди, чунки биология ўқитувчиси Олимов ёрдамчиликка Қудратни танлаган экан. Қудрат эса ўзи билан ўзи овора бўлиб...

Қудрат ҳозирок бориб Марҳаматга ўз дардини айтгиси келди. Велосипедини егаклаб чиқа туриб, синглисининг кўнглини кўтарадиган бирон сўз ахтарди. Раъно томорқада думбаси серкиллаган, жингалак юнгли қўзичоғига майса юлиб бераётган эди.

— Акам сенга салом айтибди,— деди унинг яқинига бориб Қудрат ва яна ичидан тўқиди:— Сенга-чи, қизиқ совға олиб қўйибди акам...

— Қанақа совға? Қанақа совға?— Раънонинг чеҳраси очи-либ кетди.

— Қўғирчоқларингга кийим тикадиган машинача!— деди

Қудрат ва «акамга хат ёзганимда албатта машиначани эсла-  
таман», деб аҳд қилиб қўйди.

— Вой, бирам яхшики!— деди Раъно, худди машинача  
қўлига теккандай.— Қаёққа кетяпсан, ака?

Қудрат, Булоққовузга деса, синглисининг «мен ҳам» деб  
эргашишдан чўчиб:

— Уйимизнинг адресини билиб келаман,— деди. Бу гап  
Раънога қизиқ туюлиб, кулиб юборди. Янги уйлари эшигига  
номер қоқилмаганини энди билди.

— Дарров кел, ака, ош пиширамиз!— деб тайинлаб қолди  
Раъно.

## И к к и н ч и б о б

Қудрат велосипед қўнғироғини жиринглатиб боққа кириб  
борганда, болалар чорси цемент ҳовуз ёқасида уймаллашиб,  
чувурлашиб туришарди. Ҳовузнинг лиммо-лим суви шишадай  
тоза, одамнинг акси кўринади. Тубига қарасангиз, майда туз-  
дай оппоқ қум. Қумнинг ҳар ер-ҳар еридан ҳалқа-ҳалқа бўлиб,  
қозонда қайнагандай билқ-билқ сув сизиб чиқмоқда; ҳовуз бе-  
ти жимир-жимир этиб жилоланмоқда...

Тоғ этагидаги қишлоқда булоқдан кўли йўқ. Лекин балиқ-  
ли булоқ ҳовузи бўлган бу соя-салқин томошабоғда эртаю кеч  
одам аримайди. Хоҳ пиёда, хоҳ отлиқ, хоҳ аравада, хоҳ маши-  
нада бўлсин, йўловчилар бу ерга бир қўнмай ўтолмайдилар.  
Ҳар қанча чарчаб терлаб-пишган бўлсангиз ҳам тангадай  
офтоб туширмайдиган азим садалар, қайрағочлар остида, ол-  
ма-ўриқлар, гуллар орасида бир айланинг, шу лаҳзада ҳор-  
дигингиз чиқиб, баҳрингиз очилади. Бунинг устига шишадай  
тиниқ, муздай совуқ булоқ сувидан бир пиёла шимирсангиз  
борми!..

Қудрат ҳар ёққа аланглаб Марҳаматни ахтараркан, даст-  
лаб Қўзибойга кўзи тушди. Қўзибой ўзига қулай баландроқ  
ер топиб чордана қуриб олган: рассомлик папкасини очиб,  
қалам билан ҳовузнинг кўринишини чизишга чоғланар, рўпа-  
расида турган болаларга зўр бериб қичқирарди:

— Уртани тўсмаларинг, ҳей! Сенга айтяпман, ҳей Аҳмад!..

Аҳмад жўрттага бақалоқ гавдасини қимирлатмай турар-  
ди. Унга сари болалар кулишарди. Кулги таққа тўхтади, қа-  
ёқдандир, темир ҳассасини дўқиллатиб Бобоқул ота — қиш-

лоқ болаларининг яқин отахони пайдо бўлди. Унинг қип-қизил бетини, кенг, очиқ кўкрагини қоплаб олган оппоқ соқоли тинмай серкиллар, узун, оқ киприкли, порлаб турувчи кўзлари тез-тез юмилиб очиларди. Одатда паст овозда хириллаб сўзлайдиган чол, ҳозир мутлақо овозини чиқармай, болаларни ҳовуздан ўн қадамча берига имлаб, қатор қилди.

— Дамингизни чиқарманг! Жониворлар чўчимасин!..

Боғ тинч. Фақат ғир-ғир шабада-ю, чумчуқлар чирқиллашигина тинмас эди.

Чол белбоғига ўралган нонни олиб майдалади-да, ҳовузга сочди ва шивирлади:

— Ҳозир томоша бошланади...

Бир минут ўтар-ўтмас «томоша» бошланди: бир маромда аста жимирлаётган сув худди қаттиқ шамол тургандай қалқиб кетди. Ҳовуз бетига кумушдай йилтироқ танга балиқлар чиқиб, нон ушоқларини илиб кета бошлади. Улар жуда чаққон ҳаракат қилар—сув юзига ўқдай отилиб чиқиб, ушоқларни илгач, яна ўшандай шиддат билан шўнғиб кетарди. Ҳаяжон ичида кузатиб турган болалар, балиқларнинг ҳар бир ҳаракатидан завқланиб ўринларидан қўзғалиб кетишар, бир-бирларини туртишиб «пиқ-пиқ» кулишарди.

— Жим!— деди таниш бир овоз. Ҳамма ўгирилиб орқага қаради. Ун саккиз ёшлардаги оқ-сарик, иккита йўгон соч ўримни кифтига тушган қиз шахдам қадам босиб келиб болаларга қўшилди. Бу — Марҳамат Содиқова эди. Марҳамат асли шу қишлоқлик, бундан бир йил бурун шаҳардаги мактабнинг ўнинчи синфини битирган ва бу мактабга бош пионер вожатий бўлиб келган эди. Шу бир йил ичида болалар унга ўз опаларидай ўрганиб, феълини ёқтириб қолишди.

Балиқлар томошаси ҳам бир ёқда қолиб, болалар ҳар вақтдагидай Марҳаматнинг пинжига тиқилишди, унга саволлар ёғдиришди:

— Шаҳарга экскурсия қиламизми, опа?

— Ёш табиатшунослар тўгараги қачон тузилади? Мени ҳам ёзиб қўйинг...

— Ёзги спорт майдончасини қачон қурамиз?

— Кўчма кутубхона-чи?..

— Далага ҳашарга чиқмаймизми, Марҳамат опа?..

— Хўп, хўп!— деди Марҳамат қай бирига жавоб берарини билмай.— Бу дейман, каникулга чиққанингизга бир ҳафта бўлмай зерикиб қолибсиз-ку, а? Зерикмайсизлар, зериккани қўймаймиз, шошманг...



— Опа-чи, опа!— деди папкасини кўтарганча келиб Қўзибой.— Молхонада битта сигир учта бузоқ туғибди. Расми-ни олдим! Мана...— Қўзибой папкасини тимирскилай бошлади.

У ёқда Бобоқул отанинг маҳтал бўлиб қолганини сезиб, Марҳамат:

— Кейин, болалар, кейин!— деб зўрға болаларни тинчитди.

Аҳмад, тракторчи Борисга шогирд тушмоқчи бўлгани, аммо Борис «ёшлик қиласан» деб қайтарганидан шикоят қилай деб турган ерида, дами ичига тушди, Қудратнинг ҳам гапи оғзида қолди. Лекин Марҳаматнинг ўзи уни ёнига имлади. «Ҳозир ўша топшириғини сўраб қолади», деган хавотирда Қудрат унинг ёнига секин борувди, Марҳамат чалғиди ва болалар қатори Бобоқул отанинг ҳаракатини кузата бошлади. Ота эса узоқдан туриб, яна битта ноини увоқлаб ҳовузга сочди ва болаларга «ана, ҳозир» дегандай кўз қисди. Ҳовузда шовиллаш кучая борди, сув қаттиқ тўлқинланди. Аввалига кўрқа-писа мўралаган балиқлар энди галалашиб чиқа бошлади. Бу ҳаракатни худди ярим метрча келадиган она балиқлар бошлаб берди. Улар сувни шалоплатиб бир-икки қайта биланглаб чиқиб кетгач, дадил тортдилар шекилли, энди уяларидаги бола-чақаларини бошлаб чиқдилар.

«Балиқлар ҳам хўп аломат нарса-да» — деб қўйди, томошага берилиб қолган Қудрат ичида. У, қишлоқдаги кўп ҳовуларда, сойлар ёнидаги кўлчаларда, ариқларда талай балиқларни кўрган. Уртоқлари, айниқса жонажон оғайниси Қоля билан соатларча кўллар лабида ёнбошлаб, қармоқ солган. Аммо балиқларнинг бундай ўйинини энди кўриб тургани!.. «Иннайкейин, булар қанақа балиқ зотига кираркан-а?»

— Хўш, Қудратжон, янги уй ёқдимиз?— деди Қудратнинг хаёлини бўлиб Марҳамат.— Кечирасан-да, боролмадим... Акангдан келган хатни ўқидингми, нима дебди?..

— Мана, ўзингиз ўқирсиз,— деб Қудрат унга хатни узатди; сўнг тортинибгина сўради:— Марҳамат опа, мени ҳам саёҳатга обorasизми?

— Ҳа, бўлмасам-чи! Сенга хабар қилишмадимиз?— деди Марҳамат Аҳмадга қараб.

Аҳмад жавоб ўрнига, йўтала-йўтала шимининг чўнтақларини ковлашга тушди.

— Э, рўйхатим қанийди... Э, ҳа...— Бошида омонат қўнган тор духоба дўпписи тагидан бир қоғоз олиб очди-да, яна бир

Йўталиб деди:— Мана, кўринг, мен эски участкадагиларни ёзганман. Қудрат Раҳимга тушган.

— Раҳим қани, Раҳим?— деди Марҳамат ўртада кўтарилган кулгини босиб.

— Ҳалигина шу ерда эди-ку!— дейишди болалар, боғнинг у ёқ-бу ёғига аланглаб. Шу чоғ нарироқдаги беш қулочча йўғонликда бўлган азим қайрағочда чумчуқлар қулоқни битиргудай қаттиқ чирқиллашиб қолди. Нима бўлди экан-а? Бургут ё калхат келдимикин? Сада қайрағоч шохлари зич, япроқлари шу қадар қалинки, орасида ҳеч нарса кўринмайди.

— Ий-е! Одам! Одам!— деди бирдан чинқириб Қўзибой. Қайрағоч шохи қарсиллаб кетди. Бундай қарашса, қизил майкали бола олмахондай шохдан-шоҳга сакраб юрибди.

Қий-чув кўтарилди.

— Қўлидагини қаранглар! Матрапча ушлаб олибди-я! Тарзаннинг ўзи бўлибди-ку.

— Туш ҳозир! Ҳа тирмизак!— деди ҳассасини дарахтга уриб Бобоқул ота.

Раҳим эсанкираб қолди. Акробатчилардай гоҳ қўли, гоҳ оёғи билан шохларга осила-осила, шалоп этиб ерга тушди. Матрапча тепада илиниб қолди. Раҳимнинг майкаси йиртилиб, ҳамма ёғи тирналган, афт-ангори қизариб-бўзариб кетган эди. У қочиб кетишнинг иложини тополмай, қайрағочга суяниб ўтириб олди.

Бобоқул ота томоғининг қақроғини босиш учун ҳовуздан оқиб чиқаётган ариқдаги зилол сувдан ҳовучини тўлдириб ичиб олди-да, Марҳаматга деди:

— Қизим, бу боланг паррандаларнинг заволи чиқди-ку. На чумчуқни тинч қўяди, на хўрозни!..

— Хўрозни нима қилди, хўрозни?— Болалар қизиқишди.

— Қўяверларнинг, ўзи билади...— деди ота биратўла Раҳимни изза қилмаслик учун. Лекин Аҳмад «сир»ни очди.

— Бекитмай қўя қолинг, ота! Биз ҳам кўрганмиз.

— Нима бўлган? Нима бўлган?— Болалар Аҳмадга ёпишишди.

Раҳим Аҳмадга кўз қисиб, лаб қийшайтирса ҳам Аҳмад парво қилмади. Аҳмад лўппи, қип-қизил башарасидан гўл кўринар, аммо тўғри сўз, дангалчи бола. Япаоққина, лаби дўрдайган, паст бўй бўлгани учун болалар гоҳо «Айиқполвон» деб калака қилмоқчи бўлишарди-ю, аммо қўрқишарди,

Ахир Аҳмад мактабда «бокс чемпиони», ҳам машҳур пахтакор Лолахоннинг укаси-да!

— Кундузи денг, даладан ўт ўриб келаётсам денг,— деди Аҳмад ўз одатича бир йўталиб олиб ва лунжини шишириб,— ферма яқинида Раҳимвой иккита хўрозни жиққамушт қилиб уриштиряпти. Майда-чуйда болалар томошабин. Мен чакалакка бекиниб олиб кўрдим...

— Ишқилиб ўзинг ҳам томошабин бўпсан-да!— деди болаларнинг кулгисини қистатиб, Қўзибой.

— Битта мен эмас, Қудрат ҳам келиб қолди кейин. А, Қудрат?..

Қудрат ён қўшниси Раҳимни хафа қилгиси келмади шекилли, индамади. Одатда ўртоқларининг айбини бетига айтишдан тоймайдиган Қудратнинг бу қилиғига Марҳамат ҳайрон қолди.

— Иннайкейин денг... Иккала хўрозни оёқларидан канопга боғлаб олибди. Бу нимасийди, Раҳим, итмидики бойлайсан!..

— Иккови ҳам ўзингникимиди, Раҳим?— деди Марҳамат ўсмоқчилаб.

— Йўғ-е!— деди Аҳмад Раҳим индамагач.— Миноркаси ўзиники-ю, кулонкири отамларники, а, ота?— Бобокул отага тасдиқлатиб олди.— Шу вақт денг, отам бирдан, «ҳай-ҳай»-лаб келиб қолдилар-ку. Раҳимвойга сичқонни ини минг танга бўлди...

Раҳим «хап саними» дегандай ер остидан Аҳмадга ёмон ўқрайди. Раҳим, қанчалик шўх ва бебош бўлмасин, вожатий олдида ўзини «мўминтой» қилиб кўрсатишга тиришарди. Мактабда танаффус вақтлари шашка ёки волейболда фирромлик, ўйин бузуқилик қилар, ёки қизларнинг сочини юлқиб, қулоқларига беҳосдан хўштак чалиб, чўнтақларига қўнғиз солиб ранжитарди. Мабодо вожатийнинг қўлига тушса, тониб туриб олар, муғамбирлик билан «билмабман, энди қилмайман» деб кечирим сўрашга тили бурро эди.

— Қойилмиз,— деди Марҳамат Раҳимга киноя билан.— Сени овчиликка ишқивоз деб эшитган эдик. Чумчуқни қийратиш, хўроз, ит уриштириш ҳам овчиликка кираркан-да?

Ер чизиб ўтирган Раҳим ялт этиб Марҳаматга боқди-ю, тили гапга келмади.

— Бу ёқда шунча «юмуш»инг бор экан-ку, сенга топшириқ бериб юрибман-а. Болаларни саёҳатга хабарлаш нима бўлди?

Раҳим топшириқни бажаришга «қўли тегмаган»ига баҳона ахтарди, аммо арзирли баҳона тополмади. Очиғи, янги участкадаги болалар номи ёзилган қоғозни кечаёқ йўқотиб қўйган эди-ю, осонлиқча қутулиш учун:

— Рўйхатим уйда қолибди, ҳозир опкеламан...— деди.

— Қоғозингни нима қиламан!— деди Марҳамат жиддий.— Индинга саёҳат бўлса-ю, ҳали кўпчилик билмаса!

— Мен у ёқдагиларни хабарлаб келдим,— деди Аҳмад чаққонлик қилиб.— Фақат уч-тўрттаси йўқ. Лагерга, шаҳарга кетибди...

— Бу ёқдагиларни менга топширинг, бир соатда хабарлаб чиқаман,— деди Қўзибой ўзининг йўрға «Оқтой»ига ишониб.

— Йўқ, йўқ, ўзим!— деб туриб олди Раҳим.

— Хўп, бирга бора қолинглар!— деди Марҳамат, иккисининг ҳам кўнглини қолдирмаслик учун.— Саёҳатга нималар олиб чиқиш, қандай кийиниш кераклигини биласизлар-а? Ҳа, қани юринглар-чи, ҳалиги гапларни бир маслаҳатлашиб олайлик...

Марҳамат Қудратни тирсагидан тутиб, бошқаларни дув эргаштириб, боғнинг ўрта еридаги пешайвонли уйга бошлади. Бу икки хоналик уй, янги қурилаётган мактаб яқинида, узоқдан қатнайдиган юқори синфлилар ётоғига мўлжалланган. Ҳозирча, ёз фаслида эса пионерлар уйи хизматини бажариб турарди. Қудратнинг кўзи: «Павлик Морозов номи пионерлар уйи» деган вивескага ва йирик ҳарфлар билан қинғирқийшиқ қилиб ёзилган эълонларга тушди. Улардан бирида шундай деб ёзилган эди:

«Пионерлар! Ёзги каникул вақтида қаерларга боришни, нималар қилишни истайсиз? Ўз фикр ва таклифларингизни ёзиб, «Пионер почта»сига ташлангиз...»

— Эҳ!— деди Қудрат юраги қизиб.— Ўзимга қолса-ку нималар қилмас эдим-а!— У яқинроқ бориб, эълон тагидаги рўйхатни кўрди. «Қишлоқ пионерларининг ёзги йиғма отряди». Унда йигирмадан ортиқ боланинг номи ёзилган, аммо Қудратнинг номи йўқ эди.

— Мен йўқман-ку, Марҳамат опа?

— Ҳа,— деди стол ёнида хат ўқиб турган Марҳамат,— ўзим сен билан бир сўзлашиб олмоқчи эдим... Ёзда қишлоқдан кетмайдиган, ҳамма ишимизга қатнашадиган пионерлар бу отрядга ёзилишяпти. Сен ҳам ёзилишинг керак, албатта.

Марҳамат хатга яна бир кўз ташлади-да, уни Қудратга қайтариб, деди:

ди... Қудрат самоварга ўт ташлашга уринди. Ўт ташлаб бўлгандан кейингина самоварда сув йўқлигини эслади. Дарров самовар қопқоғини очиб, пақирдан сув қуяётган эди, қоронғи касридан сув оташдонга қуйилиб кетди. Гуриллаб турган тараша жазиллаб вишиллаганча ўчди. Аччиқ тутун Қудратнинг кўзини совун кўпигидай ачиштириб юборди.

— Лампа топилмади!— Раъно йиғламоқдан бери бўлиб кирди.— Қўзибойларникида ўзи битта экан.

Ундан кейин ака-сингил ҳовлига қамишдан гулхан ёқишди, унинг ёруғида урина-урина қора чироқнинг пилигини чиқариб, бир амаллаб ёқишди. Лампанинг кучсизгина яллиғи шабадада лип-лип этиб айвон олдинигина ёритиб турди. Раъно аксини масхара қила-қила самоварга бошқатдан ўт ташлади.

— Аввалги уйимиз яхши эди-я, Қудрат?— деди Раъно, ариқда қўлини совунлаб ювarkan.

— Нимаси яхши эди! Бузилай-бузилай деб турган бостирма эди-да!— деди сир бой бермай Қудрат.

— У ерда электримиз бор эди. Қўшнилар ж-жа кўп эди. Одам зерикмасди...

— Шошмай тур ҳали, янги қўшнилар, ўртоқлар кўпайиб кетади. Яқинда ҳамма уйга, бизникига ҳам электр тушади.

— Ҳа, ўшандан кейин кўчиб келсак бўлмасмиди! Нега дадам шошдилар-а?

Қудрат тез жавоб беролмади. Ҳақиқатан дадаси ~~шошди~~ ми-а? Йўқ. Дадаси ўзи бригадир бўлган бу янги ерга ~~кишдан~~ буён кунига машинадами, отдами келиб-кетарди. ~~Баҳорги~~ каникул пайтида, чала битган уйга оилани кўчириб келмоқчи бўлиб, Зеби хола билан маслаҳатлашиб юрган эди. Бирдан Зеби хола оғриб қолди-ю, ўша ётганча ~~ўридан турмади...~~ Ундан кейин Қудратнинг дадаси болаларнинг ўқиши туғашини кутди. Ўқиш туғаши билан Қудратга: «Энди кўчиб кетсак нима дейсан?»— деб қолди. Очиги, ўзи туғилиб ўсган, ўрганган уйдан кетиш Қудратга осон эмасди. Аммо дадаси унга биринчи марта катталарча маслаҳат солганда, қайтариб бўлармиди. Уйлаб-нетиб ўтирмасданок, «майли» дея қолди. Мана ҳозир, қоронғида диққат бўлиб ўтиришаркан, Раъногина эмас, Қудратнинг ўзи ҳам кўчиб келишганига пушаймон еди...

Чой ичишиб ўтириб, Раъно дадасининг нега бунча кечикканидан шикоят қилди. Қудратнинг ўзи ҳам дадасини ошиқиб кутаётган эди. Шунга қарамай:

— Ҳали вақтли-ку? Келиб қоладилар,— деб қўйди.

Қудрат дадаси келган заҳоти унга хатни кўрсатиб, қандай жавоб ёзишни маслаҳатлашмоқчи, Булоқҳовузда эшитиб келганлари ҳақида гапирмоқчи эди. Дадаси ҳадеганда келавермагач, Қудрат ичи пишиб кетиб, Раънога саёҳатдан сўз очди.

— Мен ҳам бораман!— деди дарров Раъно қизиқиб.

Қудрат, кимнинг бориш-бормаслиги вожатийнинг ихтиёрида, тоққа ёш болалар чиқолмайди, деб тушунтирса ҳам бўлмади.

— Вожатийга айтасан! Мени ҳам олиб борасан!..

«Бу гапни бекор бошлаб қўйибман»,— деб ачинди Қудрат. Шу заҳоти яна ўз-ўзини юпатди: «Қайтага вақтида айтганим яхши бўлди. Индингача кўниб қолар...»

— Кейин-чи, Раъно, ўзим сени Булоқҳовузга, боғларга олиб бораман.

— Бўлмайди! Ж-жа ўзингиз томошани кўраверасиз-а! Дадамга айтаман!..

— Ахир, ўзинг ўйлагин, Раъно, уй ёлғиз қолади-ку. Қўзичоғингга, товуқларга ким қарайди?

Раъно баттароқ қизишди:

— Бир ўзим уйда қолмайман! Бувимни айтиб келасан!..— Раъно гапида туриб олди.

— Ҳа, майли. Эртага вожатийдан сўраймиз,— деди охири Қудрат, гап уқмас ўжар синглисини тинчитиб. Аммо ўзи тинчий олмади. Раъно ухлаб қолгандан кейин ҳам Қудрат дадасини узоқ кутди. Лампанинг кўнгилни оздирувчи дуди димогини ачитса-да, унинг хира шуъласида китоб ўқимоқчи бўлдию, ҳар дам хаёли хатга оғаверди. Шундан сўнг, хатни яна бир қайта ўқиб чиқди-да, жавоб ёзишга киришди... У кўзини қисиб, ручканинг думи билан пешанасини қашиб, узоқ ўйлади. Миясида ҳар хил туманли фикрлар учи йўқолган калавадай чувалашиб кетди, гоҳ бу фикрларнинг бири, гоҳ иккинчиси устун келар, сўнг, саҳифага тушиш олдидан яна тутқич бермай аллақадекка қочарди...

Умурзоқ ака келганда, болалар ётиб қолишган эди. Умурзоқ ака баланд қоматини эгиб, кўн этигининг учини аста-секин босиб болалар тепасига келди. Уй йиғиштирилмаган, буюмлар қандай келтирилган бўлса, шундай бетартиб ётибди. Қудрат, каравотнинг боши у ёқда қолиб, оёғига чалқанча ағанаган, нимадандир ижирғаниб, лаби пичирларди. «Ёмон туш кўраётганга ўхшайди...» Раъно эса полдаги

бир қават кўрпачага ёнбошлаганди. «Аттанг, оч ётиб қолишмадимикин? Уйғотсаммикин?..» Умурзоқ ака ўзининг йўғон овозини одатдан ташқари пастлатиб: «Қудрат!.. Қизим!..» деб кўрди. Ака-сингил қаттиқ уйқуга толган эди. Умурзоқ ака авайлабгина болаларнинг ўрнини тузатди, ўнглаб ётқизди ва устларига адёл ёпиб, яна бир дам тепаларида термилиб, ўй сурди... Унинг кўзи бирдан стол устидаги хатларга тушиб, хаёли бўлинди. Хатларни лампа ёруғига тутиб ўқиркан, чакка томирлари бўртиб, кўз қорачиғлари кенгайиб, пешанасидаги ямоқ излари тиришиб кетди. Қудратнинг чала қолган хатини буклаб, кўк кителининг кўкрак чўнтагига солди-да, пичирлади: «Болалик қилибди-да...»

Азонлаб Умурзоқ ака болаларни чойга уйғотганда, Қудрат тура солиб хатини ахтарди.

— Хатинг менда!— деди дадаси.— Ҳамма гапни айтиб қўйибсан-ку, ўғлим... Ҳозир акангни имтиҳон вақти. Қайғули хабарни билдирсак, ўқишига путур етади. Тушундингми?.. Мана, бошқатдан ёза қол.

Қудрат индамайгина хатни олди. Раъно уйдан югуриб чиқди-ю:

— Қаёқдасиз, дадажон! Ҳадеб, ҳадеб кетаверасизми!— деб дадасининг бўйнига осилди ва узун мўйловларига юз-кўзини суртди.

Умурзоқ ака шаҳарда Колянинг мактабига киргани, Коля салом айтганини билдирди:

— Ўзи уч-тўрт кундан кейин имтиҳонни тугатиб келаркан...

— Бувимникига ҳам кирдингизми?— деди тўсатдан Раъно.

— Э...— деди тутилиб Умурзоқ ака.— Қирмоқчийдим-у, вақт танглик қилди-да...

— Хоҳ!— деди Раъно аразлаб.— Коляга вақт топибсиз-у, бувимга вақт тополмабсиз-да... Қудратингизга айтинг, тез бувимни олиб келсин!

Қудрат атайлаб индамай турса ҳам, Раъно энди саёҳат хархашасини бошлаётган эдики, сигир уст-устига маъраб қолди. Умурзоқ ака ўрнидан туриб:

— Ҳозир подачи «Ҳайдо!» деб қолади. Бор, қизим, Хадича аянгни қақриб чиқ, сигирни соғиб олинглар!— деганча, шошиб далага жўнади.

Қудрат чала қолган гапни дадасига айтмоқчи, ундан кейин устахонага бориб, Ефим тоғага Колядан хабар етказмоқчи бўлиб кетаётган эди, йўлда Қўзибой дуч келди. Қўзибой

ўзича «Оқтой» деб ном қўйиб олган оқ эшагини хала қилиб, дингиллатиб келарди. «Оқтой» чиндан ҳам оқиш бўлиб, шалпанг қулоқлари хачирникидай узун, оҳанжамаси зўр эди. Қалласи ола-була тасмалар билан қўғирчоқдай безаб ташланибди, тасмага ранг-баранг мунчоқ, темир узук, шинелга қадайдиган сариқ жез тугма, яна алланима балолардан маржон тизиб қўйилибди. «Оқтой»нинг устида эски олача кўрпачадан тўқим, суяк қоши учиб кетган эгар, қандайдир дарвоза ҳалқаси илинган узанги. Бўйнидаги каттакон кўнғироғи «Оқтой»нинг келаётганини узоқданоқ билдиради. Кичик бутилкадай келадиган бунақа кўнғироқ одатда, узоқ сафарга чиққан туя карвонининг бошидаги, ҳам кетидаги туяга осилиб қўйилади... Қўзибойга дадаси «Оқтой»ни бундан уч ой бурун, янги участкага кўчганларида, мактабга пиёда қатнаш узоқлик қилгани учун олиб берган эди. Баъзи кишилар Қўзибойга тегишиб, «Оқтойини отга алиша қол» дейишса, «алишиб бўлман. Ўтингиз тоққа чиқолмайди. Оқтойим бўлса мушукдай чўзилди, қуёндай ўрмалаб чиқиб кетаверади», деб қўярди. Қўзибой кела солибоқ навбатдаги «сўнги ахборотни» билдириб:

— Отказ!— деди.

— Нима отказ?

— Раҳим отказ!

— А!. Тушунтириб гапирсанг-чи!

— Саёҳатга бормасмиш...

— Жуда биринчи бўлиб юрувди-ку?

— Ўзи шунақа: мақтанаверадиям, айнийверадиям.

— Нега энди айниди?

— Аҳмад билан уришиб қолди. Раҳим тоққа «Тарзан»ни эргаштириб бобосининг, анақа, ов милтиғини олиб чиқмоқчи эди, қуён овлайман деб. Аҳмад унга: «Милтиғингдан бизга ҳам отдирасан», деди. Раҳим бўлса қизғончиқлик қилиб, кўнмади. Буни Марҳамат опам эшитиб, Раҳимга: «Милтиқ олиб чиқмайсан, қуённи тирик тутамиз», дедилар. Шундан кейин Раҳим бизга зарда қилди: «Мен сенларга қўшилмайман. Тошларингни тераверларинг. Ўзим яйловга — бобомнинг олдига бораман»,— деди. Қуённинг кони ўшоқдамиш. «Мен, дейди, бир қаҳрамонлик кўрсатиб, ҳаммангни кўзингни ўйнатай», дейди.

Қудрат кулиб юборди. Қудратга наша қилган нарса Раҳимнинг қилиғидан кўра, Қўзибойнинг оғиз кўпиртириши эди.



Қўзибойнинг ваҳимасидан Раҳимнинг «қаҳрамонлиги»га чиппа-чин ишониш, қизиқишдай бир ҳолат сезилмоқда эди.

— Сен ҳам у билан бирга бора қолгин-да,— деди Қудрат синамоқчи бўлиб.

— Қўйсанг-чи!— деди қўл силтаб Қўзибой.— Анойиманми, Болаларни хабарлаб, хабарлаб, ўзим қолармидим! Саёҳатимиз ўзи қизиқ бўлар-а, Қудрат?

— Қайдам!— деди бўшашинқираб Қудрат. Чунки у ичида: «Ҳали Раъно ё обарасан, ё қоласан деб оёғимга ёпишиб олмасайди», деб гумонсирамоқда эди. Гумонсираганича бор экан. Уйига келди-ю, иш бузилди...

## Т ў р т и н ч и б о б

Бугун қуёш одатдагидан ортиқроқ чағайлаб чиққанга ўхшайди. Баланд-паст адирлардаги майсалар, сой ва ариқ бўйларидаги дарахтларнинг барглари олтин шўрлаларга чўмди. Қишлоқ устида кишига ҳузур берувчи тоғ шабадаси шивирлашмоқда. Қушлар шохдан-шоҳга сайрашиб, қувноқ сайрашмоқда.

Пионер горни янгради...

Булоқховуз бўйи тезда болаларнинг чувур-чувурига тўлиб кетди. Болаларнинг қўлларида нон, туршак, майиз, қурт солинган халтачалар, узун калтакка ўралган қармоқ, тол, тут новдасидан йўниб олинган учи найза ҳасса ва яна алланималар. Саёҳатларда тажриба ортдирганлари эҳтиёткорлик қилиб қалин-қаттиқ кийимда чиқишганди. Улар орасида, халтани унутмаган бўлса-да, шошилиб бош яланг, оёқ яланг чиққанлари ҳам бор. Ҳаммадан Аҳмаднинг туриши аломат: бошидаги оқ қалпоғи эзилиб буришиб кетгани учунми, афтини ошпазларга ўхшатиб юборибди. У бир кўринди-ю, негадир дарров йўқолди. Энг зарур нарсани — овқатни унутган экан. Тез орада, ҳаммаликдан кўра қаппайганроқ халтани чилвир билан орқасига чандиб, яна пайдо бўлди.

Ана, Марҳамат ҳам мактабнинг илмий бўлим мудирини, олтинчи синф раҳбари Мурод Олимов билан келиб қолди. Олимов қирқ беш ёшлардаги, қишда қора, ёзда сарғиш шляпа кийиб юрадиган, мулойим табиатли, қадди барваста, семизгина киши эди. У бўш вақтларида болалар орасида кўп бўлар, уларни эргаштириб боғлар, далаларни кезар, чўнтагидаги лупаси билан ўсимлик ва меваларнинг баргини, гули-

ни текширар, колхозчиларга маслаҳатлар берарди, зарур вақтда у агрономлик ҳам қилаверарди. У, далани айланганда қўлтиғидан эски сариқ чарм папкасини қўймасди. Даладан қайтишда бу папка турли-туман гуллар, ғўза ва мева барглари, қўнғиз ва бошқа ҳашаротларга тўлиб келарди. Бу «ўлжалар»ни мактаб биология кабинетига тўплаб, болалар билан гербарийлар ясарди.

Олимов ўз одатича кўзойнаги четидан ҳар бир болага синчиклаб зеҳн солиб чиқди, уларнинг етишмовчиликларини дарров топди:

— Сен, ука, бугун юз ювмабсан-а?.. Сен бўлсанг, қаймоқни шошиб ебсан, галстугингга томибди... Сен, укажон, ботинкагинг ипини бойлаб ол... Сен, Меҳри қизим, тўйга бораётгандай ясениб келибсан-ку?..

— Ҳамма йиғилиб бўлдимми?— Марҳамат ҳам болаларни бир-бир кўздан кўзирди.— Қудрат, Раҳимлар қани? Қўзибой-чи?

Сафда бирдан кулги кўтарилди. Узоқдан Қўзибой қўлтиғида папкаси, «Оқтой»ни дингиллатганча келаётган эди. «Оқтой» ҳар бош сўлқитганда бўйнидаги қўнғироғи жаранг-жаранг қилар, унга сари ҳамма куларди. Қўзибой Марҳаматнинг яқинига келгач, жиловини куч билан тортиди, энгикиб, куйиб-пишиб деди:

— Қудратникига борсам, йўқ... анақа, бувисиникига...

— Ҳа, эшитдим, эшитдим,— деди Марҳамат.

Қўзибой, «мендан олдин ким хабар етказа қолибди-я», деб болаларга қараган эди, Меҳри уни тинчитди:

— Ҳовлиқмай қўя қол, сендан олдин бориб келганман ўзим!

— Сен тоғ йўлини биласанми?— деб сўради Марҳамат Қўзибойдан.

— Уҳў!— Унга жон кирди.— Расм чизгани, маймунжон тергани неча марта чиққанман. Оқтойимнинг туёғи, анақа, тоғдаги ҳар бир тошга...

— Бўпти. Яхши!— Марҳамат ҳам кулгисини аранг босиб, деди:— Сен олдинда борасан, бошловчи бўлиб...

— Сенга бир вазифа,— деди Марҳамат Аҳмаднинг қўлига қалин дафтар тутқизиб.— Мана бу отрядимизнинг кундалик дафтари бўлади. Бугундан бошлаб хотираларни ёзиб борасан. Хўпми?

Аҳмад вазифани яхши англаб етмаган бўлса-да, «хўп» деб дафтарни олди.

Горн «сафга» сигналини берди... Улар сой бўйлаб, тепаликлар ён бағридан қишлоқнинг ғарб тарафига қараб аста-секин кўтарилди бордилар.

Энди бу ерда манзара хийла ўзгарди: атроф торайиб, тепаликлар, дарахтлар қишлоқ юзини тўса бошлади. Ҳаво ҳам аввалгидан салқинлашгандай. Ён бағир остида қишлоқ томон шошиб оқаётган сойнинг эни бирмунча сиқилиб, шовиллаши анча кучайди. Бунга болаларнинг ашуласи қўшилди.

Сўқмоқ йўл илон изи каби эгилиб-бурилиб бориб, кўлча олдида иккига бўлинди: ўнг тарафдаги сўқмоқ яйлов томон қияланиб кетган. Ҳу ана — узоқда Полвон отанинг моллари таралиб ўтлаб юрибди... «Оқтой»да олдинлаб борган Қўзибой чап томонга бурилиб, ҳарсанг тошлар орасида кўринмай кетди. Фақат унинг чийилдоқ қичқирғи кўтарилди:

— Келаверинглар, йўл бу ёқда!

Шу чоққача текис-қиялама бўлиб келган ён бағирда ўнқир-чўнқирлар, қинғир-қийшиқ муюлишлар дуч келаверди. Йўл чатоқ келиб, «Оқтой»нинг йўрғаси ҳам иш бермай қолди: у гоҳ тўсиқларни ёнлаб, гоҳ силлиқ тошлар устидан тошбақадай сурғалиб ўтар, шунда Қўзибой эшакнинг бўйинини қучоқлаб оларди. Қўзибой эшакни хала қилавериб оёғи чарчагани ва болалардан ажралиб, атрофни яхшироқ томоша қилолмаётгани учун пастга тушиб олди. Оғирроқ юклар «Оқтой»га ортилди.

— Мен маймунжон тергани шу ергача келган эдим. Энди бу ёғини ўзларингиз топасиз,— деб қўйди Қўзибой, гўё бу ерда ҳаммага ўзи йўл кўрсатиб келгандай.

— Қўяверинглар, у ёғи ўнғай! Ҳадемай ажойибхонага кириб қоласиз!— деди Олимов. У, уйдаи катта тош устига чиқиб, икки қўлини биқинига қўйиб, ёнидаги Аҳмадга ниманидир тушунтириб турарди.

Болалар чекка-чеккадан чуғурлашди:

— Олимов акам қизиқлар-а! Нимаси ажойибхона? Ҳамма ёқ тош-ку! У ёғи бадтар қиялик, жарлик-ку.

— Қани, укажонлар, чаққон-чаққон!.. Ҳа, ашулани тўхтатманглар!..— Марҳамат ҳалигина айтиб келишган қўшиқни қайта бошлаб берди.

— «Узоқ йўлга отлан... ҳар вақт йиғ кучинг сен...»

Болаларнинг қадами тезлашди. Улар қуёнлардай тошдан-тошга ирғишда давом этишар, бир-бирларининг қўллари ва елкаларини ушлашган ҳолда, гоҳ тик қояга ўрмалар, гоҳ илон

изи бўлиб кетган сўқмоқдан пастликка — дарага тизилишиб тушиб боришарди.

Дара қуёш нури тушмаганидан, баҳор ҳавосидай жуда салқин. Дара остида ҳайқириб, паровоздай пишқириб сой оқмоқда. У, баланд тоғ чўққиларидан қуёш нурларини ўзида камалакдай акс этдириб, шаршарак бўлиб тушмоқда. Ўз йўлида учраган ҳайбатли тошларга зарб билан урилиб, чақмоқ чаққандай қирғоққа ҳалқа-ҳалқа кўпик сочмоқда, остидаги майда тошларни чирпирак қилиб, бир-бирига қарс-қурс урмоқда...

Даранинг икки ёни жуда тик, неча терак бўйи баланд тош қатлами девордай юксалиб, худди зангори кўлдай жимирлаган осмонни кўтариб турганга ўхшарди. «Тошдевор»нинг қирраларидагина қуёшнинг олтин нури жилоланарди. Ҳаммадан ҳам «тошдевор»нинг у ер-бу еридан туртиб чиққан каттакон харсанглар ваҳимали эди. Улар бир ёғи билан илиниб, худди ҳозир бош устига узилиб тушадигандай... Ана, ундан ҳам қизиғи: даранинг тик ёнида ёнбошлаб бир неча дарахт ўсган. Улар илдизлари билан тошларни маҳкам чангаллаб, пастга эгилганча шамолда тебраниб ётадилар. «Тошда, яна пастга қараб дарахт ўсиши... бу қизиқ... ё одам кўли билан атайи томошага қўндириб қўйилганми бу?..» Аҳмаднинг дилидан шу фикр кечаркан, хотира дафтарини тиззасига қўйиб очди ва шу ергача кўрилган қизиқ манзараларни ёзиб олди. Кейин буни Қўзибойга кўрсатди. Қўзибой ўқиб ўтирмади. Чунки у катта харсангга тиралиб олганча, ҳалиги осилган тошлар билан дарахтларнинг кўринишини қалин оқ блокнотига шошиб-пишиб чизаётган эди.

— Эҳ! — деди Аҳмад. — Қудрат бўлмади-да. Қанча сурат оларди! Келиб қолармикин-а?

— Қайдам? Келолмаса армонда қолади-да!

Бу ажойиб кўринишлар болаларнинг диққатини буткул банд этиб қўйганидан, «Тошбулоқ» ҳақидаги хаёлни унутдилар. Улар сой бўйидаги тошлар, ҳар хил гиёҳлар, довуччалар, узумлар, сувга шокила-шокила бўлиб эгилган мажнунтолларга ҳавас билан тикилишди, улардан намуналар олишди. Меҳри турли тоғ гулларидан иккита гулдаста ясади-да, биттасини Марҳамат опасига тутқазди. Аҳмад эса «поварлик» қалпоғини тошларга тўлдириб келиб, Олимовга кўрсатди. Булар кам учрайдиган — шиша каби оппоқ, кўмирсимон йилтироқ, гилватадай кул ранг, новвот ранг тошлар эди. Уларнинг шакли ҳам қизиқ: бири тухумга, бири биллиард шарига ўх-

шайди, баъзиси эса қайроқ тошдай узунчоқ ва силлиқ... «Қим-матли ўлжа. Мактаб учун арзирли совға»,— деди-да, Олимов уларни папкасига солиб олди.

Болаларда ҳозирданоқ саволлар кўпайиб қолган эди. Айниқса, Қўзибой ҳар бир кўрган нарсаси устида тўхталиб: «Бу нима? Нега унақа?» деб сўрар, ёнидаги ҳамроҳи: «Мен қаёқдан биламан, Олимов акамдан сўра» дерди. Аммо, бу сершовқин, серғалва дарада ўқитувчи билан ҳам, вожатий билан ҳам бемалол гаплашиб бўлмасди.

Саёҳатчилар даранинг пиллапоя каби ётиқроқ ерларидан юқорига интилдилар. Юқорилаган сари, мияни гангитувчи қаттиқ гувиллаш пасайиб, унинг ўрнини салқин шамол ғир-ғири-ю, тўрғай, қалдирғочларнинг вижир-вижири, қарқуноқларнинг қиғ-қиғи эгаллади. Ана, болалар ўтлоққа, ям-яшил арчалар қоплаган ён бағирга чиқиб олишди.

— Арча! Арчажон!— Қичқириқ кўтарилди.

Бу ернинг тошлари майда, қум аралаш бўлиб, сариқ, гунафша ранг, қизғиш гуллар ва гиёҳларга бой. Чўққининг ҳар ер-ҳар еридан шишадай тиниқ сув оқиб тушиб, қум тошлар орасидан сизиб ариқчалар ҳосил қилган, бу ариқчалар бўйида ўткир ҳидли, қорамтир ялпизлар, сершоҳ жамбиллар ўсган. Бу жойнинг ҳавоси яна ҳам соф ва хушбўй, манзараси янада кўркам бўлганидан, саёҳатчиларнинг жилгилари келмай қолди. Олимов ён бағирнинг юқорироқ ерига чиқиб, қўли билан болаларни имлади-да, чўққининг остида гор каби ўйилган бир ерни кўрсатди. Болалар жим кўз тикиб туришса, гордан каттагина кул ранг қуён қулоқларини диккайтириб сакраб-сакраб чиқди-ю, яқиндаги жилгага келиб сув ичди ва кўм-кўк майсаларни қимтий бошлади. Кейин у, нимадандир чўчиб, кўз очиб-юмгунча ғойиб бўлди.

— Инига кириб кетди! Тутмаймизми-а?— Болалар ҳовлиқишди. Олимов маъноли илжайиб, орқасига қайтди:

— Раҳим келганда милтиғи иш берарди-а?— деди Қўзибой, Раҳимни болаларнинг эсига солиб. Аҳмад унга хўмрайиб қўйди.

Болалар, Олимов қаёққа кетди, деб туришса, у эшакка ортан қопдан оғзи қопқоқли, бир ёғига сим тўр қопланган иккита яшикча олиб келди. Яшикларни «гор» яқинидаги жилга лабига тўнкарди, бир томонига чўп тираб қопқоқни қия қилди. Яшик тагига бир-иккита сабзи ташлади-да, яшиклар устига оғирроқ тошлардан босиб қўйди. Сўнгра деди:

— Сизларга қуён керакми? Уни отиб ўлдириш ҳамманинг

қўлидан келади. Аммо, жонли бурчагимизга тириклайин тутамиз.

Болалар Олимовнинг миришкорлигига қойил қолишди: қаранг-а, қуён тутиш учун ҳамма нарсани ғамлаб келибди!

Олимов болаларни қопқонлардан анча берига бошлаб келди. Жилға ёнига ўтиришиб болалар нон ва довулча ковшай бошлашди. Олимов эса сариқ папкасидаги «ўлжа»ларни кўздан кечира бошлади. Болалар бир унга, бир қопқон томонга кўз ташлашарди. Баъзилари қопқонни нарироққа бориб кўриш учун ўринларидан туриб кетишар, аммо Олимов тутиб қоларди... Сал ўтгач, Олимовнинг ўзи ҳам бўйинни чўзиб қопқонга қаради. Меҳри тўсатдан: «Ана! Ана!» деб юборди. Аҳмад «секин!» деб унинг оғзини бекитди. Бу сафар «ғор»дан бир эмас, иккита кул ранг қуён чиқди, ҳар ёққа кўз ташлаб, дингиллаша бошлади. Ана улар овқат ахтариб яшиқлар яқинига келаверди. Болалар ҳаяжон ичида тикилишиб тураркан, Қўзибой чидолмай:

— Ҳозир тушади! Ҳозир!— деб чинқириб юборди. Унга бошқа болалар ҳам қўшилиб қичқаришди.

— Жим! Жим, Қўзибой, қуённи чўчитдинг-ку!— деди Олимов аччиғи қистаб. У болаларни босиб улгурганича йўқ эди, узоқдан — тоғнинг паст томонидан бирданига қарсиллаган бир овоз келди.

— Бу нима экан-а? Овчи милтиқ отдимикин?..

— Ё биров чўққидан тош юмалатдимикин-а?

— Йўқ, анақа...— деди Қўзибой ранги ўчиб, — тоғ кўчгандир!

— Лопингни қара-ю! Тоғ ҳам кўчадими!

Олимов билан Марҳамат баланд тош устига чиқиб, овоз келган томонга тикилишди. Болалар ҳам улар ёнига тизилишиб, диққат билан қулоқ солиб туришди. Аммо жим... Қушлар вижир-вижири-ю, пастликдаги сойнинг қулоққа ўрнашиб қолган аста шовиллашидан бошқа тиқ этган овоз йўқ... Бир минут жим туролмайдиган болаларнинг ваҳимадан дамлари ичига тушиб кетган эди... Сал ўтгач, олисдан додлаганга ўхшаш ноаниқ бир овоз келди. Бу овоз тоғ ичида худди ҳаммомдагидай акс садо берди: «Хо-о-о!.. А-а-а!»

Яна, яна қайтарилди... Кейин яқинроқдан: «Ҳо-в!.. Бо-ла-ла-р»... деб бақиргандай бўлди... Аммо товуш эгаси кўринмасди. Сал ўтгач, яқинроқдан тасир-тусур овоз кўтарилди. Қатта харсанглар орқасидан аввалига кўк қалпоқ кўриниб, сўнг саман той минган таниш бола келиб чиқди.

— Қудрат! Қудрат!— ҳамма ёқни шовқин босиб кетди.

Қудратнинг афтидан қаттиқ ҳаяжон ва чарчоқ сезилар, лекин киртайган кўзлари жилмайиб турарди. Эгарсиз от ҳам тўхтовсиз хансирар, унинг биқини ва чови оқ кўпик бўлиб кетган, ёллари остидан буғ кўтарилиб турарди. Саман ўнг қулоғини тез-тез силкитиб қўярди, қулоғининг орқасидан қон чиқиб, пашша таламоқда, лекин бунга ҳеч кимнинг кўзи тушмади...

— Ҳорма, ўғлим!— Олимов уни қўлтиғидан олиб отдан туширди. Болалар чувурлашди:

— Қаёқдан келяпсан? Милтиқ отган ким? Отни ким сотди сенга, Қудрат?

— Тўхтанглар, болалар, сал нафасини ростласин,— деди Марҳамат Қудратни ўтлоққа ўтқазиб.— Қани гапир-чи, қаерларга бориб келяпсан, ўзинг?

Қудрат бели бурма костюми ичида дўппайиб турган нарсани устидан ушлаб кўрди, бир хўрсиниб ичини бўшатди ва қалпоғини олиб елпинди. Сўнг, Раъно жанжал ясаб туриб олгани учун бувисини олиб келгани районга борганини сўзлаб кетди.

— Эрталаб райондан келсам, кетиб қолибсизлар... Шошилиб тоққа жўнадим. Қелаётиб ҳов паст муюлишдаги кўлча олдида тўхтадим. Қаёққа юрсам экан деб турувдим...— Қудрат тутилиб, ниманидир ўйлаб олди-да, давом этди:— Муюлишдан таниш от чиқиб келяпти. Ҳайрон бўлдим-да, тўхтатиб миниб олдим...

— Ростданми? Отни ким қўйиб юборибди-а?

— Сизлар қўйиб юборибсизларми деб ўйловдим...

— Йўлда бошқа ҳеч кимни учратмадингми?— деди Марҳамат, нимадандир гумонсираб.

— Йўқ,— деди Қудрат бўшашиб ва ўзини чалғитиш учун ҳар ёққа аланглади. Марҳамат унинг кўзига шундай тикилдики гўё дилидагини кўриб олгудай бўлди: «Ҳа, бир гап бор... Боланинг кўзи алдамайди, ичидагини айтиб туради...» Лекин Марҳамат ҳам, Олимов ҳам Қудратнинг тўғри сўзлигини билганлари учун, ундан ҳадеб гумонсирайверйшни ўринсиз ҳисобладилар.

— Бувингни олиб келдингми?— деди сўнг Марҳамат.

— Йўқ,— деди Қудрат ва сабабини айтмади. Унинг негандир авзойи ўзгарган эди. Марҳамат буни пайқади-да, «ҳозир очиқ айтгиси келмаяпти, вақти билан гаплашаман» деб қўйди. Унга ҳам, бошқаларга ҳам ўқ отилиш воқеаси, Қуд-

ратнинг от миниб келиши, унинг айтганлари — ҳаммаси сир бўлиб қолди. Чиндан ҳам бу қийин бир жумбоқ эдики, то Қудратнинг ўзи очигига кўчмагунча буни ҳал қилиш қийин эди. Лекин шу чоғ болаларнинг бетларидаги ажабланиш аломати қувонч билан алмашинди. Уларнинг кўзлари Қудратнинг костюми четидан учи чиқиб қолган фотоаппаратга тушган эди.

— Буни олиб келганинг хўп яхши бўпти-да!— деди Марҳамат ҳам гапни бошқа ёққа буриб.— Энди сурат олаверсан.

Саман той серкўкат, серсув жойга келиб қолганидан хурсанд бўлгандай, «Оқтой»нинг ёнига бориб ўтга ўзини урган эди.

— Отни нима қилдик-а? У ёқда қидиришиб юрган бўлса-чи?..

— Бўлар иш бўлди. Қайтишда миниб кетамиз,— деб қўйди Олимов.

Болалар милтиқ қаерда отилгани-ю, қуённи ким қочириб юборганини дарров унутишиб, Қудратга саёҳат таассуротларидан оғиз кўпиртириб гапиришмоқда.

— «Тошбулоқ»-чи? «Тошбулоқ» қаерда экан?— Қудрат жилғаларга, арчазорга ва пастда вишиллаб ётган шаршаракка аланг-жаланг бўлиб қаради.

— «Тошбулоқ»қа энди чиқамиз-да!— Қўзибой билағонлик қилди.

— Ҳали шошманглар, болалар,— деди Марҳамат.— «Тошбулоқ» энг баланд чўққида. Унга чиқиш олдидан бир оз нафасни ростлаб олиш керак.

— Чарчаганимиз йўқ, опа!— деди Қўзибой, унинг гапни Қудрат ҳам маъқуллади.

Марҳамат кулди:

— Икковинг ҳам тоққа бошқалардай пиёда чиққанларингда билардинг.

Енбошлашиб ва чалқанча тушиб томоқ ковшаётганлар ўринларидан сакраб туришди.

— Биз ҳам чарчаганимиз йўқ, опа!..

Қўзибойнинг ичи пишиб кетаётган эди. У, чўққига чиқиб «Тошбулоқ»ни топишда ҳам, бошқа вақтдагидай биринчи бўлиш пайида эди. Чунки бошқалардай, унинг ҳам назарида «Тошбулоқ»ни топиш қийин бир жумбоқни ҳал этишдай ажойиб нарса эди. Аммо Қўзибой бошқа қисташни ортиқча билди. Ҳали қўлга кирай деган қуённи чўчитганини эслаб, дами ичи-





га тушди. У ҳам Олимовнинг яқинига бориб унинг сўзларига қулоқ солди. Олимов тоғ жинслари ҳақидаги сўзларини давом этдириш билан бирга, узун арча шоҳларидан айри ўчоқ ясаб, тагига чўкиртаклар қаламоқда эди.

— Бир чойхўрлик қилиб юборайлик-а?— деди Олимов, арча шоҳларидан айри ўчоқ ясаб, айрига мис чойнак осиб. Сўнг «ўчоқ»қа энгашиди-да, қоғоз илаштириб гугурт чақиб юборди. Қоқ чўкиртакларнинг керосин сепгандай читир-читир этиб ёниши ҳаммага қизиқ туюлди. Шунда бирдан Аҳмад:

— Тушди! Тушди!— деб бақириб юборди.

— Қапалагимни учириб юбординг-у!— деди бу сафар Қўзибой Аҳмадга танбеҳ бериб.

— Мен сенга ўхшаб бекорга ҳовлиқмайман, оғайни!— деди Аҳмад.

Болалар узоққа қарашди: ҳалиги қопқондан бири ерга ётиб қолган эди. Бир неча бола чуввос кўтариб югурувди, Олимов уларнинг йўлини тўсди:

— Шошмай туринглар, жиянлар! Иккинчисига ҳам тушсин, кейин бориб оламиз...

Чой устида суҳбат қизиди. Болалар турли саволлар беришавериб, Олимовни шошириб қўйишди.

— Ахир, бу ерга дарс қилгани келибмизми?— деди Олимов ҳазиллашиб.— Қаерга борсам, сўроққа тугиламан. Далага чиқдим дегунча, колхозчилар «агроном ака, домлака» деб гўзасини кўрсатади. Тунов кунни битта звеновой— ўзимизда ўқиб чиққан Лолахон— «Ҳосилимни чамалаб беринг, домлажон» деб қистаб қолди. Гўзаси энди ўнглиниб, қаричга келган. Мен унга ҳар туп гўзаси нечта кўсак тугади-ю, гектарига қанча ҳосил олади, шунисини айтиб берармишман. Қизиқ-а! Мен унга: «Бешикдаги боланинг улғайганда ким бўлиб чиқишини айта оласанми» десам, «қайдам, тарбияга боғлиқ» деди. «Ҳа, балли, муродимга етай десанг, гўзангниям тарбиясини тузат, шунда хоҳлаган ҳосилингни оласан» дедим...

Ҳамма «Опанг мот бўпти-ку» дегандай Аҳмадга қаради. Аҳмад қизарди. Унинг хотира дафтарыда ҳам ноаниқ гаплар қаторлашиб қолган эди, «сўрасам уят бўлмасмикин. Олтинчини битириб, шунга ақлинг етмадими деса-чи?» Аҳмад шу ўйда дафтарга тикилиб қолганиди, Олимов буни пайқади.

— Ҳа, Аҳмад, нимани хаёл суриб кетдинг?

Аҳмад ҳушёр тортиб дафтарини ёпди, у йўл-йўлакай кўр-

ганларидан, айниқса тоғ ёнбошида каттакон тошнинг осилиб туриши, тош устида дарахт ўсиши қизиқтирганини айтди.

— Бу ердаги нарсалар,— деди Олимов ўзига тикилган кўзларга бир-бир боқиб ва қаддини тиклаб ўтирди,— фақат сизларни эмас, ҳатто олимларни ҳам қизиқтиради... Улар бу нарсаларни ўрганиш натижасида табиатнинг бизга кўринмайдиган қизиқ-қизиқ сирларини билиб олганлар. Бу сирларнинг энг қизиғи — табиатдаги қазिश, ўйиш, емириш, яратиш кучлари деса бўлади...

Олимовнинг ҳикояси болаларнинг зеҳнида шундай таасурот қолдирди: иссиқ билан совуқ, қор билан ёмғир, сув билан ҳаво, ўсимлик ва ҳайвонлар — буларнинг бари табиатдаги қазिश, ўйиш, емириш кучлари ҳисобланар экан...

— Мана шу кучларнинг узоқ муддат ҳаракат қилиши натижасида тоғлар емирилади. Даралар, жарликлар, ўйдим-чуқурлар пайдо бўлади. Тошлар кўчиб майдаланади. Қумлар ҳосил бўлади...— Олимов болалар яхши тушунсин деб шундай мисол келтирди:— Масалан, сувни олинг. Қиш кунлари сиз бир шишага сув тўлдириб, оғзини бекитинг-да, совуқда қолдиринг. Сал ўтмай қарабсизки, ё шиша ёрилади, ёки шишанинг оғзига қараб интилган муз пробкани итариб чиқаради.

Болалар тоғ қоялари ва тошлардаги дарзлар ҳам мана шу йўсинда ҳосил бўлганини кўз олдиларига келтирар эканлар, сув билан совуқнинг бу қилиқларига ҳайрон қолишди.

— Энди, тоғ-тошларда ўсимликлар, дарахтлар қандай пайдо бўлади?— Олимов бу ўсимликларнинг уруғи шамолда учиб келиб, тошларнинг дарзларига жойлашишини, ундаги намлик ва тузлардан уруғ озиқланиб ўсишини тушунтира кетди.— Тоғларимизда сир кўп. Сиз буларни кўзингиз билан кўриб, китоблардан ўқиб танишганингиз сари бу сирлар сизга очилаверади...

Олимовнинг «тоғларимиз» деб гапириши болаларга ёқди. Бу нарса тоғлардаги сонсиз ажойиботлар ва бойликлар «сир»ни гўё болаларга яқинроқ ва ўрганиб олишга осонроқ қилиб кўрсатарди. Аҳмад, ҳеч кимга қарамай, тиззасига дафтарни қўйиб, энгашганча ёзиш билан машғул. Ҳар бир эшитган нарсасини билиб олишга интилганидан, унинг сийрак қошлари ўртасида тугунча ҳосил бўлган. Фақат бу суҳбатдан Қудрат четда. У қорним тўқ деб, чойга ўтирмади, кечкиб келганидан гапга ҳам аралашмади-да, тезроқ тоғ кўринишларини суратга олиб қолишга шошилди. У, чиройли кўриниш-

ларни мўлжаллаб, арчазорга бориб қолди. Йўғон-ингичка арчаларнинг ям-яшил игна барглари енгил шабадада силкинар, уларнинг устида сўна бошлаган оловдай хира қуёш шуъласи кўзни тиндирарди. Арчазордан баҳордагидай соф ҳаво, яна аллақандай ёқимли ҳидлар келар, шивир-шивир товушлар эшитилиб турарди.

— Бу ёққа! Бу ёққа!— деди Қудрат болаларни ўз олдига чакириб.

Болалар югуришди. Марҳамат ҳам борди-да, бирпас арчазорга қулоқ солиб туриб деди:

— Диққат қилинглар-а, бу ерда неча хил товуш эшитяпсизлар?

Болалар жим. Дастлаб уларга ҳар хил қушларнинг вижир-вижир қилиб ёқимли сайраши эшитилди.

— Тўргай!.. Майна!.. Қарқуноқ!.. Қалдирғоч!..

— Шамол товуши... Дарахтларнинг шилдираши...

— Иннайкейин,— деди кимдир,— булоқларнинг жилдираши...

— Яна?

— Янами?— Қудрат арчаларнинг бир-бирига туташиб кетган шохларини аста қайириб ичкарироқ кирди ва бутун диққатини қулоғига тўплаб тинглади. Мана энди ҳалиги товуш худди қулоғи таккинасида чиқаётгандай туюлди.— Марҳамат опа!— Қудрат ҳовлиққанча югуриб чиқди.— Топдим! Бу арининг товуши...

Марҳамат билан Олимов бир-бирларига шивирлашди, сўнгра болаларни Қудрат чиққан томонга бошлашди.

Ўртароқ ердаги йўғон арча ёнида тўхтадилар. Унинг шохлари тарвақайлаб ўсган ва танасининг неча ерида коваклар пайдо бўлган. Бу ковакларда гала-гала майда, сарғиш арилар ғувиллашмоқда. Болалар зеҳн солиб туришса, арилар галаси тоғнинг турли томонидан келади-да, аввал арчанинг шохига қўниб, пича дам олган бўлади. Кейин маслаҳатлашгандай бараварига учиб, йўғон занжир каби тизилишганича уяларига кириб кетишади. Улар уяда «вазифа»ларини бажариб чиққач, бошқа галага навбат келади. Қўзибой қизиқиб кетиб, яқинроқ бориб қолган эди, бирдан арилар ғувиллашиб унга ҳужум қилди, хаш-паш дегунча Қўзибойнинг кичкина қулоғини жизиллатиб чақиб ҳам олди. Ҳамма куларкан, Қўзибой қулоғини ушлаб қочиб қолди.

— Ариларнинг ғашига тега кўрманглар, бир ёпишса қўймайди!— деб огоҳлантирди Олимов ва болаларни арчазорнинг

четига бошлади. Унинг қўлида уч метрча келадиган калтак билан қўлтиғида сурп қоп бор эди.— Ҳозир ари овлаймиз...

Болалар ҳаяжон ичида «ари ови»ни томоша қилишди. Олимов битта рўмол билан бўйни ва бетларини ўради, фақат кўзигина очиқ қолди. Сўнг қопнинг оғзини иккита чўп билан матрапга ўхшатиб керди-да, четини ҳалиги калтак учига илди.

— Мана энди инидан кўчган ари бизники!— деди катта арча шохини босиб ётган ариларни кўрсатиб. Арчанинг ён шохи эгилиб ётар, унинг устида асаларилар шокосадай юмалоқ бўлиб, гужланиб турарди.— Она арини ўртага олиб асраб туришибди. Учганда ҳам уни кўтариб, ана шундай гуж бўлиб учишади. Шунисини ушласак бас. Бошқалари она аридан қолмайди,— деди Олимов. Кейин қоп оғзини ҳалиги арилар гужига тўғрилади-да, пастдан туриб шохни зарб билан эгиб юборди. Арилар тўдаси ўзларини қоп ичига урди. Бу, болаларга чиндан қизиқ томоша бўлди. Фақат арилар ҳужумига биринчи бўлиб учраган Қўзибой аллақачон жилға ёнига бориб олган ва «ярадор» қулогини муздай сувга ҳадеб пишмоқда эди.

Унинг қилиғидан кулгиси қистаган Марҳамат:

— Ҳа, томошага тўйдингми?— деб қўйди. Марҳамат дам хиралашган қуёшга, дам билагидаги соатига қараб қўймоқда эди.

Болалар ҳали тоғнинг ажойиботларини кўриб тўймаган, чарчоқ унутилган, баъзиларининг қирра тошлар тилган оёқларидаги оғриқ билинмай қолган эди. Балиқ овлаш учун келтирилган қармоқлар ҳали бир марта сувга ташлангани йўқ, болаларнинг ўзлари эса чўмилиш учун жой кўзлашяпти. Тўғриси, Марҳаматнинг ўзига қолса ҳам ҳали-бери қайтгиси йўқ эди-я, фақат ҳавонинг ўзгаргани уни ўйлатиб қўйди. Яқингинада юз ва сочларини сийпаб эсган шабада ҳозир сусайиб, ҳаво ҳаммомнинг иссиқхонасидай дим бўлиб қолди. Осмон гўё чанг, тутун босган ойнадай хиралашди. Ҳалигина қуёш ёғдусида олмоссимон ялтираб турган тоғ ён бағирлари тезда гилвата тусига кирди. Ана, кўкка туташган чўққиларни палахса-палахса булутлар қоплаб, бутун олам кул ранг пардага ўралгандай бўлди.

Теваракка кўз югуртирар экан, Олимовнинг ҳам пешана-си тиришиб кетди.

— Булутларнинг ҳаракати бежо. Ҳали-замон тепамиздан челақлаб қуйиб берса ҳам ажабмас. Тагин шунча йиққан

экспонатларимиз нобуд бўлмасин. Чаққон жўнайлик, жиянлар.

— Ҳаммамиз ивиб кетсак-а,— деди Меҳри ўзининг яп-янги уст-бошига қараб.

— Қийимимиз ивिसа, қуриштиш осон-а, лекин, биласизларми, ғўзага чатоқ бўлади,— деди қайғуриб Олимов. Болалар унинг гапидан қандайдир бир кўнгилсизлик рўй берадигандай ваҳима ичида бир-бирларига қарашди.

Марҳамат улардаги бу ҳолатни саёҳатдан қаноатланмаганликка йўйди:

— Саёҳатимиз бир сафарли эмас, укалар. Бугунгиси фақат бошланиши. Эндиги сафар албатта чўққига чиқамиз, «Тошбулоқ»ни очамиз!..

## Бешинчи боб

Бехосдан бошланган момақалди роқ саёҳатчилар отрядидаги бутун тартибни бузиб юборди.

Тепада гулдурос кўтарилиб, ғўё тоғ кўчди-ю, уйдаи-уйдай тошлар бир-бирига урилиб кетди... Баданни жунжитувчи совуқ шамол изғиб қолди. Тошлар устига дўланадай-дўланадай йирик томчилар тушиб, атрофга зар кукунлари сочилади... Ҳар ким ўзи билан ўзи овора бўлиб қолди. «Оқтой»га юкларини ортиб, кетидан келаётган болалар энди олдинга уймалашди. Қудрат «сиз миниб олинг» деб қўярда-қўймай саманнинг тизгинини Олимовга тутқизди. «От кимники — минганники» дейдилар, энди биров кўрса Қудратдан отнинг жавобгарлигини сўрамайди...

— Шошилма, Қудратжон. Тошга қоқиласан,— деди Марҳамат тез кетаётган Қудратга етиб олиб ва уни гапга солди.— Қудрат дейман, буving нега келмадилар-а?

Қудратнинг авзойи ўзгарди, бир лаҳза индамай борди. Сўнг, ҳали болалар олдида айтолмаган гапини бир бошдан айтиб берди... Қудрат Коля билан бирга бувисиникига бориб, «бизникига юринг», деб ялинганда бувиси отланибди-да, кейин «даданг айтиб юбордими, ё ўзингча келдингми» деб сўрабди. Қудрат тўғри сўзли қилиб, ўзича келганини айтган экан, бувиси ўйланиб қолибди: «Борардим-у, болам, лекин тобим қочиб турибди-да», деб келишдан айнибди, «кейинроқ бораман» дебди.

Марҳамат ажабланди. Ичида ўйлади: «Қандай буви экан-а... Йўқ, бунинг бирон сабаби бўлса керак...»

— Нима касал экан, бувинг?

— Билмадим... Юрак ўйноғими, безгакми...

— Ҳмм...— деди Марҳамат хаёл суриб. «Ишқилиб отдан гап очмаса бўлгани» деб Қудратнинг юраги пўкиллаб турган эди, ҳайтовур унга гал келмади. Тепада бирваракай гумбурлаган момақалдироқ Марҳаматнинг диққатини бўлди. У болаларга қараб, тез-тез юришга ундади.

Булоқҳовузга яқинлашганларида кўп болалар «Оқтой» хуржунидан ўз лаш-лушларини олиб уй-уйларига шошилишди. Қудрат ҳам илдам жўнаб кетди.

Қолганлар бўлса, тоғдан келтирилган ўлжаларни талашишди.

— Бу ўлжаларнинг бари ўртада,— деди Олимов болаларни тинчитиб:— Булар мактаб биология кабинетига керак. Қуёни бўлса катакка солиб, кабинетдаги жонли бурчакка қўямиз. Катак битгунча, Қўзибой, сен боқиб турасан буни, хўпми?

Жийдадай шишган қулоғини силаб-сийпаб турган Қўзибойга жон кирди, апил-тапил яшикни бошига кўтариб олди. Яшик четидан бир қўли билан маҳкам тутди-да, «Оқтой»ни йўрғалатди. Аҳмад эса коллекцияларни кабинетга жойлашда Олимовга қарашиб юборди. Сўнг Олимов Аҳмадни отга мингизди-да, тайинлади:

— Дарров буни отхонага элтиб бер.

Аҳмад бу вазифани жон деб қабул қилди-ю, бироқ кутилмаганда боши ғалвага қолди...

У, ҳайто-ҳайт деб саманни йўртдириб бораркан, колхоз саройига яқинлашганда қаршисидан ҳассасини ўқталиб Бобоқул ота тўсиб чиқди. У, оғзидаги носни туфлаб ташлади-да, отнинг тизгинидан тутиб олиб, дўқ қила кетди:

— Ҳали сенмидинг, тирмизак, бизни сарсон қилган! Бирпас боқаман-у, суғориб келаман, деганинг шуми! Қаёққа миниб кетган эдинг?

— Мен эмас миниб кетган, ота!— деди Аҳмад капалаги учиб.— Ҳали... Тоғда...

— Пўлавоёй-шўлавоёйингни қўй! Биламан, ўзинг мудом от ёнида пашшахўрда бўласан!..

— Билиб гапиринг, ота, мен эмас...— Аҳмад қуруқ туҳматга учраганидан бўғилди.— Ҳали тоғда... ўзи адашиб...

— Баҳонангни қўй, бола! Саманнинг эси бор, адашмай-

ди!— Чол ҳеч гап бермасди.— От сенинг тагингдами — бўлди, қўлга тушдинг. Юр ҳозир бригадага! Бу ёқда Умурзоқ, Лолахон, у ёқда раисдан балога қолдим-ку мен. Ҳаммаси менга ёпишади: «Бугун бошли отнинг қаёққа йўқолганини билмасанг, нима қилиб юрибсан қоровулликнинг кафилини олиб» дейишади.

Бобоқул ота зарда билан тизгинни олдинга силтади. Айби нимадалигини англамаган от жонивор, чиройли сариқ бошини ювошгина чўзиб, чол кетидан эргашди. Аҳмад: «Бир чатоқ иш бўлганга ўхшайди», деб ўйлади. Бу чатоқ ишга ўзининг сариқ чақалик алоқаси бўлмаса ҳамки, бугун жавобгарлик ўз елкасига ағдариладигандай ҳанг-манг бўлди. Отдан тушишини ҳам, тушмаслигини ҳам билмай, худди ўпирилган ўрага қулаб кетаётгандай юраги шувиллар, Бобоқул ота эса орқасига қарамай:

— Сен чурвақаларнинг қўлидан келадигани шу-да! Ишга зиён етказишдан бўлакни билмайсанлар,— дея жавраб кетмоқда. Кўкорол даласига бурилганларида, Аҳмад атрофига аланглаб олди, ҳеч зоғ кўринмайди. «Энди пайти келди...» У секин отнинг кетидан сирғилиб тушиб, бировнинг томорқаси этагидаги чакалакзорга ўзини урди. Қулоғи оғир чол эса ҳеч нарсани пайқамай, ҳамон «тирмизаклар»дан нолиб, ўзича яниб борарди:

— Қараб тур-чи, ҳали, сени бригадирга топширай, бир таъзирингни бериб қўйсин, ҳа!..

Шунча койнса ҳам «айбдор»дан садо чиқмагач, чол орқасига шундоқ ўгирилиб қарамасинми... Ўз кўзларига ишонмай саросима бўлиб қолди, ҳар томонга аланг-жалаңг қилиб, хирилади.

— Ҳой! Ҳой бола!.. Қаёққа ғойиб бўлдинг, шайтон!..

Аҳмад чакалакда пусиб, мушук сичқонни пойлагандай, чолнинг ҳаракатини кузатиб турарди. Бироқ чолнинг қиссиқ, хира кўзлари кўкатлар орасидан уни илғамади. Диққати ошиб, анча саранг бўлиб тургач, отга бир амаллаб миниб олди-да, алланималар дея гулдураганча, отни лўкиллашиб кетди. Ҳаво тобора айнимоқда эди...

Аҳмад чакалакдан отилиб чиқди. «Хўп лақиллатдимми» деб чолнинг кетидан оғзини кўвача қилиб ҳуштак чалиб қўйди. Яна шу заҳоти ўз қилиғидан чўчиди-да, орқасига қарамай келган изига қараб зингилади. У бўлган воқеани гапириб бериш учун Қудратнинг уйини мўлжаллаб бормоқда эди.

...Қудратнинг бугунги саёҳатдан кўнгли тўлмаган, бунинг



устига синглисидан хавотирланган эди. Шошилиб келса уларнинг ҳовлисидан қизил пешанабоғли, қошига қалин ўсма қўйган, қомати барваста, чеҳраси қувноқ аёл чиқиб келяпти. У худди узоқ вақт кўришмагандай, Қудратни қучоқ кериб қарши олди. Бу — Хадича ая эди.

— Ҳа, холанг ўргилсин, эсон-омон келдингми? Бувингни олиб келмабсан-да!— деди Қудратга ва шу замон яна кўнглини кўтариб қўйди.— Ҳа, майли, келиб қолар. Қандай юмушларинг бўлса, тортинмасдан айтавергин, ўзим қарашиб тураман. Хўпми, холанг ўргилсин... Уртоғинг ҳам келгандир-а?

— Раҳимми?— Қудрат ҳам унга савол назари билан боқди.— Аллақачон эди-ку?

— А-а?— Хадича ая безовталанди.— Сизлардан олдин келувдимми? Нега менга йўлиқмади бўлмаса?

— Билмадим...— деди Қудрат Хадича аяни баттар ҳайрон қолдириб. У, кўчанинг у ёқ-бу ёғига аланглаб олди-да, овозини пастлатиб гап бошлади... Тоғ йўлида Полвон отага дуч келгани, Полвон отадан Раҳим ҳақида эшитганларини айтиб бераркан, Хадича аянинг фиғони ошиб:

— Вой, шўримга шўрва тўкилсин!— деб қўлини кўксига уриб қўйди.

Гапнинг қизиқ жойи келганда, Аҳмад кўринди.

— Дам, холанг ўргилсин...— Хадича ая Қудратга кўзини қисди.— Буни биров билгани йўқми?

— Йўқ,— деди Қудрат уни хотиржам қилиб...

— Мен Раҳимдан хабар олай-чи,— деди ноилож Хадича ая ва Қудратга «қолганини ҳали гаплашамиз» дегандай маънодор назар ташлади.

Аҳмад кела солиб, кула-кула от ҳангамасидан бошлади. Хадича ая унинг гапига пича қулоқ солиб, орқасига қарай-қарай кўчанинг нариги бетидаги уйига кириб кетди.

— Худди отга хўжайиндай, тўхматини қара-я, чолни!— деди Аҳмад ҳам кулиб, ҳам жаҳл қилиб.— Отни боқиб, суғориб келаман деб миниб кетган мен эмишман!.. Тўғриси айтгин, Қудрат, ўзинг миниб кетганмидинг-а? Кел энди, айта қол, ҳеч кимга билдирмайман.

— Ҳали айтдим-ку, ахир, тоғда адашиб юрган экан деб...

— Мен ҳам Бобоқул отага шунақа дедим-ку, ҳеч ишонмайди-да!

— Шунақа деган бўлсанг, бошлабсан. Энди сендан кўришмайди, қўрқма!— деди Қудрат Аҳмадга ғалати қараб. У

хурсанд бўлиб гапирдим, хафа бўлибми, Аҳмад тушунолмади, бақрайиб қолди.

Ичкаридан «ака» дея қичқириб Раъно чиқди. Унинг ҳозиргина қўйган ўсмаси чаккасига оқиб тушган эди.

— Қаёқда юрибсан ўзинг? Мошкичири қирмоч бойлаб кетди...

Қудрат қорни очлигидан Аҳмадни ҳам унутиб, уйга кирди. Кириши билан, билқиллаб қайнаётган декчадан хушбўй ҳид димоғига гуп этиб урди. Шу ёқимли ҳид ичида қирмочнинг куйинди исини пайқамади ҳам. Раъно қозонни ковлашни унутган, зир югуриб дарахтларда илиғлиқ турган кирларни йиғмоқда, чунки онда-сонда томчилаётган ёмғир кирларни ивитиб қўяй деган экан. Қудрат бориб декчани туширди. Шунда қаердандир латта ҳиди келди. Учоққа қараса, латта тушмаган, яллиғланиб турган олов ёмғир томчиси тушиб чирсилламоқда. Қудрат куракча билан оловга кул сепди-да, уйга кирди. Тошқўмир ўти аралаш димоғини ачитувчи латта дуди уйнинг ҳавосини бузиб юборган эди. Қараса, хонтахтада қизиган дазмол, унинг тагида шоҳи галстук куяпти.

— Вой, дазмолим эсимдан чиқибди!— деди югургилаб кирган Раъно ва ўртаси хинадай сарғайиб кетган галстукни ёғлоғидаги сувга тикиб, акасига айбдорча термилди.

— Сеники эди... билмабман...

Қудратнинг галстукка юраги қанчалик ачимасин, ҳеч нарса бўлмагандай деди:

— Қўявер, янгисини оламан...

Умурзоқ ака келди. У хомуш ва безовтароқ эди-ку, буни сездирмасликка тиришарди.

— Бугун ҳам ўшоқда қолиб кетдингми деб хавотирда эдим,— деди Умурзоқ ака ва юзининг ҳўлини дастрўмоли билан артди. У Қудратнинг эрталаб райондан келиб тоққа чиқиб кетганидан беҳабар экан. Қудрат, ҳозир дадам нима учун бесўроқ кетдинг деярд деб кутган эди, дадаси индамай, чўнтагидан газета олиб, унга тез-тез кўз югуртирди. Ҳатто Қудратдан бувисининг аҳволини, келиш-келмаслигини ҳам суриштирмади. Қудратнинг ўзи бувисининг келмаганидан шикоят қилиб сўз очган эди, дадаси парвосизгина кулди. Раъно келтирган косадаги қатиқни бир кўтаришда шимирди. Дадасининг яна шошилиб турганини кўрган Раъно:

— Тўхтаг, дада, мошкичири тайёр!— деб нари-бери овқатни сузиб келиб хонтахтага қўйди.

— Шунақами?.. Қани ўтиринглар, совумасин.

Умурзоқ ака мошкичирининг кам туз ҳам қирмоч бойлаганига қарамай, мақтаб кетди:

— Қим қилди-а? Жуда мазали бўпти-ку.

Қудрат Раънога кўз қисиб, пиқ этиб кулди. Буни фаҳмамаган Раъно, дадасининг мақтовига талтайиб деди:

— Дада-чи, дада, Хадича аям билан бирга пиширдик,— деди оғзининг таноби қочиб ва дадасининг олдига қошиқ билан қиймадан суриб қўйди.

Умурзоқ ака унга эркаловчи боқиш қилиб:

— Балли, қизим, ўрганавер. Хадича аянг кўп яхши, пазанда аёл-да. Бригадада овқатни ўша пиширади. Қолхозчилар унинг овқатини мақтаб-мақтаб ейишади...

Умурзоқ ака бировни ортиқча мақтагувчи эмасди. Хадича аяни мақтагани Қудратга эришроқ туюлди. «Ойим ҳам овқатга уста эди-ку! Чеварлиги-чи?» Дадасининг, Қудратнинг бошидаги қалампир нусха дўппиларни, Раънонинг эгнидаги кўкрак бурма қизил кўйлакчани онаси тикиб берганиди... «Нега дадам уни мақтамас эди?»— деган фикр кечди Қудратнинг дилидан.

Қудратнинг онаси Хадича аяни яхши кўрар, уни қишлоқ аёлларининг энг ўктами, билимдони деб мақтар эди. Пазандаликдагина эмас, қурт тутишда ҳам аёлларга намуна эди. Болалар бўлса уни «Қўшиқчи ая» деб севишарди. «Ўзи ҳам ашула тўқиб чиқаради» дейишарди. Бу хушчақчақ, ширин сўз аёл қатнашмаса тўйлар, йиғинлар қизимасди. Унинг чилдирма билан ялла айтиб, ёш-ялангларни ўйинга солганини Қудратнинг ўзи ҳам кўрган эди. Ҳозир энди ёнма-ён қўшнилиги учун, Хадича ая Қудратларга ўзини жуда яқин оладиган бўлиб қолди. Қудрат, очиги, Раҳимни унча ёқтирмаса ҳам, фақат онаси туфайли у билан ўртоқ бўлиб юрибди-да.

— Хадича аянг тузук аёл-ку,— деди яна Умурзоқ ака,— лекин ўглини талтайтириб юборибди-да.— Бугун бесўроқ қаёққадир отни миниб кетибди. У билан бир гаплашиб оладиган бўлдик-да!

Умурзоқ ака унча-мунча нарсага парво қилмайдиган, юраги дарёдай-кенг одам эди. Аммо Раҳимнинг ўзбошимчалигидан бунчалик койиб гапириши Қудратни янада хушёр қилди. «Отни узоқ тутиб қолганим чатоқ бўпти» деди ичида.

— Лолахоннинг звеносига анча зарари тегди,— деди Умурзоқ ака ачиниб.— Бугун отми, ҳўкизми, жамики от-уловни гўнг ташишга қўйган эдик. Вақт ғаниматда бутун ғўзани ўғитлаб олишимиз керак эди. Чунки, кўриб турибсан, ҳаво

айниди. Вақтида ўғит солиб олинмаса, ёмғирда қатқалоқ босиб мурғак ғўзани ҳиқилдоғидан хиппа бўғиб кўяди.

Умурзоқ ака осмонга, тоғлар тепасига ташвишли назар ташлади. Қишлоқ атрофини қуршаган тоғлар тепаси булут кўрпасига тобора қалинроқ бурканмоқда. Чўққилар ёнбошидан, булутлар орасидан мўралаб-мўралаб ғарбга ботаётган куёш ҳам энди ўз жамолини бутунлай яширди. Ана, бирдан тоғ устлари қимирлаб кетгандай бўлди. Қорамтир булутлар трубадан буруқсиб чиққан тутундай паға-паға бўлиб тез сузиб кетди. Ғўё кўклам эрувгарчилигида дарё музи кўчгандай, қасир-қусур бошланиб, кетидан замбарак ўқ узган каби оламни қаттиқ гумбурлаш босди. Мушак отгандай кетма-кетига чақмоқ чақилди...

— Ҳавонинг ортиқча дим бўлиб кетишидан билувдим-а!— деди Умурзоқ ака қовоғи уюлиб.— Иш чатоқ бўлади. Ғўза нуқул иссиқ ҳаво эмиб, қўл-оёғини узатиб ўсадиган бир пайтда Кўкоролга ёмон бўлади, айниқса...

Умурзоқ аканинг сабри чидамади, ғўё шу офатнинг йўлини тўсишга отлангандай, илдам қадам босиб чиқиб кетди.

Дадаси ҳар вақт ғўза тўғрисида гапирса, ғўзани худди одамга, тўғрироғи, чақалоққа ўхшатиб, эркалаб куйиниб гапирарди. Агар ғўзага бирон шикаст етгудай бўлса, ўз боласига ачингандай ачинарди, кечалари уйқуси қочарди. Умурзоқ ака ғўзага ёмон ҳавони асти раво кўрмас, «ёз ёзлигини қилсин, ер қанча қизиса, ғўзанинг шунча жони киради» дерди. Тўғри-да, ахир кунига неча марта ўзгариб турувчи серёгин апрель ва май кунлари ўтиб кетди-ку. У кунларда кўкатлар энди жонланиб, ғўзалар аста-секин қад кўтариб келаётган эди. Еш экинни майнинг бошларида неча марталаб дўл урса ҳам, иш кўзини биладиган деҳқонлар уни тез ўнглаб, хато ерларини тўлдириб олдилар. Мана энди-чи, июннинг иккинчи ҳафтаси, бутун меҳнат кўзга кўриниб қолган, яшил ғўза қаричдан ошган. Шундай пайтда бирор туп ғўзанинг беҳуда шикастланишига ким чидаб тура олади!

## О л т и н ч и б о б

Яна бўрон, момақалди роқ... Унинг кетидан шивалаб ёмғир, дам ўтмай ёнғоқ қоққан каби шатира-шутур дўл уриб берди. Кеч кирмай туриб, атрофдан қоронғилик пардаси босиб келаверди. Кўчалар, томорқаларда одамлар кўринмай қолди.

Дон териб, ариқ буйларида чувалчанг чўкилаб юрган товўқлар қақолашиб деворлар тагига, йўлакларга ўзларини уришди. Тинимсиз чириллашиб учган чуғурчиқлар қалин дарахт шохлари ва бўғотларга қўйган лўппак-лўппак похол уяларидаги болаларининг тепасида пириллаб қолишди... Бўрон гоҳ нортуюдай ўкирар, гоҳ оч бўридай улварди...

Салдан сўнг, яна ҳаракат бошланиб кетди. Ёмғир зўрайган сари у билан ўчакишгандай, одамлар кўчага отилишиб чиқмоқда. Шовқин кучаймоқда. Шовқинни аввало Бобоқул ота бошлаб, темир зангини ҳар вақтдагидан қаттиқроқ қоқди. Занг, ўт ўчирувчиларнинг қўнғироғи каби, уст-устига узоқ қалдиради.

— Нимага одамларни бемаҳал чақиряпти-я?— Раъно ваҳима ичида акасига тикилди. Қудратнинг ўзи ҳам бўлаётган воқеанинг тагига етолмай ҳайрон эди. Ака ва сингил кўчадаги ҳаракатни гоҳ эшикка чиқиб, гоҳ уй деразасидан кузатишди. Деразани эса синдиргудай бўлиб тасир-тусур дўл қоқмоқда, дарахтлардан шох-шаббалар чирт-чирт узилиб тушмоқда эди.

— Ия, ия, анувни қара, ака!— дея чинқириб кулди Раъно. Кўчада кетаётган бир хотиннинг юпқа хитойи соябони қўлидан учиб кетиб, парашюгдай лапанглаб борди-да, бир дарахтага илинди. Хотин эса, аламидан алланималар дея қичқирик солди-ю, нозик кўйлаги шилтаю шалаббо бўлиб баданига ёпишганча, келган йўлига қараб чопа кетди... Уяси бузилган қушлар каби боягина ҳар ёққа тумтарақай қочган болалар ҳам, яна қўзиқориндай патирлашиб чиқиб келишди, катталар атрофида гирдикапалак бўлиб қолишди. Уларни кўриб, Қудратнинг юраги ҳаприқиб кетди. У ҳам томошадан қуруқ қолмай, деб, дадасиникига ўхшаш кул ранг кителини кийиб, кўчага отланди.

— Ҳой, Қудрат, тўхта!— деди уйдан туриб Раъно. Қудрат қараса, Раъно апил-тапил сандиқ очяпти.— Тўхтаб тур!— деди яна у ва Полвон отаникига ўхшаган каттакон қулоқчинли брезент плашни олиб Қудратга узатди.— Борсанг, буни обориб бер, дадам шамоллаб қолмасин. Мана, этикни ҳам...

— Ҳали нега олиб бермовдинг дадамга?

— Эсимга келмабди. Ўзинг нега айтмадинг?

Қудрат плашга резинка этикни ўраб олди. Буларни дадаси кийиб кетмаганига бир чеккаси суянди ҳам. Энди шулар баҳонаси билан нималар бўлаётганини ўз кўзи билан кўради... У кўчага чиқаркан, биринчи дуч келган одам Хадича ая бўлди. У, чопон ёпиниб олиб, шошганча кетяпти. Рўпарадаги

деразадан Раҳим лунжини шишириб, кўзини чақчайтириб турарди. Қудрат уни пайқамеди:

— Ая, Раҳим келибдими?

— Э, болам, ўртоғингдан хабаринг йўқ. Отдан йиқилиб келибди... Уйда мендан ҳам яшириниб ётган экан. Нима бало бўлганини очиқ айтмаяпти. Докторга кетяпман шу топда...— Хадича аянинг қалтираган овозида ўглининг қилмишига ғазабланишдан кўра, юраги жизиллаб ачишгани сезилиб турарди. У Қудратга яна илтимос оҳангида деди:— Ишқилиб биров эшитмасин, холанг ўргилсин.

Қудратнинг ҳайронлиги ошди: «Полвон ота уни отдан йиқилди демовди-ку? Қайси бири тўғри?..» Лекин ҳозир ўйлаб ўтиришнинг фурсати эмасди. У, дадасининг олдига тезроқ бориш учун йўлга тушди. Унинг бетига насосдан отгандай дўл аралаш ёмғир уриб берди. Дарров плаш ва этикни кийиб олди. Этик тиззасидан бир қарич баланд келиб, юрганда халақит бера бошлади. Қулоқчин-ку бошга боп соябон бўлди-я, аммо плашнинг этаги бемалол ерга сурғалиб қолди. Қудрат бунисига илож топди: плашнинг этагини халта кўтаргандай, елкасига қайириб олди. Буни дадасида кўрган эди: дадаси кузда даладан қайтишда плашни ё тўнни ана шундай «тўрва» қилиб, ичига қовун, тарвуз солиб келгувчи эди. Бир куни дадасининг қовун, тарвуз ўрнига боғчадан Раънони ана шундай қилиб кўтариб келгани ёдига тушиб, кулгиси қистаб кетди. Орқасидан Раънонинг:

— Пак-пакана бўйи бор, етти қават тўни бор, ҳа-ҳа-ҳа!— дея қотиб-қотиб кулгани анча ергача қулоғига кириб турди. Лекин, ҳозир кулгининг хонаси эмасди. Шу тобда акаси ўзини эртақлардаги хаёлий бир паҳлавондай сезаётганидан Раънонинг хабари йўқ эди-да. Қудратнинг назарида ҳозир кутилмаган бир ҳодиса юз берадигандай, ўзи эса бу ҳодисанинг қўрқмас қаҳрамонларидан бўлиб чиқадигандай туюлмоқда эди. Аммо у, ҳамма ёқни алғов-далғов қилаётган шаррос ёмғир ва бўрон билан олишиб бораркан, йўлида айтарли бирор воқеа юз бермади. Фақат тезда «тўрва» билан этик жиқ-жиқ сувга тўлиб, зил-замбил бўлиб кетди. «Осмон тешилдим, нима бало!— деди ўз-ўзича. Бир дарахтнинг тагига бориб, плашнинг барини қўйиб юборди, этикни ечиб, сувини ағдарди. Сўнг яна аввалги ҳолатда йўлга тушди.

У йўлида болаларга дуч келгиси, ўз кўриниши билан уларни ҳайрон қолдиргиси келди-ю, аксига ҳеч ким дуч келавермади. Ҳеч нарсадан қуруқ қолмайдиган Қўзибой ҳам, довурак

Аҳмад ҳам аксига кўринмайди. Ҳўқтин-ҳўқтин аллақердан, яқин ён-веридан отларнинг пишқиргани, аравалар ғижир-ғижери, автомобиллар гумбур-гумбури кўтарилар, одамларнинг ҳайқирғи эшитилиб қоларди. Булар орасидан Қудратнинг қулоғига энди болаларнинг чуввоси ҳам кирди-ю, ёмғир шовшувида уларнинг кимлигини ажрата олмади. «Мен-ку, зарур иш билан кетяпман. Улар нима қилиб юришибди-я?...» Бу болалар катталарнинг ташвишига шерик бўлиб чиқишганми, ё шунчаки текин томоша учунми.— Қудрат тушуволмади. У атрофидагиларга шунча алангласа-да, ҳеч кимнинг бетини кўролмади. Шунда ҳаммани бир-бир ўйлаб кетди. Раҳим ҳам ёдига тушди. Тоғдаги машмашалар кўз олдидан бир-бир ўтиб, кўнгли ғаш тортиб кетди. Ҳали дадасининг: Раҳим билан бир гаплашиб оладиган бўлдик-да», деганини ўйлади, йўлдан Раҳимни кира кирмаганига афсусланди. «Йўқ!— деди яна.— Кирмаганим яхши бўлди. Кириб нима деярдим? У қилган ишини очиқ айтиб берармиди? Айтмаса, мен бўйнига қўя олармидим. Ўз кўзинг билан кўрмадингми, сен бунга аралашма деса-чи, унда нима бўларди. Хадича ая, буни бировга айтма деб тайинлади... Яхшиям ҳали дадамга айтиб қўймаганим. Эшитганлар мени чақмачақар дейишарди. Дадамнинг ўзи кимдан бўлса ҳам эшитибди-ку. Кимдан эшитган экан-а? Бобоқул отаданми? Йўқ, Бобоқул ота Аҳмаддан кўриб юрганмиш-ку...»

Кўнғироқ овози унинг хаёлини бузди, дингиллаб келаётган «Оқтой»ни таниди. «Оқтой» устида дастурхон ёпиниб олган одамнинг кимлигини билиш қийин эди, фақат унинг кўзигина милтиллаб турарди.

— Узингмисан?— деди Қудрат қулоқчин остидан унга тикилиб.

— Э, э, сенмидинг!— Бепарво келаётган Қўзибой ҳам шундагина Қудратни таниди.— Мен бўлсам, орқангдан қанақа масхарабоз кетяпти деб ўйлабман! Кел, мингашиб ол, кел!— деди Қўзибой «Оқтой»ни тўхтатиб.

Қудрат этикни ечиб қўлтиғига қистирди-ю, «Оқтой»га мингашиб ва эндигина бир-бирларидан қаёққа кетаётганларини суриштираётган эдилар, катта соябон кўтарган Меҳри кўринди.

— Секин, секин гапирларинг!— деди Меҳри уларни огоҳлантириб ва олдинда кетмон, белкурак, паншаха, яна алланималар кўтариб, замбилғалтаклар ҳайдаб, ёв қувгандай югуришиб бораётган одамларга ишора қилди.— Марҳамат опам

ҳам кетяптилар, кўрдиларингми? Худди билиб қолсалар, тирақайлатиб ҳайдайдилар.

— Ҳайдасалар, сени ҳайдарлар-де,— деди Қўзибой катталик қилиб.

— Йўқ, йўқ, ҳаммангни ҳам!— деди жовиллаб Меҳри.— Ҳа, билмабсан, ҳали анув ерда бир тўда болаларни ҳайдаб юбордилар. «Ёмғирда юрмаларинг, шамоллаб қоласанлар» дедилар.

— Кичкина болалардир-да... Ҳамма кетяпти-ку. Хих де, тезроқ!— Қудрат Қўзибойни туртди ва ўзи қўлидаги этик билан эшакнинг биқинига ниқтади...

Колхоз саройи томонидан гумбурлаб юк машинаси келарди. Машина болаларнинг яқинига келганда секинлади. Кабинадан колхоз раиси Тожихон опанинг эркакча шахдам овози чиқди:

— Қайтларинг, болакайлар, қайтларинг!

— Жалада нима бор сенларга! Ҳамма қанақа ташвишда-ю, сенлар томоша пайида!— деди машина тепасидан Бобоқул ота. Унинг хаста овози жала шовиллашида, хум ичидан чиққандай, янада бўғилиброқ чиқди. У лиммо-лим қилиб босилган хода, тахта ва шох-шаббалар устида чакмонига бурканиб олган эди.

Машина ўтгач, болалар ҳам қадамларини тезлатишди. Улар ўз олдларида аллақандай қизиқарли бир нарса бордай ҳис этишмоқда эди.

Пахта даласининг юқорироғига ўтишган сари, бу қизиқиш ташвишга айлана борди. Хира ёмғир пардасидан тикилганда, қаричга келиб қолган яшил ғўза тупларини жала худди савағичда юнг савагандай қаттиқ савалаётганини кўриш мумкин эди, ғўзалар жала зарбидан бир томонга ёнбошлаб қолганди. Ғўзаларгина эмас, даладаги жамики тиккайган нарса: полизлардаги экинлар, дарахт ниҳолчалари ер бағирлашган, дўнгликдаги омонат чайланинг қамиш томи қийшайиб кетган эди... Қудрат қулоқчинини кўтариб қараса, баландроқдан бўрон вақти ўрмонда бўладигандек қаттиқ бир шовур-шувур эшитилди.

— Уни қаранглар! Уни қаранглар!..

Қиялама адирларни ошиб, туя ўркачларидай тўлқин уриб, сариқ аждаҳодай пишқириб кўпириб сел босиб келаетир. Селнинг олди канални ва ундан чиққан анҳорни тошириб юбораётир. Анҳорнинг ҳар ер-ҳар еридан тошиб чиқаётган малла сув қум-шағаллар орасидан ўзига йўл очиб ирмоқлар



ясаган, бу ирмоқлар илон изидай эгри-бугри бўлиб, пастга — пахтазор ва боғларга ёйилаётир.

— Бўлди, тушундим!

— А? Нимани?— деди Қўзибой Қудратга ўгирилиб.

— Дадамнинг гапларини. Ҳали ҳаво айниганида «бу айниқса Қўкоролга ёмон» девдилар-да... Уни қара!..— Шу дақиқа Қудратга сув дунёда энг ўжар, ярамас нарсдади кўриниб кетди. Жони борича икки қўлидаги этик билан эшакни «қамчи»лади. Шериклар катталарга яқинлашиб олди. Анҳорнинг тўғонлари олдида одамларнинг хира шарпалари уймалашар, улар орасидан:

— Ҳа, бўл!.. Чаққон, чаққон!..— деган ҳайқириқлар кўтарилиб турарди. Шу ҳайқириқ ичидан Қудрат дадасини ахтара бошлади. Умурзоқ ака машина, аравалардан ёғоч, тахта тушираётган одамлар тепасида кўринди. Лолахон — зуваласи пишиқ, йигитларча абжир қиз алланималар дея унга йиғламираб сўзляпти.

— Жигибийронинг чиқавергани билан фойдасиз, синглим. Сен неча йил звено бошлиғи бўлганинг билан, янги, дашт ерда биринчи йил бўлишинг-да, бунақанги ҳодисага биринчи дуч келишинг. Лекин эсанкирама. Бунақа ҳодисалар илгари ҳам бўлган. Хайриятки, гафлатда қолмасдан одамларни тез оёққа турғиза олдик. Энди тезлик билан селнинг йўлини тўсиб олсак бўлгани...

Умурзоқ ака сўзларкан, Қудратнинг кўзига дадаси ҳали уйда кўрганидан хотиржамроқ кўринди. Қудрат ҳайрон: ҳамманинг қовоғидан қор ёғилляпти-ю, нега дадаси унақамас-а?.. Йўқ, жўрттага қилаётганга ўхшайди. Аслида дадасининг юраги ҳамманикидан кўра ёмонроқ куймоқда эди. Ахир бу тошлоқ Қўкорол даштини экинзор қилгунча озмунча уриндими!.. Умурзоқ ака ҳозир одамларнинг ҳаяжонини бошиш учун ўзини аранг маҳкам тутиб турар, овозида қалтираш аломатини сездирмай, босиқлик билан сўзларди...

Унинг маслаҳати билан катта-кичик даҳналар ва қулоқлардан тошиб чиққан ортиқча сувни жарга — селхонага буриб юбориш чорасига киришилган эди. Болалар, бу қандай бўларкин дея бир-бирларига аграйишиб туришаркан, «Оқтой»нинг қўнғироғи катталарнинг диққатини ўзига тортди.

— Ия, ия, нима қилиб юрибсизлар, жиянлар? Сизларни ҳеч ким чақиргани йўқ-ку!— деди Умурзоқ ака ва Қудратнинг қўлидан плаш билан этикни олди, ҳўл бўлиб кетган

кителини ечиб плашни кийди.— Бекорга овора бўлибсан-да, ўғлим. Бўпти, энди жўнанглар.

— Ҳей болалар, ҳей Меҳри! Нима деб эдим ҳали!— Марҳаматнинг овози чиқди. У устига олча елимидай ялтироқ плаш ёпиниб олган, плаш устидан худди ойнани ювгандай шир-шир сув сидирилиб тушмоқда эди. У қўлига белкурак тутган эди.— Ўзларинг тоғдан чарчаб қайтган бўлсаларинг, бу ёқда жала қуйиб турган бўлса, нега келдиларинг, ахир?!

Болалар миқ этишмади.

— Ҳамма келибди-ку!— деди лаблари гезарган Қўзибой, гўё «ўзингиз-чи?» деган оҳангда.

— Ёмғирда турманглар бўлмасам, қайрағоч тагига ўтинглар! — деди энди қаттиқроқ қилиб Умурзоқ ака.

Кекса қайрағоч чайлани ва унинг чор атрофини ўз бағрига олиб, бўрон, селдан, қуёш қизиғидан каттакон соябондай сақлаб турарди. У шу қадар улкан эдики, агар унинг гумбазсимон доира шаклидаги қалин шохлари остига бутун колхоз одамлари тўпланса сиғиб кетгудай эди. Унинг қачон ўтқазилгани ва неча йил яшаганини ҳатто қишлоқнинг юз ёшдан ошган қариялари ҳам билишмасди. Бу ерларни текислаб экин майдонига айлантириш вақтида бир қанча тут, тол дарахтлари бошқа ерга кўчириб ўтқазилди. Баъзи кишилар қайрағочни ҳам кесиб ташлашни таклиф этишганда, Умурзоқ ака қарши турди:

— Бу дарахтни уч юз йилми, беш юз йилми бурун боболаримиз яхши ният билан ўтқазилган, вақтики келиб авлодларимиз бунинг соя-салқинида ором олсин дейишган. Келинглар, бу қайрағоч ўтмиш замонларнинг гувоҳи бўлиб тураверсин...

Кекса қайрағоч пахта мадонининг энг чеккасида бўлиб, от-улов, тракторларнинг юришига халал бермагани учун кесмай қолдиришди. Мана ҳозир бутун қишлоқни сел босиб кетяпти-ку, аммо кекса қайрағоч на чақмоқ, на момақалди-роқни, на дўл ва на селни писанд қилмай, мағрур қад керганча турибди. Фақат сел жуда авжига чиққандан кейингина қайрағоч одамлар, экинлар ҳолига ачингандай, атрофига дув-дув кўз ёши тўка бошлади... Кундузлар унинг бағридан одам аримасди, ҳозир эса ҳеч кимнинг у билан иши йўқ. Болалар ҳам унга бир қараб олишди-ю, лекин яқинига боришмади. Болаларни ҳайратда қолдириб, Аҳмаднинг овози чиқди:

— Ҳов болалар, бу ёққа! Бу ёққа!..

Аҳмад анҳор ёқасида, ҳамма ёғи лой, одамларга ўралишиб юрарди.

Анҳор тўлиб-тошиб оқмоқда, тахта ходалардан қилинган маҳкам тўғонни қўпориб ташлағудай шиддат билан қирғоққа урилиб, пастга отилмоқда. Одамлар ҳам бўш келишни истамай, аъзойи баданлари лойга қориганига парво қилмай, тиззаларидан сув кечиби юришибди, ўпирилган қирғоққа шох боғлаб, тош ва чим келтириб босишмоқда. Бу ерга юзлаб колхозчилар йиғилишган. Уларнинг қаторига янгидан янги одамлар келиб қўшилишмоқда. Болта, арра ва лом қўтариб моҳир дурадгор Ефим тоға, уста Шоқосимлар ҳам келишган эди. Улар тўғонларнинг тахта ва қозиқларини йўниб, миҳлаб, сим ўраб маҳкамлашар экан, уларга бетиним Бобоқул ота ва бақироқ Полвон оталар «ҳа-ҳа»лаб кўмаклашмоқдалар. Сувнинг шалдираши, одамларнинг ҳай-ҳанноси, кетмон, теша, белкурак ва замбилғалтакларнинг тарақатуруғи аралаш-қуралаш бўлиб кетди... Дашт дашт бўлгандан буён бунақанги бир ғалваю тўполонни кўрмаган бўлса керак!

Болалар ўз-ўзидан катталарнинг ишига аралашиб кетишган эди. Марҳамат ҳам уларни тергамай қўя қолди. Аҳмад дарров Қўзибойнинг пинжига кирди. Икковлари «Оқтой»даги хуржуннинг икки кўзини тўлдириб тош таший бошлашди. Қудрат уларга ёрдамга келди. «Оқтой» одамларга мадад бўлди. Шовқин-сурон орасидан Умурзоқ аканинг:

— Қани, шохдан, барака топкурлар! Қани, чимдан, оғайнилар! Қани, тошдан, жиянчалар! Ҳа, баракалла, баракалла!— деган овози янграб қоларди.

Бундан вақтлари чоғ бўлиб, болалар қизишиб кетишди, кийимлари шалаббо бўлиб, қўл-оёқлари увишгани билан ишлари бўлмай қолди. Энди тошларни хуржунда ва этакда ташиб етказишга ҳам сабрлари чидамади, худди мактаб қурилишидаги ғиштчиларга ўхшаб қўлдан-қўлга ирғита бошлашди. Қўзибой ҳар тош илган ва ирғитганда гимнастикачилардай енгил гавдаси билан бир ирғиб тушар ва бу қилиғидан ўзи завқланиб куларди. Қудрат ҳам унга тақлид қилди-ю, шошилиб панд еб қолди. Қўзибойнинг бемўлжал отган тошини сакраб иламан деган ерида шақ этиб тушириб юборди. Лўмбоздай ғилдирак тош думалаб бориб ўнг оёғи тўпиғига қарс этиб урилди... Буни ғала-ғовурда Қўзибойдан бўлак ҳеч ким пайқамади. Қудрат оёғининг оғриғини сездирмасликка

тиришиб, қайрағоч тагига ҳакачаклаб борди. Қўзибой кўр-қиб кетди:

— Ёмон тегдими?— деди айбдорча бўшашиб.— Мен... билмасдан, анақа...

— Сенда айб йўқ...

— Энди нима қиламиз, ўртоқ?

— Ишингга боравер... Бировга айтма!

Қўзибой шумшайиб турган «Оқтой»ни етаклаб келтирди.

— Бунга миниб олиб, уйингга кетавер.

— Йўқ... билиб қолишади.

— Вой, нима бўлди? Нега ўтирибсан, Қудрат?— деди чо-либ келган Меҳри.

— Узим...— Қудрат Меҳридан бекитиш иложини то-полмади ва воқеани айта қолди.— Лекин ҳеч кимга бил-дирма!

— Ҳа, майли. Қани...— Меҳри докторга ўхшаб Қудрат-нинг тўпигини силаб кўрди.— Шишибди-ку! Опамнинг ап-текасида бир дори бор...

— Йўқ, йўқ, опангга айтма!..

— Вой, қизиқсан-а... Ҳа, майли,— Меҳри кўнган бўлди.

Атрофда тақир-туқур пасайиб, бирдан қувончли овозлар кўтарилди.

Қичқириқлар орасидан Умурзоқ аканинг:

— Ҳорманглар энди, оғайнилар! Ҳорманглар энди, шов-возлар!— деган овози келди. Унинг янгроқ овозида мамнун-лик оҳанги сезилиб турарди.— Мана, кўплашиб селнинг йўлини тўсдик. Ғўзамизни офатдан сақлаб қолдик! Ҳамман-гизга раҳмат!

Болаларнинг кўнгли яйраб, шодликдан қичқиришган ҳол-да, кийимларини сиқишди ва катталар кетидан кетишди. Қудрат билан Қўзибой «Оқтой»га мингашиб, «туя кўрдинг-ми — йўқ» деб жўнашди. Бугун ҳамма болалар ўйнаб-кулиб, зир қувишиб чарчашган бўлса, Қудратни кўпроқ натижасиз сарсонлик ва кучли ҳаяжон толиқтирган эди... Қудрат ўз хаёли билан банд бўлиб, Қўзибой эса Қудратнинг оёғига тош тушириб юборганидан кўнгли хижил бўлиб, индамай бори-шарди.

Қаттиқ тақир-туқур уларнинг хаёлини бузди. Арава, ма-шиналар бўш кетяпти. Одамлар очиқ машинада шамоллаб қолишдан кўрқибми, пиёда чақчақлашиб кетишни маъқул кўришган. Ана сўнгги автомобилни ҳайдаб Умурзоқ ака ўт-ди. Унинг рулни эркин бураб бораётганини кўриб Қўзибой:

— Дадангга қойилман, шоферлардан қолишмайди-я!— деб қўйди.

— Аввал тракторчилик ҳам қилганлар-да!— Қудратнинг гурурлангани овозидан билиниб турарди.

Болалар уйга етишганда осмондан сўнги томчилар тушиб бўлиб, чақмоқ ҳам таққа тўхтаган эди. Енгил шабада елкандай сузиб юрган булутларни тоғ орқасига қува бошлаган, кўкнинг Булоққовуз сувидай тип-тиниқ қисмида юлдузлар йилтирай бошлаган эди.

## Е т т и н ч и б о б

...Офтоб чиқди оламга,  
Югуриб бордим холамга...

Болалар бугун ҳавонинг чарақлаб очилганидан хурсандлар... Кун исиб кетди. Ҳар қадамда ҳалқоб бўлиб ётган кўлмаклар ерга сингиб, ариқлардаги лойқалар тина бошлади. Қуёш таптида кўкатлардан, ердан билинар-билинемас ҳовур кўтарилмоқда. Қирлар, дарахтлар, далалар — ҳамма ёқ баҳор ҳавосига чўмгандай тип-тиниқ. Дарахтма-дарахт, томма-том учиб-қўнган чўмчуқлар, қалдирғочлар маст бўлиб чуғурлашга тушдилар. Кичкинтойлар жуда яйрашиб қолди. Фақат Бобоқул отанинг қовоғи солиқ. Ота йўл ёқасидаги қийшайиб қолган ёш ўрик, олма тупларини тўғрилаб қўймоқда, ўпирилган ариқ четларини кетмон билан текисламоқда эди. У оппоқ, узун киприклари орасида ялтираган қисик кўзларини болаларга тикди.

— Қантак ўрикни яхши кўрасанлар-а? Қизил олмани ҳам-а?

— Бўлмасам-чи!— дейишди ажабланиб болалар.

— Шунақа бўлса,— деди чол болаларга норозилик билан,— мева дарахтларини эҳтиёт сақлаш керак-да!

— Биз текканимиз йўқ-ку, ота!— деди болалардан бири чолнинг танбеҳини қаттиқ олиб.

— Ўзинг тегсанг ҳисобми, чироғим!— Чол қизишди.— Ҳайвон тегдими бунга, ё бўрон, сел урдими, ишқилиб кўрдинги, дарахт зарарланган, дарров қарашинг керак-да. Бобоқул отангни мингта кўзи йўқки, ҳамма нарсани кўриб улгурса!

Бу чол болаларни қаерда кўрса, шўхлик ва тўполонлари учун койиб берар, баъзан темир ҳассасини ўқталиб тириқти-

рарди. Шунга қарамай, болалар ундан безмасдилар. Унинг, ҳассасини орқа белига кўндаланг олиб букчайганча бедана юриш қилиши, қисик кўзларини одамга муғамбирона тикиши, дағалроқ бўлса ҳам очикчасига, самимий муомала қилиши болаларни ўзига тортарди. Битта Раҳим, маълум сабабга кўра, унинг олдига келмай қўйган эди. Чунки бир куни чолнинг занг урадиган темир ҳассаси бирдан йўқолибди. Қидирармиш-қидирармиш — йўқ. Ҳассаси излаб юрса, қўқисдан занг жаранглаб қолибди-ку... «Ҳой-ҳой, ким у?»— дея югуриб борса, Раҳим чалиб ётганмиш. «Бу нима қилганинг! Бутун қишлоқни ғафлатда қолдираёздинг-ку, тирмизак!» деса, Раҳим пинагини бузмай: «Одамлар аллақачон далага чиққан. Сизни бир синаб кўрай дедим-да», деб ишшайрмиш. Чол: «Нимамни синайсан, хўп синалиб бўлганман», деб уришиб берибди. Уша-ўша Раҳимни ёмон кўради. Ҳар дуч келганда: «Ҳа, найрангбоз», деб ҳассасини маҳкамроқ қисимлайди...

Кечадан бери чап бериб юрган Аҳмад ҳозир яна келиб отага кўрқа-писа «салом» деди. Бобоқул ота бир хўмрайиб қўйди. Қўзибой ҳозир Қудратникига кетаётган бўлса ҳам, чолнинг олдида гапга тутилиб қолди. Чол яна бир нима демоқчи бўлиб турган эди, сой томондан кетма-кет учта автомобиль, ундан сўнг аравалар ўтиб қолди. Бу машина, араваларга тирбанд қилиб гўнг, сариқ қоғоз қопларда ҳар хил ўғитлар, дори пурковчи машиналар, яна аллақандай қақир-қуқурлар ортилган эди. Энг кейинги аравада Ефим тоға ва у билан бирга уста Шоқосим ўтиб кетишди.

— Ухў, бутун эшелон-ку! Нега мунча кўп-а, ота?

— Хабарларинг йўқми? Соё устидаги кўприк бузилиб, булар кўприкнинг нари ёғида тизилишиб қолган эди. Энди кўприкни тузатиб ўтиб келишяпти.

— Нима қилиб бузилган, ота?— деди Қўзибой.

— Нима қилиб бўларди! Кечаги селнинг иши-да. Соё тўлиб-тошган, кўприкнинг омонатроқ ёғочларини оқизиб кетган. Ахир унақа-мунақа сел бўлгани йўқ-да. Ҳамма ёқни алғов-далғов қилиб ташлади, колхозчиларга катта ташвиш орттирди, далани қатқалоқ босиб, гўза парвариши кўп қийинлашиб кетди... Хайриятки,— деди чол сел ҳақидаги сўзини давом этдириб,— колхозимиз йириклашиб, бели бақувват бўлиб қолди. Бўлмаса бунақа офатга унча-мунча куч бас келармиди... Эсимдан чиқмайди, пошшо замони эди.— Ота саргузаштга киришиб кетди.— Товуқнинг катагидай ер би-

лан битта қари ҳўкизим бор эди. Ушанда қаттиқ сел келган. Олдин жала қўйиб, кети дўлга айланган эди. Дарахт, экинларни шипшийдам қилган, сел бутун қишлоқни яксон қилган десам ишонавер!

— Ҳўкизингиз нима бўлган, ота?

— Ҳўкиздан ажралиб қолганман. Нима қилиб дейсанми?— Чол ҳассасининг учи билан каналнинг нари ёғидаги тоққа туташиб кетган адирга ишора қилди.— Уша адир ёқасида харсанг тошлардан тиклаб устига қамиш босган кулбам бўларди. Тўсатдан тоғ томонда қора булут кўтарилиб, ҳаво қаттиқ гулдуради. Қарасам, терак бўйи баланд кўтарилиб сел келиб қолди, кулбамни, ҳўкизимни ҳам олиб кетди... Кейин бойга ёрдам сўраб борсам, юзини тескари ўғирди. Эскиларда: деҳқоннинг уйи куйса куйсин, ҳўкизи ўлмасин, деган мақол бор. Ҳўкиздан ажраб қўлсиз-оёқсиз бўлиб қолдим. Кейин бойга хизматкор тушдим...

Чолнинг кўзида ёш қайнаб кетди.

— Ҳа, ота, ҳўкизга ачиняпсизми?

— Йўқ...— Ота ўкиниб бошини чайқади ва сертомир панжаси билан ёшини артди.— Ҳўкизга-ку ачинмайман. Шўкур, энди ўрни тўлиб кетган. Фақат шўрлик кампиримга ачинаман... ажалидан бурун кетган...— Чолнинг серсоқол ияклари қалтираб кетди.

— Мен сизларга айтсам,— деди Бобоқул ота ўзини тутиб олиб.— Илгари фақат селдан эмас, қурғоқчилик офатидан ҳам одамлар қириларди, экинлар нобуд бўларди. Ҳозир-чи... Энди сел ҳам, бўрон ҳам, қурғоқчилик ҳам қўрқинч эмас. Барига даво топилган!..

Бобоқул отанинг сўнгги сўзлари болаларга ҳеч изоҳсиз англашилди. Чол «даво» деб кўпчиликнинг кучини, каналларни, даштни иҳота қилиб экилган дарахтзорларни, электр ва машиналарни айтган эди...

— Ҳўш, шунча гап сотганимиз ҳам етар-а?— деди пировардида чол ва диққатлигини ёзиш учунми, белига қистириб юрган чиройли носқовоқчадан бир чимдим носни кафтига солиб, тили тагига отди, сўнг кетмонни қўлига олди-да, «ш» ўрнига «с» ишлатиб деди.— Бир ис бор, хасар қилисанларми?

— Ҳа, қани айтинг...

— Агар қуртхонадан тут новдалари келтирсаларинг, қизиқ нарса ясардик-да.

— Қанақа нарса, ота?

— «Уч оёқ»лар ясаб кўчадаги дарахтларга кийгизамиз, тусундиларингми? Бу исда бизга уста Ефим ҳам ёрдам бермоқчи бўлди.

— «Уч оёқ» қанақа бўлади, ота?

— Нима десам экан... қалқон-да, қалқон!

— Ия, дарахтда қалқон нима қилсин?

— Дарахтни молдан, бўрондан, қолаверса, сизлардан сақлайди...

Болалар ҳам тушунишиб етишмади-ю, ҳар ҳолда бу қизиқ нарса эканлигини билиб, ипак қурти боқувчи хонадонларга югуришиб кетишди. Қўзибой ҳам Хадича аяниқидан новда келтирмоқчи бўлиб, Аҳмадга қаради.

— Юр, бирга борамиз!

— Узинг боравер,— деди Аҳмад,— мен бошқа жойдан топаман.

Бобоқул ота Қўзибойни тўхтатди:

— Сен, болакай, қайтишда анави каптарбоз болани ҳам олдингга солиб келгин. Қудратни ҳам...

— Нима исингиз бор уларда, ота?— деди жўрттага Қўзибой.

— Ҳа, найранбоз!— деди ота ва носни туфлаб ташлаб «ш»ни тўғрилаб гапирди.

— Ишим кўп... Хабаринг йўқми, кун-уззукун отни сарсон қилган ўша тирмизаклар экан. Устига-устак жониворнинг қулогини яра қилиб келишибди. Ана ўртоғингни аҳволи...

Қўзибой елкасини қисиб ағрайганча қолди.

— Қанақа от? Нима учун?..

— Боравер... кейин биласан.

Қўзибой бу янгиликнинг тагига етолмай, йўл-йўлакай ўйлашиб, мияси гангиб кетди. «Раҳимга нима деб айтаман-а?.. Уртада даллолмисан деймайдими!»— Қўзибой ёқимсиз гапларни ҳеч эшитгиси келмас, ўзи ҳам фақат хушxabар етказишнинггина яхши кўрарди. «Қудратга қанақа қилиб айтаман. Ўзи бечора оёғи унақа...»

\* \* \*

Қудрат кечаги машмашалардан сўнг қаттиқ ҳориб узоқ ухлаган, эрталаб қушдай енгил тортиб турган эди. Ҳовлида жаладан кейинги манзара бошқача: дарахтларнинг яшиллиги яна ортган, уларнинг хийлагина эгилиб қолган сербарг шохлари худди ҳозиргина ҳовузга шўнғиб чиққандай бе-



ғубор. Япроқлар мош ранг беқасам каби товланар, улардан эрталабки шабадада дув-дув тўкилаётган томчилар қуёш нурида марварид доналаридай йилтирарди. Ҳамма ёқдан кўкат ислари гуркураб келарди. Қудрат кўкрагини тўлдириб-тўлдириб нафас олди-да, бетини ювгани ҳовузчага борди ва ундаги манзарани кўриб кўнгли ғаш тортди. Ҳовузча лабида танга балиқчалар сулайишиб, товуқларга ем бўлиб ётарди. Бу ҳам кечаги жаланинг иши: ҳовузча тўлиб-тошган-да, балиқчалар чиқиб кетган. Раъно балиқчаларни тишлаб қочган товуқларни:

— Ҳа, жиғилдонинг тешилтурлар. Ҳамма ёқни булғатганинг-булғатган, тагин балиқчаларга кўз олайтирдингми!— деб қақолатиб қувиб юрибди.

Қудрат кўчага чиқмоқчи бўлди-ю, оёғи эсига тушди. У хиёлгина оқсоқланарди. Кўчага чиқса, одамлар суриштиради. Сабабини айтса «ва-а, лалайган экансан-ку, арзимаган ишни ҳам удалолмабсан», деб кулишлари мумкин... Қудрат иккиланиб турганда Қўзибой кирди.

У келишга келди-ю, сўзни нимадан бошлашини билмай, дудуқланди:

— Ҳалиги... анақа... Оёғингга-чи, йод қўйсанг яхши бўлар экан...

Раъно гапга аралашди:

— Кеча Меҳри опам тузатиб кетганла. Кампирис қилиб...

— Шунга шунча ваҳмами!— деди Қудрат ва ҳовлида у ёқдан-бу ёққа юриб кўрсатди.

— Тузук-ку! Кўчага чиқсанг билинмас... Эҳ, Қудрат, янгилеклардан қолдинг...— Қўзибой бугун кўрган-билганларидан узундан-узоқ «сўнги ахборот» бера кетди.

— Уни-муни қўй-чи,— деди Қудрат.— Раҳимни кўрдингми?

— Йўқ, ўзингнинг ён қўшининг-ку?

— Кечадан бери кўрингани йўқ. Ҳозир уйдамикин-а?..

Раҳимлар уйи тепасидан бедананинг: «ва-вақ, пит-пилиқ» деб сайрагани эшитилди.

— Яхши сайраркан-а!— деди астойдил қулоқ солган Қўзибой.— Дадам шунақа сайроқисидан топмоқчилар.. Юр, Раҳимникига чиқамиз!

Қўзибой Раҳимларникидан тут новдаси олиши кераклигини, Раҳимни Бобоқул ота чақираётганини айта қолди. Бироқ, Қудратни ҳам чақирганлигини айтолмади.

— Бўлмаса аввал ўзинг бир хабар ол-чи, уйдамикин...

Қўзибой чиқиб кетди. Сал ўтгач, Марҳамат кириб келди.  
— Ҳаммадан яширсанг ҳам мендан яширмасанг бўлади,— деди маъноли кулиб Марҳамат.— Қани оёғинг, юриб кўр-чи!.. Ва-а, шунга кўрқиб ўтирибсанми? Қўчада болалар қизиқ иш қилишяпти Бобоқул ота билан. Чиқсанг кўрасан.

Марҳаматнинг фақат шу гапни айтгани келмаганини Қудрат сезиб турарди. Марҳамат ҳовлидаги мевалар, экинларни кўздан кечириб юриб, гапни узоқдан айлантириб келди. Тоғдаги воқеага етганда Қудратнинг кўзлари бежо бўлиб, турқи ўзгарди.

— Мен сени яхши биламан, укажон!— Марҳамат ўзини жуда яқин олиб гапирарди.— Тўғри сўз, виждонли боласан. Аммо Раҳимнинг сирини била туриб бекитганингга ҳайронман. Ён қўшнингни хафа қилгинг келмаяптими? Даданг билан Лолахоннинг айтишларича, отни Раҳим миниб кетган экан. У нега отни ёлғиз ташлаб кетди-ю, от сенга ўтиб қолди? Шунга тушунолмадик.

— Сизга айтувдим-ку,— деди Қудрат димоғида.

— Отни тоғда тутиб олдим, дединг-а?.. Ахир, қандай қилиб от ўзидан-ўзи тоққа бориб қолсин?.. Ҳа, тагин отнинг қулоғи яралангани қизиқ! Бу нимадан бўлди?

Бу кутилмаган саволдан гарангсиб қолди Қудрат.

— Мен кўрмабман, опа!

— Ростдан-а?.. Менга бор гапни айтмаяпсан. Билдим дедим — тутилдим, билмадим дедим — қутулдим. Шундайми?

Қудрат от воқеасининг бунчалик жиддийлашиб кетишини сира-сира ўйламаган экан. Ҳозир унинг тили қичиб келди. Юраги типирчилаб, бор гапни очиб солгиси келди-ю, яна Хадича аянинг қайта-қайта қилган илтимоси эсига тушди. «Айтсам чақимчилик бўлмасмикин?..» Ахир, онаси ўрнига онадай ғамхўрлик қилиб турган кишини қандай қилиб хафа қила олади!.. Лекин уларни хафа қилмай деса-чи, бу ёқда меҳрибон вожатийсини шунчалик диққат қилиб кўяяпти. Фақат вожатий олдидагина эмас, дадаси олдида, бошқалар олдида ҳам тўғридан-тўғри ёлғончилик қиляпти. Ахир, бу умрида қилмаган қилиғи-ку. «Ҳамма ишни Раҳим қилди-да. Раҳим деб энди шарманда бўладиган бўлдим...» Қудрат иложсиз аҳволга тушди.

— Мен сеникига атайлаб гаплашгани келганимнинг сабаби бор, Қудратжон. Бу воқеа раис опанинг қулоғига етибди. У: «Болаларингни тийиб қўй, колхоз ишига ёрдам бериш ўр-

нига ўзбошимчалик қилиб зарар беришяпти», деди. Бу гапга мен чидаб туrolмадим. Раҳимнинг ўзини топиб гаплашай десам, тутқич бермаяпти. Ҳозир ҳам уйига бориб чақирдим, ҳеч зoғ йўқ. Сен кўрмадингми?.. Хабар олмабсан-да...

Эшикдан Қўзибой сайраб кирди:

— Қизиқ экан-а!.. Эшигини ичидан тамбалаб олибди. Оч десам, очмайди. Новда керак десам, ўзимизга керак, помидори бойлаймиз, дейди. Қизганчиқ!

— Тўхта, тўхта, кимни айтяпсан?— Марҳамат дарахтлар орасидан чиқиб келди.

Қўзибой уни кўрибоқ довдираб қолди:

— Анақа... Раҳим...

— Ўзини кўрмадингми?

— Эшик орқасидан гапирди-да.

— Шунақами?— Марҳамат ажабланиб ташқарига йўналди.— Сени у ёқда Бобоқул ота кутиб турибди.— Қўзибой кетгач, Қудратга деди.— Бу гапларни ўйлаб кўр, укажон. Мен сени кутаман...

## С а к к и з и н ч и б о б

Марҳамат Раҳимларнинг эшигини бир-икки қоқди, жавоб бўлмади. Аммо боғнинг ичкарасидан бир боланинг «Тарзан! Тарзан!.. Ҳа, бос!» дегани эшитилди. «Нима қилаётган экан...»

Марҳамат аста ҳовлининг орқасига — томорқа томонга ўтди. Дарахт ва жўхорилар панасига ўзини олиб, боққа тикилди... Боғ устида оқ, кўк каптарлар ўйнардди. Боғнинг кўм-кўк беда, помидор ва резаворлар ўсган ерида эса, бир бола айиқдай ҳурпайган оқ итни югуртирмоқда. Боланинг қўлида мусичами, қарқуноқми — бир қуш бор. Бола итнинг кўзини чалғита туриб, «қуш»ни бедазорга иргитди. «Тарзан, Тарзан! Ҳа, бос!» дея қичқирди. «Тарзан» думини ликиллайтиб югурди-да, кўкатлар орасини қидира-қидира, «қуш»ни топди-ю, унга тегмай, яна думини ликиллайтиб қайта бошлади. Бола уни кесак отиб ҳайдади:

— Ҳе, миянғ қурсин! Олиб кел уни, олиб кел менга!

У, боши аралаш иягидан ўтқазиб рўмол боғлаб олган Раҳим эди. Марҳамат уни чақирмоқчи бўлиб турувди, кўчанинғ ёнбош томонидан Хадича аянинг:

— Раҳим-у, ҳой Раҳимжон! Келиб кўтаришворсанг-чи, бошим тешилиб кетай деди!— деган овози келди. Ҳадича ая бошига каттагина бир боғ тут барги қўйганича ҳарсиллаб келмоқда эди. Марҳамат унинг бошидан бир боғ баргни тушириб, новданинг кесилган тарафини ерга тираб тик қўйди. Шапалоқ-шапалоқ қалин кўк барглар чип-чип этиб, улардан ҳали қуриб битмаган шудринг тупроққа чак-чак тўкилиб турарди.

— Вой, аяжон-ей, баргни ҳам ўзингиз кесасизми-я!

— Ҳа, нима қилай, холанг ўргилсин. Қуртларим учинчи даҳага кирган, шошириб қўйишди мени!

— Тайёр дастёрингиз бор-ку, ахир!

— Бо-о, дастёрим тушмасин. Гўдак-ку. Уйиндан бўшармиди...— деди ҳарсиллаб, Ҳадича ая.

— Раҳимингиз энди гўдак эмас, аяжон. Оз-оздан бўлса ҳам ташиб келса кучи етади.

— Қани энди боқиша қолса... Ана, ўзидан сўрай қол.

Раҳим Марҳаматнинг шарпасини сезиб, дарахтлар панасига бекинмоқчи бўлган эди, «Тарзан» ҳуриб, уни сездириб қўйди. Марҳаматдан яширинишнинг иложини топмай ва унинг олдида ўзини кўрсатгиси келиб югуриб чиқди-да, тут баргига ёпишди. У бетига боғланган латтани ечиб, қайгадир улоқтирган эди. Шишиб қизариб ётган лунжини яшириш учунми, бошини ҳадеб чапга қийшайтирарди.

— Саломингни ҳам еб қўйдингми, ўғлим?

— Майли, тўхта, Раҳим, икковимиз кўтарамиз,— деди Марҳамат барг бойламининг бир чеккасидан тутиб. Уни кўтаришиб, оппоқ оқланган қуртхонага киришди. Тахталардан ясалган икки қават сўриларда чақалоқ бармоғидай келади-ган, сон-саноқсиз ола-була қуртлар шамолдай виш-виш овоз чиқариб, сўнгги баргларни шипиришмоқда эди. Марҳамат Ҳадича аяга қарашиб, янги баргларни сўриларга ёйишди. Раҳим нима қиларини билмай, олазарак бўлиб турарди. Ташқарига чиқишди. Марҳамат Раҳимдаги ўнғайсизликни йўқотиш учун ўзини парвосиз тутиб:— Ойингга қарашмас экансан-да, Раҳимжон?— деб қўйди.

— Ўзлари буюрмайдилар-ку,— деди Раҳим бадтар қизариб.— У аслида онасини «сан»сираб гапирса ҳам, ҳозир жўрттага «сиз»сираганидан Ҳадича аянинг гаши келди, «ҳа, муғамбир» деб кўз қирини ташлаб қўйди.

— Қасал деб сийлаб турибман-да, опаси,— деди Ҳадича ая мулоиймлиқ билан.

— Қани, бери кел-чи, бетингга нима қилди? Саёҳатга ҳам бормадинг-а?

— От йиқитди,— деди қовоғаридай гўнғиллаб Раҳим.

— А?..— деди кулгиси қистаб Марҳамат.— Сени чавандоз деб эшитардим-ку? Қаерда йиқитди?

— Ана шу...— тутилиқиради Раҳим,— далада...

— Шошма-чи, яйловга бораман деган экансан-ку? Бормадингми? Нечук?

— От олиб қочди... Бўриданми, бир нимадан ҳуркиб...

— А? Кўкоролда-я, яна кўппа-кундузи-я? Тавба Шунча вақтдан бери ҳеч кимга учрамаган бўри сенга учрабди-да?— Марҳаматнинг шубҳаси ошаверди.— Ана, борди-ю, от олиб қочган бўлса, нега дарров Лолахонга хабар бермадинг? Унга дарров келаман, деган экансан-ку?

— Юзим оғриб кетди-да...

— Болам бечоранинг юзи ёмон зарб ебди... Кеча келсам, каравотида чойшапга бурканиб ётибди...— деди ачиниб Хадича ая.

Марҳамат Раҳимга ҳамон синовчан назар билан тикилган, Раҳим эса оғзига толқон солгандай жим, бутун важоҳатидан ёлғонлаётгани сезилиб турарди.

— Агар сен Кўкоролдан четга чиқмаган бўлсанг, саман тоққа нечук бориб қолди?.. Ҳа, яширибсан-а, Раҳимжон? Мана аянгни олдида тўғриси айтивер.

Раҳим Марҳаматни нима деб чалғитишини билмай турарди. «Тарзан» ҳалиги «қуш»ни тишлаб келди-да, Раҳимнинг этагига суйкалиб эркаланди. Марҳамат бу «қуш»нинг малла ранг пўстакдан ичига сомон тиқиб ясалган қўғирчоқ қуш эканини кўриб, кулиб юборди. Раҳимга жон кирди.

— Бунга ўзим ясадим!— деди керилиб Раҳим ва чўнтагидан қанд чиқариб «Тарзан»ни «мукофот»лади: «Тарзан» қандни курсиллатганича, қулоғини диккайтириб, кўзларини ола-кула қилиб тураркан, Раҳим «қуш»ни яна бедазорга отиб, ўзи ҳам ит кетидан югургилаб кетди...

— Уйинқароқ... Ит тинса тинади, қуш тинса тинади, бу тинмайди. Паррандага ўч. Ҳали қарқуноқ тутиб келади, ҳали бедана. Бобосини удумини қилиб, овчи бўламан дейди. Мундоғ болаларга ўхшаб ишга қайишмайди!— деди Хадича ая шикоятланиб ва хонтахтага дастурхон ёзди. Жиззали нон билан сопол товоқда қаймоқ келтириб қўйди.

— Овора бўлманг, аяжон... Болани қўйиб берсангиз, нималарни қилмайди.

— Тўғри, тўғри,— деди хўрсиниб Хадича ая.— Нима қилай, аянг ўргилсин, бешта туғиб биттага эга бўлиб ўтирибман. Дадаси бўлса, урушда...— Хадича аянинг ияги қалтиради.— Ундан битта ёдгорлигим... Етимлиги билинмасин, ўксинмасин дейман... Қарғасам тилим куяди.

— Қарғашнинг ҳеч кераги йўқ,— деди Марҳамат ва тагин қаттиқ ботмасин деб эҳтиётлик билан сўзлай кетди.— Лекин бунақа талтайтириш ҳам яхшимас-да. Ахир, бебош бўлиб кетса, ўзингизни ҳам куйдиради, бошқаларни ҳам...

— Раҳимдан ҳам ўтган,— деди у гапни бошқа ёққа буриб,— лекин, ҳамроҳлари уни хафа қилиб кетишгани чакки бўпти-да. Бирга олиб кетишганда шу аҳволга тушмасмиди дейман...

— Ўртоқларидан ўпкалаб бўлмайди, аяжон... Буни ҳеч хафа қилишгани йўқ, ҳаммасидан хабарим бор. Раҳимнинг ўзи ўжарлик қилиб, улардан ажралиб қолди.— Марҳамат саёҳатга бориш воқеасини бирма-бир айтиб берди. Улар Раҳимнинг ўзидан гап сўрамоқчи бўлиб ҳовлига кўз югуртиришса, Раҳим кўринмади. Буларнинг кўзини шамғалат қилиб қаёққадир жўнаган эди. Марҳаматнинг аччиғи қистади.— Қўрмайсизми, менга ҳам чап беради. Раҳимнинг бунчалигини билмаган эдим...

Хадича ая қаттиқ хижолат чекди. Энди ўғлининг ёнини оларли бирон сўз тополмай, арзи ҳолга ўтди:

— Нима қилсам экан буни билмайман? Ўзинг кўриб турибсан, бошимда ишим кўп. Бу ёқда қурт боқишим, кундузи даладагиларга овқат пиширишим керак. Яна бир чеккаси қўшничилик, бир чеккаси сенинг сазанг ўлмасин деб Умурзоқнинг гўдакларига қарашиб турибман. Ҳаммаси ҳам майлидиди-я, Раҳимнинг ғалваси ортиқча бўляпти. Битта бўлсам биракай чиқди... Ўзинг бир йўлга солмасанг бўлмайди-ганга ўхшайди.

— Сиз ҳадеб ёнини олавермай, бизга қўйиб берсангиз бўлгани.

— Майли, билганингни қил,— деди бўшашиб Хадича ая. Унинг лоҳас тортганини кўриб, Марҳамат ортиқча гапни айлантормади. Кета туриб, уни хотиржам қилди.

— Бўпти, аяжон, яна гаплашамиз. Сизга ёрдамлашмасак бўлмас экан.

Хадича аянинг чеҳраси очилди. Гулхонага кириб, рангбаранг гуллардан дасталаб Марҳаматга узатди.

— Шундай қил, оппоқ қизим, тез-тез кириб тур...— Хадича ая Марҳаматни ташқаригача кузатиб қўйди.

Қайси бурчакдадир бекиниб гап пойлаб ётган Раҳим «Тарзани эргаштириб чиқиб қолди.

— Қаёққа гоийб бўлдинг, баттол!— деди қайтиб кирган Хадича ая.— Нега дамнинг чиқмайди? Онангни хижолатга қўйдинг-ку, ахир. Шундоқ меҳрибон опанг бор экан, сени одам деб йўқлаб келган экан, нега юзига оёқ тирадинг. Очигига кўчиб, уэр сўрай қолсанг бўлмасмиди! Қачонгача ёнингни олиб, ҳамманинг олдида хижолат чекаман. Бўлди энди, бола, мени орқа қилаверма. Қадамнингни билиб бос... Югур ҳозир, Марҳамат опангга ростини айтиб бер.

— Нимани айтгардим?— деди тўрсайиб Раҳим.

— Хомтама бўлма, муғамбир, бу сирни яшириб кетолмайсан. Сен айтмаганинг билан Қудрат айтади.

— Нимани айтарди?

— Менга айтганларини...

Онасининг маънодор қарашларидан бир нима уққандай, Раҳимнинг ўтакаси ёрилди.

— Сенга нима деган эди?

— Кеча тобинг қочиб тургани учун Қудратдан эшитганларимни ичимга ютдим. Ҳа, энди ўзинг айта қол... Ҳали ҳам айтмайсанми? Менга-я?.. Сен отни миниб тоғ яйловга — бобонг томонга боргансан. Тўғрими?.. Ҳа, деявер. Уша ерда нима ҳам бўлиб отни йўқотгансан-да, ўзинг шу аҳволга тушиб келгансан. Яна анигини бобонгдан сўраб оламан ҳали...

Раҳимнинг ранги қув ўчиб, фик этмай қолди... «Қудрат қаёқдан билибди-а бу воқеани? Яйловда нима қилади у? Бувисиникига кетган эди-ку? Ёки аям ўсмоқчилаётганмикин-а?..» Энди унинг юрагига ғулғула тушди. Кенг ҳовлиси шу топда унга торлик қилгандай бўлди. Кечадан бери бўлган воқеаларни бир-бир кўз олдига келтирди...

Раҳим ҳозироқ Қудратни топиб гаплашмоқчи бўлди-да, кўчага чиқди...

## Т ў қ қ и з и н ч и б о б

«Оқтой»га бир қучоқ тут новдаси ортган, карвонларча дўппини чаккага қўндирган Қўзибой қўшиқ айтиб ўтиб борарди. Раҳим:

— Қўзи! Ҳой Қўзи, тўхта!— деб уни аранг тўхтатди.

Қўзибой:— Ҳа, нима ишинг бор?

Раҳим:— Қаёққа кетяпсан?

Қўзибой:— Мактабга... Анақа... «Қалқон» ясаепмиз...

Раҳим:— Тўхта, тўхта, қанақа қалқон? Нима тутишга?

Қўзибой:— Борсанг биласан. Сичқондай ковакда ётиб нимани биласан! Чуҳ!..

Раҳим:— Тўхта, тўхта, оғайни. Новдани қаердан олдинг?

Қўзибой:— Чакана гапга қулоқ йўқ. «Иш» кечикади, Бобокул отам уришади. Ўзинг бор, чақиряптилар. Чуҳ, жонивор!..

Қўзибой кетди. Раҳим ундан тузукроқ маълумот ололмай, доғда қолди. «Сичқондай ковакда ётиб» деган гап энди унга кор қилди.

Қудратларнинг эшигида, ариқ бўйида Раъно кичкинтой болалар билан хомбопиш ўйнаб ўтирарди.

— Аканг уйдами, Раъно?

— Ҳу, аниёқда,— деди Раъно лойли қўли билан почта ва мактаб томонини кўрсатиб,— хат ташлагани кетди...

Раҳимнинг кўзига узоқда майда дарахтларни қуршаб турган бир тўда бола чалинди, қандайдир темир асбоблар йилтиради. «Ҳаммаси ўша ёқда. Қизиқ нарса қилишаётганга ўхшайди-да! Эҳ, битта мен қолибман...» Раҳимнинг қалби каптар боласидай типирчилаб ўшоққа талпинди-ю, оёғи торта қолмади. «Борсам, болалар жағимни кўриб, «қутлуғ бўлсин» деб кулишса... Ҳойнаҳой Аҳмад кўрса, «ҳорма, қаҳрамонлик кўрсатиб келдингми» деб калака қилар... Ҳали Қудрат бориб, ҳамма гапни ёйиб юборган бўлса-я! Йўғ-е, Қудрат қаёқдан биледи. Билганда ҳам ёярмиди. Яқин қўшни, ўртоқ бўла туриб-а.... Ҳа, Бобокул ота нега чақирдийкин-а? Тагин бутун айб сенда экан деб, мени Лолахонга судраб борса-я! Чатоқ чол, судраса судрайверади!..»

Раҳим шалвираб уйига кириб кетаётган эди, Раънонинг:

— Қудрат! Қудрат акам!— деб чинқирганини эшитди.

Қудрат велосипедда учиб келмоқда эди. Раҳим уни кўриб, негадир ўзини эшик орқасига олди.

— Ҳей, менга қара!— деди Қудрат эшикни қаттиқ итариб қираркан,— нега мен билан бекинмачоқ ўйнапсан?.. Қани юзинг, қани... Уҳў, шолғом-ку! Кимдан калтак единг?.. Таёқдан калтак еганга ўхшайсан-а?

— Қўйсанг-чи, оғайни,— Раҳим кулгига олди.— От йиқитиб қочди...

— Ҳм... Бобонг ҳам шунақа девотувди...



— Бўйнингга олдингми?.. Қани, юр бўлмаса, Марҳамат опамни олдига. Бирга айтамыз...

Раҳимнинг ўтакаси ёрилди.

— Йўқ, йўқ! Қаламтарошимни бермасанг бермай қўя қол. Бормайман мен!

— Бормайсанми? Бўпти, ўзим бориб ҳамма гапни айтаман,— Қудрат велосипедини эшикка қайтара бошлади.

— Айтмайсан! Қани айтиб кўр-чи!..— Раҳим унга ёпишди.

— Қўйвор мени, менга хўжайинмисан? Сени деб мен ҳам ёлгончи бўлайми!— Қудрат велосипедини мингаңча орқасига қарамай жўнади.

— Қудрат! Қудрат дейман!..— деб бақирганча қолди Раҳим.

Қудрат мактаб яқинига борганда, болалар боягидан кўпайишиб, Бобоқул ота атрофини ўраб олишган эди. Чол ерга бемалол чордана қуриб олган ва дурадгорларга ўхшаб теша билан новдаларни йўнаётган эди.

— Ота, «қалқон қанақа бўлади? Қачон ясайсиз?»— деб болалар чекка-чеккадан сўрашарди.

— Буни нон ейишдай осон деб ўйламаларинг, устабузармонлар. Бу ўзи «сепоя»га ҳам ўхшаб кетади. «Сепоя»ни биласанларми? Мен буни ҳов катта уруш вақтида Фарҳодда кўрганман, Сирдарёнинг сувини бўғган вақтимизда, ҳа...— Бобоқул ота одатича узоқ саргузаштини сўзлаб, жиндай мақтаниб ҳам олди. Сўнг одам бўйи қилиб баб-баравар кесилган, учлари йўнилган учта чиллакни танлади-да, ўрик тупининг уч ёғига ораларини сал-сал қочириб суқди. Қалтагина новдани чамбарак шаклида эгди-да, тиккайган чиллакларнинг тепасига қўндирди.

— Чамбаракни чиллакка михлаб қўямиз. Бу нарса даррахтни шамолдан сақлаб туради, мол-пол ҳам тумшугини суқолмайди.

Орқароқда турган Қудратга бу жуда таниш кўринди. «Ҳа, бўлди, бунақасини шаҳар кўчаларида кўрганман», деб юборгиси келса ҳам, Бобоқул отадан ҳайиқди.

Ҳали Бобоқул ота Қудратни кўриб: «Юзингга қоракуяни қаердан юқтирдинг», деб қолди. Қудрат «ким суриши мумкин» деб жон ҳолатда дастрўмолига юзини артиб-артиб қаради, қоракуядан асар йўқ. Бобоқул ота уни калака қилганидан ўзи қота-қота кулиб: «Каптарвоз қўшнингдан юққандир. Сен доғсиз бола эдинг. Ҳа, унга қўшилиб сен ҳам алдаркўса бўлиб қолибсан, чирогим», деб гина қилган, «кап-

тарбозни тез айтиб кел, бақамти гаплашамиз», деган эди. Ҳозир Қудрат Раҳимдан гап очилиб қолишидан чўчиб ишлаётган болалар ичига ўзини урди.

— Ота,— деди Аҳмад,— кўчадаги ҳамма дарахтларга шунақа қилсак-а?

Чол унга руҳланиб, аммо унча ишонмай қаради:

— Кошки эди, соз бўларди-я! Қўлларингдан келмайди-да.

— Нимаси қўлимиздан келмас экан!— деди кучаниб Қўзибой.

— Биласанми, қўзим, бунга анчагина ҳунарманд қўллар керак.

Тез орада текин томошага ишқибозлар, ҳақиқий ҳашарчилар кўпайишиб қолди. Мактаб олдидан катта кўча бўйлаб икки томонда тизилган ёш дарахтларга «сепоя» кийгиза бошлашди. Бобоқул отани ҳам анча шошириб қўйишди. Ота қўлидаги теша, аррачани болаларга бериб:

— Мана бўлмаса, ёш келса ишга дейдилар. Сенлар қиладиган бўлсаларинг, менга тинмоқ керак!— деди мамнунлик билан. Бироқ унинг қўли тингани билан оғзи тинмас, кўчанинг дам у томонига, дам бу томонига ўтиб болаларга жавраб турарди:— Ҳей болакай, кўзингга қара, қўлингга эҳтиёт бўл. Чиллакни тўғрилаб-тўғрилаб маҳкам ўрнат, тагин бўронда қийшайиб кетадиган бўлмасин! Кўрганлар ҳам: «Зап ҳийла топибди-ю, дастпанжаси келишмабди-да», деб кулмасин.

— Кулмайди, ота, қойиллатворамиз!— дейишарди болалар.

— Албатта, албатта,— деди ота тагин мақтангиси келиб,— Бобоқул ота бош бўлган иш ўринламай қолмаслиги керак ҳам.

Аммо катталарнинг бари далада, шикастланган ғўзаларни тиклаш билан овора бўлгани учун ҳозирча буларнинг ишини келиб кўрувчилар йўқ эди.

— Эҳ!— деди Қўзибой ўзидан-ўзи ҳовлиқиб.— Марҳамат опам келиб кўрсала қойил қоладила-да!

— Ҳа, ҳамманикига қойил қолмасалаям, сеникига қойил қоладила!— деди Қудрат ва шеригининг қўлидаги қинғирқийшиқ чамбаракни олиб, тўғрилай бошлади. Аммо қалтисроқ эгиб юбориб, чамбаракни чирт этиб синдириб қўйди.

— Бола — ишинг чала!— деди буларга қараб турган Бобоқул ота ва синган новдани қўлга олиб, эгиб кўрди.— Қуп-

куруқ, тутантириқ боп-ку. Чамбаракка хўлроғи керак-да. Ўзинг ҳеч сават тўқиганмисан?

— Ия, қизиқсиз-а, ота!— деди Қудрат кулиб.— Дадам саватчими?

— Сават тўқиш айбмас, чироғим. Йигит кишига етмиш хунар оз дейдилар, эшитганмисан?

Бобоқул ота хўл новдадан дўппининг оғзидай текис гилдирак эгиб михлаб берди-да, Қудратга ишшайиб қўйди. Сўнг нарироқдаги болалар олдига ўтиб кетди. Қудрат бу воқеанинг Қўзибой билан икковлари ўртасида қолганидан хурсанд бўлиб, бояги гапни давом эттирди:

— Ҳозир Марҳамат опам қаерда эканлар-а?

— Ҳов ҳали бир қучоқ газета олиб далага кетувдила-ку, Олимов акам билан,— деди Қўзибой.

— Ҳа, ҳа!— деди Қудрат Марҳаматнинг узоқда агитаторлик билан банд бўлиб юрганига хурсанддай. Негаки у, Раҳим машмашасини Марҳаматга қандай қилиб очишни билмас, тўғриси очишга юраги бетламасди. У нарса ўқтин-ўқтин хаёлига келиб турди-ю, «сепоя» ясаш билан ўзини чалғитиб, Марҳаматнинг олдига боришни кейинга сураверди. Аммо ҳар сафар кимдир унинг орқасидан итариб: «Бораверсанг-чи, ўз вожатийингдан нега чўчийсан! Сени еб қўядими», дегандай бўларди. «Тезроқ бориб айтмасам хафа бўлади-да. Фақат Марҳамат опам эмас, Лолахон опа ҳам мендан хафа бўлади. Дадам-чи? Дадам ҳам бунини эшитгандир... Эшитган бўлса, нега менга ҳеч нарса демаяптикин? Е ўзимнинг айтишимни кутяптимикин-а?.. Шу Раҳимнинг дастидан дадамдан ҳам гап эшитиб қолмасайдим-да ҳали... Йўқ, кечиктирмасдан бориб ҳаммаларига очиғини айта қоламан. Раҳимнинг дўқидан кўрқаманми!..»

Шунда Қудратнинг кўз олдига Хадича ая келди. Худди Хадича ая унга: «Сендан шуни кутганмидим, холанг ўргилсин. Сени ҳам ўғлим қатори кўрувдим-ку. Битгаю битта арзандамни ҳаммага шарманда қилдингми?»— деяётгандай туюлди. Яна ўз жойидан жиллолмай, анчагача иш билан куйманиб юрди. Кечга яқин Раъно келиб:

— Юр, ака, овқат пиширамиз!— деб қистаб қолди.

— Хадича аямни чақирмадингми?

— Чақирувдим, — деди Раъно аразлагандай бўлиб, — юмушлари кўпмиш, чиқолмасмишлар...

Қудрат ишини чала қолдириб уйга жўнади. Кетатуриб, хаёлига аллақандай шубҳалар келиб, кўнгли ғашланди-ю,

яна: «Ҳозир чиқмасалар, кейинроқ чиқарлар», деб ўзини юпатди.

Аммо шу кунни Хадича ая буларникига на овқат пиширишгани, на сигир соғишгани чиқмади. Эрталаб ҳам Умурзоқ ака кундагидай Хадича ая чиқар деб хотиржам далага жўнаб кетди. Сигир соғиш Қудрат билан Раънога қолди. Акасингил, сутни тўкиб-сочиб бўлса-да, бир амаллаб соғиб олишди-ю, аммо алаҳсиб, сигирни подадан кечиктириб қўйишди. Қудрат кўчага чиқиб, қараса пода ҳов қирга чиқиб борган, офтобда сигир-бузоқлар узоқдан худди энди туғилган қўзи-чоқлардай милт-милт қилиб кўзга ташланарди.

— Полвон отанинг овозини нега эшитмадинг?— деди Қудрат Раънога зарда қилиб.

— Узинг-чи?— деди Раъно ҳам йиғлаворай деб.

— Бўпти, ҳеч гапмас,— деди дарров синглисини юпатиб Қудрат,— ҳозир ўзим етказаман...

У узун тол новдасини синдириб олди-да, сигирини савалаганча тириқтира кетди. Сигир, нима гуноҳ қилганини билмай, думини хода қилиб «мў-мў»лаб борарди. Йўл-йўлакай Қудратнинг миясини ҳар хил саволлар чулғади: «Полвон ота эшигимиздан ўтганда нега «ҳайдо-о!» деб бақирмадийкин-а? Ё жўрттага индамадимикин? Нега энди? Унинг биздан хафа бўладиган жойи йўқ-ку. Уша кунни тоғда Раҳимнинг қилгулигини унинг ўзи менга очиқ айтиб берди-ку... Ҳа, бўлди, отни вақтида Кўкоролга етказиб бермади деб хафадир... Хадича аям-чи? Нега энди бизникига чиқмай қўйди? Ростдан ҳам юмуши кўпайиб кетдимикин, ёки Раҳим мени ёмонладимикин?...» Қудрат биронта саволига аниқ жавоб тополмади, мияси ғовлаб кетди. Югуравериб ўзини ҳам, сигирни ҳам чарчатди. Оёғининг зарб еган жойи зирқирай бошлади. Пода эса паст-баланд адирлар қўйнига сингиб, ниҳоят, кўринмай кетди. «Бор-е,— деди Қудрат яйловга яқинлаша борганда,— борганим билан Полвон отага нима дейман? Бир кунга ҳам молни ўзинг эвлаб боқолмабсан-да демайдимин!» Қудрат ўтлоқ ён бағрида сигирини ўтлатиб ўзи дўлана дарахти тагида ёнбошлади... «Эҳ, кўчадаги болалар нима қилишаётган экан-а? «Сепоя»ларни биткизишганмикин? Бобоқул ота билан болалар: «Қудрат ҳам Раҳимдай қочқоқ экан», деб кулги қилишаётгандир, роса...»

Чиндан ҳам, Қудрат қийин аҳволда қолган эди-ю, бунинг сабабини ўзи ҳам тушунолмасди. Уйлай-ўйлай, охири сабабини топган бўлди: «Ҳаммасига сабабчи — бувим. Агар бу-

вим таранг қилмай тезроқ кела қолганда, мен бу аҳволга тушмасдим!..» Ҳа, саёҳатга вақтида боролмагани, альбом учун етарли суратлар ололмагани, Раҳим ташлаб кетган отни миниб жавобгар бўлиб ўтиргани, кечадан бери эса кўчадаги қизиқарли ишларни қўйиб, сигир-бузоққа боғланиб қолгани — ҳаммаси, ҳаммаси учун бувиси айбли... Лекин одам ўз бувисидан бировга нолий олармиди?.. Буни кимга айтиш мумкин? Дадасига айтса, негадир қулоқ солмайди. Бунақа гапларни акасига айтиши мумкин эди, бироқ акаси узоқда! Узоқда бўлганидан у билан хатда ҳам ўз аҳволини ўртоқлашолмайди. Дадаси «Пўлатжон ўғлим ташвишланмасин», деб хатни бошқача қилиб ёзди... Қудрат оилавий сирни яна битта кишига — ўзининг адаши Қолягагина айта оларди.

— «Эҳ, Коля, Коляжон! Мунча кечикдинг!..»

## У н и н ч и б о б

Қудрат почтадан негадир шалвайиб келаётган эди. Қўлида «Пионерская правда» газетаси. Қўзи газетада-ю, аммо хаёли бошқа ёқда — бувиси яшайдиган ва Коля ўқийдиган жойларда эди. Мана бугун ҳам адашидан хат-хабар келмади. «Нимага унинг дараги йўқ-а?..» Газетадаги қизиқ расм бир дам унинг диққатини тортди: Раънога ўхшаган жажжи бир қизча ёмғирда соябонча тутиб мактабга кетаётибди. Йўлда унинг икки ўртоғи учраб қолди. Қизча дарров бу ўртоқларини ўз соябончаси тагига олди. Уларни соябон остига амаллаб сиғдирди-ю, аммо ўзи соябончадан ташқарига чиқиб қолди... «Қизиқ экан. Раънога кўрсатаман бунини...» — деди у ўз-ўзича руҳланиб. Сўнг расм ёнидаги «Дўстлик» сарлавҳали шеърни баланд товуш билан ўқий бошлаган эди, орқасидан биров аста келиб, икки қўли билан унинг кўзларини «ойнами, тароқ» қилиб маҳкам бекитди. Қудрат беихтиёр тўхтаб, номаълум одамнинг қўлидан қутулиб чиқишга қанча тиришмасин, кучи етмади.

— Аҳмад!.. Қўзи!.. Рустам!.. Улмас!.. Ҳа, Меҳри!.. — деб Раҳимдан бошқа таниш номларни бирма-бир айтиб чиқди, бўлмади. «Тополмадим» дегандан кейингина қутулди. У орқасига ўгирилиб, худди ҳозир уйқудан тургандай тиниб кетган кўзларини катта очиб, қувонч билан қичқирди. — Эҳ, сен-мидинг!! Вой-бўй, қандоқ сабринг чидади-я шунча жим туришга! Ҳеч эсимга келмабсан-а!

Унинг қаршисида йилтироқ сочлари шабадада тўзиб кетган, юзидаги сепкили ва чап қулоғи ёнидаги холи ўзига ярашган бола кўк кўзларини шод жилмайтириб турарди. Бу — Коля эди. Коля каттагина брезент рюкзак ва чарм папкасини тасма билан елкасига осиб олган эди.

— Имтиҳондан ўтиб бўлдингми?

Коля тўхталиб папкасини очди-да, эҳтиётлаб солиб қўйилган қалин, шалдиरोқ «Мақтов қоғози»ни олиб кўрсатди. (Худди шунақасини бултур Қудрат ҳам олган, рамкага солиб уй деворига илиб қўйган. Аммо бу йил маълум сабаб билан «Мақтов қоғози» ололмаганини ҳозироқ айтиб дўстини хафа қилгиси келмади.) Қудрат Колянинг сумкасини кўтариб олиб, гапни бошқа ёққа бурди:

— Жуда оғир-ку бу хуржунинг? Нималар бу, нуқул китобми дейман?

— Ҳм. Сенинг буюрганларинг ҳам бор, инайкейин, фотоқоғозлар.

— Яша, адаш! — Хурсанд бўлиб кетди Қудрат ва шунча совға келтирган дўстини ҳам хурсанд қилиш учун қишлоқ янгиликларидан сўзлаб бергиси келди. Лекин, Қудрат кутмаганда Колянинг ўзи муҳим янгиликдан бошлаб қолди:

— Йўлдан бувингникига ҳам кириб келдим. Салом деди. Толқон бериб юборди халтачада...

— А-а! — деди Қудрат оғзи очилиб. — Бувим яхшими? Қачон келармиш?

— Қайдам... Мен билан юра қолинг десам, тагин эски гапи: Тобим йўқ, юрак ўйноғиман» деди. — Коля кулиб юборди. — Ўзи бўлса, ўғирда толқон туйиб турибди... Мен унга: юраверинг, қишлоғимиз ҳавоси яхши, тузалиб кетасиз десам, «чўл-биебон дейишади-ку, бадтар юрагим сиқилиб кетар» дейди... Ўша ерда докторга кўрсатамиз десам, «қишлоқ докторинг нимани биларди» дейди... Ишқилиб кўндиролмадим-да.

— Бувимнинг касалига тушунолмайд қолдим! — деди Қудрат маънос тортиб. Дўстлар янги қишлоқ кўчаси ўртароғидаги Ефим тоғанинг уйига кирдилар. Шунда Қудрат дўстига ўз кўнглини очиб, оиласидаги қийинчиликларини бирма-бир ҳикоя қилди. Гап, айланиб, Раҳим билан ўртадаги жанжал ва унинг сабабларига бориб тақалди. Неча кундан буён ҳаммадан яширавериб юрагини тўлдирган бутун сирлар ипидан игнасигача Коляга аён бўлди. Қудрат ҳатто Раҳимнинг ажойиб қаламтарошини ҳам чўнтагидан олиб кўрсатди; аммо

бу нарса Колянинг ҳавасини келтирмади. Қудрат маслаҳат кутиб дўстининг ўйчан, ақлли кўзларига тикилган, унинг ҳар бир ҳаракатини зийраклик билан кузатмоқда эди. Унинг кўзи Колянинг тугмаси солинмай қайрилиб турган оқ кители кўкрагидаги «ВЛКСМ» значогига тушди. Яқинда шаҳарга борганида Коляни бу значоги билан табриклаган эди-ю, ҳозир худди биринчи марта кўраётгандай, яна яқинроқдан тикилди. Бу вақт унга Коля ўзидан каттароқ кўриниб кетди. Чиндан ҳам Коля ярим ёшча катта экан. «Менинг ёшим августда ўн тўртга тўлади. Ушанда ўтаман комсомолга... Мени комсомолга олишармикин-а?.. Мен яхши ўқий олишимни, намунали комсомол бўла олишимни кўрсатаман, албатта!..»

...Бундан анча йиллар бурун, Қудрат энди оёққа кирган ва ғужур-ғужур тили чиққан вақтда, Умурзоқ ака Коляни «янги меҳмон» деб шаҳардан опичиб келган эди. Зеби хола уни қучоқ кериб қарши олган ва юз-кўзини силаб, иссиқ сувда чўмилтирган, кейин икки болани бир хилда кийинтириб қўйган эди... Ушандан бошлаб Коля буларнинг оиласида ўз уйидай яшади. Икков бола бир-бировини худди бир қориндан таллашиб тушган эгизакдай кўриб қолган эди. Қўшнилари ҳам бу кўк кўз, ёқимтой болани жуда суюшар ва Қудрат билан иккиси бўйда теппа-тенг бўлганидан уларни «Ҳасан-Ҳусан» дея эркалашарди.

Коляни етти ёшга тўлганда шаҳардаги рус мактабига беришди. У мактабда ётиб ўқир, каникулни эса қишлоқда Қудрат ва бошқа ўртоқлари билан бирга ўтказарди.

Одатда, дўстлар бир-бирининг дилидагини кўзларидан ўқиш оладилар. Коля ҳозир бир сўз ҳам айтмай, уйдаги алақийиб ётган нарсаларни йиғиштирар экан, Қудрат унинг авзойидан шуни аниқ ҳис этди: Коля Қудратга ҳам ачинапти, ҳам ғижиняпти.

— Ҳа, адаш, нега бир хил бўлиб турибсан?— деди тоқати битиб, Қудрат.

— Тўхтаб тур-чи, қоринни тўйғазиб олайлик,— деди Коля ғижинганини яшириб ва стол устини тозаллади-да, дадасидан қолган қовурмани, нон, шакар ва толқонни олиб қўйди.— Бувинг-чи, толқонни шакар солиб сутга қориб берган эди, мазза қилиб едим-да. Жуда ширин бўлар экан.

— Бўлмаса сут олиб келайми уйдан?

— Қўй, борганимизда...

— Юр, ҳозир, Раъно чой қўйиб зиёфат қилади... Ҳа, Раънонинг қўлидан иш келадиган бўлиб қоляпти...

— Буving билан аканг келганда қиламиз зиёфатни,— деди Коля дўстини хурсанд қилмоқчи бўлиб.

Лекин Қудрат:

— Бувим қачон келарди...— деди умидсизлик билан.

— Келтиришга ҳаракат қиламиз-да. Дадангга айтсак, ўзлари машинада олиб келадилар.

— Бе-е, дадамни қўллари тегармиди! Айтсам, қулоқ ҳам солмайдилар-ку.

— А?— Коля ажабланди ва энди кўнглидагини очиқ айтди:— Сенинг ўрнингда мен бўлсам, ҳамма гапни Марҳамат опага айтиб, маслаҳатлашардим. Сенга у ўзини шунча яқин олса-ю, сен ундан гап бекитиб ўтирсанг яхшими? Ўз вожа-тийингни хафа қилиб-а?

Унга ялт этиб қаради Қудрат. Яқин дўстидан бунақа танбеҳни кутмаган эди у. Коля, қаттиқ тегиб қўймадиммикин деб, Қудратга жилмайганча, қараб турар, Қудрат эса томоғини филт-филт эткизса ҳам, оғзига солган толқонни ютолмай қийналарди. Сўнг, Коля узатган чойдан бир қултум хўплаб юборди-да, нафас йўли очилиб, товуши чиқди:

— Чақимчилик қиламанми?..

— Сен яширганинг билан очилмай қолармиди?

— Ким очарди?

— Мен сенинг энг яқин дўстингман-а?— Овозини хиёл пастлатди Коля ва ўзи ётиғи билан жавоб берди:— Ҳа. Мендан сир бекитмаслигингни Марҳамат опа ҳам, даданг ҳам билишади. Сен айтавермасанг, мендан сўрашади. Хўш, шунда мен ҳам яшириб туравераманми?

— Айтасанми бўлмаса?— деди чўчиб Қудрат.

— Ҳа, айтмайми?

Қудратнинг дами ичига тушиб кетди, қошини кериб жавоб кутиб турган Колянинг афтига тик боқолмади. Коля очиқ кўнғил, тўғри сўз дўст эди. Ана шу биттаю битта дўсти ҳам унинг қилиғини маъқулламаяпти. Демак, энди Қудрат ҳеч кимдан ҳимоя кутмаса бўларкан-да! «Сирни яширган сарим, қайтага ҳамманинг кўзига ёмон кўришиб қолаётганга ўхшайман»,— деган фикр шу дақиқадан бошлаб унинг миясини эгаллади. Хадича аяни хафа қилиб қўйиш, Раҳим билан ўртоқчиликдан чиқиб қолиш, дадасидан дакки ейиш каби ҳамма андишалар кейинга сурилди. Ҳозир, шу минутнинг ўзидаёқ Марҳаматга учрашгиси, Коляга билдирган бутун гапларини унга сўзлаб бергиси келиб қолди...

— Юр бўлмаса...— деди дадилланиб Қудрат.



— Бўпти!— деди Коля дўстининг қарори ўзгарганидан се-  
виниб.

Улар катта кўча бўйлаб боришарди. Кўчанинг икки бети  
бўйлаб тизилган ёш дарахтларнинг ҳаммасига «сепоя» —  
«қалқон»лар кийгизилиб, ариқлар текисланиб, чимлар босиб  
қўйилган эди.

— Қойил қилишибди!— деди Коля, буни болалар қилган-  
лигини билгандай.

Катта кўча муюлишига етганларида, колхоз устахонаси-  
нинг тақир-туқури эшитилиб қолди.

— Юр, дадамни кўриб ўтамиз,— деди Коля йўлни устахо-  
на томонга буриб.

Мана, олди очиқ узун-узун устунли кенг бино. Унинг ичи-  
тоши лиқ тўла асбоб-ускуна: ғўлачалар, тахта ёғочлар, «лай-  
лак» бўлиб ётган аравалар, ғилдираги синган автокачалар,  
шоти, кегай, гупчаклар, ғилдирак темирлари, қоziқдай-қозиқ-  
дай михлар. Ишхонанинг бир бурчагида уста Шоқосим қора  
терга ботиб, электрстанокда темир қирқмоқда, станокдан  
чиққан чинқириқ одамнинг қулоғини битириб юборгудай. Бир  
тарафда Колянинг отаси — бадани темирдай қорайган, чўққи  
соқолли чол оғир болга ушлаб араваچанинг ўқини тўғрила-  
моқда. У болаларни кўриши биланоқ болгани ерга гуп этка-  
зиб ташлади, қисик кўк кўзларини катта-катта очиб, қиров  
босгандай оқиш узун мўйловини силкитиб:

— У... геройлар, қани бу ёққа!— деди йўғон товуш би-  
лан.— Балли, ўғлим, мени хотиржам қилдинг. Мана энди  
бирга ўйнайверасизлар. Қудрат ҳам сени кўп соғинган эди.  
Тўғримми? Ҳа, айтмоқчи, Қудрат, янги уй ёқдимми?

— Ҳм,— деди Қудрат чолнинг кўнгли учун ва шу пайт  
акаси хатида «Ефим тоғамга кўпдан-кўп салом айт», дегани  
ёдига тушди, бу омонатни Ефим тоғага вақтида топширмага-  
ни учун уэр сўради.

— Шундай қимматли омонатни бир ҳафтадан бери  
сақлаб юрибсанми-а? Вақтида айтмайсанми, мен унга дар-  
ров мактуб ёзмайманми?

Ефим тоғанинг гинаси ўринли. Ахир, Ефим тоға булар-  
нинг энг яқин кишилари-ку. Ефим тоға Умурзоқ ака оиласи  
билан даставвал Пўлатжон орқали танишган эди...

...Урушнинг охириги йили, Ғалаба байрами арафаси. Умур-  
зоқ ака билан Зеби хола фронтдаги ўғли Пўлатжондан узоқ  
кутилган хатни олдилар. Пўлатжон аввало хатни кечиктир-  
гани учун уэр сўраган: хатни кеч ёзганига сабаб ярадор бў-

либ қолгани экан, ота-онам ташвишланмасин деб буни билдирмай турган экан. Энди у соғая бошлаган, яқин орада госпиталдан чиқиб яна фронтга жўнамоқчи экан. Пўлатжон ўз хатида госпиталда Ефим Ефимович деган бир одам билан танишганини ёзган. Бу одамнинг ўзи ҳам ажойиб, фамилияси ҳам ажойиб — Суворов экан. У ўз бошидан ўтган оғир саргузаштларини сўзлаганда, ҳар хил юртлик ёш солдатлар соатларча ўтириб, чурқ этмай тинглашаркан. Ефим Ефимович яшаган Москва ғарбидаги қишлоқни фашистлар босиб олган. Ефим Ефимович ўрмонга — партизанлар орасига бориб қўшилган. Фашистлар ҳайдаб юборилгандан кейин, Ефим Ефимович қишлоққа қайтса, на уйи қолибди, на бола-чақаси. Фашистлар унинг уйини ёндириб юборган, хотинини «эрингнинг қаердалигини айтасан», деб қийнаган, айтмагандан сўнг отиб ташлашган. Катта ўғли Виктор жангда ҳалок бўлган. Қенжатоий Коляни эса, етим қолган бир тўда гўдаклар қатори мамлакатнинг шарқига кўчирилган, деб эшитган. Шунда Пўлатжон ўз оиласига Коля исмли бир гўдак қабул қилинганлигини айтиб, Ефим Ефимовични хурсанд қилган, ҳам ўз уйининг адресини билдирган. Ефим Ефимович дарҳол Пўлатжондан боланинг сочлари, кўзлари қандайлиги, чап қулоғи ёнида холи борми-йўқлигини суриштира кетган. Бироқ Пўлатжон бу ёғини айтиб беролмаган, чунки Умурзоқ ака болани Пўлатжон урушга кетгандан сўнг келтирган. Пўлатжон Ефим Ефимовичга «боланинг расмини сўраб олдирамиз», деб ваъда берган ва бу ҳақда ўз уйига хат ёзган. Умурзоқ ака билан Зеби хола: «У одам Колянинг отасими-йўқми, балки Пўлатжон янглишаётгандир... Қим билади, балки тўғридир ҳам. Урушда нималар бўлмайди. Лекин ҳар ҳолда олдиндан боланинг кўнглини алағда қилиш керакмас» дейишиб, буни Коляга билдиришмаган-у, суратини олдириб юборишган...

Кунлар ўтди. Фарғона қишлоғида ҳандалак пишган, чиллаки чумак урган кезлар. Бир куни кечга томон Умурзоқ аканинг эски қўрғончаси олдида нимдошгина солдат шинели кийган одам пайдо бўлди. У, елкасига брезент қопчиқ илган, қўлида арча шохидан йўнилган ҳасса. Қудрат билан Коля тол новдасини миниб «от-отакам» ўйнашиб кўча чангитиб юришган эди. Шинелли киши хиёл оқсоқланиб, болалар яқинига келди-да, пешанасига юлдузча қадалган эски шапкаси остидан кўк кўзларини Коляга тикди. Болалар ҳам унинг қаршисида «от»ни тўхтатишди.

— Сизга ким керак, амаки?— деди Қудрат унга ғалати тикилиб.

Киши индамади. Фақат унинг ҳали оқ ораламаган узун мўйлови ва соқолли ияги қалтираб кетди. Болалар бир-бирларига қараб олишди.

— Сизга ким керак, амаки? — деди бу гал Коля, индамас одамдан ётсираган ҳолда.

Киши ҳамон чурқ этмасдан унга синчиклаб тикилганча турарди. Яна бир лаҳза ўтгач, бирдан қўлидаги ҳассаси тушиб кетди-ю, Коляга томон қучоқ кериб келди.

— Уғлим Коляжон... Мени танимадингми?!

Унинг овозигина эмас, бутун вужуди қалтирарди. Коля кўзларини ола-кула қилиб, ҳеч нарса англамай, чўчинқираб турарди. Отаси уни бағрига босиб:

— Уғлим! Уғлим... Мен отанг бўламан!— деб юз-кўзидан ўпди.

Шунда Коля унинг оталик меҳрини ҳис этиб:

— Дада!.. Сенмисан?..— деганча унинг бўйнидан маҳкам қучоқлади...

Умурзоқ ака азиз меҳмонни фарғоналикларга хос сахийлик ва очиқ юз билан қарши олди, тўкин дастурхон ёзилган уйнинг тўрига ўтқазди. Узоқ жойдан келган ҳурматли меҳмонни кўргани, унинг катта уруш ҳақидаги ҳикояларини тинглагани бу уйга деярли бутун қишлоқ тўпланди...

Умурзоқ аканинг илтимоси билан Ефим тоға (ёшлар уни шундай деб атай бошлаган эдилар) қишлоқда бир ойча бўлди. Меҳмон бўлибгина қолмай, колхозчилар билан тез элакишиб, қурилиш ишларига аралашиб ҳам кетди. У яхши дуррадгор, меҳнат билан суяги қотган, шинаванда, дилкаш одам эди. Ешу кекса унга ўрганишиб қолишган эди. Шу сабабли, Ефим тоға ўғлимини олиб Москвага қайтсам деганда Умурзоқ ака ҳам, бошқалар ҳам розилик беришмади. Уша кунлари армиядан қайтган Пўлатжон-ку, фронтлик отахонини ўз ёнидан бир қадам жилдиргиси келмасди. Ефим тоғанинг ўрмонда кўрсатган ҳушёрлиги натижасида қанча партизанлар ҳалокатдан қутулиб қолгани тўғрисидаги ҳикоя Пўлатжон орқали ҳаммага ёйилган эди.

Табий, Ефим Ефимович ҳам бу янги дўстлардан осонликча кўнгил узолмас эди. Узининг жонидан ширин фарзандини меҳрибон кишилар қучоғида кўриб, ғам-кулфатлари дунутилган, вақти чоғ эди.

Коля бўлса-ку бу оилани ўзиникидай билар, Зеби холага

онасидай суянган эди. Ефим Ефимович буни яхши сезса-да, ўз ҳамқишлоқлари унга кўз тутиб турганларини ўйлар, уларни кўмсар эди.

— Тўғриси, мен бу ерда ўз уйимдай бемалол яшаяпман, биродарлар. У ердаги жойимиз ҳали хароба ҳолида ётгандир. Уни тиклаш учун одам керак. Менинг ҳам ўрним йўқланаётгандир, албатта. Бормасам, ҳамқишлоқларим олдида инсофдан бўлмас...

Ефим Ефимовичнинг бу узри ўринли эди. Умурзоқ акалар ўйланиб қолишди. Сўнг кимдир, Ефим Ефимовичнинг қишлоғига хат ёзишни таклиф этди. Бу ҳаммага маъқул тушди. Кўпчилик номидан хат ёзиб, Ефим Ефимовичнинг бу ерда жуда зарур иш билан банд эканини, кечиккани учун хафа бўлмасликларини дўстона илтимос қилишди...

Қолхоз идораси Ефим Ефимовичдан янги устахона қурилишига бошчилик қилишини сўради. Ефим тоға буни жондидан қабул этди. Шундай қилиб, Ефим тоға янги оила, янги дўстлар, янги вазифалар билан банд бўлиб, Фарғона қишлоғида узоқ туриб қолди...

Ефим тоға ўғилчаси билан Умурзоқ аканинг қишлоқ чеккасидаги эски қўрғончасида, кичкина бир ҳужрада яшаркан, Қудрат ва унинг ўртоқлари кўпинча кечки пайтлар шу ҳужрага тўпланишарди. Ефим тоғадан рус тилини ўрганишар, унинг уруш хотираларини, ажойиб эртаklarини берилиб тинглашарди. Унинг иши бошидан ошиб ётган бўлса-да, болаларнинг раъйига қараб, соатларча бемалол мириқиб суҳбатлашарди. Қишлоқ мактабида ва уйларда арча байрамини ўтказишни одат қилган киши ҳам шу эди. Унинг янги йилда «Қорбобо» бўлиб совғалар улашганини, қизиқчиликлар қилиб кечани жонлақтирганини болалар ҳар чоғ завқ билан эшлашади.

Ефим тоғанинг кексайиб қолганига қарамай, чаққонлиги, уринчоқлиги кишиларни ҳайрон қолдирарди. Мана энди, Кўк-оролга кўчиб келгач, ишлари яна ҳам кўпайиб кетди. Янги устахонада араваларни ремонт қилиш, дала шийпонлари ва яслилар учун стол, стуллар, мактаб қурилишига ром, эшиклар ясаб бериш... Эҳ-е, шунча юмушлар орасида унга болалардан ҳам заказлар тушиб туришини айтмайсизми. Тагин буларники ҳаммадан ҳам зарур, қисталанг-а!.. Бошқаларини қўяверинг-у, битта Қўзибойнинг ўзидан биратўла иккита заказ тушибди: эшак аравани тузатиб бериш, ҳам қуёнга чиройли катак ясаш...

Ефим тога ғўла устига ўтириб, болалар билан хийла вақт суҳбатлашгач, бирдан дик этиб ўрнидан турди ва болгани қўлига олиб, ўқи букри одамдай акашак бўлиб кетган арава олдига борди.

— Буни тезроқ тузатиб бермасам, Қўзибойдан балого қоладиганга ўхшайман.

— Аравачани нима қилар экан у?— деди Қудрат Қўзибойнинг бу янгиллигига ажабланиб.

— Қайдам, тут барги ташийман деяпти-ку.

— Дадасига тузатирса бўлмас эканми?

— Дадасига олиб борган экан, мактаб қурилиши аравангдан зарурроқ, дебди. Қўзибой ўзи яхши бола, менга бир иши тушибди, майли дея қолувдим. Лекин икки оёғини бир этикка тикиб туриб оляпти. Айтиб қўйинглар, хафа бўлмасин, эртагача битказаман. Аввало яхши ўйлаб сўз бер, раз сўз бердингми, ҳар қандай қилиб бўлса ҳам бажар. Тўғрими, 1еройлар?..

\* \* \*

Қудрат билан Коля Марҳаматни қидириб Булоққовузга боришди. Биология кабинетини қараб, пионер уйига ўтишганда Марҳаматга дуч келишди. Марҳамат хурсанд бўлиб Колядан ҳол-аҳвол сўрай кетди.

— Оббо Коляжон-ей! Худди билгандай, вақтида етиб келибсан-да... Мана, сенинг баҳонанг билан Қудратжон ҳам келибди.

— Ҳа, сизда зарур гапи бор экан,— Коля Қудратга «энди гапиравер» дегандай имо қилиб қўйди. Қудрат столга қапишиб олиб жанговар варақа тайёрлашаётган Аҳмадга ва Қўзибойга қараб, бирпас иккиланиб турди.

Марҳамат далда берди:

— Ийманмай қўя қол, айтадиган гапинг Қўзибойга ҳам, Аҳмадга ҳам фойдали...

Қудрат эса «бу сир Марҳамат опамдан бошқага ёйилмасмикин», деб юрган эди. Энди ўз ёнида Коля тургани далда бўлдимми, бирдан тетиклашди, «кел, бўлар иш бўлди», деб маълум жумбоқни ечди... Қудрат томоғига бир нима тикилгандай, ютина-ютина ҳикоя қиларкан, тингловчиларнинг кўз олдиларида шундай манзара гавдаланди: тоғ яйлови... моллар баланд-пастликларга ёйилишиб, ўтлаб юришибди. Полвон ота яйлов этагидан ёйилиб оқаётган сой лабида салқин-

лаб ётибди... Раҳим саманда келиб тушди-да, ниманидир ахтара бошлади. Секин бориб, бобоси яқинида жийда дарахтига илиб қўйилган милтиқни олди. Ундан кейин тепалик панасига ўтиб, «ов» ахтарди. Ҳеч нарса кўзга чалинмади... Унинг назарида рўпарадаги қир ён бағрида бир ниманинг уяси кўрингандай бўлди. Раҳим ўша уяга милтиқни ўқталиб пойлаб ётди.

Бир вақт қуён лип этгандай бўлди. Раҳим милтиқни чап томонига қўйиб, таваккалига тепкини босиб юборди. Қўндоқ шарақ этиб қулоғи аралаш юзига тегиб кетди. Қулоғи шанғиллаб, чўчиб тушганидан милтиқни улоқтириб юборганини ўзи билмай қолди. Уқ узилган томонда — тепа пастида ўтлаб юрган той бир сакраб, олдинги оёқларини кўтариб ташлади-да, қаттиқ пишқириб қаёққадир ўзини урди. Моллар думини хода қилганча ҳар ёққа тирақайлашди, баъзилари сойга ўзини ташлади. Сой бўйидан «ҳой-ҳой!» лаб келаётган Полвон отага ҳам қарамай, Раҳим тепалар панасига ўзини олганича ғойиб бўлди...

Қудрат эгасиз дайдиб юрган саманни тутиб Полвон отанинг олдига борганда, Полвон отадан шу воқеани эшитган. Полвон ота: «Тезда Кўкоролга еткизгин», деб отни Қудратга топширган...

Аҳмад ҳам, бошқалар ҳам бу ҳодисани чала-чулпа эшитиб юришган, кейинги кунларда эса ҳар хил ўйинларга берилиб Раҳим ҳангамасини, Раҳимнинг ўзини ҳам буткул унутишган эди. Бироқ Қудрат айтаётган ҳодиса уларга илгари эшитганларидан хийла бошқача, тўғриси, анча қизиқарлироқ туюлди. Ҳатто Қўзибойнинг оғзи карнайдай очилиб, кўзлари бежо жавдираб кетди. Унинг афтидан: «Оббо Раҳим чатоғей, сени биз бунчалик деб ўйламаган эканмиз-а, қойил қилган экансан-ку...» дегандай ҳавасланиш акс этиб кетди. Марҳамат бўлса, аввалига Қудратни жиддий туриб тинглади. Ҳикоя охирлагач эса, унинг чиройи анча очилди. Бунга Қудрат ҳайрон қолди: «Ахир Раҳимнинг қилиқларида ҳеч хурсанд бўладиган жойи йўқ-ку...» Тўғри, Марҳамат ҳозир Раҳимдан эмас, Қудратдан хурсанд бўлган эди. Негаки, у Раҳим ҳақида ҳар кимдан, айниқса, куни кеча Полвон отадан эшитганларини Қудратникига солиштириб кўрмоқчи, Қудратни яна бир синамоқчи эди-да...

— Раҳмат,— деди у Қудратнинг елкасига қоқиб:— Ҳар ҳолда ростига кўчдинг. Нима учун ўз вақтида айтмай юрганингни ҳам биламан. Яқин қўшнимдан ажралиб қоламан деб

Олимов билан Марҳаматнинг ҳозирги муштлашувдан бе-  
хабар қолганларига кўплар хурсанд бўлди. Ахир, муштлаш-  
ганларнинг ўзигагина эмас, томоша қилганларга ҳам уят-да...

— Айтмаймиз-а?— деди Қудрат Қолянинг қулоғига. «Айт-  
маймиз» деб имо қилди Қоля болаларга.

Марҳамат бир нимани сезгандай, қош-қовоғини чимириб  
деди:

— Мен сизларга бир катта янгиликни айтай деган эдим.  
Лекин, афтидан, хаёлларинг бошқа ёқда кўринади...

— Айтинг! Айтаверинг, Марҳамат опа!— деб чувиллаш-  
ди болалар.

— Қани, бўлмаса, ўтириб олинглар!— Олимов билан Мар-  
ҳамат қайрағоч тагидаги стол ёнига ўтиришди... Болалар  
скамейкаларга тизилишди; Раҳим секин қочиб қолишнинг  
эвини қилолмай, ҳамманинг пиқ-пиқ кулгисига сабаб бўлиб,  
қайрағоч тагидаги ўт устига чордана қурди. Энди Раҳимнинг  
сўлжайган башарасига на болалар ва на Марҳамат қайрилиб  
қарамади. Ҳамма бўйинини ғоз қилиб, Марҳаматнинг оғзидан  
чиқадиган янгиликни кутмоқда эди. Марҳамат, кеча партия  
мажлиси бўлиб, колхозда назорат постлари тузишга қарор  
қилинганини айтиб берди.

Бирдан болаларда жонланиш бўлиб, савол ёғилди:

— Постга кимлар олинади? Нима иш қилинади?..

Марҳамат тушунтирди:

— Назорат постларига комсомоллар, актив пионерлар  
танлаб олинади. Уларнинг вазифаси пахта ҳосилини ошириш-  
да катталарга ёрдамлашиш, экинларни қишлоқ хўжалик за-  
раркунандаларидан, сув босиш, пайҳон бўлишдан сақлаш...  
Тушунарлими?

— Бўлди! Жойида экан! Бизни ёзаверинг!..— Ундан ортиқ  
бола бараварига қичқирди. Аҳмад, Қўзибойларнинг овози  
ҳамманикидан баландроқ чиқди.

Баъзилар эса ёқинқирамагандай ёки нимадандир тили  
қисикдай, иккиланиб бир-бирини туртишди. Қудрат ҳам, мен  
нима қилай, дегандай Қоляга имо қилди... Шунда Раҳим  
ўзининг четда унутилиб қолишидан чўчидими, аста скамей-  
кага ўтиб олди.

— Мен,— деди Марҳамат,— «бизнинг отряд пионерлари  
бу ишда яқиндан қатнашади» деб ваъда бермоқчи бўлдим-у,  
аввал ўзларинг билан бир маслаҳатлашиб олай дедим. Кўп-  
чилигингиз бу вазифани бажаришга тайёр кўринасиз-а? Ле-  
кин буни осон деб ўйламанглар.

— Марҳамат опангиз тўғри айтяпти,— деди гапга аралашиб Олимов.— Деҳқончилик ўйинчиқ эмас. Мен кеча бригадаларни айландим. Селдан кейин ғўзаларни ўт босган, ҳашарот оралаган. Колхозчилар жуда шошиб қолишибди. Айниқса янги ерни экинга ўргатиб олиш анча қийин бўляпти. Шу топда ота-оналарингизга эпчил ёрдамчилар керак. Мен бошлиқларга: «Болаларимиздан фойдалансак бўлади, бекорга ҳам шаталоқ отиб кўча чангитиб юришибди» десам, баъзилари қарши бўлди. «Қўйинг, домла, болаларингиз ишни бузиб қўйишади» деди биттаси, бошқалар ҳам қўшилишди...

Бу гап болаларга ғалати туюлиб, ўйлатиб қўйди: «Қим қарши бўлган экан-а?» — деган савол уларнинг бетидан яққол акс этиб турарди.

— Дадангмасмикин шу?— деди бир бола Қудратнинг қулогига.

— Нега энди?— деди жеркиб Қудрат.

Буни эшитиб қолган Аҳмад Қудратнинг ёнини олди:

— Умурзоқ амаким болаларни яхши кўрадилар. Эсингдами, селни тўсиш вақтида хурсанд бўлган эдилар... Бобоқул отадан чиққандир бу гап. У ҳадеб болаларни тергайверарди.

— Майли, сизлар хафа бўлманглар,— деди болаларнинг кайфиятини пайқаган Олимов.— Мен катталар олдида сизларнинг ёнингизни олдим. «Болаларимиздан айрим хатоликлар ўтди, энди қайтаришмайди. Улар астойдил киришса, қўлларида анча иш келади. Башарти, биронтаси тагин ўйин бузуқилик қилса, биз кафил, кўпчилик бор, отряд бор, ишонаверинглар» дедим...

— Ана, кўрдингизми! Энди ўқитувчингизни, мени уялтириб қўймасаларингиз бўлгани!

— Уялтирмаймиз, Марҳамат опа, ишонаверинг! Постга ёзаверинг бизни...

Марҳамат постга аъзолар ёзишдан олдин комсомоллардан пост бошлиқлари сайлаб олиш кераклигини айтди. Кўпчилик худди тил бириктиргандай Аҳмадни кўрсатди. Аҳмад бир чайқалиб тушди-да, йўталиб олиб деди:

— Бўлмайди, мен Борисда ишламоқчиман! Коля яхши!..

— Коля кутубхона ташкил этмоқчи,— деди Марҳамат.

— Қудрат-чи?— деди болалардан биттаси.

Қудрат унга хўмрайди:

— Қўйсанг-чи, вақтим йўқ. Иннайкейин, комсомолга ўтмаганман...

Марҳамат Олимовга қаради. Олимов ўйланиб олди-да:



— Қудрат вақт топса-ку, мен ўзимга помошник қилиб олардим-а,— деб Қудратнинг кўнглини кўтарган бўлди.

— Майли,— деди уни қувватлаб Марҳамат.— Менимча ҳам постга Аҳмаднинг ўзи бўла қолсин. А, Аҳмад?

Аҳмад қадини кериб, томоғини қириб, ён-беридагиларга аланглаб олди. Коля, Қўзибойлар унга кўз қисиди. Аҳмад буни бошқача тушунди-да, чўрт кесиб:

— Йўқ!— деди ва тап этиб ўтириб олди.

— Ие, Аҳмаджон, шунча ўртоқларинг маъқулласа-ю, нега йўқ дейсан?

— Қайдам?..— Аҳмад яна ҳамманинг кулгисини қистатди.

— Бўлавер! Қўрқма, Аҳмад! Ёрдам берамиз!— деб далда беришди Қўзибой, Колялар.

Аҳмад уларга ҳайрат билан боқиб, ғулдуради:

— Нега бўлмаса кўз қисдиларинг?

Яна кулги кўтарилди. Марҳамат билан Олимов ҳам Аҳмаднинг соддалигидан завқланиб кулишди. Марҳамат унга эртагача ҳар бир бола билан алоҳида гаплашиб, пост аъзоларининг рўйхатини тузишни топширди. Аҳмад бошлиқ пост Кўкорол бригадасига бириктирилади. Эски участкадаги бригадаларда ҳам иккита пост тузиладиган бўлди. Шу ернинг ўзидаёқ болалар: «Мени ёз! Мени ёз!» деб Аҳмадни турта бошлашди. Раҳим шу дақиқагача ўз номи ўртага тушмаганидан хийла дадилланган эди. У ҳам, Аҳмаднинг постини мўлжаллабми, ёки бошқа постни мўлжаллабми, Марҳаматга қўрқа-писа деди:

— Мен ҳам ёзилай...

Буни эшитиб қолган болалар Марҳаматдан буруноқ Раҳимнинг жавобини беришди:

— Нима деяпсан ўзинг! Сени ёзиб бўпти!

— Хўп анойингни топибсан-да. Туёғингни шиқиллатиб қол!— деди тескари қараб Аҳмад зарда билан.

Раҳим ўсал бўлди. Кўзини филт-филт қилиб Марҳаматга термилди. Марҳамат уни стол ёнига чақирди.

— Ўтир, ўтир... қани юзинг... анча тузалиб қолибди-ку... Нега ўртоқларингни бетига қараёлмай қолдинг?..

Чувур-чувур тўхтади. Ҳамма Раҳимга ағрайди. Раҳим ердан бош кўтармасди.

— Менга қара, Раҳимжон,— Марҳамат янада мулоимроқ гапирди.— Қилган ишингни биласанми? Тобинг йўқ деб шу кунгача қўйиб бердик. Ўзингча кела қолмадинг. Мана бугун ўртоқларинг орасидасан. Очиқчасига гапиравер...

Раҳим минғаймас бўлиб олди. Болалар ҳазил қотишди:  
— Дарров соқов бўлиб қолдингми? Ҳали қурвақадай вақиллаётувдинг-ку!— деди Аҳмад.

— Жим!— деди Марҳамат Аҳмадга хўмрайиб ва Раҳимнинг ёнига бориб елкасига қоқди.— Ҳазилвонларинг кўп-а!.. Галстугинг қани?

Раҳим ялт этиб унга қаради ва ўйламасдан гапирди:

— Уйда қолибди...

— Елғон!— деди сабри чидамай Қудрат.

Марҳамат сумкасини очиб, ундан қизил галстукни олди-да:

— Мана!— деб уни ҳилпиратган эди, Раҳим беихтиёр қўл узатди. Лекин Марҳамат галстукни стол устига қўйди. Кейин сумкасидан машҳур жимжимадор қаламтарошини олиб кўрсатди. Раҳимнинг кўзлари ўйнаб чуқур хўрсинди. Сборга кечикиб келган ва «Чақмоқ»даги материални ўқиб улгурмаган болалар бу нарсанинг тагига етолмай туришарди.— Қани энди айт-чи, деворий газетада ёзилганлар тўғрими?..

Раҳим саросимага тушди. Тўғриси у, газетадаги карикатурани кўрган-у, материални охиригача ўқишга тоқати бўлмаган эди. Бироқ ҳозир ҳамма унга: «Энди ҳар томондан қўлга тушдинг, Раҳим. Ортиқ қайсарлик қилиб қутулолмайсан, бўйнингга олиб қўя қол!» деётгандай эди. «Нима деб бўйнимга оламан? Ҳаммага, бутун колхозга масхара бўлайми? Ҳаммасидан туртки еб юрайми?..»

— Билмасдан қилибман,— деди охири минғиллаб.

Бу икки сўз унинг томоғидан қармоқ солиб тортгандай, аранг чиқди. Шунини айтди-ю, яна айтганига пушаймон егандай, афтини тириштириб олди. Қудрат билан Қўзибойга «ҳа чақмачақарлар!» деган каби хунук қараш қилди. Бунини Марҳамат сезиб, чаккаси тиришди.

— Сенга қандай ишонамиз энди. Ҳали ҳам айбинга тушуниб етмаган кўринасан-ку? Наҳотки пионер деган кўнглига келган номаъқулчиликни қилаверса! У ёқда онасини хафа қилса, бу ёқда ўртоқларидан узр сўраш ўрнига туҳмат ёғдирса! Пионерга муносиб қилиқми бу, болалар?

— Йўқ! Йўқ!— деган овозлар кўтарилди.

— Ана!— деди Марҳамат.— Лоақал бирон ўртоғинг ёнингни олмаяпти. У ёқда Лолахон «Раҳимга ўхшаган бебошларни даламга йўлатмайман» деди. Шундай бўлгандан кейин, сени постга олиш у ёқда турсин, пионерда қолдириш ҳам қийин...

Раҳим ҳанг-манг бўлиб, столда шамол учириб кетай деб турган галстугига кўзларини жавдиратди. Вожатийга ва ўртоқларига ёлвориб термила бошлади... Марҳамат галстукни сумкасига солиб қўйди-да, қаламтарошни Раҳимга узатди.

— Майли, бор, ойинг кутиб қолгандир. Яна яхшилаб ўйлаб кўр...

Одатда қадамлаб эмас, қуёндай сакраб, ҳақкалаб юридиган Раҳим, ҳозир сувга тушган нондай тўкилиб борарди. Орқасидан яхшироқ зеҳн солганлар унинг елкаси қалтираётганини сездилар. Баъзилар унга кулди. Қўзибой эса:

— Кулмаларинг, йиғлаб кетяпти,— деб ачиниб қолди...

— Тўғриси айтсам, Раҳимнинг шу аҳволга тушишига ўзимиз ҳам оз-моз сабабчимиз,— деди Марҳамат Аҳмаддан ўпкалаб. Лекин бу кўпроқ Қудратга тегиб кетди.

— Мен расмини чизмай десам, булар қўйишмади,— деди дарров ўзини оқлашга тушиб Қўзибой.

— Йўқ, бу иш яхши бўлган!— деди Марҳамат.— Фақат уни саёҳатга олиб бормасдан чатоқ қилганмиз. Уни ўз ҳолига ташлаб қўйганмиз. Айбини вақтида кўрсатиб бериш ўрнига бекитиб юрганмиз...

Қудрат боягидан ҳам бадтарроқ изза бўлди.

— Унинг ўзи биздан юз ўгирди-ку, а?— Аҳмад гапини Қўзибой билан Қудратдан тасдиқлатиб олмоқчи бўлди-ю, бу иккисидан садо чиқмади.

— Хўп, бўлар иш бўлди. Ҳозир у ўз қилмишидан анча пушаймон бўлаётибди. Очиқ иқроор бўлишга бўйни ёр берамаяпти. Ҳали ҳам бўлса уни йўлга солайлик. Хўпми?..

— Нима, постга ёзгин дейсизми?— деди Аҳмад норози оҳангда.

— Унақа деётганим йўқ, ҳозир ёзмайсан. Интизомни тушуниб қўйсин. Агар истаса, ўзига лойиқ бирор топшириқ бериб турамиз. Синаб кўрамиз, хўпми?..

## У н и к к и н ч и б о б

Қудрат тагин ўзини яққаланиб қолгандай сездн...

Эркаклар, хотинлар кўрпа-ёстиқларини орқалашиб дала шийпонларига кўчиб чиқишди. Шийпон жуда гаштли ва гавжум бўлганди. Қўлидан иш келадиган болалар ҳам даладан бери келмай қўйишди. Қишлоқ маркази ҳувиллаб қолди. Бобоқул отанинг занги эшитилмайдиган бўлди. Айтишларича, Бобоқул ота: «Ҳамма далага ёпишиб ётган бўлса-ю, мен

идора олдида пашша қўриб ўтирсам келишмас», деб раисга арз қилган экан, уни асалари фермасига боқишгани юборибди. Чунки асаларичи чол уста сувчи ҳам бўлгани учун ғўза суғоришга кетибди.

Қудрат энди ким билан гаплашсин? Биттаю битта дўсти Коля ҳам келганига уч кун бўлмай отрядга аралашиб, кутубхонага уннаб кетди. Қудрат бир чеккаси Аҳмаддан ҳам хафа бўлди: «Сбордан кейин бирон марта постга ёзиласанми деб сўрамаса-я! Сборда вақтим йўқ деганим, постга кирмайдан деганиммиди?.. Нега мени бутунлай ажратиб қўйишади? Нима, улар қилолган иш менинг қўлимдан келмас эканми? Ҳа, айтмоқчи, Раҳим-чи? Раҳим ҳам далага чиқиб кетганмикин? Хоҳ, мени чақирришмаган, Раҳимни чақирришармиди! Уйдан хабар олсаммикин? Хоҳ, ўзи бизникига кирмайди-ю, мен ялиниб кирайми!.. Йўқ, далага чиқишим керак. Қачонгача икир-чикир ишларга ўралиб, уйга қоровул бўлиб ўтирмаман!..» Шунда қозон-товоққа боғланиб қолган синглиси Раённи, невараларини ёлғизлатиб қўйган бувисини ўйлаб кетди...

Қудрат кўча айланиб келиб уйига кирса ҳеч зор йўқ, фақат товуқлар ҳовли билан битта бўлиб экинларни пайҳон қилиб, ҳамма ёқни ивирситиб юрибди. Раёно товуқхонанинг эшигини очиқ қолдириб, қаёққадир ўйнаб кетибди. Қудрат узун гаврон тутиб, товуқларни уяга ҳайдаркан, яқин жойдан чилдирма овози келди. Қизларнинг кулишгани эшитилди. Қудрат овози борича бақирди:

— Раёно!.. ҳов Раёно!..

Одатдагича бежирим кийинган Меҳри чилдирмача чалиб, Раёно билан яна битта қизчани ўйинга тушириб кириб келди. Қизлар қошларига ўсма қўйишган, сочлари ва чаккаларига садарайҳон, «қирқ-оғайни» гулидан маржон қилиб тақиб олишган эди.

— Уҳў, томоша зўр-ку!— Қудрат дарров жаҳлдан тушиб, кулиб юборди.— Ҳовлида ўйнайвермайсизларми!

— Ака-чи, ака! Меҳри опам кийимларни ювиб дазмоллаб бердила!— деб Раёно югурганча уйдан Қудратнинг қўйлагини олиб чиқди. «Керакмас» деса ҳам қўймасдан акасини ясантирди. («Тавба, қизлар дарров қовушиб кета қолади-я!» деди ичиди Қудрат.) Раёно жовурлади:— Ака, энди бориб бувимни олиб кела қолгин! Жуда соғиниб кетдим!

Қудрат ҳам соғинган эди. Лекин унинг соғиниши билан синглисининг соғинишида кичкина фарқ бор эди. Раёно бувисининг «болагинамнинг болагинаси» деб эркалашларини,

ачомлаб пешанасидан ўпишлари, учларига пахтадан пилик эшиб сочини майда-майда ўришлари, қошига ингичка қилиб ўсма қўйиб қўйишлари, яна аллақанақа одатларини қўмсарди. Қудрат эса ҳозир бувисининг эркалашигагина эмас, уй ишидаги қўмагига муҳтож эди.

— Бўпти,— деди Қудрат Раънонинг энди эргашмаётганига севиниб.— Бориб келгунимча йиғламасдан ўтирасан-а?

— Мен бор-ку, нега йиғлайди!— деди Меҳри.— Ҳазимиз ўйнаб, китоб ўқиб ўтирамыз-а, Раъно? Боравер бемалол...

Бу ширин сўз, меҳрибон, кулча юзли қиз Қудратнинг кўзига янада яхши кўриниб кетди. Унинг уйи эски қишлоқда Қудратларникига яқин бўлиб, ойнаси Қудратнинг ойнаси билан эгачи-сингилдай эди. Янги қишлоққа кўчиб келганларидан буён эса алоқалари сийраклашиб қолди. Меҳри касалдан тургандан кейин, онаси кўчага кўп чиқармай қўйди... Қуни кеча Марҳамат уни кўргани кирди. Меҳрининг жуда соғайиб кетганини билгач, Қудратдан гап очди:

— Қудратларникига чиқиб турибсанми? Сингилси зерикиб қолаётганга ўхшайди. Унга опа бўлиб ўйнатиб юргин. Ҳўпми, опаси?

Меҳрига ҳам, онасига ҳам бу маслаҳат ёқиб тушди...

Мана энди Раъно яйраб қолди. Неча ойдан бери биринчи марта чилдирманинг «бака-банг»ига пилдираб, бармоқларини шиқирлатиб ўйинга тушди.

Қудрат қизларнинг ўйинини бирпас томоша қилди-да, юрагининг чигили ёзилгандай бўлди, ўзини қушдай енгил сездди. У ҳам қизларга қўшилишиб оёқ ўйинига тушгиси, барала овоз қўйиб қўшиқ айтгиси, тўйиб-тўйиб кулгиси келди. Лекин бир жойда туролмади, оёқлари беихтиёр кўча томон тортди. Қўнгли дарров дўстига талпинди. Ўзи шунақа бўлади: юрагинг қайғуга тўлган чоғда ҳам, шодликка тўлган чоғда ҳам уни очиб учун энг яқин кўрган жонажон дўстингни қўмсаб қолсан...

Қоля Пионер уйдан каттагина икки бойлам китоб кўтариб чиқиб келмоқда эди.

— Қоля! Қоля! Бувим... Бувимни олиб келамиз!— деди велосипеддан тушиб Қудрат ва Қолянинг қўлидагиларни велосипедига юклаб олди.

Қоля, кутубхонага китобларни тўплаб бўлиб, ундан кейин боришни таклиф этган эди, Қудрат кўнмади:

— Бугун бораверайлик, ўртоқ. Кейин кутубхонага ўзим боқишиб юбораман.

Коля дўстининг сўзини қайтариб ўрганмаган эди.

— Жуда соғинибсан-а бувингни? Тағин бувинг «борол-майман» деса-чи? Балки ҳали ҳам касалдир?..

Қудрат индамай қолди. Коля ҳам анча ергача ўйланиб борди-да, бирдан хахолаб Қудратни чўчитиб юборди.

— Бўлди... теша тегмаган фикр, антиқа... Доктор оборамиз бувингга, доктор!

— А? Қанақа доктор?

— Доктордака доктор-да. Доктор бувингни кўради. Кўради-да: «Онажон, бу касалингнинг давоси битта. Сиз тор ҳовлида сиқилиб қолибсиз. Кенг жойга, баҳаво далага чиқиб кетинг. Ана ўшанда юрак ўйногидан қутуласиз» дейди...

Коля, ўз гапи ўзига наша қилиб куларкан, Қудрат дўстининг топағонлигига ҳайрон қолди:

— Қойилман мияннга, адаш? Топдинг, топдинг!.. Э, тўхта, адаш, докторни қаердан чақирамиз?

Коля кулгидан ўзини аранг тўхтатиб, деди:

— Узимиздан топамиз-да...

— Меҳрининг опасини оборамизми?

— А? Докторликни ўшатолармикин? Бувинг, менга унақа-мунақа доктор тўғри келмайди, деган эди-да.

— Меҳрининг опаси ҳам яхши доктор-ку?

— Майли, гаплашиб кўрамиз...

— Докторни машинада оборамиз-да, Коля,— деди Қудрат севишиб,— ўша машинада бувимни кўчириб келамиз, бўп-тими?

— Ҳозир машина тегармикин, тинмасдан ўғит, беда, мевалар ташиб ётишибди-ку. Иннайкейин, бугун-эрта қирга жўнашаркан, галлага...

— Нима қиламиз бўлмаса?— Қудратнинг мияси қотди.— Э, менга қара, адаш, Қўзибойнинг эшак араваси-чи?

— Ҳа, бунинг жойида. Лекин тошбақа қадам билан икки соатлик йўлга роса бир кун судралса керак-да.

— Ий-е, ҳе, «Оқтой»нинг йўрғасини кўрмабсан! Мотоцикл бўлиб кетади, ҳа!

Коля адашининг опқочишидан завқланиб кетди.

Улар гапга берилиб, велосипедни етаклаганча далага яқинлашиб қолишди... Қишлоқ маркази қанчалик ҳувиллаган бўлса, Қўкорол даласи шунчалик обод, гавжум эди. Кексалар ҳам, ёшлар ҳам бари шунда. Худди пахта терими фаслида бўладигандай ҳамма ялпи гўзага ёпирилибди. Қим ўтоқ

қиялпти-ю, ким чопиқ қиялпти, ўғитлаялпти-ю, ким суғоряпти — ажратиб бўлмасди. Қудрат Қоляни туртиб, деди:

— Чуғурчиқдай ёприлишибдими! Сен йўқ эдинг, сел вақтида ҳам худди шунақа тўполон бўлган эди дала...

Пахтазорга яқинлашганлари сари шовқин кучайди. Бир эмас, уч «универсал» Кўкоролнинг уч томонида гулдурмоқда. Кенг дала ҳавоси мутгасил машина овозига чўмган: бу кучли овоз ариқлардаги сувнинг шовиллашини, қушларнинг чирқирашинигина эмас, одамларнинг босим қий-чувини ҳам кўмиб юборган эди... Гир-гир шабада гоҳо қулоққа ингичка қичқириқларни келтирарди. Ундан ортиқ бола Кўкоролни этак тарафидан ярим доира шаклида қуршаб олганди. Улар майка ва трусикда, лекин жангчилардай шайланган: баъзисининг қўлида белкурак, баъзисида теша, ўроқ, хаскаш... улар сел тўсган вақтидагидай жадаллик билан ҳаракат қилиб ғўза атрофидаги ёввойи ўтларни қирмоқдалар. Ана, Қўзибой ҳам шулар орасида. У, бошқа асбоб қуриб қолгандай, ойисининг ошпичогини (сўрабми-сўрамайми), кўтариб чиққан эди.

— Сен Қўзибой билан гаплашиб борарсан, — деди Қоля ва велосипедни миниб, сўқмоқ йўлдан баландликдаги шийпонга қараб кетди.

— Ҳорм! — деди Қудрат Қўзибойнинг олдига бориб. Қўзибой икки букилиб, худди қиличбозлик қилгандай ошпичоқ билан ўтларнинг «боши»ни узмоқда эди. Унга сари ёнверидagi болалар масхаралаб кулишарди. Қудрат унинг ҳаракатини кўрибоқ: — Бошини узганингдан нима фойда! Илдиз-пилдизи билан қуритиш керак-да! — деди дадасидан ва Олимовдан эшитганларини эслаб. — Биласанми, шу ўтларга ҳашарот тухум қўйган. Қўйиб берсанг, тез кунда жонланиб, ғўзага ўтади. Ғўзага ўч бўлади бу очопатлар!..

Қўзибой пешанасидаги терни кафти билан сидириб ташлаб кулди:

— Ўзинг ҳам агроном бўламан деганингча бор экан-да!.. Аҳмадинг бўлса, бу ёғини тушунтириб ўтирмасдан нуқул «давай-давай!..» дейди.

— Сен бу ишга ярамайсан бари бир. Ундан кўра рассомлигинг тузук.

— Ҳозир бу иш зарурмиш-ку, — деди кулиб Қўзибой ва бирдан биқинини ушлаб қолди.

— Ҳа, оғрияптими? — Қўрқиб кетди Қудрат.

— Й-йўқ... ўзи... — Қўзибой бекитишга ҳаракат қилса ҳам, қўйнида аллақандай бир жонивор типирчилаб сирни очиб қўйди. Қўзибой кула-кула қўйнидан қарқуноқ боласини чиқарди-да, бармоғига қўндириб кўз-кўз қилди.

— Қаердан олдинг буни? Мунча чиройли-а!

— Ўзим тутдим...

— Хоҳ! Биров тутиб бергандир... — Қудрат қарқуноқ боласини бармоғига қўндириб, унинг сап-сарик тумшуги, олачипор силлиқ қанотларига тикилди. Яқин ердан чуғурчиқлар қиғиллаши эшитилди. Унга жавоб бергандай қарқуноқ боласи ҳам учирма бўлган қанотларини дириллатиб аста «қиғ-қиғ»лади...

— Онасига интиляпти жонивор. Қани, уча олармикин, — деб Қудрат қўлини ҳавога силкиди. Қарқуноқ боласи пир-р этганча учиб бориб яқин ерга тушди, яна бир кўтарилиб тут шохига қўниб олди. Дарров унинг атрофида бир қарқуноқ парвона бўлиб қолди... Қудратнинг дилидан ўтди: «Эҳ, бечора, онасини топиб олди-я!»

— Чатоқ қилдинг-да, — деди ачиниб Қўзибой. Лекин уни тез унутиб, бошқа сўзга ўтди: — Сен ҳам ҳашарга келдингми?

— Йўқ... — Қудрат Қўзибойнинг олдига нима мақсадда келганини билдирди.

Қўзибой Ефим тоғанинг аравани эртага битказиб бермоқчи эканини хурсандлик билан айтди-ю, аммо «Оқтой» ҳақида нима дейишини билмай, иккиланиб қолди. Чунки кечадаң бери «Оқтой»га Раҳим хўжайин эди. «Оқтой»ни Раҳим бирикки кун барг ташийман деб олган ва бунинг эвазига қарқуноқ боласини тутиб берган, яна бир катта нарса ваъда қилган эди: «Шаҳардаги магазинда яхши мотоцикл кўрдим. Пул йиғиб ўшани оламан. Минишни ўрганиб, сени ҳам миндираман-да, бирга Тошкентга бориб томоша қиламиз...» Содда Қўзибой бунга лақ этиб учган. Кечаги «атака»дан сўнг эса, тўғриси, Раҳимдан «Оқтой»ни сўрашга ҳам юраги бетлаёлмай қолган эди.

Қўзибой буни айтолмади, албатта. Ахир айтса, Қудрат нима дейди. «Лақмасан, кўрқоқсан» демайдами! Ахир нима қилсин Қўзибой? Раҳим билан тенг келиб бўладими. Шундоқ Аҳмаднинг кучи зўрға етди-ку...

— «Оқтой»ни ўзинг бориб ола қол Раҳимдан.

— Ие, ўзинг бергансан, ўзинг олгин-да!

Қўпол ботинкасини дўқиллатиб, иссиқда бўрсиллаб ҳарсиллаган Аҳмад келди. Келди-ю, Қўзибойга дўқ қила кетди.



— Ҳалиям «Оқтой»ни келтирганинг йўқми? Бор, ҳозир топиб кел!.. Узиям ҳали сени лақиллатиб, бозорда «кеп қолинг, барра бодринг!» деб ётибди десанг-чи.

— Ҳе, бировни орқасидан масхаралаб нима қиласан!— деди Қудрат Аҳмаднинг шахтини кесиб.— Ким билади, бозордами, барг ташлаётибдими, ё балиқ овидами...

— Ҳа, нега хулигани ёнини оласан?

— Ёнини олаётганим йўқ. Узинг бориб билишинг керак деяпман. Марҳамат опам нима дедилар: четлатиб қўйманлар дедилар-ку. Сен бўлсанг дарров унутдинг...

Қудрат бу билан «мени унутдинг» демоқчи бўлди-ю, аммо Аҳмад бунинг фарқига бормади. «Қўйсанг-чи ўшани!» деб қўл силтаб қўйди.

Аҳмаднинг болаларга корчалонлик қилгани майли-я, «Оқтой»га ҳам корчалонлик қила бошлагани Қудратга сингмади. Йўқолган «Оқтой» билан битмаган аравани талашиб икки ўртоқ ғижиллашиб қолишди. Қўзибой эса «Оқтой»нинг баҳоси ошиб кетганидан мағрур эди. Аҳмад Қудратга писанда қилди:

— «Оқтой» билан арава менга ишлатиш учун керак. Опам буюрди. Сенга бўлса катайса қилгани...

— Нима деяпсан ўзинг! Мен шаҳарга катайса қилгани тушмоқчимасман. Қасал бувимни олиб келмоқчиман, билдингми! Пост бошлиги бўлдим деб дарров кучайма! Ўт юлишингни бил, от-аравага сен хўжайинмас!

— Бўлмаса сен хўжайинми?

— Мен ҳаммас. Дадам...

— Дадангдан сўрайвер бўлмаса от-аравани!

— Бўпти,— деди зарда қилиб Қудрат,— сенларга ялинмаганим бўлсин...

Икки оғайни бир-бирига хўмрайишган ҳолда икки ёққа қараб кетишди...

Кекса қайрағоч остидаги шийпонда Коля китобларга ўралиб ўтирарди.

— Бўлмади!— деди иши юришмай борган Қудрат.— Дадангдан сўраймиз от-аравани.

Қудратнинг шикоятини охиригача тинглагач, Коля парвосиз илжайди:

— От-арава бир гап бўлар-а, сен ҳали дадангдан рухсат олмаган экансан-ку?..

Қудрат кўзини аланг-жаланг қилиб дадасини ахтарди.

Умурзоқ ака шундоққина шийпоннинг ёнбошида ўчоқ ко-  
ламоқда эди.

— Ие, ўчоқ бор-ку, дада?— деди Қудрат каттагина қозон  
осиғлиқ турган эски ўчоқни кўрсатиб.

Умурзоқ ака кетмон уришдан тўхтади.

— Икки қозон осмасак бўлмай қолди, ўғлим. Хўрандалар  
кўпайиб кетди. Катталар, болалар... эрта-индин чақалоқлар  
ҳам кўчиб чиқишади.— Умурзоқ ака кулиб, шийпон орқасига  
ишора қилди. Устига брезент, атрофига чий тортилган кич-  
кинтойлар бўлмаси шийпонга ҳусн бўлиб тушган эди.

Дадаси яна кетмон ура бошларкан, Қудратга гапни нима-  
дан бошлашни, билмай ўзини у ёқ-бу ёққа чалғитиб турди.  
Сўнг қулай баҳона излаб, синглисини тил қилди:

— Раънойингиз йиғлапти, дада!— деди. Дадаси ялт этиб  
унга қаради.— Тез бувимни опкеласан деб қўймапти...

— Ҳм... шунақа дегин...— Умурзоқ ака ўйланиб қолди.—  
Майли-ку... бувингни бир хил одатлари бор-да. Урганган кўн-  
гил ўртанса қўймас, дейди... Бу ерда тура олармикин-да,  
қайдам...

Қудрат: «Қанақа одатларини айтяпсиз?» деб сўрашга  
оғиз жуфтлади-ю, яна тили бормади... У, бувисининг одатла-  
рини ўйлаб кўрганда, кўпи унга ёқарди. Фақатгина биттаси  
Қудратнинг ҳам, онасининг ҳам гашини келтиргувчи эди. Бу,  
кампирнинг киннакашлиги эди. Эски қишлоқдаги уйларига  
кампир тез-тез келиб турарди. У ерда кампирнинг қадрдонла-  
ри кўп эди. Шу қадрдонлардан айримлари кампирни ўзига  
«табиб» қилиб олган, сал бош-моши оғривса дарров чақириб  
кинна солдирарди. Яра-чақа бўлганларга кампирнинг отқулоқ,  
зигирак, баргиз ўтлардан «дори» тайёрлаб бериши-чи... Бу  
ишни кампир «ҳолисанлилло» бажараман дерди. Қудрат бу  
сирли сўзнинг маъносини англамас, ўзича «текин хизмат» де-  
ганимикин деб ўйларди. Ундоқ деса, кампирни ўша хизматлари  
бадалига «назкрингиз» дейишиб, беш-ўн танга енг учуда қис-  
тириб кетишганини неча марта кўрган. Кампир бу тангаларни  
ва қоғоз пулларни қўғирчоқнинг кўйлагидай келадиган бурма  
халтачага солиб, шол белбоғи қатига қистириб юрарди. Қуд-  
ратнинг билишича, кампирнинг бу «ҳунари»дан дадаси беҳа-  
бар эди. Фақат Зеби хола касал вақтида кампир докторнинг  
дориси бу ёқда қолиб, ўзи «дори» тайёрлаганда дадаси кўриб  
қолган, индамасдан келиб кампирнинг «дори»сини тўкиб таш-  
лаган эди...

«Наҳотки дадам бувимни шу одати учун ёқтирмаса-я!..»

Тўғриси, дадаси хоҳ ёқтирсин, хоҳ ёқтирмасин, Қудратнинг бу галги аҳди қаттиқ эди. Дадаси рухсат берса-бермаса бормоқчи эди. Дадаси ҳам шуни сизди, шекилли:

— Бўлмаса бир-икки кун сабр қил. Раис саманни қирга миниб кетган эди. Келсин, ўзим арава қўшиб бераман,— деб кутмаганда ечилиб кетди...

— Бўлди, адаш, бўлди!— деди Колянинг олдига борган Қудрат дўпписини осмонга ташлаб.— Рухсат... арава ҳам нақд! Саманни қўшиб берадиган бўлдила. Қўзибойнингга ҳам ялинмайман, Аҳмадингга ҳам!..

## У н у ч и н ч и б о б

Қўзибой Раҳимни қидира-қидира сунбул жардан топди...

Раҳим сунбул жардаги қўлга қармоқ солиб, мушук сичқонни пойлагандай, бир нуқтага тикилиб ўтирарди. Шу топда Раҳимнинг қулоғига жар ёнбошидан оқаётган сойнинг шовиллаши, қўл бақасининг аҳён-аҳёнда вақиллаши ҳам кирмасди. Бутун диққати ён бағрига санчилган калтакнинг учиди ва сувдаги ипда эди. Ана, ип таранг тортилиб, калтак силкиниб кетди. Раҳимнинг кўзлари қинидан чиқаёзди. У, шошганича калтакни суғуриб қармоқни тортса борми, узун ипнинг учиди узунчоқ итбалиқ думини ликиллатиб чиқиб қолди. «Бор-эй! Балиқмисан дебман-а!— Раҳим овози бориचा қичқириб кулди. Унинг қичқириги жарликдан шанғиллаб чиқиб, узоқларга кетди. Сой ёқалаб бораётган Қўзибой овозни эшитиб, югурганича жар тепасига чиқди. Тепа атрофида, худди бу ерни қўриқлагандай думини ликонглатиб «Тарзан» юрарди. «Ҳа... Раҳим шу ерда экан...» Қўзибой индамай жарнинг тепасига мукка тушди-ю, секин бошини кўтариб, ўтлар орасида Раҳимнинг ҳаракатини кузатиб ётди. Раҳим миқ этмай қармоққа кўз тиккан, қармоқ эса қимир этмасди. Қўзибой унга тикила-тикила зерикди, кейин унинг диққатини сунбулзор манзараси ўзига тортди...

Жарнинг уч тарафи худди атайлаб ўйиб тушилгандай тик ён бағир бўлиб, остида муз каби зангор қўл жимирлайди. Қўлнинг бир тарафи тор ариқча орқали «Шўхсойга» туташган эди. Ён бағирларни кўзни қамаштирувчи ям-яшил, тиниқ сунбул кўрпадай қоплаган, булар тепаларда ўсиб ётувчи турлитуман гиёҳлардан ўз кўркамлиги билан ажралиб туради. Сунбуллар ниҳоятда нозик, садарайхондай қалин, майда, сер-

барг бўлиб, уларнинг печакдай чўзилиб кетган новдалари худди соч толаси каби ингичка, қорамтир эди. Толаларнинг тагидан милт-милт сув томчилари чиқиб, сунбулларнинг баргларини ювади, ёмғирдай савалаб кўл бетини муттасил жилвалантириб туради.

Бу манзарага маҳлиё бўлган Қўзибой, камарига қистириғлиқ китобни олиб, олдига қўйди. Чўнтагидан бармоқдаккина қаламни чиқарди-да, китоб муқовасига ўралган кўкиш қоғозга сунбулзор кўринишини чиза бошлади. У, кўз олдида рангбаранг жилваланган манзарадан ақалли тахминий нусха кўчириш учун ҳам бир хил бўёқ кифоя қилмаслигини билди. Уйдаги рангдор қаламлари эсига тушди. Айрим кўринишни бўртдириброқ чиқариш учун кўк қаламини ҳадеб тупуклаб оларди (тили ва лабининг кўкариб кетганидан хабари йўқ...) Ҳадемай, қоғознинг бир ёғи расмга тўлиб, энди иккинчи томонига ҳам ўтди. Қўзибой ўз машғулотига бутун вужуди билан берилиб кетган эди. Шу вақт бирданига пастдан Раҳимнинг: «Қойил! Қойил!» деган ҳайқириғи кўтарилди. Қўзибой чўчиб тушди-ю, чап кафтида омонат турган китобни тутаман деб интилганича, Қўзибойнинг ўзи ҳам жар қирғоғидан оғиб кетганини билмай қолди. Ен бағирдаги буталарга илина-илина ўмбалоқ ошиб бориб, кўлга шалоп этиб тушди. Бундан Раҳимнинг капалағи учиб кетди. У, эндигина қармоқдан ажратаётган бир қаричча танга балиқни ҳам кўлидан тушириб юборди. Кўлнинг ўртасида сувни шалоплатиб қулоч отаётган Қўзибойни қутқаришга шошилди. Қўзибой сузишга уста эди-ю, аммо ҳозир почаси бўғиқ шалвари, кўйлағи сузишга халақит берди. Раҳим ўзини сувга отиш учун кийимини ечаётганда, Қўзибой: «Калтак! Калтак!» деб бақирди. Раҳим дарҳол қармоқ илинган узун калтакни узатди. Қўзибой бир-икки шўнғиб олға интилди-да, калтакнинг учини тутиб олди...

Кўл суви илиқ бўлса-да, Қўзибойнинг ранги қув ўчиб кетди. У хийла қўрққан ва думалаб тушаётганда тиззаси қирилган эди. Лекин Раҳимнинг «ҳеч қаеринг оғримадими?»— деган саволига жавоб қайтармади. Шалаббо бўлган кийимини ечиб сиқди-да, жийда шохига илиб қўйди ва офтобда бир оз вақт тиззасини кучоқлаб жим ўтирди. Қўзибой ўзини сувга чўкишдан қутқаргани учун Раҳимга миннатдорчилик билдириб қўйгиси ҳам келди-ю, аммо Булоқҳовуздаги «атака» эсига тушиб, ўйлаган сўзи бўғзига тиқилиб қолди. Айниқса Раҳимнинг «чақмачақар» дегани унинг қулоғидан кетмас эди. Раҳимнинг ўзи гап бөшлады:

— Баҳона билан чўмилиб олдинг-а! Нима қилиб тушиб кетдинг?

— Узинг бақириб чўчитдинг-да! Умрингда балиқ кўрмаганга ўхшайсан-а! Булоққовузга борсанг-ку кони бор.

— У ердагини тутдирмайди-да. Ўз қўлинг билан тутганинг бир бошқа.

— Э, тўхта... Китобим қани?— Қўзибой ирғиб турди-да, таги кўринган тиниқ сувга тикила бошлади.

— Қидирма, қидирма,— деди, китобни ҳалиёқ илиб олиб бир чеккага қўйган Раҳим.— Бу ўзи қанақа китоб?

— Қўявер,— Қўзибой унинг қўлидан китобни тортиб олди,— қизиқ китоб. Темур тўғрисида.

— Темир? Қанақа темир?

— Темир эмас, Темур!— Қўзибой машҳур Гайдар китоби қаҳрамонининг номини ҳам тўғри айтолмаган Раҳимдан кулди.

— Қани, қани,— Раҳим энди китобни олиб очди — Мен ҳам ўқиб берай... Ҳа, кейинми? Майли. Қаёқдан олдинг буни?

— Кўкорол кутубхонасидан... Ҳеч гапдан хабаринг йўқми?..— Қўзибой Коля билан Қудрат шийпонда кутубхона очишаётганини, ҳозирдан болалар анча китоб топширишганини айтиб, Раҳимнинг ичини қизитди. Раҳим сбордин кейин бир марта ҳам Булоққовузга қадам босмаган, «Чақмоқ» ёнига ёпиштириб қўйилган китоб тўплаш тўғрисидаги эълонни кўрмаган экан.

— Менда ҳам китоб кўп, оборсам олармикин?— деди Раҳим, Қудратлар олдига бориш ва ярашиб олиш учун соз баҳона топилганидан қувониб.

— Нега олмасин!— Қўзибой чала қуриган кийимини кийди-да, гапни чўзиб ўтирмай, асосий муддаога келди.— «Оқтой» қани?.. Ўзимизга зарур бўлиб қолди. Сен бозорга борадиган, мен гап эшитадиган!

— Кимдан гап эшитдинг?

— Пост бошлигидан-да.

— Ие, постга олдим сени?

— Бўлмасам-чи!— Фахрланди Қўзибой.— Кечадан далага чиқдик. Колхоз-колхоз бўлиб ўтоқ қилипмиз.

— Ва-а!— деди Раҳим «шу ҳам иш бўптими» дегандай.— Ундан кўра тракторга минган яхши эмасми! Мени тунов кўни Борис тракторга мингаштирди...

— Билмайсан, бизнинг ҳар қайсимизга участка ажратиб

берилган! Қим ўз участкасини вақтида ўтоқдан чиқарса, мукофотланади...

— Қанақа мукофот?

— Шаҳарга тушади, кино кўради...

— Мен неча марта шаҳарга тушдим.

— Ёлғиз тушгансан-да. Бизни Марҳамат опам олиб бормоқчилар машинада. Чилдирма чалиб, ўйин қилиб борамиз, ҳа...

Раҳимнинг кўзи ола-кула бўлиб кетди. Нима деярини билмай, шиша банкада ўт орасига яшириб қўйган чувалчангдан олиб, қармоққа ила бошлади.

— Ҳей, бўлсанг-чи, мен кутиб тураманми!— деди диққати ошган Қўзибой.

Раҳим зарда билан чувалчангни отқилади-да, қармоқни йиғиштирди.

Йиғирма қадамча босар-босмас қўнғироқ товушини эшитиб, Қўзибой ажабланди. Жарнинг нари ёғидаги тутзорда икки боғ тут барги ортилган «Оқтой» ўтлаб турарди.

— Ие, шу ердамиди!— Қўзибой «Оқтой»ни тез топилганига хурсанд бўлди-ю, Раҳимнинг беғамлигига ҳайрон қолди.— Сени қара-ю, баргинг сўлиб қолмайдими?..

Раҳим, «Оқтой»ни хиклаганча йўлга чиқарди. Икковлари ҳайдаб кетишди...

Баргни Хадича аянинг қуртхонасида куйманиб юрган қўшни кампирга топширишди. Раҳим «ҳозир» деганча уйга кириб кетди. Қўзибой бир зум кутиб турди-да, сўнг «Оқтой»га миниб жўнади. Кетидан Раҳим:

— Шошма, шошма, мен ҳам бораман!— деб югурди. Қўзибой эшитмаганга олиб бораркан, сойга туташган бедазорга яқинлашганда Раҳим яна қаттиқроқ қичқирди.— Бедана, Қўзибой, бедана!..

Қўзибой жиловни тортиб, орқасига ўғирилди. Раҳим елкасида халта, бедазор ёнида турар, «Тарзан» эса тизза бўйи ўсиб гуллаган кўм-кўк беда ичида, бир нимани искаб юарди.

— «Тарзан»им жуда ақлли-да, қара!— деб мақтана кетди Раҳим.— Бир қақиримдан ис билади. Тунов куни шу ерда бедана тутиб чиқди. Макиёни экан, худди ғурракдай келади. Сўйиб ошга босдик. Шунақаям маза бўладики, ана, ҳозир тутиб чиқади. Бедана тўлиб ётибди бу ерда...

Гоҳ кўриниб, гоҳ кўринмай юрган «Тарзан»га тикилганича Қўзибой деди:

— Ваҳмангни қара-ю! Қани?.. Чумчуқ-ку ҳаммаси!

— Ва-а,— деди масхаралаб Раҳим,— тушунмабсан. Беда-на чумчуқда ўхшаб юзада учиб юрармишми! Беда ичида биқиниб юради-да.

— Сенга ўхшаб-а!— деди пайтдан фойдаланиб Қўзибой. Раҳим ўқрайди. Қўзибойни мот қиладиган бир сўз ахтармоқда эди, лекин «Тарзан» халал берди. У «овим юрмади» дегандай тилини осилтириб келиб Раҳимга суркалди. Раҳим пинагини бузмай:

— Мана, қараб тур,— деди-да, халтасини ерга отиб «Тарзан»ни ўзи бедазорга бошлаб кирди ва қўлини силтади:— Бос!..

«Тарзан» нимани босарини билмай ҳар ёққа алаанглаб ба-роқ думини диккайтирганича беда ичида тентиради. Чўчиган чумчуқлар чирқиллашиб, пириллашиб кетишди. «Тарзан» бе-дазорни узоқ кезди. Охири, овдан умидини узиб қайтаётганда, чеккароқдан пир-р этиб бир қуш кўтарилди. Кўтарилди-ю, ўн қадамча ерга пастлаб бориб кўздан йўқолди. «Тарзан» жон ҳолатда югуриб, қуш бекинган ерга ўзини таппа ташлади. Қуш ҳам итга тутқич бермай яна пириллаб учди, бу сафар аввалгисидан баландроқ ва тезроқ учиб бориб гўза пайкалига ўзини урди.

— Бедана! Бедана!— Қўзибой учган қушнинг бедана эка-нини аниқ кўрди ва Раҳимнинг кетидан югурди.

«Тарзан» икки ирғишдаёқ бедана тушган жойга етди.

Итнинг ва болаларнинг гўзага тушганини узоқда — нари-ги звено ерида туриб сезган бир аёл тут дарахтлари остидаги сўқмоқдан «ҳой-ҳой»лаб от чоптириб келди. Унинг ҳаракати улоқчи йигитларга ўхшаб кетди. У энгини шимариб олган, кулча бетлари терга ботган, қизил рўмолчаси бошидан сиди-рилиб, узун соч ўримига илашиб қолган. Бу — Лолахон эди.

— Нима қиляпсанлар? Бирон нарса ахтаряпсанларми?— Лолахон отдан тушди. Ит ўз овини ахтариб, ҳар ёққа ташла-ниб, гўзанинг беш-олти тупини эзиб юборган эди.

— Бу нима қилганларинг, а? Гўзани пайҳон қилибсанлар-ку!— Лолахон эзилган гўзаларни тикламоқчи бўлди.— Нобуд бўпги-я жониворлар. Энди гуллаган экан-а!.. Ахир бунга оз-мунча меҳнат сарфлаб қўйибдимми! Ҳа тирмизаклар! У ким-нинг ити?

Раҳим серрайганча турарди.

— Уники!— дейишга мажбур бўлди, Раҳим касридан қўл-га тушиб ўтирган Қўзибой.

Раҳим унга бир ўқрайиб олди-да, иқроп бўлди:

— Бедана тутаётган эдик, опа...

— А-а! Ғўза ичида бедана овлашни ким чиқарди!— Лолахон атрофга аланглаб олди.— Бу звенонинг бошлиғи шу топда қаёққаям кетибди. Унинг қўлига тушсаларинг таъзирларингни бериб қўяди... Раҳим-ку маълум, от ўғирлаб бизни қанча таҳликага солган эди. Шунча дакки еса ҳам тавба қилмабди. Сенга нима бўлди, Қўзибой? Утоқда бир кўриниш бердинг-ку, тагин қаёққа ғойиб бўлдинг десам, бу ёқда «ов» чиқиб қолган экан-да?

— Билмабмиз, опа,— деди ялингансимон Қўзибой.

— Ҳали экинларимизни қўриқлаб берадиган сенларми? Хўп одамига ишонибмиз-да. Вожатийларингга айтиб қўйиш керак экан.

«Беш-олти туп ғўза кетса нима бўпти» деб турган Раҳим қарасаки, иш катталашиб кетадиган! Кейин у таниш отнинг жиловига ёпишиб, Қўзибойдан ўтказиб ёлворишга тушди.

— Жон опажон, айтмай қўя қолинг. Бу сафарча кечиринг...

— Қўйвор жиловни!— Лолахон бошқа сўз айтмай жўнади. Кетидан «Оқтой»ни миниб Қўзибой жилди.

Раҳим эса халтасини орқалаб эргашди:

— Қўзибой, ҳой Қўзибой, мингаштириб ол!..

Раҳимдан тагин ҳафсаласи пир бўлган Қўзибой, шийпонга етгунча бир марта ҳам кетига қарамади...

## У н т ў р т и н ч и б о б

Кун мисдай қизиб кетган, фақат адир ва сойлардан келган шабада куннинг таптини кесиб, одамларга ором беради. Тушки овқатдан кейин катталар ва болалар кекса сада остидан далага ёйилишди... Чий тутилган кўчма яслида қарқуноқ болаларининг «қиғ-қиғ»лашига ўхшаб чақалоқлар йиғиси эшитилмоқда. Бир хотин билан Хадича ая гўдакларни алдаб-сулдаб ухлатишмоқда:

Алла жоним, алла,  
Ҳозир ухлашга палла.  
Жонларим ором олгач,  
Кейин қиламиз ялла...

Китобларни столга ёйиб, рўйхат қилаётган Қудрат ашулага бир дам қулоқ солиб, ўзича кулди: «Хадича аям янгисини тўқибди-я...»



Китоблар кўнайиб, стол ва унинг тортмаларига сиғишмай қолган. Коля, дадасига буюрилган этажеркани тез битказишга ёрдамлашгани кетган эди. Қудрат Коляни кутаётса, Қўзибой келиб қолди. У шийпон олдида «Оқтой»дан туша солиб, Қудратга мақтанди:

— Мана, ўртоқ! «Оқтой»ни топиб келдим.

— Майли,— деди совуққина қилиб Қудрат.— «Оқтой» ўзингга сийлов. Олиб боравер Аҳмадга.

— Нега энди?— Қўзибой ажабланди.

— Шаҳарга эшак аравада борсак, уят бўлади.

Бундан Қўзибой хафа бўлди. (Аҳмаднинг хурсанд бўлиши турган гап эди.)

Хаш-паш дегунча халта орқалаган Раҳим етиб келди. У бояги воқеани Қўзибой Қудратга айтиб қўймадимикин деган хавотирда эди. Бирпас бўзрайиб турди-да, индамай халтасидан китоблар чиқара бошлади. У ўз кўнглида Қудрат билан Қўзибойни ҳайрон қолдирмоқчи бўлган эди-ю, лекин ўйлаганича бўлиб чиқмади.

— Тўхта, тўхта,— деди Қудрат дағаллик билан.— Сен бизни утильсирё тўплайпти деб ўйладингми?

— Нега унақа дейсан! Китоб-ку булар.

— Китобни шунақа тутадими? Дабдала-ку, кўйлагингга ўхшаб...

Китоблардан ярмисини эгасига қайтарди. Булардан баъзисининг муқоваси тушиб кетган, айримларига сиёҳ, елимлар тўкилган, варақлари йиртилиб ўнг-терисига солиб қўйилган эди.

— Янгиси бўлмаса нима қилай!

— Ҳаммаси янги бўлсин деганим йўқ,— Қудрат рўйхатдан ўтказаетган китобларини бирма-бир кўрсатди.— Булар ҳам янги эмас, лекин бут-бутун, озода. Мана Аҳмаднинг китоблари... Мана меники...

Қудрат ҳаммага намуна бўлиб анча янги китоб келтирган, булар орасида ўзи яқинда ўқиб чиққан «Пўлат қандай тобланди», «Полк ўғли», «Чапаев», «Чин инсон қиссаси», «Нарсалар ҳақида ҳикоялар» китоблари, Коля келтириб берган «Ёш гвардия» романи ҳам бор. Яқинда ўқиб чиққан бу китобнинг муқоваси ичида: «Жонажон дўстим Қудрат Умурзоқовга, Коля Суворовдан хотира. Биз ҳам ёш гвардиячилардай мард, қўрқмас бўлайлик...» деган сўзлар ёзиглиқ эди. Қудрат бу китобни кутубхонага келтириш олдидан топширсаммикин-топширсаммикин деб ўйлади. Очиғи, буни унча кўзи қий-

мади. Айниқса, ёзуви бўлгани учун... «Бу ёзувни одамлар ўқиса қандай бўларкин?.. Ҳа, нима, мен бозорга сотяпманмики! Танишлар ўқиса ўқир, майли, бизнинг дўстлигимизни яна бир марта билиб қўйишин...»

— Меникини ҳам кўрсатгин,— деди Қўзибой. Қудрат Қўзибой келтирган бешта китобдан биттасини олиб қайтариб берди.

— Нега? Бут-бутун-ку!— деди Қўзибой китобни олгисин келмай. Бу — эскириб қолган инглизча дарслик эди.

— «Инглишбой»ни ўзинг ўрганиб тур... Одамлар, биласанми, қанақа китобларни кўпроқ хоҳлайди?..— Қудратнинг айтишича, қаҳрамон пахтакорлар, асаларичилик, боғдорчилик тўғрисидаги китоблар, халқ дostonларини колхозчи ёшлар талашиб олиб кетишибди. Лолахон бўлса Паша Ангелина ҳақидаги китоб билан «Қирқ қиз» дostonини танлабди.

— «Қирқ қиз» меники эди!— бўшашиб турган Қўзибойга жон кирди. Шундоқ звено бошлиғига маъқул бўладиган китоб келтирганидан ғурурланиб Раҳимга қаради.— Ана, кўрдингми!.. Сенинг китобларингни ким оларди!

Қудрат «Жимит»га кўзларини катта-катта очиб қаради. «Жимит» кўпинча Раҳимнинг ёнини олар, ёнини олмаган вақтда ҳам унинг жигига тегишдан ўзини тиярди. Ҳозир нечук унга тик туриб сазо беряпти-ю, Раҳим нечук ювошгина боқиб турибди...

Узоқдан Лолахон кўринди. Аввал Қўзибой кўрди-ю, билмасликка олди. Раҳим эса олазарак бўлиб, шоша-пиша китобларни халтасига тикди ва ўшшайган ҳолда:

— Бўпти, Қоля билан гаплашаман ўзим,— деб орқасига ўгирилиб кетаётган эди, яслидан бўш идишлар ва бир лаганча шавла кўтариб чиққан Хадича ая ўғлини кўриб чақирди:

— Ҳой Раҳим! Қаёққа кетяпсан?

Раҳим ноилож тўхтаб, «анёққа» дегандай бош силкиди. Хадича ая, илгариги эркалашларини қилмай, зориллаб кетди:

— Тагин қаёқни кўзлаяпсан, дайди! Бола бўлиб ҳеч фойданг тегадими! Уртоқларингни қара, ҳаммаси нозандай дастёрликка яраб қолди. Сен бўлсанг ит қувиш-у, парранда овлашдан бошқани билмайсан. Уст-бошингга қараб бўлмайди... Бери кел, манави шавлани еб ол, буюрадиган ишим бор...

Раҳим кўйлагининг йиртигини ойим кўрмай қўя қолсин дедими, «ҳозир» деганча дарахтлар орқасида ғойиб бўлди.

Қўзибой қуртларга барг солиб келишганини айтиб, Хадича аянинг кўнглини кўтариб қўйди.

— Вой, холанг ўргилсин-ей! Шу топда қурт жониворларимнинг ҳоли нима кечдийкин деб хавстирда гириллаб бормоқчи эдим. Кўргандирсан ўзинг, шунча жонивор битта Рузвон кампирга қолувди. Хайриятки, ақлларингга келибди. Ўртоғингни ишга солган ҳам ўзингдирсан, баракалла. Ишқилиб, холанг ўргилсин, уни ўзларинг йўлга солмасаларинг бўлмайди. Анави... хаҳ, оти нимайди... Болаларга ўнбошилиқ қилиб турган ўртоғинг-чи...

— Аҳмад, Аҳмад денг!

— Ҳа, эсим қурсин, эс-ҳушим Раҳимда... Ана ўша Аҳмадга ҳам тайинлаб қўйсаларинг: Раҳимни тўдадан чиқариб ташламас-а! Уғлимнинг феъли ўзимга аён-да: бошбоғсиз қолса боши оққан томонга оғиб кетаверади. Ҳадеса дов-дарахтга, тоғ-тошга сакрайди. Сув-селга ҳам ўч. Тағин ўз билгиси ўзида бўп қолиб, тунов кунгидай бир хархаша ордирмасин...

— Аҳмадга биз айтганимизнинг фойдаси йўқ, ая!— деди Қудрат.— Марҳамат опамдан бошқанинг сўзини олмайди...

— Ҳа, ҳа, тўғри айтдинг, унинг гапи ҳаммангга эм экан. Қаердайкин-а, у, Қудрат?

Қудрат бундан беҳабар эди. «Оқтой»ига минаятган Қўзибой, Марҳаматнинг биринчи участкага кетгани, у ерда ҳам пионерлар пости тузилганини айтди. Хадича ая унинг орқасидан ҳавас билан узоқ тикилиб қолди: ўзи зиғирдаккина бўлсаям, колхоздаги жамики янгиликдан хабардор-а! Қани энди менинг ўғлим ҳам шундақа қобил, доно бўла қолса-я!..

Қудрат ёлғиз қолиб зерикди. Китобларни нари-бери йиғиштириб устахонага жўнади. Унинг мўлжали янги этажеркани кўришгина эмас, Қолядан доктор нима бўлганини сўраш эди...

\* \* \*

— Салом, Ефим тоға!

— Салом, ўғлон, салом! Дарагинг йўқ, қалайсан?— Каттакон ёғоч дастгоҳ олдида Қоля билан бирга тахтачалар рандалаб турган Ефим Ефимович Қудратни одатдагича хушчақчақлик билан қаршилади. У, аввал кунни кўришган бўлса ҳам, гўё бир ҳафта кўришмагандай, қўл қисишиб омонлашди, унинг ва синглисининг аҳволи, акасидан яна хат келган-келмагани, каникулни қандай ўтказаетганигача суриштирди. Сўнг, Қоляга ва унинг ёнида йилтираб турган тўрт қават



Ҳаким Назир украин ёзувчиси Богдан Чалий билан. 1965 йил, май.

токчали, ости эшикли этажеркага имо қилиб, деди:— Урто-ринг қўймасдан заказингизни бажартиряпти. Мана, битиб ҳам қолди.

— Кутубхонамиздан фойдаланадиган фақат пионерлар эмас, дада!

— Ҳа, демак икки ёқлама заказ дегин. Шунинг учун ҳам тез бажарилди-да... Аммо бу иш кимдан чиққан бўлса ҳам, тўғри бўпти. Қолхозчиларга китоб зарур нарса. Шундоққина даланинг ўзида, кўз олдида бўлгани яхши. Истаган вақтда олиб ўқийверади...

Қоля гапга аралашмай, жингала-жингала қириндилар сач-

ратиб тахтача устидан ранда юритарди. Тахчата силлиқ бўлгач, уни этажерканинг энг устки токчасига ўрнатиб зичлади. Ефим тоға сариқ мўйловини силаган ҳолда ўғлининг ҳаракатини завқ билан кузатди. Кейин қанчалик мустаҳкам бўлганини текшириб, этажерканинг у ёқ-бу ёғига тақ-тақ болга уриб кўрди ва болаларга қараб кулди.

— Мана, заказингиз бажо келтирилди, қабул қилишингиз мумкин.

Шу вақт дала тарафдан чағ кўтариб, «Оқтой» қўнғироғини жиринглатганча Қўзибой етиб келди. У, этажеркага ҳам унча парво қилмай, ҳаллослаб Ефим тоғага мурожаат этди:

— Тоға-чи, тоға!.. Анақа... аравани берармишсиз... Ботиров буюрди!

— Уҳў, ишинг жойида-ку, ўғлон!— Ефим тоға муғамбирона кўз қисиб, сўради:— Ботировнинг ким ўзи?

— Лолахон опа Ботировнинг укаси... Аҳмад!

Гур-р этиб кулги кўтарилди. Аҳмадни энди фамилияси билан айтила бошлагани Ефим тоғагагина эмас, ҳаммаларига ҳам қизиқ туюлган эди.

— Ҳа, ўзимизнинг Аҳмад полвон дегин! У опасидан ҳам ботирроқ чиққанми деб қўйдим-а? Нима иш қилади ўзи?

— Биринчи сонли постнинг бошлиғи.

— Ҳа, шундай дегин! Пост бошлиғи бўлса, катта киши экан, пионерлар командири дейиш мумкин.

Қўзибой «Оқтой»дан тушди-ю, шундоққина устахона муюлишида турган аравачани кўриб қотиб қолди. Бу, худди ўзи ремонтга берган кажавасимон чуқур яшикли аравача! Унинг майишиб кетган ёғоч ғилдираги ўрнига худди раис миниб юрадиган «Победа» машинасиникидай йўғон покришкали ғилдирак ўрнатилибди. Юрганда қандай чиройли кўринаркин-а! Ғилдирагикини «Победа»никидай бўлгандан кейин, машинадан фарқи сал-да! Нима, шундоқ ажойиб арава билан шаҳарга тушиб бўлмас эканми! Бунинг нимасидан уялади-я Қудрат?.. Йўқ, Қўзибойнинг кўзи билан кўрсин, ҳеч уялаган жойи йўқ!..

— Ҳа, арава ёқмадими дейман?— деди Ефим тоға бадтар Қўзибойнинг ичини қизитиб.— Эртагача кутсанг, ўқларини мойлаб бераман, тагин ҳам гумбур бўп кетади!

— Қўяверинг, тоға, ўзимиз мойлаб оламиз!— деди тоқати етмай Қўзибой.

Аравани ҳозироқ қўшиб, этажеркани ортиб кетишга Қўзибой билан Қудрат ҳам тарафдор бўлишди. Ефим тоға бола-

ларнинг кўнглини чўктирмаслиги учун кўнишга мажбур бўлди. Саройдан бировнинг аравасига мўлжалланган бўйинча, хомут, тиркишларни омонатга олиб чиқиб берди.

— Қани, энди қўшинлар-чи,— деб ўзи бир чеккада қараб турди. Аммо арава қўшиш осон бўлмади. «Оқтой» анчадан буён яйдов юргани учун арава шотиси остига асти рўпара келмай, ўйноқилаб кетаверди ва эгасидан аччиқ-аччиқ қамчи еб олди. Қамчи еган сари кулоғини динг қилиб, икки оёғини осмонга кўтариб ташлар ва пишқирарди.

— Ҳайвонни калтаклаб ишга соламан дейиш хато, бадтар асов қилиб қўясан!— деди охири ўзи ишга киришган Ефим тоға ва «Оқтой»га бир тутам хашак бериб, бўйинини қашлаб-қашлаб шотига ўнглади, тиркишни шотига маҳкам тортиб бойлади. Бу ишда унга болалар гўё ёрдам бергандай аралашиб туришди. «Оқтой» қандай қилиб аравага қўшилиб қолганига ўзи ҳайрон бўлгандай, калласини сарак-сарак қилиб кўярди. Қўзибой элбурутдан тизгинни тутиб, карвонларча арава қиррасига қийшайиб ўтириб олди.

— Энди аравани шу ерга келиб чиқараверасан-да, ўғлон,— деди Ефим тоға.— Ўзим қўшиб беравераман.

— Й-йўқ, тоға, ўрганиб олдим,— деди уқувсизлигидан ори келган Қўзибой.

Қоля билан Қудрат ҳам аравага чиқдилар. Ефим тоға узатган этажеркани аравага тегизмай авайлаб тиззаларига ўрнатдилар. Қўзибой «Оқтой»ни ҳайдаркан, кўнгиросининг жиринглашига мойланмаган арава ўқининг ғижир-ғижир қўшилиб, аломат музыка кўтарилди. Ефим тоға уларнинг кетидан қувонч тўла кўзларини қисиб, мийиғида кулиб, кузатиб қолди.

Этажеркага анчагина меҳнати сингган Қоля:

— Секин ҳайда, секинроқ, этажерка синмасин!— дея қайта-қайта огоҳлантирди.

Аравага жуда нозик, қимматбаҳо буюм ортилганини англамаган «Оқтой» қургур лўкиллашини қўймасди. Унга сари Қўзибой жиловини силтар ва:

— Ҳайвонга ўхшамай ўлгур, мунча ҳовлиқасан!— деб ўртоқларини кулдиарди.

— Мол эгасига ўхшамаса ҳаром ўлади, дейишади-ку!— деб Қудрат ҳам кулгига кулги улади...

Йўлда, буларни қизиқиб кузатувчилар кўпайди. Арава йўлининг икки ёғидаги ғўза пайкаллари орасидан хотинлар, эркакларнинг:

— Ҳорманглар, карвонлар!— деган қичқириқлари эшитилверди. Баъзилар аравадаги ажойиб нарсага яқинроқдан келиб тикилар, болалардан, бу кимники, қаердан олинди, неча пулга келди, тагин топилармикин деб суриштириб қолишарди.

Аравадагилар ҳам тобора юзларига мағрур тус бериб, қисқагина қилиб:

— Текин... Ефим тоғамдан... ўзи битта!..— дейишарди, холос.

Ана, дала этагидан гур-р этиб болалар чиқди. Олдинда бир даста газета ва патефон кўтарган Марҳамат, кетида Аҳмад. Қўзибой юришни секинлатди.

— Юравер, юравер!— деди Марҳамат патефонни Коляга узатиб.

Болалар аридай ғувиллашиб гоҳ араванинг орқасига, гоҳ ёни ва олдига ўтиб, ҳам аравани, ҳам этажеркани томоша қилиб боришарди. «Ким ясабди-а, жуда боплабди-ку» деб хурсандликдан бир-бирларини итаришарди. Ҳаммадан ҳам бир қўлида узун жилов, бир қўлида хипчин тутиб бораётган Қўзибойга ҳавасланиб қарашарди.

Коля этажеркани шийпонга ўрнатиб, унга китобларни тахлай бошлаганда, болалар Коля атрофида уймалашиб қолишди.

— Бўлди, ишга халақит бермаларинг,— деди Коля уларни ҳайдаб.— Ундан кўра китоб келтирларинг. Ким келтирмаса, кутубхонага аъзо бўлолмайди.

Болаларнинг кўпи уйларигами, қаёққадир тарқалишди. Марҳамат газеталарни ва патефонни олиб, сада остида дам олаётган колхозчилар ёнига кетди. Аҳмад эса Қўзибойдан сўраб-нетиб ўтирмаёқ бир неча болани аравага солиб, ўз участкаси томон йўл олган эди. Шийпон тинчиб қолди. Шундагина Қудрат ўзини энг кўп қизиқтирган ташвишдан гап очди.

— Докторни нима қиламиз? Мен Меҳрига айтувдим. У опаси билан гаплашган экан. «Ишим кўп. Бу кунда шаҳарга тушолмайман. Бувисини опкелса, шу ерда боқаман» дебди...

— Ҳа, ҳа,— деди Коля, ҳали ўзи гаплашолмаганига афсуслангандай. Кейин, Қудратни ҳайрон қолдириб, кулиб юборди.— Сен ташвишланмасанг ҳам бўлади. Доктор топиб қўйдик...

Қудрат «а-а?» деганча оғзини очиб қолди.

— Ҳа-а, деди унга тақлид қилиб Коля. Дадам биз билан

шаҳарга тушмоқчи, электрстанок олиб келгани. Шунда шаҳардаги таниш докторни олиб кирадиган бўлди.

— А-а?— деди яна Қудрат ишонар-ишонмас.— Танишлари топилмаса-чи, унда нима қиламиз?

— Ундами...— Коля ўйланқираб, ярим ҳазил тарзда деди:— Унда дадамни ўзи докторлик қилиб юбораверади...

— Э, қўйсанг-чи ҳазилингни..

— Ҳа, гап чортанг-ку!— Шийпон ёнидан Марҳамат келиб чиқди.— Нимани маслаҳати? Шаҳарга бориш маслаҳатими дейман-а? Ҳали Меҳри билан Раънони кўрувдим, ўшалар айтишди. Сен ҳам борасанми, Коля?

— Боради!— деди Колядан бурун Қудрат.

Қудратнинг Колядан ажралмаслигини билгани учун Марҳамат унга қаршилик қилмади.

— Майли-ку, икковинг кетсанг кутубхонага ким қарайди?

— Бир кунга бекитади-да,— деди яна Қудрат Коля учун жавоб бериб.

— Колхозчилар китоб, газета йўқлаб келса-чи?.. Яхши бўлмас.

— Колянинг ўрнида биттаси турса нима қилади?— деди Қудрат.

— Қани, Коля, кимни қўйсак бўлади?..

— Қўзибой-чи, уддалармикин?

— Уддалар,— деди Қудрат, Марҳаматни тезроқ кўндириш учун.

— Қўзибойми?..— Марҳамат ўйлаб қолди.— Ўзи дуруст-ку, ёшлик қилиб қолар. Болалар елкасига чиқиб кетар. Ҳа, айтмоқчи, Раҳим-чи?

Икки ўртоқ бир-бирларига савол назари билан боқишди.

— Нимасини ўйлаяпсизлар? Раҳим анча эпчил, пишиқ бола-ю, тўғри йўлини тополмай юрибди-да. Биз унга бу ишни топширсак зора йўлга тушиб қолса... Ҳа, нега куляпсан, Қудрат?

Қудрат, ҳали Раҳим билан бўлиб ўтган китоб ҳангамасини гапириб бериш учун тили қичиб келди-ю, яна ўзини босди. Тўғриси, Марҳаматдан дакки эшитаманми деб чўчиди.

— Ўзларинг шаҳарга қачон бормоқчисизлар? Эртагами? Бўлмаса кутубхонани Раҳимга топшира қоласан. Яхшилаб тушунтириб қўясан...

Маслаҳат битди деганда, Лолахон келиб қолди-ю, иш бузилди. Лолахон, ҳовузчага солиб қўйилган пақирдан уст-устига икки пиёла яхна чой қуйиб ичди. Марҳаматга



хам бир пиёла қуйиб берди-да, даб-дурустан бедана ови хусусида ҳикоя бошлаб қолди... Раҳим билан Қўзибойнинг «ов» ҳангамаси қанчалик қизиқарли бўлмасин Қудратга ёқмади. Негаки, Марҳамат Раҳимнинг бу бебошлигидан яна хафа бўлиб, уни кутубхонага йўлатмай қўйса, Коля қўзғалолмай қолади-да!..

Лолахон билан Марҳамат суҳбати жиддий тус олиб кетгач, болалар ўнғайсизланиб секингина ўзларини четга тортишди...

### У н б е ш и н ч и б о б

«...Лолахонни бунчалик шаддод қиз деб ўйламаган эдим... Укаси унга қараганда гўлроқми деб қўйдим. Тўғри, Аҳмад илгари шунақа эди, гапини эвлаб гапиролмас, оғзидаги ошини олдириб юрарди. Ҳозир хийла тутиб олди ўзини. Гоҳо-гоҳо унда тутақиб кетиш одати ҳам бор. Буниси тўғрилиқ, ишчанликдан келиб чиқади, қувлик-шумликни билмайди ишқилиб. Ана шу одати Лолахонга ўхшаб кетади, албатта. Лолахон билан шунча кўришиб, орамизда ҳеч совуқ гап ўтмаган эди-я. Минг кўришиб саломлашгин-у, то ишинг тушмагунча бировнинг феълини билолмас экансан. Шу болалар туфайли ишим тушди-да унга. Шу болалар деб унинг аччиқ-тизиқ гапини эшитдим... Ҳамма гинасига ҳам чидаш мумкин-у, аммо «болаларингиз тарбиясиз» деганига чидаш қийин. Оғир иснодда бу, ахир. Гўёки, сиз вожатий бўла туриб болаларнинг хулқ-атвориға қарамабсиз дегани-да. Бундан ортиқ қанақа қарайман, ахир. Ҳамма вақт улар орасидаман, юриш-туришлари кўз ўнгимда... Ҳа, бу исноднинг бир чеккаси ўқитувчиларга ҳам тегади, бутун мактабга тегади! Тўғри, бунақанги ўйинқароқ, гап уқмас, қайсар, суюқ болалар ҳам бор-ку, қўп эмас. Лекин бирники мингга, мингники туманга, дейдилар. Шу Раҳимга ўхшаган битта-иккита ўйин бузуқи кўпчиликнинг номини булғар экан-да, ҳаммамизга ташвиш орттириб юрар экан.. Онаси бўлиб, биз бўлиб шунча ҳарақат қилсак ҳам, эпакага кела қолмаганига ҳайронман...»

Марҳаматнинг кўзи китобда-ю, хаёли ташқарида, болалар оламида эди. Уларни ўйлай-ўйлай юраги ҳаприқиб кетди. Кўз олдини живир-живир туман босгандай, китоб ҳарфлари сиёҳ тўкилиб чаплашиб кетгандай бўлди. Икки тирсагини стол-

га тираган ҳолда, кўзини деразадан ташқарига тикди; рўпарадаги ток, олча, олма дарахлари қалин шох отиб бир-бирига маташиб кетибди ва шу қалин, тебраниб турувчи яшил кўрпа тонги тиниқ мовий осмонни ярмисигача тўсиб олибди... Қуюқ япроқлар орасидан шода-шода осилиб, мўралашиб турган олчалар яшил гиламга нуқта-нуқта қизил гулчалар тикиб қўйганга ўхшаб товланади. Олмаларга ҳам ранг кириб қолибди. Ана, пастга «салом» бериб турган шохча учидаги икки қўшалоқ олма, айниқса егилиб, тарам-тарам бўлиб қизарибди. Уларга тикилиб тураркан, Марҳаматнинг кўзи равшанлашиб кетди. «Пишиқчилик бошланяпти...» Стол қирғоғида турган «Москвич радиоприёмникни буради. «Роҳат» куйи чалинмоқда эди. Марҳамат хиёл энгил тортгандай бўлди-ю, бироқ қайтиб китобга қараёлмади. Тезроқ болалар олдига боришга чоғланди. «Бугун ҳам тайёрланолмадим-да...» Кунига у эрта азонда туриб стол ёнига ўтирар, институтнинг сиртқи бўлимига кириш учун имтиҳонга тайёрланмоқчи бўлар, лекин ўқиши чала қолиб чиқиб кетарди...

Ҳовлида Хадича ая тўқнаш келди. Унинг чеҳраси ташвишли эди. Марҳамат билан ҳар вақтдагича қуюқ саломлашиб, ўзини қувноқликка солишга ҳаракат қилса ҳам, бари бир кўзларининг ич-ичидаги алам белгиси сиртига тепиб турар, овозида ҳам қалтираш сезиларди.

— Қелинг, аяжон, келинг...— Марҳамат ҳовлидаги тахта сўрига кўрпача ёзди ва шундоққина сўри устига эгилган шохлардан бир тахсимча оқ ўрик узиб қўйди.

Хадича ая ўриқдан биттасини «омонлиқ-сомонлиқ» деб оғзига солди-ю, то уни ютгунча тоқат қилолмай, сўзга киришди.

— Бу Раҳимингни нима қилсам бўлади, а, қизим? Жуда жовимни ўртади-ку! Эшитдингми, йўқми?..

У, Лолахон Марҳаматга айтиб берган ҳодисани бирмабир гапира кетди. Марҳамат Хадича аянинг сўзини бўлмайтинглади.

— Тағинам сизни сийладим. Агар қўшни звено бошлиғига ўғлингизни тутиб берсам, қулоғи тагида шавла қайнатиб қўярди—дейди. Лолахон ўша зеновой билан ким ўзишув ўйнаган-де, уни доим қўллаб туради, унинг ғўзасига ҳам ўз ғўзасидай жони ачийди...

— Шуларни ўғлингизга айтдингизми?..

— Ҳа, айтдим. Айтганим билан аввалига тушунмади, «беш-олти туп ғўзага шунча ғалвами» деди. Мен унга «беш-олти тупни айтяпсан, бир туп ғўза учун бир қўйнинг боши

кетганидан хабаринг йўқ» дедим... Ҳа, эшитганмисан-йўқми, яқинда бировнинг қўйи гўзага оралаган экан, шунда Лола-хон уни тутиб Умурзоққа келтирди. Умурзоқ бўлса: «Семиз-гина экан, жуда яхши қилибсан» деб қўйни шартта сўйди-да, обший қозонга солдириб юборди. Ачина-ачина мен ўзим пиширдим. Эгаси ҳам кўриб гиринг деёлмади... Буни айтганимдан сўнггина, Раҳимнинг кўзи очилди. Энди бунақа номаъ-қулчиликни қилмас деб ўйлайман. Ўзи ҳам катта-кичикдан туртки еявериб, кўпчиликка қўшилолмасдан тавбасига таян-ди чоғи. Бу ёғи энди ўртоқларига ҳам боғлиқ...

— Шунга дейсиз-у, Раҳимнинг ўзи ўртоқларини менси-майди, бўйсунгиси келмайди, қилгуликни қилиб тағин ўжар-ликни қўймайди. Менга ҳам ичидагини очиқ-равшан гапир-масдан четлаб юрибди.

— Ўртоқлари олдига ялиниб борган экан, ҳайдашибди-ку,— деди Хадича ая, Марҳаматни ажаблантириб.— Ҳа, ха-баринг йўқми? Менга астойдил йиғлаб гапирди-я.

Бир даста китобни газетага ўраб қўлтиқлаганича Раҳим кирди. Марҳаматнинг кўзига унинг уст-боши ҳар вақтдаги-дан тартибли, озода кўринди.

— Ҳа, Раҳимжон, бирон ёққа отландингми?

— Мана!— деди Раҳим, ҳеч нарсадан-ҳеч нарса йўқ, китобларни Марҳамат олдига тап этиб қўйиб:— Кўринг-чи, ол-са бўладими, йўқми?

Марҳаматнинг ҳайронлиги ошди:

— Нимага? Ким олади?— Марҳамат китобларни кўра бошлади: кўп тутилиб муқовалари тушиб кетган экан, елим билан пишиққина қилиб ёпиштирилибди. Марҳамат Раҳимга маъноли боқди.— Буларни нима қилмоқчисан?

— Кутубхонага топширмоқчи эдим, олишмади. Мени аъзо қилишмасмиш...

Марҳамат воқеани англай бошлади: «Болаларнинг бутун юриш-туришидан хабардорман десам, билмаган томонларим ҳали бор экан-да...»

— Ҳм... Қачон оборган эдинг?.. Шундоқлигича оборган-мидинг?

Раҳим учун онаси жавоб қилди:

— Буларни кечадан бери устачилик қилиб ямади, опаси!

Марҳамат китобларнинг номини яна бир марта кўздан кечираётиб, бири устида тўхталиб қолди. Бу — «Темур ва унинг қомандаси» китоби эди.

— Буни ҳам ўқиб чиққанмисан?

— Ҳм... Йўқ... Энди олдим,— деди тутулиб Раҳим. Аммо кимдан олганини айтмади, Марҳамат ҳам сўрамади. Раҳим буни билмасдан қўшиб қўйган эди...

— Сюз китоб бу. Уқиб чиқ, албатта... Ҳаммасиям керакли китоб экан. Обора қол, энди олишади.

— Тағин, бари бир...— Раҳимда ишонч йўқолган эди.— Хат ёзиб бера қолинг.

Марҳамат кулди:

— Хатсиз ҳам олишар. Яхши гапириб илтимос қилсанг, қайтаришмас.

— Гапимга ҳеч қулоқ солишмайди,— деди тўрсайиб Раҳим ва димоғида гўлдиради.— Мени... ёмон кўришади.

— Сен шундай деб ўйлайсанми, а? Шу ростмикин? Агар шу рост бўлса, сабаби нима экан-а? Ўйлаб кўрганмисан буни?

Раҳим, ҳозир йиғлаб юборадигандай, тўлиқиб ерга қараб турарди.

— Билишни истасанг, укажон, манманлик, сир бекитиш, қизганчиқлик одатларинг бор. Ана шулар ёқмайди ўртоқларингга. У ёғини сўрасанг, менинг ўзимга ҳам... Билибми билмасданми, бир номаъқулчиликни қилиб қўйдинг-а, шуни дарров тушуниб очиқчасига иқроп бўлсанг, шу айбингни ювиб юборишга ҳаракат қилсанг, нечук сени ёмон кўрсин ўртоқларинг! Нечук сенга ишонишмасин!

— Ҳа, ўғлим, бу гапларнинг мағзини чақиб кўр!— деб уқтирди у ёқдан онаси.

Қандай сир ва қандай одатлари устида сўз бораётганини аниқ билиб турарди Раҳим. У ўжарлик қилиб сўз қайтариш у ёқда турсин, Марҳаматнинг ва онасининг афтига бирон марта тик боқолмади ҳам. Йиқилган полвондай ерга боқиб турди.

— Хўп бўлмаса,— охири унга китобларни узатди Марҳамат.— Оборақол. Кетингдан ўзим ҳам бораман...

Раҳимнинг оғзи тарвақайлаб кетди. Китобларни ола солиб кўлтиққа урди ва ишшайган башарасини Марҳаматга намоиш қилиб, лабларини ялай бошлади:

— Ҳа, бир гапинг борми тағин?

— Й-йўқ... Ҳа, ҳалиги... га-галстугимни...

— Бўлди, тушундим,— деди Марҳамат, кулиб юбормаслик учун тескари қараб.— Кейин топиб бераман...

Раҳим боягича ишшайиб чиқиб кетаркан, Марҳамат Хадича аяга уқдирди:

— Сиз ҳам, аяжон, қаттиқ турсангиз, Раҳимингиз йўлга тушиб қолади. Бугун мен бир топшириқ бериб, уни шийпонга боғлаб қўймоқчиман. Ҳаммамизнинг кўз олдимизда бўлади. Сиз ҳам ўғлим қайга йўқолди, деб хавотирланишдан қутуласиз.

Хадича аянинг ташвишли кўзлари қувончдан порлаб кетди ва ўзининг энг яхши кўрган дуосини такрорлади:

— Барака топ, қизим. Обруйинг, иқболинг бундан ҳам баланд бўлсин...

Улар бирга чиқишар экан, Хадича ая очилиб кетиб, бошқа илтимосга ўтди:

— Ясидаги чақалоқларимга опа керак бўлиб қолди. Ихтиёрингда пионер қизларинг бор-ку, бир-иккитасини юборсанг яхши бўларди-да. Зора чақалоқларнинг оналари хотиржам ишини қилса...

Марҳаматнинг эсига лоп этиб Меҳри, Раънолар келди: «Шулар боп-да чақалоқларни овутишга Қудратнинг бувиси тезроқ кела қолсайди. Қизлар уй юмушидан анча бўшарди...» Аммо бу фикрини очиқ айтмай:

— Ўйлашиб кўрайлик-чи,— деб Хадича аяни умидвор қилиб қўйди.

Марҳамат ёлғиз Кўкоролга йўл олди. Эрталабки соф ҳаво унинг руҳини енгиллатиб юборди. Қуёш секунд сайин мўл-кўл нуруни тоғлар, қирлар, далаларга сахийлик билан соча-соча уфқдан кўтарилмоқда. Майин шабада эсмоқда. Боғлардаги булбуллар нағмаси, тўрғайлар чигир-чигири, қалдирғочлар вижир-вижири саратон чирилдоқларининг бетиним чириллашига қўшилишиб кетмоқда. Булар дутор қилларининг зириллаши каби юракни қитиқловчи майин бир оҳанг тараптиб, далаларга ажиб бир жонлилик қўшмоқда...

«Табиат хўп гўзал, ранг-баранг нарса-да!— деб ўйлади Марҳамат тўлқинланиб.— Бу гўзалликни борича тўлалигича тасвирлаб бўлармикин-а? Қайси бир рассомнинг қўлидан келаркин? Қийин бўлсаям чизиб кўрардим рассом бўлганим-да... Ҳа, расмнинг таъсири зўр экан деб қўйдим!.. Ахир, мана Раҳим. Анча ўзгара бошлади. Эҳтимол, афт-ангорини карикатурада кўрганидандир. Бу карикатурани битта Қўзибойники деб ҳам айтиш тўғрмас. Уни чизишда Қудратнинг, Коля, Аҳмадларнинг ҳам хизмати бор... Бундан кейин ҳам болаларни бир-бирига яқинроқ қовуштира олсам, отрядимиз аҳил, кучли коллективга айланарди, колхозчилар олдида бурчимизни яхши ўтаб, юзимиз ёруғ бўларди...»

Қудрат йўлга ҳозирланмоқда эди...

Раъно бир пақирда оқ ўрик терди. Меҳри бир халтада ойиси ёпиб берган ёғлиқ патирдан олиб чиқди. Қудрат: «Буларнинг нима кераги бор, бир кунда келамиз-ку» деса ҳам, Раъно билан Меҳри:

— Шаҳарга қуруқ бориб бўлмайди-да!— деб жовуллашарди.

Коля ҳам кутубхонани истар-истамас Раҳимга топшириб келди. Келибоқ Қўзибойдан гап очди. Қўзибой буларнинг кетишаётганини билиб, Коляга: «Менинг аравамни назарларнинг илмабди-да», деб араз қилибди. Арава баҳонаси билан шаҳарни бир кўриб олмоқчи экан-да, умрида шаҳарга бормаган...

— Бир соатдан кейин саройда от-арава тайёр бўлади.

— Даданг ҳам борадиларми?

— Албатта. Узоқ йўл, аравани ўзлари ҳайдаб борадилар, — деди Коля ва Қудратнинг кўзини шамғалат қилиб, Меҳридан секин сўради:— «Айтиб қўймадингми?»

Меҳри «йўқ» деди-ю, кетидан Коляни гижинтириб қаттиқ кулиб юборди. Қудрат шубҳага тушди:

— Ҳа, нима бўлди ўзи?

— Айт, айт ҳозир!— деб Раъно ҳам унга ёпишди. Меҳри Коляга «ўзинг» деб имлади.

Коля баҳона тополмай қолди, «шунча яширганим етар» деб, очигига кўча қолди:

— У ёғини сўрасанг, дадам доктор бўлади, — деди Коля ўзини кулгидан тўхтатолмай.

— Қўй-эй, тагин ўша ҳазилми?

— Ҳазил эмас, ишонавер.

— Қандай қилиб, ахир?

Коля дадаси билан аниқ шундай маслаҳатга келишганини уқдирди.

— Дадам докторларни кўп кўрган, касалга қанақа муомала қилишни билади. Ишонмасанг ҳозир ўзидан сўрайсан.

Шундан кейингина Қудрат иккиланишга тушиб:

— Шошма-чи... дадангни бувим танийди-ку?— деди.

— Танигани билан гаплашган эмас. Қўрмаганига ҳам анча бўлган. Иннайкейин, бувингни ўзи кишидан қочади-ку.

— Бари бир танийди.

— Дадам ўзини танитмаса-чи... Ҳу эсингдами, «Қорбобо» бўлиб чиқиб овозини ўзгартганда, кўпчилик танимаган эди, ўзинг ҳам зўрға танигансан! Ушанақа қилади-да...

— Нима, «Қорбобо» бўлиб борадими?— деди ҳазилга олиб Қудрат.

— Йўқ, ҳақиқий доктор бўлиб... Энига оқ фартук, бошига похол шляпа, кўзига катта сариқ кўзойнак тақиб олгандан кейин танирмиди бувинг!

Қудрат Колянинг ҳийласини энди англаб, роса қойил бўлганидан ўзини орқага ташлаб кўзидан ёш чиққунча қотиб қолди.

— Вой Коля-е, вой адаш-е! Аввал сен топдингми бу ҳийлани ё дадангми?

Коля илжайганча турарди. Меҳри ҳовлиқиб гапга қўшилишди:

— Менга қара, Қудрат, менга қара! Фартукни-чи, мен келтириб бердим... опамникини...

— Ҳа, муғамбир!— бармоғини ўқталди Қудрат.— Икковингни тилинг бир экан-а!..

Улар ҳангама қилиб кўчага чиқиб боришаркан, Раъно:

— Бувингга салом дегин. Албатта олиб келгин. Агар олиб келмасанг, уйга киргизмаймиз!— деб қайта-қайта тайинларди.

Узоқдан чопқиллаб Қўзибой келмоқда эди. Қудрат ичида: «Тағин аравасини таклиф қилиб келяптимикин» деб ўйлаб турган эди, Қўзибой ҳарсиллаганча:

— Бувинг!.. Бувинг!..— деб қичқириқ солди.

— Нима?! Нима бўпти?!— Ҳаммалари бараварига ирғиб тушишди.

— Бувинг!..— деди яна такрорлаб Қўзибой ва буларни ҳовлиқтирганича нафасини хиёл ростлаб давом этди:— Бувинг келди!..

— Қани? Ростданми?!— Қудрат худди муштлашадигандай унинг ёқасига, Раъно эса қўлига ёпишди.

— Тушунтириб гапирсанг-чи, «Жимит!»— деди Коля ҳам уни туртиб.

— Юраверларинг, ҳозир гапириб бераман... Мен тутзорда Хадича аямга, анақа, барг кесаётган эдим... Соё кўпригида битта машина тўхтади. Қараб турсам, ундан бир киши тушди. Бошига, анақа, дастурхон ёпинган, қўлида каттакон бўғча, оёғида маҳси-калиш...

— Кишими, кампирми?

— Мушайт қилма!— деди Меҳри олдинга тушиб олган Раънога.

— Билиб бўладими, афтини кўрмасдан!— деди зарда аралаш Қўзибой.— Иннайкейин, анақа, у бошига бўғчани қўйиб олиб у ёқ-бу ёққа аланглади. Ҳеч нарсани кўролдими-йўқми, билмайман. Иннайкейин, анақа ГЭСнинг яқинига борди-да, сой бўйига ўтирволди. Мен олдига бордим. Борсам, юзини очди — кампир экан. Қўзимга, анақа, танишроқ кўринди. «Ҳа, буви, кимникини қидириб юрибсиз» десам, «невараларимникини» дейди. «Неварангиз ким?» десам, анақа, Қудратилло» дейди. «Қайси Қудратилло?» десам, «Умурзоқ саркорнинг кичик ўғли» дейди. «Саркор» дегани бригадир деганидир-да, а? Айтишидан, сени хўп соғиниб кутибди, кейин таваккалига йўловчи машинага тушиб келаверибди... «Ҳа, бўлди, қани юраверинг» дедим.

— Қани бувим? Тезроқ кўрсат-чи!— Энди Қудратнинг ҳам ичи тошди. Раъно бувим келяптими деб узоққа кўз югуртирарди.

Қўзибой эса ҳикоясини чўзарди:

— Иннайкейин десанг, анақа, сувда юз-қўлларини ювиб, ўрнидан турди-да, анақа дастурхонини тагин ёпиниб олди. Дастурхоннинг тешиги бор экан. Шундан ҳар ёққа аланглади. Гувиллаб турган ГЭСни кўриб: «Бунинг нима, тегирмонми?» дейди. «ГЭС бу!» десам, ҳеч тушунолмайти, «гидроэлектростанция. Қувват беради» десам, анақа, «симчиروқ шундан дегин, ажабми!» дейди. Қизиқ кампир экан бувинг. Кўчаларни, «сепоя» ўрнатилган дарахтларни, янги уйларни кўриб, яланг: «Ажабми, ажабми» дейди... Иннайкейин десанг, «умринг узоқ бўлгур, хўп яхши бола экансан» деб, анақа, бўғчасини бошимга қўйиб қўйди. Бирам зил эканки, ичига тош тукканми деб ўйладим. Юз қадамча юргандан кейин десаларинг, бўғчани ташлаворай дедим-у, билдирмадим, лекин. Шундоқ эшигимизга келиб қолдик. «Юринг» дедим ҳовлига бошлаб. «Шуми Қудратиллоларнинг янги ҳовлиси?» деди-да, кириб бошимдан дастурхонни олди. Мен ҳам индамадим.

— Оббо «Жимит-ей», қизиқ қилибсан-ку жуда!

Болалар югургилаб кетишди. Қўзибой Қудратнинг қўлидан тутиб олиб, ҳамон сўзлаб борарди.

— Бувинг, ўзимизники экан деб бемалол уйларимизни, ошхона, молхоналаримизни кўриб чиқди. «Қалай, яхши экан-



ми?» десам, «ажабми, эски ҳовлисида ўлса ўлиги ортиқ. Мени қистаганча бор экан» дейди.

— Бизни сўрамадими бувим?

— Сўради!.. Икки, йўқ, уч мартача сўради... Мен, «улар ўйнаб юришгандир. Дам олиб тулинг, ҳозир айтиб келаман» дедим-у, сенларга югурдим... Ана, буving керак бўлса!..

## У н о л т и н ч и б о б

Асал буви, невараларим олдида беш-олти кун туриб қайтаман, деб келган экан. Ҳа-ҳу деб кунлар ўта берди. Аммо биринчи кунларда у курк товўқдай ҳурпайиб юрган, унчамунча хархашаси ҳам чиқиб қолган эди. Кечқурун Раъно керосин лампа ёққанда, кампирники тутиб:

— Қора чироғинг қурсин, жиним чиқишмайди. Шаҳарда бундан қутулганимизга қанча бўлди. Ахир шундоқ оқ уй — олабаргакни қуриш қўлидан келган одам наҳотки симчироқни ёқтира олмаса шу чоққача! Ҳафсаласига балли-е дадангни! — деди.

Қудрат билан Раъно, бу ўйни колхоз қуриб берган яқинда электрни ҳам туширади деб ишонтиришадикки, кампир қани юпанса. Бир куни уйда ётиб яхши ухлолмай юрак ўйноғиси қўзиб чиққан экан, буни керосин дудидан кўриб, яна ғалва кўтарди. Қудрат электрни ҳар куни дадасига айтавериб, колхоз монтёри Андрейга зир югуравериб, уларнинг қулоқ-миясини еди, охири раисгача борди. Унинг ҳаракати сабаб бўлдими, ҳайтовур шу орада буларнинг уйига ҳам Андрей келиб сим тортиб кетди. Шундан сўнг тез кунда чироқ келишига кампирнинг кўзи етди.

Бувиси келгандан буён Қудрат ўртоқлари билан бемалол ўйнайдиган, далаларни кезадиган, кўпроқ вақтини Олимов билан биология кабинетида ўтказадиган бўлди. Раъно ҳам қизлар ёнида мактаб майдончасига, дала шийпонига бориб ўйнар, баъзан Меҳри қатори чақалоқларга «опа»лик ҳам қилиб қўярди. Ҳаммадан ҳам, у энди эрталаб сигир соғиш ва сигирни подага жўнатиш учун шошилмайдиган, то тепасига кун тушгунча тўйиб ухлайдиган бўлди. Ҳатто узоқ ухлаганиданми, кеча эрталаб лабини ари чақиб дўрдайгириб қўйди, ўртоқларига хўп кулги бўлди. Қудрат гоҳо ўзича: «Тагин бувим уйда ёлғиз зерикиб, кетаманга тушиб қолмасин», дея хавотирланарди-да, «бир томоша қилиб келсангиз-чи», деб бувисини боққа, полизга таклиф этарди. Кампир бегоналар

ичида нима қиламан деб унамасди. Бир куни кампир чиқсам чиқай деди-ю, бошига дастурхонни илмоқчи бўлди. Шунда Қудрат:

— Бунингизни ташлай қолинг, буви. Қўрганлар масхара қилади,— деди.

— Ундай бўлса қўя қол!— дея кампир яна зарда қилиб ўтириб олди. Буни Қудрат ҳеч кимга, дадасига ҳам билдирмади. Мабодо дадаси билса, «айтмабмидим, бувингда шунақа хунук одатлар бор-да. Бизни номусга қўяди», дейиши турган гап. Тагин ҳам бувиси кинначиликни қилмай турибди. (Бу ерда кинна солдириб ўтирадиган лақма, бекорчи топилмагани учунмикин-а?..)

Ҳар қалай тез орада Қудратга айтмаёқ кампирнинг ўзи кўчага чиқадиган бўлди. Бунга Меҳрининг доктор опаси Онахон сабаб бўлди. Онахон, кампирни икки марта кириб кўрди. Юрак ўйноғи ва кам уйқуликни йўқотиш учун Булоққовузга бориб булоқ сувидан тез-тез ичиб туришни маслаҳат берди. Биринчи гал кампирни Раъно бошлаб борди. Асал буви салқин Булоққовуз лабида ўтириб олиб, шишадай тиниқ сувнинг жимирлашларини, танга балиқларнинг ўйинини томоша қилди, муздай сувдан ҳовучини тўлдириб-тўлдириб ичди. Шундан сўнг, у Хадича аяга:

— Бу сувдан ичган сарим, юрагимнинг ҳовури босилпти чамамда. Худога шукур, иштаҳам, уйқум аввалгидан тузук. Шифо сув экан бу!— деб мамнунлигини билдирди.

Хадича ая ҳам пайтдан фойдаланиб:

— Эҳ, нимасини айтасиз, бувижон. Қўкоролнинг суви ҳам, ҳавоси ҳам даво. Мен касал нималигини билмайман...— деб қишлоқни мақтаб кетди.

Асал бувининг Қўкоролда узоқроқ туриб қолишига сабаб бўлган нарсалардан яна бири Пўлатжоннинг хати бўлди...

— Акам! Акамдан хат!— деб ҳовлиқиб кирган Қудратни Асал буви:

— Вой оғзингдан айланай, болагинам-ей!— деб маҳкам кучоқлаб пешанасидан чўлп-чўлп ўпди.— Қани? Қачон келаркан ўзи?

Қудрат хатни апил-тапил очиб ўқиди:

— Яшасин, яшасин! Акам Москвадан Тошкентга келиб тушибди. Тошкент аэропортига-я! Бу ёғи нима! Бир учса, кўз очиб юмгунча Фарғонада кўраверинг!..— Худди Пўлат акаси бугун-эрта уйга кириб келадигандай Қудрат билан Раъно қувонишиб «ур-ра!» деб қичқиришди.

Бироқ хатнинг охирида «яқин орада дийдор кўришамиз, Қудратжон, хат ёз» деган сўзларни ўқиркан, Қудрат тарвузи кўлтиридан тушгандай бўшашди, кўзларига филт-филт ёш олди... Қачон, қайси числода келишини очиқ ёза қолса бўлмас эканми! Қудрат сўнгги хатдан шуни кутган эди-ку, ахир. «Хат ёз» дейишидан, балки тагин ойларча эшикка термилишга тўғри келар... Қудрат хаёлга ботди...

Асал буви, ҳам, албатта, катта неварасини юраги эзилиб кутмоқда эди. Аммо Қудратни юпатиш учун деди:

— Жон болам, бекорга диққат бўлаверма! Мана кўпи кетиб ози қолибди-ку...

Қудрат тўрсайиб турди-турди-да, бувисининг буришган бетлари бадтар тиришиб кетаётганини кўриб:

— Акам келгунча кетиб қолмайсиз-а?— деди.

— Мени хафа қилмасанг...— деди буви, дока рўмолининг учига кўзларининг намини артиб.

— Нега хафа бўласиз?

— Сен хафа бўлсанг, мен ҳам хафа бўламан-да, кўзи чоғим...

— Бўпти!— деди ўзини ҳам, бувисини ҳам юпатиб Қудрат.— Акамни ҳаммамиз бирга кутиб оламиз-а?

Фақат кампир: «Тезда хат битиб, аканг қачон келувини аниқлайсан, мендан дуоий салом етказасан» деб шарт қўйди. Ҳаммалари шунга келишишди. Шу кундан бошлаб Асал буви катта-кичик невараларига кийим-кечак тиктириш, уй-жойга оро бериш, кўзойнак тақиб олиб янги кўрпа қавиш билан куймана кетди. Умурзоқ ака оиласини тўй маросими кутмоқда эди.

Қудрат хурсанд бўлса-да, битта нарса гоҳида унинг гашига тегиб қўярди. У ҳам бувисининг дастурхони. Буни кўрганда Қудрат дастлаб кулиб қўя қолган эди. Аммо бувиси Булоққовузга қатнайдиغان бўлгандан кейин, одамлар: «Кўкоролга филоф бандаси келиб қолибди», деган ҳазил гап тўқишибди. Вобоқул ота бўлса: «Бувингга паранжи учун бутунироқ дастурхон топиб беролмабсизлар-да?»— деб Қудратни мазах ҳам қилди. Баъзилар эса унга: «Бу филофли номаълум одам сенинг бувинг эканини билиб ҳайрон қолдик-а! Наҳотки шундоқ ақлли пионер бўла туриб битта бувингга ташвиқотинг ўтмаса!»— деб таъна қилди. Қудрат бунга чи-долмади. Шундай бўлса ҳам, буни на бувисига айта оларди, на дадасига. Фақат Коля билан сирлашди, иккиси бир бўлиб бир чора излашди. Уйлаб-уйлаб шундай йўл топилди: қоғоз-

га маймуннинг суратини солиб, кампир кўчага чиққанда суратни дастурхон орқасига секин илиб қочишди. Расми кўрганлар қотиб-қотиб кулишди. Болалар-ку, кампирнинг кетидан чувурлашиб боришди. Итларни айтмайсизми, итлар ҳам худди ўғри қувлагандай ёмон ҳуриб ириллаб қолишди. Кампир нима бўлганини билмай, хуноби ошганича ярим йўлдан қайта қолди. Қоғоз эса ўрнидан йўқолган эди... Худди шу воқеа яна такрорланди. Бу галгисини кампир энди Қудратнинг ўзгинасидан кўрди. «Сенларнинг дастингдан-ку, паранжимдан ажраган эдим. Энди битта дастурхонни ҳам раво кўрмайсанларми! Сира-сира келмас эдим бунақа масхара бўлишимни билганимда!»— деб астойдил хафа бўлди. Қудрат «мен қилганим йўқ» деб тониб туриб олди. Бувиси зарда қилиб, неча кунгача остона ҳатлаб кўчага чиқмади...

Бир куни эса, асалари баҳона бўлиб, ўз ихтиёри билан дастурхонни ташлади. Воқеа бундай бўлди: Асал буви асални яхши кўрарди. Қудратга: «Сут-қатиқларнинг совуғимни ошириб юборяпти. Шаҳарда бозор яқин эди, асал олдириб турардим», деди хумориси тутиб. Қудрат колхознинг асалари фермасидан асал келтириб берган эди. Шундоққина уядан олинган янги асал кампирга ёқиб тушди. Морозний нонига ўхшаш тўр-тўр, оқиш асал бўлаklarини майдалаб кемшик тишлари билан курсиллатиб чайнаркан, ҳузур қилиб: «Ажабми, мунча ҳам мазали бўлмаса-я! Умримда бунақасини емаган эдим», деди. Шу асалнинг қандай қилиб бунёдга келишини бир кўриш орзуси туғилди. Қудрат уни фермага бошлаб борди. Асал буви, Қудрат қайтарса ҳам кўнмай яна чурук дастурхонни бошига илиб олган эди. Қудрат одамлар кўрмай қўя қолсин дебми, чакалакзордан бошлади. Аммо бу ҳазил Асал бувига қимматга тушди. Ҳар қадамда дастурхон, қанор қопдай ҳалпиллаган кўк кўйлаги шох-шаббаларга илинавериш безор қилди. Буни кўриб Қудрат пиқ-пиқ куларди. Охири, ҳеч ким йўқлигини билгач, Асал буви дастурхонни думалоқлаб, қўлтиғига уриб олди. Чакалакдан чиқдилар. Асал буви дока рўмоли билан юзларини ўраб, Қудрат изидан бораркан, ариқлар, марзаларга тез-тез қоқиларди. Бир-икки марта билмасдан суғорилган бедапояга оёқ босиб, махсиси қўнжигача ботиб кетди. Кейин махсисини ечиб, дастурхонга ўраб олди. Шу алфозда, тут дарахтлари билан ғўза пайкали оралиғидаги майсазорга қўйилган яшиқлар яқинига етишди.

— Мана, буви!— деди Қудрат яшиқларни кўрсатиб.— Асаларилар ҳам ёз қилиб далага кўчиб чиқишган...

Асал буви бир Қудратга, бир яшиқларга ҳайрат ичида жавдирарди:

— Қани аринг? Қалака қилавермасанг-чи мени, болам!

— Ия, кўрмаяпсизми! Берроқ келинг, ана, ана...

Яшиқлар тепасида қизғиш аричалар нозик визиллашиб учишмоқда, яшиқларнинг кичик-кичик эшикчаларидан кетмакет кириб-чиқишмоқда эди.

— Вой-вой-вой! Ажабми!— деди бирдан Асал буви нурсиз кўзларини ола-кула қилиб.

Нарироқда Бобоқул отанинг:

— Ҳой-ҳой, кампиршо! Яқинига йўламанг, кичқирманг!— деган ширали овози кўтарилди. Унинг ёнида Қўзибой ҳам ўраллашиб юрган эди. Қудрат бувисига оппоқ ятак кийган, серсоқол, бети қип-қизил чолни кўрсатиб: «Бу — асаларичи бува» деб қўйди. Бобоқул ота яқинроқ келиб, давом этди:— Булар ҳозир жадаллик билан ишга киришган. Асал йиғишяпти, жониворлар. Буларга халақит бериш керак эмас. Жаҳли чиқса, қулоқ-бурнингизни чимчилаб олади...

Кампир чўчиб эҳтиётдан дока рўмолини юз-кўзларига ўраб чирмади. Секингина рўмол чеккасидан асаларичига мўралаб олди: асаларини худди одамга ўхшатиб гапириши аломат-а бу чолнинг...

— Ҳа, чирогим, бувингни томоша қилдириб юрибсанми? Қалай, Кўкоролимиз ёқдимиз кампиршога?— деди ўсмоқчилаб Бобоқул ота.

— Асаларини кўрсатиб юрибман,— деди Қудрат.

Кампир чолдан юз ўгира туриб, Қудратдан сўради:

— Асални қаердан йиғади?

— Ғўза гулидан, кампиршо!— деди эшитиб қолиб Бобоқул ота ва ғўза энг кўп асал шираси берадиган ўсимлик эканини, ғўза гулидан йиғиладиган асал хушбўй ва ширинроқ бўлишини тушунтирди. Кампир бу ёқда қолиб, Қудрат ва Қўзибой арилар ҳаракатига қизиқиб тикилишди.

Арилар яшиқлардан тўғри учишиб бориб худди ғўзаларнинг оқиш-пушти гулларига қўнадилар, кўз илғамас харгумчалари билан шира эмиб оладилар-да, яна виз-виз этганча келиб эшикчалардан «Уй»ларига кириб кетадилар. Асаларилар икки хил вазифани бажаришларини — бир томондан асал тўплашса, иккинчи томондан ғўзани чанглашларини Қудрат биларди. Буни дарсда ўтишган эди. Бироқ Бобоқул ота қаёқдан билади-а, буни?

— Қаердаки ғўзага асалари кўп ёпишса, ўша ерда пахта

ҳосили мўл бўлади,— деди Бобоқул ота «пахта ҳосили» деган сўзларни қаттиқ уқдириб ва кетидан қўшиб қўйди:— Асал ҳам...

Асал бувининг дилидан шу фикр кечди: «Ҳа, асаларилар ишлашяпти деганининг сабаби шу экан-да. Ажабми, гўзага фақат одамни эмас, ҳашаротни ҳам хизмат қилдиришаркан-а, булар...»

Бу сўзлардан Қўзибойнинг тамом оғзи очилиб қолган эди. Ана, бир тўда ари унинг ёнгинасидан учиб ўтди. Тоғда асаларидан панд еган Қўзибой беихтиёр қулоғини ушлаб қўйди.

— Эҳтиёт бўл, «Жимитвой», арилар сени яхши кўради!— ҳазиллашди унга Қудрат.

Қўзибой ҳам кулди:

— Тўғри, ўзимизники-да, танийди...

Буни эшитиб турган Бобоқул ота гапнинг тагига дарров етиб, изоҳ берди:

— Дарвоқе, сизлар келтирган арилар ҳам шуларга шерик. Локин, улар нари борса юздан бирга тўғри келар, дарёдан томчидай гап...

Қўзибой, ҳар қолда сўзи ёлғон чиқмаганига хурсанд бўлди. «Мана, буви кўрдингизми, асаларида ҳам бизнинг ҳақимиз бор!»— дегандай кампирга қош учуриб олди. Шу чоқ тўсатдан кампир:

— Вой-вой-вой!.. Оёқларимни ари талаб кетди!— деб тирпирилаб ўтириб олди. Болалар эгилишиб қарашса, ари деган нарса кўринмасди. Фақат пайпоғининг ҳамма ёнига тиканаклар ёпишиб олганди. Уларни териб ташлашгандан кейин, кампир қайтишни истаб қолди.

Бобоқул ота Қудратнинг азиз меҳмонини сийлаб, патир нондай асал бўлагини тутқизди. Кампир: «Яшанг, умрингиз узоқ бўлсин, ҳосилингизга барака берсин», деб дуо қила-қила асални дастурхоннинг учига тугиб олди.

— Қудрат мана энди дастурхон ўз вазифасини топибди-а?— деди кампирга қараб турган Бобоқул ота. Унга ва болаларга қўшилишиб Асал бувининг ўзи ҳам кулиб юборди-ю, кулгисини яшириш учун юзини тесқари бурди...

Бугунги саёҳатдан Асал бувининг дилгирлиги ёзилиб, оғзи қулоғида бўлиб қайтди.

Ишқилиб, кампир энди оёққа кирган боладай, ҳали у ёқ-ҳали бу ёқни кўзлайдиган бўлиб қолди. Ҳар куни ҳар кимдан бир янгилик эшитади: биттаси колхознинг эллик хилча

мева ўсган боғини мақтаса, биттаси товук, ўрдак, розлардан беш мингтаси бирга боқиладиган ҳам электрда жўжа очтириладиган «парранда фабрикаси»ни таърифлайди. Сигирларнинг ўзи тумшуғи билан жўмрак бураб сув ичадиган, машинада сут соғиладиган молхона-чи?.. Далалар-чи, далалар? Эҳ-е!.. Кекса одам учун буларнинг барини бир юришда кўриб чиқиш осонмас, албатта. Аммо атайи шаҳардан келса-ю, шундоқ аломат нарсаларни кўрмасдан бир бурчакда биқиниб ётса, бу ҳам инсофданмас-да.

Асал бувининг ўзи ҳам, худди билгандай, аини пишиқчилик вақтида келди қишлоққа. Саратон кириб, кунлар «йилдай» узайиб қолди. Олтин ёзнинг ҳар бир куни катталар ва болаларга бир янги таассурот бағишларди. Уларнинг кўз ўнгида бутун қишлоқ табиати ўзгариб борарди. Далалар иссиқдан ҳансирар, ана шу иссиқ ҳаводан ва сувдан баҳра олиб, гўзалар, сабзавотлар, мевалар етила борарди. Боғлардаги чиллакилар чумак уриб, олма, ноклар, тиллақўнғиз ёпишган шафтоли ва олхўрилар ранги соат сайин ўзгарарди. Полизларда тилёбар ананаслар тўрлар, шакарпалак, оқ уруғлар дум бериб, ариқ бўйларида «ширинак» ўйинлари бошланиб кетганди.

Далаларгина эмас, кўчалар, уйлар ҳам — бутун олам ям-яшил кўкат ва япроқларга қалин буркангандай...

Буларнинг бари саратон қуёшининг олтин селига ғарқ бўлиб ётарди. Иссиқ куннинг ўтли ҳароратини пасайтириб тоғ шабадаси эсиб турар, ҳар томондан атиргул, райхон, жамбилларнинг ёқимли исларини димоққа уфурарди... Кўкорол шамоли нақадар оромбахш! Осмонни тўлдириб учган қушларни айтинг: улар ҳам кишиларга ҳузур бағишлаб, Кўкорол кўкида ёқимли куйлар таратар, бу куйлар сой шалолалари ва болаларнинг шод қичқирқиқларига қўшилишиб, эртаю кеч бутун қишлоққа жон киргизиб турарди...

Қудрат: «Ҳамма ёқни бирдан кўрсатиб қўйсам, бувим «бўлди энди, кетаман»га тушиб қолмасин» деб хавотирланди, далада иши тигизлигини баҳона қилиб бувисини икки-уч кунда бир сайр қилдирадиган бўлди. Асал бувига ҳам шу маъкул тушди. Чунки у уй юмушларидан бўшади дегунча Хадича аянинг «туғруқхонаси»га кириб турадиган бўлди. «Туғруқхона» деб у икки қават сўрили қуртхонани номлаган эди, ҳазил қилибми, чинданми, ўзи билади. Ҳар ҳолда қуртхонага қизиққани бир бўлса, Хадича аяни юмуши кўп деб аягани бир бўлди шекилли, кампир ипак қуртларига ўз-

ўзидан ўралишиб қолди. Хадича аяга: «Болагинамнинг болаларига шунча қарашдингиз, энди мен ҳам то бу чақалоқларингиз бешикка тушгунча доялик қилишиб юбораман-да», деб ҳазиллашди. Хадича аянинг беминнатгина ҳашарчи топилганидан хурсандлигини қўйверасиз.

## У н е т т и н ч и б о б

Пионер постлари чиндан ҳам машҳур бўлиб, сафлари кенгая борди. Лагерларга, қариндошларникига кетган болалар бирин-кетин қайтиша бошлади. Аҳмад пионер постига ҳаммани ёзавермасди. Вожатий билан маслаҳатлашиб, айрим болаларга: «Сен ёшлиқ қиласан» деса, айримларига: «Сенинг кузги имтиҳонинг бор, дарсингга қара» дерди. Уларсиз ҳам иш юришиб кетган эди. Айниқса, ўтган кун машинада шаҳарни сайр қилиб келишгач, болаларда ғайрат зўрайди. Раҳим ҳам постага айланишиб қолди. Аҳмад уни, вожатий иккинчи марта буюргандан сўнггина, синов шарт билан қабул қилди, унга, ҳеч ким олмаган ишни берди: Раҳим ўтоқчиларга чой, нон, газеталар етказиб бериб туриши, улар дам олганда кийимлар ва асбобларга қоровуллик қилиши керак эди. Бу, болаларнинг назарида паст иш эди. Раҳимнинг ўзи-чи, бу вазифани жуда масъулиятли ва муҳим деб биларди. Масъулиятлиги шуки, агарда бирор боланинг кетмоними, қопими бежо бўлса, Раҳим жавобгар. Муҳимлиги шуки, «бутун постнинг ўз нормасини яхшилаб бажариши бизга боғлиқ. Агар биз уларнинг қорнини вақтида тўйгазиб турмасак, улар қандай қилиб ишлашади!» дерди. Хулласи, Раҳим, ҳар қандамда Аҳмаддан туртки еб турса ҳам, тишини-тишига қўйиб ўз вазифасини қойиллатиш ҳаракатида эди. Чунки у, Марҳамат билан онасининг сўнгги ўғитларини қулоғида яхши тутиб, «мағзини чақиб кўрган» эди. Бироқ тунов кун у, ўйинга алақсиз кетиб, битта хатога йўл қўйди ва постдан ҳайдалишига оз қолди. Бунга, қисман, Меҳри сабабчи бўлди...

Меҳри икки қиз билан ясли ёнида қўғирчоқларга кўйлак тикишиб ўтирарди. Раҳим шийпонга чой-нон учун борди-ю, қизларни кўриб бир гаплашгиси, тўғриси, мақтангиси келиб қолди. (Ўғил болалар ўртасида мақтаниб обрў топиши қийин эди-да, ахир!)

— Ҳей, сенлар поста ёзилмадиларингми?



— Секин!— деди Меҳри чий томонга ишора қилиб.— Ҳозир яслимизда уйқу соати.

— Ҳзимиз зўрга ухлатдик укаларимизни!— деб қўшиб қўйди Раъно.

— Ва-а!— деди Раҳим масхарали қараш қилиб ва ўзининг биринчи пионерлар постигаги «навбатчилиги»ни пеш қила кетди. Бу Меҳрига ёқмади.

— Навбатчилик эмиш, қоровуллик деб қўя қол-да! Бобоқул отадай кетмонга ярамаган одамнинг иши бу!— деди. Бобоқул отанинг қоровулликни ташлаганидан беҳабар Меҳри.

Бу Раҳимнинг гашига тегди. У, билагининг мускулларини ўйнатиб, кучининг кўплиги, агар кетмон чопса ўн кишини йўлда қолдириши, физкультурадан доим «беш» олиб юрганини айтиб керилди.

— Ва-а!— деди Меҳри яна масхаралаб.— Физкультуранг нима бўпти. Мен ҳам касал бўлмаганимда «беш» олардим-да!

— Олиб бўпсан!— деди Раҳим камситиб. Сўнг уни мот қилиш учун бирон нарса ўйлаб топмоқчи бўлди ва топди.— Тўхта бўлмаса, сакраш мусобақаси ўйнамаймизми?

— Бўпти,— деди Меҳри ҳам ўйлаб ўтирмай.

— Аммо кучларинг етармикин? Е тагин йиғлаб...

— Ҳзинг фирморлик қилмасанг бўлгани!— деди Меҳри ҳам бўш келмай.

Раҳим қўлига ярим метр келадиган чўп олиб, ерга параллель икки чизиқ чизди.

— Мана буни «сакраш майдончаси» деймиз. Эни ярим метр, бўйи икки ярим метр.— Раҳим буни ўлчаб чиқди, сўнг «майдонча»га кўндаланг еттита чизиқ чизди. Биринчи чизиқ билан иккинчи чизиқ оралиғи бир ярим метр, қолган катаклар оралиғи йигирма сантиметрдан. Биринчи катта катакка сакрасанг, бир очко оласан. Икки катакка сакраган киши уч очко, уч катакка сакраган беш очко, тўрт катакка сакраган етти очко олади... Ундан ҳам ўзган киши яна икки очко ортиқ олаверади.— Раҳим катаклар ёнига шу айтган рақамларини катта қилиб ўйиб ҳам қўйди. Кейин ўз «кашфиёти»дан мағрурланиб тақлиф қилди:— Қани, ким талабгор? Стартга марҳамат!

Меҳри «қайси биримиз олдин сакраймиз?» деб қизларга қараб турган эди, Раҳим кучайди:

— Ҳа, юрагинг бетламаяптими? Билиб қўй, бу ўзи ўғил болалар ўйини!

— Чиранмай тур ҳали,— деди аччиғи қистаб Меҳри.

У шартта туфлисини ечди-ю, «старт»га яқинлашди. Бурни билан чуқур нафас олди-да, ихчам гавдасини олдинроққа эғди, сўнг физкультурачилардай тирсагини ёнга чиқариб, оёғининг кафтларини босди-да, югура бориб бир сакраган эди, иккинчи катак ўртасига тушди.

— Уч!— дейишди қизлар бараварига.

— Ва-а!— хахолаб юборди Раҳим оғзини катта очиб.— Айтмадимми кучинг етмайди деб. Мана кўриб қўй, сакраш қандай бўлади...

Раҳим, цирк полвонларидай кўкрагини олдинга чиқариб, лапанглаб шартга яқинлашди. Офтобда қорайиб кетган билакларининг мускулларини ўйнатиб, кўзларини чақчайтириб, олдинга ирғиди ва учинчи катакка оёғи тегар-тегмас «беш!» деб қичқирди.

Шундан кейин бошқа қизлар мусобақага киришдилар, Меҳрининг икки шериги ҳам беш очкодан олди. Меҳрининг ўзи эса кучини тўплаб туриб иккинчи сакрашда тўртинчи катакка бориб тушди.

— Ет-ти!— дейишди қизлар қувонч билан чапак чалишиб.

Раҳим хиёл ўйланиб қолди. Энди у, икки метрга сакраб, етти очко олишни эмас, балки биратўла олти катакка сакраб, ўн бир очко эгаллашни чамаламоқда эди. Аммо бўлмади. Шунча интилса ҳам тўртинчи катакдан нарига ўтолмади.

Меҳри-чи! Дастлабки галабадан руҳланиб кетган, юраги дадиллашган эди. У бутун чаққонлигини ишга солиб, сўнгги сакрашда бешинчи катакни эгаллади.

— Тўқ-қиз!— дейишди қизлар яна ҳам баландроқ қичқиришиб.

Бу вақт Раҳимга қарасангиз, кўзининг пахтаси чиқиб кетган, тарвузи қўлтиғидан тушгандай бўшашган эди.

— Ҳа, талабгор борми?— деди энди Меҳри Раҳимга унинг сўзларини эслатиб,— кучинг етса ўйна!

— Тўхтаб тур, ўтиб кетганимни кўрасан...

Раҳим шу гапни айтди-ю, ўтиб кетиш эмас, баравар бўлишга ҳам кўзи етинқирамади, совуқда қолган мусичадай қунишди. Тўғриси у, Меҳрининг чаққонлигига қойил бўлган эди-ку, буни иқрор қилгиси йўқ эди...

Шу чоқ, бахтига, онаси чақириб қолди. Раҳим катта тунука чойнакда чой ва бир халта нон олди-ю, болалар олдига жўнаб кетди...

Пост аъзолари тўпланадиган тутзорда ҳангама зўр эди.

Қип-яланғоч болалар қичқиршиб, у ёқдан-бу ёққа югуришиб, кийимларини излашмоқда эди. Улар овқат олдидан сойга чўмилгани кетишганда кийимларини очиқ жойда қолдиришган экан, шамол туриб кийимларини ҳар ёққа тўзитиб юборибди: бирининг майкаси тут шохида бўлса, бирининг трусиги йўл ёқасидаги бутага илиниб қолибди, айримларининг дўппилари ариққа оқиб гўза ичида сузиб юрибди... Болалар бараварига Раҳимни талай бошлашди. Раҳим, кечикканининг сабабини тушунтиргунча бўлмай биқини, елкаси ва чаккасига устма-уст мушт туша кетди.

Фақат Аҳмад буларга қўшилмай, Коля билан бир четда ниманидир шивирлашиб ўтирарди.

— Нима бўлди? Борадингми?— деди секин Коля.

— Жудаям боргим келяпти. Қанчадан бери Борис билан ваъдалашиб юрувдим. Фақат бу ерда сизлар...

— Ҳа, бизни кўзинг қиймаяптими? Қизиқ экансан-а, ўртоқларим деб яхши кўрган ҳунарингдан кечасанми? Олдинга бориб турамыз. Ўзинг ҳам зерикканингда келиб турарсан. Уч ой нима— ўтади-кетди. Ҳунарли бўлганинг қолади... Агар-чи, Аҳмад, мен ҳам доим қишлоқда турганимда, машинани ўрганиб олардим!.. Ишқилиб, аянг, опанг рози бўлишдимми?

— Аввалига аям: «Шу касбинг менга ёқмайди-да. Умринг қора мойга беланиб ўтади» деб кўнмаган эдилар. Опам бўлса: «Кучинг етмас. Ўқишинг ўлда-жўлда бўлиб қолар» деб қўрққан эди. Энди бўлса: «Майли, ишни ҳам, ўқишни ҳам уdda қиламан десанг боравер. Ҳозир машина ҳайдайдиганларнинг омади келган» деяпти, аямни ҳам шунга кўндирапти...

— Ҳа, нимани маслаҳати?— деди Қудрат, шовқин сал босилгач.

— Аҳмад машина ҳайдашга ўқимоқчи,— деди Коля.

— Нима, нима? Қачон? Қаерда?— Болалар эшитишиб, Аҳмадни қуршаб олишди. Элбурутдан мақганишни ёмон кўрадиган Аҳмад бу гапни ҳозирча овоза қилмай деган эди. У ишшайибгина қараб тураркан, Коля болаларга тушунтирди:

— МТСда, терим машина ҳайдовчилар курсида.

— Қўй-эй! Мактаб нима бўлади?— Қудрат Аҳмадни туртди.

— Мактабда ҳам ўқийвераман келиб.

— Қўйсанг-чи, ўқишинг қолиб кетади! Уддалолмайсан!

Болаларнинг бу кутилмаган янгиликка ишонгилари келмас, алоҳида қизиқсиниш билан Аҳмадга тикилишарди. Раҳим

ҳам бошқалардан кам қизиқмади. Фақат унинг қизиқиши ўзгачароқ эди: «Унинг ўрнига ким пост бошлиғи бўлиб қоларкин-а? Қим бўлса бўлсин-у, ишқилиб Аҳмадга ўхшаб салга мушт ўқталавермаса бўлгани...

— Маза қиларкан Аҳмад!— деб юборди Раҳим. Бу гапи билан Аҳмадни яна кўпроқ кетишга қизиқтирмоқчи бўлгани кўзларининг муғамбирона пирпирашидан билиниб турарди.— Агарда еттинчини битирганимда мен ҳам борардим,— деб қўшиб қўйди.

— Шунақа курсгами?— деб сўради ўсмоқчилаб Қудрат.

— Йўқ, мотоцикл, леховой ҳайдашни ўргатадиганига...

— Сенга-чи, Раҳим, овчилик мактаби тузук!— деди ҳаммани кулдириб Қудрат. Раҳим кулмасликка шунча тиришди-ю, охири ўзини тутолмай хахолаб юборди.

— Ҳаммадан ҳам-чи,— Қўзибой орага кирди,— ҳалиги, анақа...— Қўзибой «рассомлик мактаби яхши» демоқчи эди-ю, Раҳимга кўзи тушиб сўзини ютди. Балки тағин кариатура эсига тушиб қолмасин деб чўчидимикин.

— Узинг-чи, Қудрат?— Раҳим ҳам Қудратни мот қилишга чоғланди.— Қўнғизларни текширадиган мактабга кирасанми?..

Ҳеч ким кулмади. Қудрат жиддий ҳолда уқдирди:

— Ҳашаротни, ўсимликни текшириш майнабозчиликмас, оғайни...

Қудратни деҳқончиликка, далага боғлиқ кўп нарса қизиқтирарди. Бошқалар каби у ҳам келгусида ким бўлиш устида унча-мунча ўйлаб қўяр — Мурод Олимов сингари ҳам ўқитувчи, ҳам агроном бўлгани яхшими, мол докторлиги тузукми, тракторчилик қалай бўларкан — ҳали булардан биронтасини танлаб олган эмасди. Дадаси билан бу ҳақда аниқроқ гаплашишга вақт келмаганди... «Ҳаммасини ўрганиб кўзингни, зеҳнингни пиштавер, йигитга етмиш ҳунар оз дейдилар» — дадасининг гапи шу эди... Биров бу ҳақда гап очса, «ўнинчини битиргунимча анча бор-ку ҳали» деб қўярди Қудрат. Лекин Аҳмаддаги кутилмаган ўзгариш бошқалар қатори Қудратни чуқур ўйга солиб қўйди. «Аҳмаднинг қўлидан машина ҳайдаш келадиган бўлса, нима учун бизнинг қўлимиздан келмасин...»

— Ана, ана, келишяпти!..

Чувур-чувур босилиб, ҳамманинг диққати далага тортилди... Ҳу ана, сомон шляпали Олимов пахтазор чеккасидан келяпти. Унинг ёнида Лолахон ва Марҳамат. Умурзоқ ака

тирноқлари билан тирмашиб олиб, оёғи билан чапак чалган дорбозлардай мақтанчоқлик қилиб қанот ва думларини пириллатмоқдалар. Бунча ўйинчи бўлмаса-я, бу қушлар!

Энди болаларга эрмак топилди: бадбашара қуртларни кўриб бузилган кайфиятларини «дорбоз» қушлар кўтариб турарди. Болалар ким кўринса:

— Мана, биз қушларни ўзимизга ёрдамчи қилиб олдик!— деб фахрланиб қўйишарди.

Умурзоқ ака бу ишдан хурсанд бўлиб кетди:

— Хўп ўйлаб топибсизлар-да буни. Чуғурчиқлар бу ёқда қуртни қийратишда бизга ёрдам берса, у ёқда богбонларни ҳам узум қўриқлашдан хийла қутқарадиган бўпти.

Колхоз раиси Тожихон опа бўлса: «Бу тажрибани бошқа бригадаларимизга ҳам ёйиш керак» деди.

Бу мақтовлардан болаларнинг оёқ-қўллари янада чаққонлашиб кетди. Фақат гоҳо идиш таллашиб, жой танлашиб қий-чув кўтариб қолишарди. Ана, ювош Меҳри билан тегиншқоқ Қобил икки томондан ҳашаротни тозалаша келиб бир ёғоч тагида тўқнашиб қолишди. Битта ғўза тупини Қобил у ёққа тортқилаяпти, Меҳри бу ёққа.

— Икки ўртада ғўзага жабр бўпти-ку!— деди буларнинг группасига бошлиқ бўлиб қолган Қудрат.— Нимасини талашасанлар, ҳаммаси битта бригада ери-ку!

— Талашаётганимиз йўқ,— деди Меҳри ва бутун айбни Қобилга ағдариб, жовуллади:— Ўзи тўғри ишласин-да. Ҳали битта қуртни бутилкага сололмасдан ерга тушириб юборди лаванглик қилиб. Тагин ер юткур қандоқ дегин-а, худди бу-зоқбошидай келади-я! Бир хунук, баргни сўриб чиёндай кўкариб кетган. Қобилинг бўлса, уни шартта этигининг пошнаси билан эзиб юборди. Обориб ташла ҳозир десам, «жони чиқди-ку» деб тишининг оқини кўрсатади. Жони чиққани билан ғўза таги ифлос бўлмасин, тагин тухумидан тарқалмасин-да!

— Гапинг маъкул, синглим!— деди буларнинг жанжалини эшитиб келган Лолахон.— Бу «ёв»ни битта қолдирмасдан четга чиқариб кўмиб ташлаш керак. Биронтасиям ғўза мевасига ўтолмасин...— Лолахон ниманидир дилида ўйлаб олди-да, яна деди:— Биласизларми, укалар, олимларнинг ҳисоби-ча, ҳар бир қурт ўсиш даврида бештадан йигирматагача кўсакни шипирар экан. Ўйлаб кўринглар-а, ўзи битта кўсакдан неча грамм пахта чиқади.

Икки тарафдан икки хил жавоб бўлди:

— Тўрт грамм!.. Беш грамм!..

Лолахон бошини сарак-сарак қилди:

— Беш грамм бу ўртача ҳосил бўлиб қолган. Бизнинг пахта камида олти грамм бериши керак. Узун толали, серҳосил сортдан экканмиз. Сортимиз ҳам янги, жойимиз ҳам. Эсингиздами, тунов куни Умурзоқ амаким айтдилар-ку, бу ерларга ҳазина яширинган деб... Бизнинг звено гектаридан етмиш центнердан ҳосил берамиз деб бекорга қўл қўймаганда! Мана шу еримизнинг ҳар гектарида тўқсон минг тупдан ғўза бор. Буни ўрта ҳисобда йигирма бешга кўпайтириб кўринглар-чи...

Бу, худди қийин математика масаласидай, болаларни хийла ўйлатиб қўйди...

Ҳаммалари Лолахон ишора қилган томонга тикилиб қолишди.

Пахтазор денгиз каби тўлқинланиб, қуёшнинг олтин шуъласида мавжланиб ётарди. Бу манзара болаларнинг кўзига ҳар вақтдагидан ўзгачароқ, жонлироқ кўриниб кетди. Чиндан ҳам дала ҳуснга тўлган, таралган сочдай ғўза шохчалари оқиш, пушти ранг гулларга безанган. Кўзни қамаштирувчи ям-яшил, қуюқ япроқлари орасида нўхатдай, кўксултондай думалоқ кўсакчалар маржон-маржон тизилиша бошлаган. Булар чексиз чаманзор боғни эслатиб, одамни ўзига тортиб турарди. Гул шайдоси бўлган қушлар илгари бир умр Кўкорол даштига яқинлашмаган бўлса, ҳозир энди бу ердан узоқлашолмай, пайкаллар тепасида пириллашиб қолишди. Асаларилар ҳам ғўза гулларида тобора кўпроқ мириқиб бол эммоқдалар. Кечки пайт бу аҳил жониворларнинг далада сон-саноқсиз гала бўлиб учганидан ҳосил бўлган куйга қулоқ солсангиз...

«Бу ҳам гапми, — дала томошасига берилган болалар ўзларича хаёл суришарди. — Ҳали пахта очилганда кўринг, қандай гаштли бўлиб кетади бу дала!..» Болаларнинг кўз олди чаноқлардан нишолдадай тошиб-кўпириб кетувчи момиқларга тўлди. Даланинг ҳар ер-ҳар ерида тоғдай-тоғдай юксалган оқ олтин хирмонлари гавдаланиб кетди.

Олтин пахта, оқ пахта,  
 Биз сенга иноқ пахта,  
 Ҳосилинг мўл бўлганда  
 Ҳаммамиз қувноқ пахта.

Янгроқ қўшиқ эрта тонг сукунатини бузди.

Энди-энди уфқ ёришмоқда. Ғарб осмонига булутдай туташган туя ўркачлари каби тоғ чўққисиди эгри-бугри оқ чиқиқлар пайдо бўлмоқда. Дала устида шовиллаб кезган салқин шамол дарахтлар, ғўзалар баргидаги шудрингни майда ёмғирдай тўкмоқда. Ҳар кунгидай табиат билан бирга уйғонган жониворлар, қушлар шовқинини болалар бошлаб берди. Ҳаммадан кўра кўпроқ ва баландроқ қўшиқ айтаётган Қўзибойнинг овози эшитилса ҳам ўзи кўринмасди. Ўсиқ ғўза туплари уни бўйнигача кўмиб юборган, бошидаги мош ранг духоба дўпписи эса, ғўза ранги билан қўшилишиб кетган эди. Унинг ёнида Раҳим пайдо бўлди. Иккиси тунги тоғ шамоли қийшайтириб кетган «дор» ёғочларини тўғрилай бошлашди...

Анча вақтгача негадир Қудрат билан Аҳмаддан дарак бўлмади. Қўзибой шунга ҳайрон эди.

Раҳим тахмин қилди:

— Аҳмад ўқишга кетиб қолганмикин-а?

— Йўғ-эй, берухсат қаёққа кетарди!

— Нима, рухсат беришмасиди?— деди Раҳим норози оҳангда.

— Бу ерда шунча иши туриб-а?

— Ҳа, ҳа, бўлди, бўлди!— деди ҳовлиқиб Раҳим.— Аҳмад самолёт кўргани кетгандир. Қудрат ҳам...

— А? Самолёт келибдимики?

— Ҳали келармиш-ку нариги участкага. Кеча раис самолёт чақиргани кетган экан-ку...

Қўзибой шундай катта янгиликни билмай қолганига ачинди.

— Биз ҳам бормаймизми, а?

Раҳим индамади. Ғўза оралаб қурт теришга киришди. Очиғи, ҳозир ҳар қандай ишни йиғиштириб ўшоққа жўнағис келиб турарди-ю, лекин Қудратдан ҳайиқмоқда эди. Чунки кечагина у ялина-ялина Қудратнинг группасига қўшилиб олди. Агар Қудрат хафа бўлса, Аҳмад ҳам ўз постига ол-

майди-да. «Балки,— деди у ўзича чамалаб.— Аҳмад кетса ўрнига Қудрат бўлар. Шунинг учун Қудратга ҳозирдан яқин бўлиб турай...».

— Сен қолсанг қолавер, мен кетдим!— деди Қўзибой.

Раҳим унинг кетидан ағрайганча қолди. Орадан хийла вақт ўтса-да, болалардан дарак бўлмади. Онда-сонда ғўза дори сепиб, чеканка қилиб юрган колхозчилар товуши эшитилиб қолади. Лекин ҳар кунги чувур-чувур, тўполон бугун йўқ. Мана, дам-бадам ўзининг қизларникидай ингичка овози билан қўшиқ айтиб турадиган Қўзибой ҳам қаёққадир жўнаб қолди... Раҳим Кўкоролнинг гоҳ у ёғига-гоҳ бу ёғига бориб, шерикларини кута-кута, қилган ишининг тайини ҳам бўлмади. Ҳар вақт болалар тепасида бўлувчи Марҳамат, эрталабдан кутубхонани очадиган Коля ҳам бугун кечикишди. «Ҳа, бўлди, ҳаммаси ўшоқда! Битта менми бу ерда ишлайдиган! Шундоқ томошадан қолиб-а! Бор, нима деса десин, бораман...» «Бирлашган» колхозининг биринчи участкасида ҳамма осмонга кўз тикиб, самолёт кутмоқда эди.

Бу ердаги ғўза пайкали кенг, кафтдай текис ва жуда яхлит. Атрофларда фақат паст-паст каллакланган тут дарахларигина ўсган. Яшил гилам бўлиб сидирға чўзилган пахтазорнинг у чеккасидаги кишиларни бу тарафдан аранг кўз илгарди.

Кеч қириб қолган. Яллиғланиб турган, зўр мис баркашдай қуёш тоғ орқасига думалаб бормоқда. Унинг тут ва ғўза япроқларида шўх йилтираган нури аста сўнмоқда. Кун дим. Шамол ғир этмасди.

Сой ёқалаб саманни йўрғалатиб Қудрат келмоқда, унинг орқасига бувиси мингашиб олган эди. Қудрат отни чоптирай деса, бувисининг йиқилиб кетишидан қўрқар, секин юргизай деса, кечикиб қолаётгандай юраги тарс ёрилаёзган эди. Ахир бувиси шу нарсадан қуруқ қолса нима қиларди. Қудратнинг ўзида ҳам айб бор. Бувиси «мени ҳам оборасан, ўладиган дунёда бир кўрай бу томошани!»— деса, обориб юрибди-да!

Қудратнинг кўзи қизиқ манзарага тушиб, шартта жиловни тортди: пахта майдонининг бериги чеккасида — тут дарахлари яқинида Бобоқул ота қўлини баланд кўтариб, қизил байроқ ушлаб турарди. Чолнинг ҳозирги туриши Қудратга ғалати кўриниб кетди. Чунки, у, Қудрат билан нечоғли қадрдон бўлмасин, ҳозир унга парво қилмади. Қудрат унинг олдига яқинлашди:



— Нима қиялпсиз, ота?

— Хабаринг йўқми? Самолёт кутяпман.

— Қачон келаркан? Қайси томондан?

— Келиб юрган томонидан келади-да. Нарироқ бор деяпман! Шу топда одамни алахситма, чирогим!..

Қаердандир, жуда узоқдан кўнғизнинг гўнғиллагани бир бўғиқ овоз келди. Овоз секунд сайин кучайиб, қуюқлаша борди. Бирдан, одамлар турган нариги томонда бургутдай парвоз қилиб катта қуш йилтиради. Уни кўрибоқ Қудрат довдираб қолди: на отни юргизди, на отдан тушди. Самолёт қишлоққа яқинлашиб келмоқда эди.

— Бу ёққа яқин йўлама, отни қайтар деяпман!— Бу сафар чол қаттиқ дағдаға қилди.

Бобоқул отанинг бу муомаласидан ҳайрон бўлган Қудрат тут дарахтлари орқасига ўтди ва улар орасидан осмонга тик қилди. Тўқ яшил тусли самолёт яққол кўриниб қолган эди. Хув ана, Янгибод чегарасига кирди... Пастлай бошлади... Овози тобора кучайиб, ҳавони мотор гулдуриси босиб кетди.

Чолнинг байроғи яна ҳам баландроқ кўтарилди. Унинг қаршисида — нариги чегарада ҳам байроқ қилпирамоқда. Катта кишими, болами, ким кўтариб турган бўлсаям хўп бахти бор экан-да! Ана, самалёт худди ўша одам устига келганда, жуда пастлади. Гўза устига, худди фонтандан отгандай кўз қамаштирувчи майда зарралар ёғдириб келди-ю, шундоққина чолнинг тепасидан, Қудратнинг нақ кўз олдидан яхлит шарпа ташлаб вағиллаганича ўтиб кетди. Олдинига: «Вой ажабми, ажабми!»— деб кўзларини ола-кула қилиб турган Асал буви энди даҳшатга тушиб, титраб-қақшади. Самолётнинг баҳайбат гулдуриси қулоғини том битириб, миясини говлатиб юборган эди. Бунинг устига, бирдан саман хуркиб, келган томонига — Кўкоролга суриб кетди! Отни тўхтатиб, қайириб олгунча Қудратнинг нақ энка-тинкаси чиқди.

— Ҳай, ҳай, болам. Бўлди, бўлди! Тавба қилдим!

Қудрат бувсини бир амаллаб отдан тушириб қўйди...

Самолёт Кўкорол томон яқинлашиб, хиёл баландлаб яна орқага қайтмоқда эди. Қудрат ҳам унинг кетича от чоптириб, тутзорнинг ўнг ёғига бурилди, катта дала айланасидаги йўлга чиқиб, отга қамчи босди. От боягидан кўра ҳам тезроқ, пойга қувгандай учиб кетди. Бир лаҳзада Қудрат ўзини тўпланган одамлар орасида кўрди. Саман кўпчилик ичидан Умурзоқ акани дарров таниди ва унинг қаршисига бориб, чиройли бошини эгди.

— Кўрдингми, ўғлим!— деди Умурзоқ ака Қудратни отдан кўтариб оларкан.

Шовқин ичида дадасининг овозини зўрға эшитган Қудрат:

— Ҳа-ҳа...— дея олди, холос; унинг гапиришга мажоли қолмаган, зўр бериб ҳансирадди.

Яна қий-чув зўрайди. Болалар: «Келяпти, келяпти!» деб қичқиришар, хуштак чалишар ва у ёқдан-бу ёққа чопқиллашарди. Қудрат ўртоқларига қарашга улгурмай, самолётни кузатди. Самолёт ҳам суръатни бўшаштирмай, дала устида у ёқдан-бу ёққа учар, ҳар бориб келганда икки тарафдаги байроқ ўн-ўн беш қадамча ёнга суриларди. Байроқдорлар учувчига нишон белгилаб туришарди — буни энди билди Қудрат. Бу тарафдаги байроқдор Ефим тоға экан. Унинг ёнида Коля. Қудратни Ефим тоға имлаб қолди. У икки кўзи осмонда экан, ёнига борган Қудратга:

— Кўрдингми?— деди.

— Ҳа, заҳар сочяпти!— деди Қудрат.

— Ўзини кўрдингми, ўзини?— деди ҳовлиққан Коля.

— Кимни?— деди охири ҳушёр тортган Қудрат.

— Акангни?

— А!— Қудрат эсанкириб, юраги чиқиб кетаёзди...

— Бу ўзимизнинг қуш, Янгиободнинг пўлат қуши!— деб қўшиб қўйди, ботиқ кўзлари қувончдан ёнган Ефим тоға.

Қудрат дала тепасидан пастлаб кетаётган зўр пўлат қуш томон кичкина қаддини чўзиб интилган ерда, Ефим тоға «ҳай-ҳай»лаб қўлидан тутди.

— Яқинига йўлама, кетингга қайт!— У орқасидаги бўш майдонга ишора қилди.— Четдан яхши кўринади.

Қудрат четроққа — болалар олдига ўтаркан, «кўрдингми, акангни кўрдингми?»— деган саволлар қулогини кар қилиб юборгудай бўлди. Икки қўли билан қулоқларини маҳкам бекитиб олди ва орқадан яна гулдурос солиб байроқни нишонга олиб келаётган самолётнинг кабинасига кўз тикди... Ана, ана, сариқ чарм қулоқчинли учувчи кабина олдидаги ойна орқали пахтазорни кўзлаб рулни чаққон бошқармоқда. У жуда-жуда пастлаб, том бўйи барабар ер бағирлаб келмоқда. Мана байроқнинг қоқ устидан ўтди; ўтиши биланоқ, икки қаноти остидан шовиллаб қуйган «ёмғир» ғўзалар баргига шундрингдай қўна бошлади.

Учувчи шу ҳаракатни яна икки бор қайтаргунча, Қудрат ўз жойида тикилганича қотиб қолди. Энди у аниқ таниб олганди. Ҳа, бу унинг акаси Пўлатжоннинг ўзгинаси! Афт-бо-

ши якқол кўринмаса-да, кўзларини тўрт бурчак ойнакча яшириб турган бўлса-да, тебранишлари, бош ва қўл ҳаракатлари Қудратга таниш, жуда-жуда таниш...

— Акам! Акам!— деб қичқириб юборди Қудрат.

Овози самолёт гулдуросига қўшилиб кетган бўлса-да, дадасининг қулоғига бориб етди ва у келиб, жимгина Қудратнинг қўлини сиқди. Кетидан болалар келиб табриклашди.

Қудрат энди сал ўзига келди-ю, аммо миясини турли саволлар гангитиб қўйди: «Акам нима учун тўсатдан келиб қолди? Қандай қилиб? Қаерга қўнади энди?..»

Бу вақт Ефим тоғанинг байроғи анча нарига сурилган, самолёт «ИСО» заҳарини катта ернинг чеккасидаги гўзаларга сочаётган эди. Қудрат Ефим тоға олдида дадил бориб, «битта кўтарай» деб унинг қўлидан байроқни олди. Қараб турса, самолёт дала қирғоғига сўнгги марта дори сепиб ўтди-ю, баландлай бошлади ва кенг доира олиб орқага қайтди. Қайтаркан, Қудратнинг кўзига худди акаси қўл силкигандай кўринди. Нарироққа — ўриб олинган бедапоя устига кабинадан алланима капалакдай пириллаб учиб тушди.

— Хат! Хат!— деб чувиллашди бедапояга югурган болалар...

Қудрат учбурчак қилиб тахланган қоғозни очаркан, ҳайратдан кўзлари чақнар, юраги бежо типирчиларди.

Хатда шу сўзларгина ёзилган эди:

«Яна уч-тўрт кунлик ишим қолди. Шундан кейин телеграмма бераман. Салом билан Пўлат...»

Бу қисқа хатдан қаноатланмай, Қудрат доғда қолди:

— Тагин қанақа ишлари бор экан-а?

— Шунақа иш-да...— Умурзоқ ака хатни кўраётиб деди.— Яна баъзи жойларда ҳашарот тушган гўза бордир, ўшаларга ҳам дори сепар...

— Ҳозир қаёққа учиб кетди?

— Аэродромга.

— Аэродром қаерда?

— Аэродромми?— ўйланқираб қолди Умурзоқ ака ва «қўшни қишлоқда» демоқчи бўлиб туриб, фикридан қайтди:— Шаҳарда...

Қудрат акасининг яқинга келиб қолганидан нечоғли қувонмасин, бир нарсага ҳайрон эди: дадаси буларни қаёқдан билади?

Қош қорайиб қолган эди. Дадаси билан саман йўрғага мингашиб қайтаётганида, ҳалиги саволни қайтарди:

— Биламан-да,— деб кулди Умурзоқ ака ва кечадан бери Қудратдан сир тутилган воқеани сўзлаб кетди. У Пўлатжони келтирган жажжи машиначани қизларга кўз-кўз қилиб, тушганини ва бугун учиб келишини кеча раисдан эшитган экан. Дадаси буни бувисига айтибди-ю, «Болалар билмай турсин», деб тайинлабди.

Йўл-йўлакай кампир дуч келди. У ҳориб-чарчаган ва катта неварасини кўриб ололмаганидан диққат эди.

— Хаҳ, буви, «тез мени отга мингаштириб кет», деб қис-таганингизни энди тушундим...— Қудрат отдан тушиб буви-сини етаклаб олди.

— Ҳа, болам, айтсак, кечаси билан уйқинг беҳаловат бўлмасин дегандик-да... Кўролдингми акангни?

— Кўрдим... мана хатлари...— деди қўлидаги қоғозни кўрсатиб Қудрат ва уч-тўрт кундан кейин телеграмма берман деганини норози бўлиб гапирди.— Қачон келишларини айта қолсалар-у...

— Майли, болам, шунисига ҳам шукур,— деди юпатиб буви.— Мана, кўпи кетиб ози қолибди. Саломат бўлса, ҳадемай дийдор кўришамиз...

Буви ва невара имиллашиб боришаркан, кетларидан қоронғида Марҳамат билан Олимовнинг овозлари келди.

— Эшитдим, Аҳмадининг ўзи айтди,— дерди Олимов.— Жуда хурсанд бўлдим. Бизнинг шогирдлардан шундай ҳунармандлар етишиб чиқса, кимнинг обрўси— ўзимизнинг обрўмиз-да.

— Менга айтганига уч-тўрт кун бўлди,— деди Марҳамат.— Астойдил айтяптими-йўқми, синаш учун: «Яхшилаб ўйлаб кўр, тагин еттинчини битиришда қийналиб қоладиган бўлма» дедим. Йўқ, астойдил экан, «ҳаракат қиламан, еттинчини битирмасдан қўймайман» деди. Сиз билан менинг ёрдамимга суяняпти. «Бу ёғидан кўрқма, ҳаракат сендан, ёрдам биздан» дедим. Шундан кейин Лолахон билан маслаҳатлашиб, унга рухсат берадиган бўлдик.

— Пост бошлиғига кимни қўямиз?

— Шунга ҳайрон бўлиб турибман. Сизча кимни қўйсак тузук?

Ярим минутча жимлик чўкди. Сўнг Олимов деди:

— Шу Раҳимни қўйиб кўрсак қалай бўларкин-а? Оёқ-қўли чаққонгина, ҳозир чамамда хийли эпақага келиб қолди.

— Шунақа, бир ариза ҳам ёзган, қизиқ. «Чақмоқ»нинг янги сонида чиқарамиз... Аммо уни Лолахон ёқтирмайди-да.

Кўп болалар ҳам назари илмайди... Менга қолса, Қудратни белгиласакмикин деган эдим?

— А?— Олимов ўйланиб қолди.— Қудрат-ку тузук, ўртоқларига сўзи ўтадиган. Лекин нозикроқ-да, дала иши оғирлик қилармикин дейман. Биология кабинетида кўпроқ фойдаси тегаётган эди. Шу зехни, ғайрати турса, келгусида агроном бўлиш сиёхи бор...

— Ҳа, Умурзоқ амакининг ҳам нияти шунақароқ экан. Бир куни ҳазиллашиб: «Қатта ўғлим осмонни эгаллади, кичиги ерни эгалласин» деган эди...

Бу гаплар қулоғига кираркан, Қудратда иккиланиш пайдо бўлди: бир ёқда катталар унинг ҳақида яхши фикрда эканликлари кўнглини кўтарса, бир ёқдан зиммасига янги бир вазифа юкланиш эҳтимоли борлиги чўчитарди. У ҳозир, шу минутнинг ўзидаёқ, ўқитувчи билан вожатийга юзма-юз келиб қолиши мумкин. Шунда нима дейди?..

Текисроқ йўлга чиқиб, бувисини етаклаганича қадамини илдамлатди. Бувисининг оғзи тинмас: Пўлатжонни қандай кутиб олиш, зиёфатга нималар тайёрлаш ва кимларни чақириш тўғрисида ўзича сўзланиб борарди. Лекин буларнинг биронтасига Қудрат жавоб бермас, унинг қулоғи бошқа ёқда, хаёли ўзга нарсада эди. Кўп ўтмай Олимов билан Марҳамат бошқа ёққа бурилиб кетишди. Қудрат бувиси билан уйга етганда, кетма-кет Коля ҳам кириб келди. Улар электр ёруғида қовун еб ўтиришиб, бугунги воқеалар устида узоқ суҳбатлашишди. Вожатийнинг Аҳмад ўрнига Қудратни белгилаш ҳақидаги гапига келганда, Коля ўйлаб ўтирмаёқ деди:

— Агар белгилашса, йўқ дема, бўлавер!

Қудрат дала ишининг оғирлиги, кўпчиликни ишлатиш қўлидан келмаслигини айтган эди, Коля яна:

— Қўрқма, ўзим ёрдамлашман, — деб далда берди.— Иннайкиин, — деди оғоҳлантириб, — ўзинг яқинда комсомолга ўтасан. Комсомол аъзоси ҳар қандай топшириқни удаллаши керак-да!..

Қудрат қачон Колянинг кўкрагидаги значокни кўрса, ёши эсига тушар: «Қачон ўн тўртга тўламан-у, мен ҳам комсомолга ўтаман», деб орзу қиларди. Ўйлаб қараса, ана шу кун жуда-жуда яқинлашиб қолибди...

## У н т ў қ қ и з и н ч и б о б

Қудрат Аҳмаднинг ўрнини эгаллаб, пионер пости ишига энди киришган эди.

Ана шундай кунларнинг бирида Қудрат ва унинг дўстлари севинч-қувонч билан учувчи Пўлатжонни кутиб олишди.

Эрталабдан Қудратларнинг ҳовлисига гулдаста, қовун, узум кўтаришган қўни-қўшнилари, болалар кириб кела бошлашди. Асал буви уларни катта дастурхонга таклиф этди. Болалар айвон лабига қимтинибгина ўтиришди-ю, дастурхондаги ёғлиқ патир нон, иссиқ гўшкўйдиларга қарашмади. Уларнинг кўзлари Пўлатжоннинг кўкрагидаги орден, медалларда, елкасидаги погон, енгиде ялтираган сариқ ва ҳаво ранг ҳошияларда эди. Шу тобда Раънога етар одам йўқ эди, у акажони келтирган жажжи машиначани қизларга кўз-кўз қилиб, ўзида йўқ хурсанд эди. Пўлатжон жим ўтирарди. Яхшироқ зеҳн солган одам, унинг тетик қора кўзлари ич-ичида оғир қайғу аломатлари яширинганини пайқамай иложи йўқ эди... Буни биринчи галда дадаси пайқаган эди, шунинг учун ҳам у бугун ўзини ҳар вақтдагидан хушчақчақ тутишга интиларди.

— Хабаринг йўқ, Пўлатжон, уканг катта киши бўлиб қолган, уйга хўжайин,— деди Умурзоқ ака, ошхонага кириб чиқиб, бувиси ва қизларга корчалонлик қилаётган Қудратга эшиттириб.

Бу гапни эшитган Асал буви:

— Ҳа, тўғри, Қудратиллавоё корчалонликни биладилар-у, ўзлари даладан бери келмайдилар. Пўлатжоннинг келиши шарофати билан уй ишига аралашиб қолдилар-да,— деб гап қотди. У энди илгаригидек дока рўмолга бетларини чирмаб одамлардан ҳуркишни қўйган, бошига Пўлатжон совға қилиб келтирган кўк рўмолни танғиган ҳолда айвон яқинига келиб дерди:— Қани, меҳмонлар, еб-ичиб ўтиринглар!..

Пўлатжоннинг чехраси анча ёришди. У, чой қуяркан, Ефим тоғанинг ва меҳмонларнинг саволларига шошилмай жавоб қайтарди: Москвадаги учувчилик мактабинини қандай битиргани, Тошкентда, ундан сўнг Фарғонада нималар қилгани, нечук билдирмай-нетмай самолётда келиб қолганигача ҳикоя қилди.

— Вақтида сизларга аниқ хабар беролмаганим учун айб менда эмас, ҳашаротда,— деди кулиб Пўлатжон.— Отпускаи олиб Тошкентдан энди йўлга чиқай деб турсам, хунук хабар

бориб қолди. Ҳашаротга қарши курашиш учун шошилини суратда самолётлар юбориш керак эди. Мен ҳам қараб туролмадим... Отпуска сал кечикса нима бўлти, аввал ҳамқишлоқларимизни ташвишдан қутқариш керак дедим-да, шу томонга учдим...

— Бугун Қудратнинг туғилган куни-да. Етиб келмаганингдаям ундан балога қолардинг,— деб қўйди Умурзоқ ака.

— Ака,— деди Қудрат ҳаммани оғзига қаратиб,— самолётдан мени кўрдингизми?

— Бўлмасам-чи!— деди Пўлатжон сочини силкитиб,— отда қандай пойга чопганинг, байроқни қандай тутганинггача кўрдим.

— Байроқни Ефим тоғам бердилар,— деди фахрланиб.

— Ефим тоғам,— деди Пўлатжон,— ҳамма вақт байроқдор бўлганлар. Партизанда ҳам...

— Сендан хурсандмиз, герой!— деб қўйди Ефим тоға Пўлатжоннинг елкасига қоқиб.

— Ҳаммамиз!— деди Умурзоқ ака.— Сен узоқда туриб ҳам бизни унутмадинг. Зарур пайтда осмондан келиб коримизга ярадинг!

Катталар суҳбатига диққат билан қулоқ солиб ўтирган болалар жуда хурсанд эди. Фақат Қудрат шундай бахтиёр соатда негадир безовтароқ бўлиб қолди. У, Коля билан ниманидир, шивирлашиб, уч-тўрт дапқир ташқарига чиқиб келди. Раҳим эса, эшикда «навбатчилик» қилмоқда. Улар азиз меҳмонларидан бирини — ўз вожатийларини кутмоқда эдилар. Шундоқ кунда унинг болалар олдида бўлмаслиги ҳеч мумкин эмасди! У эрта билан шаҳардан келган суратчи йигит билан Қўкоролга кетганича ҳамон бедарак эди...

Ҳовлида ўйин-кулги қизиб кетди. Ҳозиргина эшикдан:

— Уйлар муборак, тўйлар муборак!— дея яшнаб кириб келган Хадича ая чилдирмада «така-тум»га ялла бошлаб юборди. Меҳри ўз чилдирмачасида унга қўшилишмоқда. Унинг ёнида Қўзибой қўшиқ айтмоқда. Коля балалайкасини чертар, Қобил фарғонача рақсда Раёнони энгишга тиришарди...

Ана шу пайтда эшикдан Раҳимнинг: «Келдилар! Келдилар!» деган шод қичқириви эшитилди. Ҳамма болалар Марҳаматни қуршаб олишди. Олимов ва Марҳамат билан бирга кирган почаси бурма шимли, сочлари гарданигача тушган, елкасига фотоаппарат илган новча сариқ йигитча ҳаммага

жилмайиб турарди. Марҳамат унга Қудратни таништириб қўйди.

Умурзоқ ака меҳмон йигитни дастурхонга таклиф этган эди, у:

— Раҳмат, ҳозир овқатландик,— деди-да, Қудратни қўлтиқлаб сўри остидаги столга бориб ўтирди ва газетага ўроғлиқ блокнотини очиб:— Қани, дўстим, исм-фамилиянги... Ёшинги... Бу йил нечанчини битирдинги...— деб саволни қаторлаштириб ташлади. Қудрат ўзи нима гаплигини англаб етмай, довдираб қолди. Бир оз суҳбатдан кейингина бу «суратчи йигит» — пионер газетасининг мухбири эканлиги маълум бўлди. Ўзи ҳазилкашгина экан, бўйи Қудратга бир яримта келсаям, ҳадеса «дўстим, дўстим» деб Қудратни ишга солиб юборди. Фақат «комсомолга қачон ўтганси, дўстим?» деб сўрагач, Қудрат тутилиб қолди, «энди ўтаман» деди бўшашиқираб.— Хўш, энди, дўстим, назорат постининг ишига ўтайлик...— Мухбир блокнотининг янги варағини очди. Мухбир ҳар бир воқеа устида: «Буни ким бошлади?», «Бу фикр кимдан чиқди?» ёки «Энг яхши ишлаганлар ким?» деб сўраганда Қудрат тутилиб қоларди. Шунда Аҳмаднинг қадри билинди-да. Ахир у бутун воқеаларда бошдан охиригача иштирокчи эди-да!

Қудрат саволлардан осонроқ қутулиш учун стол устига отряднинг «кундалик дафтари»ни келтириб қўйди. Дафтарнинг ҳар бетига число ва сарлавҳа ёзиғлиқ эди. Мухбир баъзи сарлавҳалар устида тўхталиб ўқиб чиқар ва керакли жойларини блокнотига кўчириб оларди. Мана, дафтарнинг бир бетигаги ёзувни ўқий туриб, бирдан кулиб юборди... Бу Аҳмаддан сўнг Қудратнинг биринчи ёзуви бўлиб, «Раҳим ва унинг аризаси» деб номланган эди. Қудратнинг ўзи ҳам кулиб юбориб, бошқаларнинг диққатини тортди.

— Нима, нима?— деб болалар ва Раҳим ҳам яқин келди.

— Ана, ўзи!— деди Қудрат мухбирга Раҳимни кўрсатиб.

— Қани бери келинг-чи, йигитча,— деди мухбир. Раҳим ҳеч нарса англамай, унинг ёнига борди-да, дафтар бетигаги сарлавҳага кўз ташлабоқ, қочиб қолди. Қўзибой кетидан қувиб кетди.

— Қани, дўстим, ўзингиз ўқиб беринг-чи!— деди мухбир дафтарни Қудрат олдига суриб.

Қудрат баланд овоз билан ўқиди:

— «Ўртоқ бош вожатий Марҳамат опа Содиқовага тегсин... Мен «Бирлашган» колхоздаги отряднинг ёш пионери



бўламан... Мен Қосимов Раҳим бўламан. Мен сизга ариза ёз-моқчи бўламан...»

Болалар ўзларини туюлмайд кулиб юборишди.

— Жим, ўртоқлар!— деди мухбир ҳам ўзини зўрға босиб.

— «Мен ўзим янглишибман... Тўғриси айтсам, хато қилибман. Уртоқларим хафа бўлишмай қўя қолишсин. Айтиб қўйинг. Ўзингиз ҳам хафа бўлманг, жон Марҳамат опа, менинг галстугимни, илтимос қиламан, бера қолинг энди...»

Яна қаттиқ кулги бўлди.

— Қани Раҳим, қани Раҳим?— деган шовқин кўтарилди. Раҳим кўринмас эди.

Мухбир ҳайрон ҳолда Қудратга қаради: нима гап ўзи? Қудрат ўрнига Коля тушунтирди: Раҳим «Темур ва унинг командаси» китобини ўқиб кутубхонага қайтариб берганда, бу аризасини китоб ичида унутиб қолдирган экан...

— Болалар!— деди Марҳамат Умурзоқ ака ва Олимов билан гаплашиб олгач.— Бир таклиф бор: бугун тоққа чиқиб гулхан ёқсак, нима дейсизлар?..

Бу таклифни Асал бувидан бошқа ҳамма чапак чалиб қарши олди. Меҳмонлар чиқиб кетишаркан, Асал буви:

— Қайтиб келинглар тезроқ. Мен палов дамлаб қўяман, келмасаларинг хафа бўламан!— деб илтижо қилиб қолди...

## И г и р м а н ч и б о б

Биринчи тоғ сафарида қийин, узоқ кўринган йўл бугун осонроқ ва яқинроқ туюлди...

Нега шундай бўлдийкин-а? Ёз ичи тоққа оёғи етмаган бола қолмаганиданмикин? Ен бағирлар, дара, жарликлар, борингки ҳар бир тошгача улар кўзига яқин бўлганиданмикин? Шаршараклар, булоқ, жилғалар «қилиғи», табиатнинг анчагина «сир»лари уларга очилиб борганиданмикин? Эки бу сафар катталар ҳам болалар билан бирга борганиданмикин?

Болаларни қўршаган бу ёввойи тоғнинг битта сиригина ҳали яширин эди, у ҳам бўлса — «Шўхсой»нинг бошланиши бўлган «Тошбулоқ!» Чунки у кўк билан ўпишган чўққида эди...

Ана, улар чўққининг ёнбошида — ғўппак-ғўппак яшил арчалар орасидан йўл топиб, эчкилардай юқорига тирмашиб ке-

тишди. Энг олдинда Коля, Қудратлар «разведкачи»... Болалар ён-верида, уларни қўриқлаб Умурзоқ ака, Ефим тоға, Пўлат-жонлар боришмоқда. Орқада қолган Қўзибой, Меҳри, Раъноларни Марҳамат билан Олимов етаклашиб олган. Мухбир эса булардан четроқда бораркан, қийналганига қарамай, баъзан катта тошларга тиззаси билан суяниб, фотоаппаратни кўзига тўғрилаб, одамлар ва кўринишларни суратга олиб кўярди.

Ҳадемай, улар чўққига кўтарилиб олишди.

Саёҳатчилар диққатини арчалар ва ҳаккам-дуккам қайрағочлар остидаги қайнар булоқлар жалб этган эди. Ҳаммадан кўра Марҳамат кўрсатиб берган «Тошбулоқ» ўзгача бўлиб чиқди... Бу, пахса девор каби ҳар еридан дарз кетган тегирмон тошдан катта гардиш тош бўлиб, унинг дарзларидан фонтандай сув отилиб чиқмоқда. Тош шу қадар силлиқки, гўё ҳайкалтарош хўп ҳафсала билан йўнган-у, кўтаролмай ташлаб кетган дейсиз! Шишадай тиниқ булоқ суви кўкиш тошнинг бетини ярқиратиб ювиб, гир атрофга шовиллаб тушмоқда, катта-кичик тошлар, шағаллар, қалин майсалар орасидан ўзига йўл топиб, эгри-бугри жилғалар ҳосил қилиб пастга қараб чопмоқда. Улар чўққи қирғоғидан мўралаган қуёш тифида камалакдай йилтиллашиб, кўзни қамаштиради. Юқори томонга қаралса, яна худди шу каби манзара: баландроқ чўққилар кўкка юксалиб, қирраларини оппоқ қор босиб ётади. Улар бағридан тез оқар сув шўх-шўх югуриб тушмоқда. Ҳозир болалар турган ва ҳали пастдаги ўтлоқдан энг баланд бўлиб кўринган чўққи энди пастгина бўлиб қолган эди. Бундан болалар, кўз олдидан кўриб гўё янги бир дунё очилгандай, ҳаяжонга тушишди.

Чўққининг ўрта ерида, «Тошбулоқ» яқинида тиканак ва арча чўкиртакларидан гулхан ёқилгач, болаларнинг қувончи яна қанотланди. Арча, ялпиз ва тоғ гуллари ҳидини атирдай таратиб эсган шабада аланга тилини елпиғичдай ўнг-сўлга елпитарди. Бундан чўққининг салқин ҳавоси ҳарорат олгандай бўларди. Чирс-чирс ёнаётган гулхан атрофида ўз-ўзидан зич давра ҳосил бўлди. Мухбир ишга тушган, болалар сафига катталарни ҳам таклиф этиб, шу туришда сурат олмоқчи эди. У фокусни тўғрилаб бўлиб: «Қимирламанг... кўп ишшайманг... ҳозир...» — деб энди аппарат мурватини босай деганда, бирдан Қудрат:

— Тўхтанг, тўхтанг! — деб юборди.

— Ҳа, нима бўлди? — деб унга қарашди.

— Раҳим ҳам...— деди Қудрат чеккароқда ўшшайиб турган Раҳимга қараб.

— Ҳой, Раҳимжон, бери кел!— деди саф ўртасидаги Марҳамат.

Раҳим бир катталарга, бир мухбирга ҳадиксираб қараган ҳолда аста келиб Қудрат қаторидан ўрин олди. Мухбир унга тикилди-да:

— Тўхтанг-чи, нега сиз гулханга галстук тақмай келдингиз? Ёки сизга пионер қондасининг алоқаси йўқми?— деди.

Раҳим ўнғайсизланиб, ниманидир илинжида Марҳаматга қараб-қараб қўярди. Марҳамат қўлидаги сумкасини очди, ундан ўша машҳур шоҳи галстукни олиб, Раҳимнинг бўйнига боғлаб қўйди. Раҳим, кўзлари катта-катта очилиб, қувончдан ҳарсиллаб, вожатийга, ўртоқларига биронта яхши сўз айтгиси келди-ю, сўз тополмади...

Мухбир суратга олиб бўлгач, ҳамма ўрнидан қўзғалди.

— Тўхтаб туринглар-чи,— деди Марҳамат чувур-чувурни босиб.— Қудратнинг бир илтимоси бор экан...

Қудрат вожатийга тикилганча тураверди.

— Ҳўп, бўлмаса мен айта қолай,— деди Марҳамат ва Қудратнинг комсомолга ўтсам деган орзуси борлигини айтди.— Менимча, Қудрат Умурзоқовни Павлик Морозов пионер отрядимиз номидан Ленин комсомоли сафига тавсия этсак...

Болаларнинг юзларига мулоим табассум югуриб, Қудратга қараб қолишди. Унинг буғдой ранг бети жиддийлашган, ақлли тийрак кўзлари бир нуқтага қадалган, жингалак сочлари ва бўйнидаги чўғдай янги галстуги шамолда ҳилпирамоқда эди. Ҳозир унинг дили нақадар типирчилаб ўйнаётганини ўртоқлари сезса эди! Шундай кунни у кўпдан кутган, бундай яхши соатнинг албатта келишини қалбдан аниқ туйган эди ҳам! Аммо ҳозир негадир юраги ўзига номаълум бир ҳаяжон билан тўлқинланади... «Ҳаммаям шундай бўлармикин-а?»

— Шундай, болалар,— деди Марҳамат, гўё Қудратнинг дилидагини пайқагандай.— Қудрат ўртоғингиз комсомолга муносиб бола. Буни амалда кўрсатди. Бундан кейин ҳам кўрсатади деб бемалол ишонсак бўлар-а, Қудратжон?

— Бемалол! Бемалол!—Қудратдан бурун Олимов ва Ефим тоғанинг овозлари гулдуради.

Пўлатжон учувчи шапкасининг гардиши остидан қора қошларини кериб укасига завқ билан термилди: «Яқиндагина ки-

шилар назари илмайдиган гўдак эдинг, одам қаторига кириб қолибсан, ука!..»

Фақат Умурзоқ аканинг қиёфаси негадир ўйчан тус олди. Балки кўпдан бери ҳатто ўзидан ҳам яшириб юрган ҳис-туйғулари дилини бир чимдилаб ўтдимикин... Хаёлидан: «Шу қувончли кунда, гўдак Қудрат бугун йигитлик босқичига қадам босганида боши кўкларга етиб қувонадиган онагинаси ҳам бўлганида қани эди!»— деган гап кечдимикин... У, ўзига савол билан тикилган кўзларга кўзи тушаркан, эти увушган кишидай бир сесканди-ю, шошилибгина:

— Тўғри, тўғри!— деди.

Аммо болалардан садо чиқмасди. Уларнинг бари ҳам албатта вожатий билан бир фикрда эди. Бироқ буни тилда ифодалаб бериш айниқса катталар олдида қийинроқ туюлиб турган эди. Шу ерда дастлаб Раҳим у ёқ-бу ёққа аланглаб олдида, таваккал қилиб қўл кўтарди, томоғини қайта-қайта қирди. Ўртоқлари «анча-мунча сайрар» деб кутишган эди. Йўқ, ниҳоят:

— Қудрат яхши... арзийди...— деди-ю, у ёғини айтолмай, «бўлдим» деб қўя қолди. Енгил кулги кўтарилди. Бошқаларнинг гапи ҳам шунақа чала-чулла тугади.

Гулхан атрофида ўйин-кулги бошланди.

Мухбир эса ўз иши билан машғул эди. У ўзига керакли суратларни олиб бўлгач, катта арчага суяниб, бояги дафтарни варақлашга тушди. Ниманидир блокнотига шоша-пиша кўчира бошлади. Мухбирнинг ҳаракатларига ҳамма қизиқиб қолди. Марҳамат келиб дафтарга қаради-да:

— Ҳа, бўлди, бу «Хазина яширинган ер ҳақида» Умурзоқ амакининг ҳикояси!— деб Умурзоқ акага қаради.— Амаки, ҳов тунов кuni айтган ҳикоянгизни эшитмаганлар ҳам бор, шунга қизиқишяпти, айтиб берсангиз...

— Айтиб беринг, амаки, айтиб беринг!— деб шовқин кўтарилди.

— Қаёқдаги гапларни эсга туширасизлар-да, жиянлар,— деди кулиб Умурзоқ ака ва гулхан атрофига болаларни ўтқизиб, сўз бошлади:— Хазина яширинган ер тарихи, мен сизга айтсам, узоқ тарих, бундан қирқ йилча бурун ўтган... У вақтда қишлоғимизга танҳо битта одам хўжайин эди: ер-сув, экин-тикин, қўй-йилқи, қимирлаган жон борки, жамисига... У— Пирматбой деган кал эди. Кал бўлганда ҳам қув, жоҳил, шафқатсиз кал эди, бадбахт.

— Сизлардай бола вақтимда,— деб сўзида давом этди

Умурзоқ ака,— дадам билан шу бойнинг қўйини боқардим. Бир куни десангиз, ҳеч эсимдан чиқмайди, қўйларга бўри оралаган. Дадам икковимиз айиқдай овчи итимиз билан «ҳай-ҳув» деб то бўрини қувгунимизча, у битта қўзичоқни майиб қилиб кетган. Бой бўлса буни мендан кўриб, роса сўккан. От устида туриб, амиркон этигининг нағали билан пешанамга бир тепган...

Умурзоқ аканинг важоҳати ўзгариб кетди, шунда атрофни қуршаган болалар яқиндан тикилиб, унинг пешанасидаги хирагина ямоқ изини яққол кўрдилар. Сўнг, Умурзоқ ака гап бошқа ёққа бурилиб кетганини сезиб, «Кўкорол»га тўхталди. Унинг айтишича, ўша вақтларда бирдан-бир яшил ўтлоқ шу адирда экан. Унинг теварак-атрофи тақир дашт билан ажралган ва ўртаси баланд кўкатзор ер бўлган. Шунинг учун уни Кўкорол деб номланган...

— Аммо,— деди кетидан Умурзоқ ака,— ўша йиллариёқ қаттиқ довул билан келган сел бу ерни ҳам қум-шағалга кўмиб юборди. Фақат «Кўкорол» номигина қолган эди, холос! Мана энди шу серунум, хазина ундирса бўладиган ерни қайтадан кўкартирдик, поёнсиз экинзорларимиз билан бир бутун қилиб қўшиб юбордик...

Кўпни кўрган, билимдон, сўзомол амакининг ҳикоясини болалар мароқ билан тинглашди. Лекин, унинг пешанасидаги амиркон этик нағалининг изига кўзлари тушган сари, юракларида қаҳр билан ачиниш ҳисси кўзғалиб турди. Кўнгил хиралик кайфияти хиёлгина вақт давом этди-ю, тоғ елида тез созурилиб кетди. Унинг ўрнини яна гуриллаган аланга ёлқинидай қизғин, енгил аллаловчи қувонч ҳисси эгаллади. Бу ҳис кучая бориб, тоғдан қўшиқ айтишиб қайтишаётган чоқда ўзининг баланд нуқтасига чиқди...

Тоғлар, қирлар, далаларга оқшом салқини тушиб, қош қорая бошлаган, атрофдаги дарахтлар, уйлар Ўа экинзорларнинг бари бир-бирига сингишиб, кўкимтир туман пардасига ўралаётган эди. Шу лаҳза бирдан саёҳатчилар кўз олдидаги зимистонни қиличдай кесиб нур чарақлаб кетди. Кимдир севинчдан:

— Чақмоқ, чақмоқлар!..— деб қичқирди.

Кўкоролнинг гоҳ у ери-гоҳ бу ерида чақмоқ устига чақмоқ чарақлади... Улар жуда кўп, юзларча, мингларча... Гўё қишлоқнинг у чеккасидан-бу чеккасига ялт-ялт қизил чўғлар дўл каби сочилгандай.. Умурзоқ аканинг чеҳраси ёришиб, ҳаяжон билан деди:

— Булар сиз кўриб юрган тез ўчар чақмоқлар эмас, жиянларим! Булар сўнмайдиган чақмоқлар!

Чиндан ҳам доимий чарақлаб турувчи сўнмас чақмоқлар— Қўкоролда ялпи ёнган чироқлар эди... Ҳамма ёғи нурга чўмган қишлоқ болаларга кундузгидан ҳам ёруғ ва гавжум, чиройли ва кенг кўриниб кетди. Худди, Қўкорол ўз бағрига турли-туман экинлар, мева дарахтлари, жамики жониворлар ва бепоён далаларнигина эмас, тоғ-тошлар-у, осмонгача — бутун оламни сиғдириб тургандай, уфқ бениҳоя кенгайиб кетгандай бўлди...

1957—1958



---

# ҲИКОЯЛАР





## ◆ АЛИ БИЛАН ШЕР

Али билан Шерни қўшса битта от чиқади. Чиндан ҳам бу икки бола бир кишидай яқин, жуда иноқ, қалин ўртоқ. Ораларидан қил ўтмайди. Формалари ҳам бир хил, бўйлари теппа-тенг, Ҳасан-Ҳусандай. Уларнинг битта майизни бўлиб ейишгани, битта косада овқат ичишганини, бир велосипедда мингашиб юришганини кўрганлар бор. Ҳа, шунақа: агар бугун Али «Беш», Шер «Тўрт» олса, Шер нега «тўрт» олди деб Алининг уйқуси келмас экан. Ҳаракат қила-қила Шер ҳам «беш» олиб баравар бўлишаркан.

Ўйин вақтларида-ку қўяверасиз. Ким ўзишув бўлгандами, копток отишгандами, бирон бола Шерни қолдириб кўрсин-чи, Алидан балога қолади. Шер ҳам ўртоғининг ютиб чиқиши учун қўлидан келган ёрдамни беришга тайёр.

Лекин бир куни бошқача бўлди. Ёз эди. Уқиш аллақачон тугаган. Мактабнинг кенг, соя-салқин ҳовлисида пионер лагери очилган бўлиб, Али билан Шер ҳам шу ерда дам олишарди. Улар қувлашмачоқ ўйнаб юришганида, Шер мактаб ҳовлисидаги олма кўчатини синдириб қўйди. У ура қочиб кетаётган эди, болалар тутиб қолишди. Мактаб боғбонини чақиритди. Синган кўчатни кўриб, боғбон чол жуда ачиниб кетди, Шердан:

— Сен синдиридингми, болакай?— деб сўради. Шер бошини сарак-сарак қилди.

— Шу синдирган, шу!— деб болалар чувурлашди.

Шер қолиб, негадир Али шолғомдай қизарган эди. Боғбон чол Алидан сўради:

— Шунақами?

Али жавоб беролмай, ер остидан Шерга қаради. Шер бўлса хўмрайди. Болалар, нега дамнинг чиқмайди, деб Алини туртишарди.

— Бўлмаса ўзинг синдирибсан-да, қаҳрамон?— деди чол Алига.

Али бўзариб турди-да, охири ноилож:

— Ҳим,— деб қўйди.

Болалар бирданига:

— Али қўрқоқ! Али қўрқоқ!— деб жирттак чалишиб юборди.

Али номусга чидолмади, йиғламоқдан бери бўлди-да, кейин юзини ўгириб қочиб кетди. Унинг кетидан Шер:

— Тўхта, Али, тўхтаб тур!— деб югурган эди, Али қулоқ солмади.

Болалар икки қалин ўртоқнинг бу қилиғидан ҳайрон бўлганларича қараб қолишди. Чол ҳам:

— Тушунолмадим: уларнинг қайси бири ҳақ экан?— деб елкасини қисиб турарди.

## ◆ ЯХШИ ИСМ

**О**йим менга сингил туғиб берди. Сингил бўлгандаям қанақа денг? Сочлари жингалак-жингалак, кўзлари мунчоқдай, лаблари пистадай.

Чақалоққа исм қўядиган бўлдик. Ойим менга:

— Шоира, синглинг сенга ўхшайди. Исми ҳам ўхшасин. Моҳира қўямиз,— деди.

Бувим:

— Тоҳира қўямиз,— деди.

Адам билан менга бу иккала исм ҳам ёқмади.

Шу куни сингда ўқитувчи опамиз газетадан бир мақола ўқиб берди. Бу — Зуҳра юлдузига учирилган ракета ҳақида экан. Шунда мен: «Топдим! Топдим! Топдим!»— деб юборибман.

— Нимани топдинг?— деди ўқитувчи опам ҳайрон бўлиб.

Мен айтиб бердим.

— Жуда яхши топибсан! Бу ҳеч эсдан чиқмайдиган исм!— деди.

Хурсандлигимдан югуриб уйга келдим. Топган исмимни, ўқитувчи опамнинг гапини айтиб бердим. Бувим кулиб:

— Яхши исм-ку, лекин Фотима ҳам бирга туғилганда эди, кичигига Зуҳра қўярдик,— деди.

Мен қаттиқ туриб олдим. Адам менинг ёнимни олиб:

— Ўқитувчи тўғри айтган. Зуҳра деганда ҳар вақт одамларнинг эсига Зуҳра юлдузига учирилган ракетамиз тушиб туради,— деди.

Шундан кейин бувим билан ойим ҳам Зуҳра қўйишга кўнишди.

**Б**увамни кўплар Тошпўлат ота демасдан, Комсомол бува дейишади. Нега унақа дейишаркин-а? Чол бўлса ҳам соқол-мўйловини олдириб юргани учунмикин? Ўзи каттакон заводда уста. Машина чиқаради. Пахта терадиган машина. Ҳа, шунинг учун бувамни ҳамма яхши кўради. Уни битта бувим яхши кўрмайдиганга ўхшайди-да. Нега десангиз, ҳеч аямайди.

— Сув келтириб беринг. Ўтин ёриб беринг. Сабзи тўғраб беринг,— деб иш буюраверади.

Бувам сира йўқ демайди-ю, мен унга ачинаман. Ўзи заводдан чарчаб келади. Дам олсин-да, ахир. Кейинги вақтда кичкина пақирчада сувни ўзим ташийдиган бўлдим. Ҳовлидаги гулларни суғориш, ўташ ҳам ўзимга қолган. Лекин ўтин ёришга кучим етмай турибди. Сабзи тўғраш қўлимдан келарди-ю, бувим қўймайди-да, «қўлингни пичоқ кесиб олади» дейди. Бари бир ўрганиб оламан.

Яқиндан бери бувам билан бувим ўртасида жанжал чиқиб қолди. Бувам нима дейди-я: «Ўқишга кираман», дейди. Буни эшитиб аввал бувим: «Ҳазилингизни қўйинг», деб кулди қўйди. Мен ҳам кулдим. Бувам иккинчи марта гапирувди, бувим:

— Қанақа қилиқ бу? Қартайсангиз ҳам қуюлмайсиз. Уят эмасми?— деб жеркиб берди.

Бувам бўлса хахолаб:

— Ўқиш нега уят бўлсин!— деди.

Мен ҳайрон бўлиб:

— Бува!— дедим,— заводда ишлайдиган қари одамларни мактабга олармиди?

— Олади, Ўткиржон, олади!— деди у.— Энди иш соатимиз қисқаради. Вақт етарли. Ишдан кейин ўқишга ариза бердим. Бригадамиздаги бошқа ишчиларнинг кўпчилиги ўқияпти. Заводдаги мактабда.

— Бошқа ишчилар ҳам сиздақа қарими?— десам, бувам:

— Бригадада ҳаммаси ёшлар, ударник комсомоллар. Бир кунда бешта машина ясаш керак бўлса, улар қойил қилиб, еттита ясашади. Уларнинг орасида қариси битта мен. Шунинг учун мени Комсомол бува дейишади.

Мен бунга сал тушундим-ку, бувим бари бир тушунмади:

— Ўқишга кириб бўбсиз! Жўрттага уй ишидан қочяпсиз,— деб астойдил хафа бўлди.

Бувам ялинишга тушиб:

— Хафа бўлма, кампиржон. Уй ишингни ҳам енгиллатиб қўяман,— деди.

Бувам айтганини қилди ҳам. Бир ҳафта ўтгандан кейин уйимизга газ ўчоқ келди. Бирам яхши, бирам қизиқки. Тўртта кўзи бор денг. Шундоқ қулоғини бураб, шундоқ гугурт чақсанг, зангори олов пов этиб ёниб кетади. Битта кўзида чойинг қайнайди, битта кўзида сутинг пишади, битта кўзида овқатинг. Бувим уни «роҳатижон» деб атайди. Энди самовар пуфлаб кўз ачитидан, ўчоқ ковлаб қуяга беланишдан қутулди. Бувамнинг бўлса қулоғи тинчиди. У бўш вақтида менинг уйчамга киради, столимнинг бир четига ўтиради-да, кўзойнакни тақиб олиб дарс тайёрлайди. Энди уйимизда иккита ўқувчи бўлдик...

## ✦ ҚАҲРАМОННИНГ АҚАСИ ҚАҲРАМОН

**Қ**аҳрамоннинг ақаси Қодиржон узоққа кетган эди. Қўу вақтда Қаҳрамон энди беш ёшда эди. Ақасини кўп кутди, келавермади. Қаҳрамон ойиси билан адасидан кунига сўрайди:

- Акам қаёқда? Қачон келади?
- Аканг армияда, яқинда келади.
- Армия нима? Унда нима иш қилади?
- Чегарани қўриқлайди.

Қаҳрамон яна тушунмайди, кичкина қора кўзларини пир-пиратади.

Бир куни хат билан ақасининг сурати келди. Қанақа сурат денг-а, жуда чиройли: шапкасидан, кийимларидан Қодиржон худди Чапаевга ўхшаб кетади. Мўйлови йўқ-да фақат. Кўкрагига худди дадасининг орденига ўхшаган орден тақиб олибди.

- Акамга орденни ким берган, ада?
- Командири берган.
- Нега берган?
- Қаҳрамон бўлгани учун.

Қаҳрамон, ўз оти айтилганидан, «Адам ҳазиллашяпти» деб кулди.

- Нега унақа, ада?

Ақаси тушунтира кетди. Тушунтиролмагач, «кейин биласан» деб қутулди.

Қаҳрамон ақасини энди жудаям соғинди, бориб кўргиси

келди. Хархаша қилаверди. «Ана бўлмаса учиб борақол» деб адаси самолётча келтириб берди. Самолётча дарров бузилиб қолди. Кейин поездча олдирди, энди поездчага ўтириб йўлга чиқувдики, шиқ этиб ғилдираги синиб кетди. Шундан сўнг дарёда сузиб боргиси келди. Ойиси чиройли пароходча келтириб берди. Мана энди Қаҳрамон кунига боғчадан келади-ю, шарақлаб оққан ариқда пароходча билан сафарга чиқади. Аммо шунча сузсаям, ҳовлидан чиқиб чегарага етолмайди. Кейин кўчага чиқиб, почтальонни пойлайди. Ҳар хат келганда, «Акам! Акам!» деб ҳовлини бошига кўтаради, қўшнилари йиғади. Фақат хатни ўзи ўқиёлмагани, жавоб ёзолмаганидан хафа.

Ҳадемай икки йил ўтди. Қаҳрамон еттига тўлди. Уқувчи бўлди. Хат таниди. Бармоқдай-бармоқдай ҳарфлар билан ака-сига хат ёзди: «Акажон, соғиниб кетдим, тез кела қолинг» деди. Акаси ҳам худди Қаҳрамоннинг таклифини кутиб турган эканми, «Фалон кун ийўлга чиқаман», деб телеграмма берди.

Қаҳрамоннинг севинчи оламга сиғмади. Ойиси билан адаси ҳам қувонишганидан олиб-югуришарди. Уйга қўшнилари қариндош-уруғлар тўпланишиди. Қий-чув бошланди. Қодиржон тушиб келган «Победа»ни ҳамма ўраб олди. Гулдасталар топширишди. Қаҳрамон бўлса бир ирғиб акасининг бўйнига осилди. Унинг биринчи сўроғи шу бўлди:

— Ака, ака, отингиз ўзгардимиз?

— Нега? Қим айтди?— деди акаси ҳайрон бўлиб.

— Адам айтдила-ку, аканг Қаҳрамон бўлди деб.

Ҳамма кулиб юборди. Қаҳрамоннинг гаши келди: нега бекордан-бекорга кулишади, а?

Уйда анча кун тўй бўлди.

Бир кун Қаҳрамон билан акаси боғ-кўлга боришди. Хўп томоша қилишди. Қайиқда сузишди. Сузиб-сузиб қирғоққа яқинлашишган эди, бирдан қаттиқ шамол турди. Қаҳрамоннинг дўпписи сувга учиб тушди. Дўпписини оламан деди-ю, Қаҳрамон сувга шалоғ этиб тушиб кетди. Қирғоқдагилар қўрққанларидан чуввос кўтаришди. Қодиржон бўлса ўйламай-нетмай укаси кетидан сувга шартта калла ташлади. Чўкиб кетаётган укасини тутиб, ўз елкасига миндирди, бир қўллаб суза-суза қирғоққа олиб чиқди. Одамлар бундан жуда хурсанд бўлишди. Чўккан болани қутқармоқчи бўлиб энди кийимини ечаётган бир милиционер югуриб келиб Қодиржонга:

— Қойил, ўғлон! Мард экансан, қаҳрамон экансан!— деди.

Қахрамон энди ҳушига келган эди. Қулоғига шу гап кириб, акасига деди:

— Ака, бу амаким менинг отимни қаёқдан билади, а?

## ◆ ИККИ УРТОҚ

**Т**ўлқин билан Марат ён қўшни. Иккаласи қалин ўртоқ. Синфда ҳам бир партада ўтирадилар. Бир куни Марат ручкасини эсидан чиқариб қўйибди. Тўлқинда эса иккита ручка бор эди. Марат ундан:

— Битта ручкангни бериб тур, ўртоқ,— деб сўраган эди, Тўлқин:

— Нега ўзингни эсингдан чиқарасан? Бермайман,— деди.

Марат бошқа қистамади. Шу куни дарсда ҳеч нарса ёзолмади. Ҳўп алам қилди.

Эртасига икки ўртоқ мактабга вақтли боришди. Дарс тайёрлаб ўтириш учун папкаларини очишди. Шунда Тўлқин қараса папкада линейкаси йўқ. Эсидан чиқариб уйда қолдирибди.

— Линейкангни бериб турасанми, Марат?— деди ялиниб Тўлқин.

— Йўқ, бермайман!— деди Марат кулиб.

— Нима, синиб қоладими?

— Бўлмаса ручканг ейилиб қолармиди?

— Бермасанг берма!— деди Тўлқин аразлаб,— ҳозир бориб обкеламам.

— Борма, дарсга кечикиб қоласан.

— Кечикмайман. Ҳали ўн беш минутча бор-ку!

Тўлқин ғириллаганича чиқиб кетаётган эди, коридорда ўқитувчи дуч келиб:

— Ҳа, Тўлқин, қаёққа шошиляпсан?— деб сўраб қолди.

Тўлқин уйда линейкаси қолганини, иннайкеин Маратдан сўраса, бермайман деганини уяла-уяла айтиб берди.

Марат ҳам уялиб кетиб, эшик орқасига ўтиб олди.

Ўқитувчи уни чақириб сўради:

— Шунақами?

— Ҳазиллашувдим,— деди Марат.— Бериб тураман. Мана...

— Ҳа, шундай бўлсин,— деди ўқитувчи,— бир-бирларингдан ҳеч нарсани қизганманглар! Ундан кейин-чи, керакли нарсани ҳеч вақт уйда қолдирманглар!

## ◆ ОППОҚ БУВАНИНГ НЕВАРАЛАРИ

**О**ппоқ бува ровонда дам олиб ўтирибди. Неवारалари уйда радио қўйишяпти. Радиодан «Жўжаларим»ни айтса, қўшилишиб айтишади. Ҳиндча айтса, дикир-дикир ўйинга тушишади. Сал ўтгач, катта ашула бошланган эди. Кичик невара:

— Э, бу яхшимас. Учириб қўяман!— деди. Катта невара қайтарди:

— Учирма. Оппоқ бувам хафа бўладила.

Кичик невара ровонга чиқиб:

— Оппоқ бува, сиз шу ашулани яхши кўрасизми?— деб сўради.

— Ҳа, оппоқ қизим, жуда яхши кўраман,— деди буваси.

— Унақа бўлса, мен ҳам жуда яхши кўраман,— деди кичик невара.

## ◆ РАСМЛИ КИТОБЧА

**К**ечки пайт Дилшод кўчадан ҳовлиққанича кириб келди. У қўлтиғига бир нима қистириб олган, юриши ҳам бежо эди.

— Дада, дада! Мен ўқувчи бўлдим!— деди. Дадаси айвон лабида иш кийимини ечиб турган эди, уни қулоч кериб қарши олди.

Дилшод қўлтиғидаги китобчани дадасига кўз-кўз қилди. Китобча хўп чиройли, ичида ранг-баранг расмлар бор эди. Ана, битта расмда бақувват аскар жийрон отини гижинглатиб кетаётди. Битта расмда учувчи самолёт дарчасидан бошини чиқариб, Дилшодни ёнига чақириб турибди. Манави расмга қаранг. Дилшоддай бир қаҳрамон йигит каттакон танкка бемалол миниб олибди.

— Бу китобчани қаердан олдинг, ўғлим?— деб сўради дадаси.

— Буними? Турғуннинг дадаси берди. Турғунга обкелибди, менга ҳам. Мана хатини кўринг...

Дадаси қараса: китобчанинг биринчи бетига «Дилшодга совға» деб ёзилган экан.

— Дада-чи, дада! Шунини манави қўли билан ёзди-я!— деди Дилшод дадасининг чап қўлини кўрсатиб,— нега унақа?

— Бу қўли билан ёзолмайди,— деди дадаси ўнг қўлини кўрсатиб.

— Сиз ёзасиз-ку?

— Меники бутун-да, ўғлим. Уники синган.

Дилшод дадасининг юзига ялт қараб, «нега?» деди. Дада-си унга тушунтириб берди: Турғуннинг дадаси урушга борганда фашистлар унинг қўлини синдириб юборган.

— Нега синдиради?— деди Дилшод жаҳли чиқиб.

— Фашистлар шунақа ваҳший-да.

Дилшоднинг кичкина башараси бужмайиб кетди:

— Бўлмаса Турғуннинг дадаси нима қилган?

— Турғуннинг дадасими, фашистларни қириб ташлаган.

— Сиз ҳам қириб ташлаганмисиз, дада?

— Ҳа, мен ҳам қириб ташлаганман.

— Энди одамнинг қўлини синдирмайдими?

— Агар синдираман деса, ўзи соғ қолмайди!

Дилшод суюниб кетди, китобни яна varaқлай бошлади. Ҳар varaқда ҳар хил расм: ана учувчилар, буниси тўпчилар, наригиси пулемётчилар, ҳув анови кемадаги — матрослар бўлади...

— Уҳў, ўҳў,— деди Дилшод расмларни, томоша қилиб.— Булар ким, дада?

— Булар бизнинг қаҳрамонларимиз бўлади, бизни кечакундуз қўриқлайди. Шунинг учун биз қўрқмай яшаймиз.

## ◆ ҚОДИР БИЛАН СОБИР

**Б**аъзи ўртоқлари Қодирни «зўравон» деса, баъзилар икки «дўмбирачи» дейди. Нега десангиз, унда ҳар икки «ҳунар»дан ҳам оз-моз бор. «Зўравон»лиги шуки, у юрган йўлида ва ўтирган ерида ён-веридагиларни туртиб-нетиб, тегажаклик қилаверади. «Дўмбирачи»лиги шуки, агар синфда бирон бола хиёл янглишса, у лунжини пуфак қилиб олиб, икки бармоғи билан «така-тум»га чалиб юборади. Ўзи янглишганда-чи, бирон кишининг кулишга ҳадди борми? Зўравонлигини кўрсатиб қўяди-ку...

Кунларнинг бирида Қодир, синфдоши Собир билан кўчада кета туриб, чираниб қолди:

— Мен ҳеч нарсадан қўрқмайман!— деди Қодир.— Акам билан далага борганимизда каттакон Салорда чўмилганмиз. Иннайкейин-чи, одамдай-одамдай балиқларни тутиб олганмиз, тириклигича!



— Балиқ нима бўпти!— деди унга Собир.— Биз дадам билан ғоз овлаганмиз. Патиллаб учиб кетаётган ғознинг қоқ тумшуғига туширганмиз. Ҳа, қоқ тумшуғига!

— Сиз туширибсизми, дадангиз туширганлар-да!

— Мен ҳам! Мен нишонни кўрсатиб турганман. Бизнинг дада зўр мерган. Урушда-чи, қирқта фашистни ағанатган. Иккита ордени бор!

— Бизнинг ака-чи, номи чиққан командир! Погониди тўртта юлдузи бор. Икки юзта солдатга бошлиқ бўлган. Мен ҳам катта бўлганимда командир бўламан.

— Бўлиб бўпсан!— деди Собир.— Командир бўлишга юрак керак. Ўзинг сал нарсадан кўрқасан-ку.

— Ўзинг-чи, ҳа, бир марта доктор укол қилгани келганда томга қочиб чиққанинг эсингдами?

— У вақтда кичкина эдим-да.

— Нима бўди, ўқишга кириб дарров катта бўлиб қолдингми?

— Бўлмаса-чи, иккинчи синфга ўтдик-ку!

Шу вақт бирдан итнинг ҳуригани эшитилиб қолди. Қарасалар, бир дарвоза ёнида бўрсиқдай ит уларга қараб вовилла-япти. Қулоқлари диккайган, тумшуғи бузоқникидай ялпоқ, думи тулкиникидай узун. Қодир ё кўрқиб, ё зўравонлиги қис-таб папкасини шартта ерга қўйди. Ариқ бўйидаги толдан битта новдасини узиб олди-да, унинг учига битта тошни боғлаб туриб итга улоқтирди. Итнинг феъли айнади-да, Қодирга қараб югурди. Қодир папкасини қолдириб тирақайлаганича орқасига қараб қочди. Собир эса ўртоғининг қилиғига ажабланиб, индамай турар эди. Ит юз қадам жойга борганда Собир: «Тўхта, Арслон, тўхта!» деб уни тўхтатди, сўнгра папкасидан бир бурда нон чиқариб берди ва Арслоннинг бошини силаб алдади-да, дарвоза томон жўнатди. Ерда ётган папкани кўтариб олиб, Қодирни чақира бошлади. Қодир хийла узоққа бориб, бировнинг йўлагига ўзини урган эди. Ит кўздан узоқлашгандан кейин у аста-секин кўчанинг бир четидан кела бошлади.

— Ҳали ҳеч нарсадан кўрқмайман демаганмидинг?— деб сазо берди унга Собир.— Ит билан ўчакишиб бўладими! Тош отгандан кейин, ҳар қандай ювош бўлса ҳам, жаҳли чиқади-да.

Қодир чурқ этмади. Юзини тер босган, ранги қув ўчган, зўр бериб ҳаллослар эди.

Шу кўйи улар сўзлашмасдан мактабга етиб бордилар.

Эшикдаги қоровул чол уларни кўрибоқ:

— Ҳа, болакайлар, ўйинга алақсиз қобсизлар-да, звонокдан беш минут ўтди-ку. Энди кейинги дарсни кута қолинглар,— деди.

Собир Қодирга, Қодир Собирга термилди. Улар бир зум саросима бўлиб турдилар-да, кейин Собир:

— Йўқ, кирмасак бўлмайди!— деб ичкарига қадам босди.

Қоровул чол Қодирни тўхтатди ва тупроқ бўлиб кетган папкасини кўрсатди:

— Бу аҳволда кирма, ўғлим, тозалаб ол!— деди.

Қодир папкани нари-бери артиб, Собирнинг кетидан секин синф эшигини қия очди.

— Сен нега кечикдинг?— деб сўради доска олдида турган ўқитувчи Фотима опа.

Қодир пешанасидаги терни арта туриб:

— Далада эдим,— деди мингиллаб.

Орқадаги партага эндигина ўтирган Собир ўртоғига жиддий тикилиб:

— Нега ёлгон гапирасан?— деди ва кўчада бўлган воқеани тўпла-тўғри айтиб берди. Синфдагилар кулгидан ўзларини аранг босиб қолдилар.

— Шунақами, Қодиржон?— деди ўқитувчи одатдагича мулойимлик билан ва болаларга қаради.— Зўр одам кучини ўқишда кўрсатади. Тўғрими, болалар?

— Тўғри-тўғри!— дейишди болалар.

## ◆ ДАМИРНИНГ ҚУЛОҒИ ЙЎҚМИ?

**Д**амирнинг қулоғи йўқ дейишади. Шу тўғримикин-а? Узи биринчи синфда ўқийдиган каттакон йигитча, ўқишда аълочи. Нега энди қулоғи йўқ бўлсин.

Ойиси кечқурун овқат пишираётганда:

— Ҳой, катта йигит, водопроводдан пақирчангда сув келтириб бергин!— деса, Дамир:

— Дарсим бор,— деб баҳона қилади-да, ўйинга берилади.

Ойиси эрталаб чой қайнатаётганда:

— Жон ўғлим, магазиндан нон олиб келгин,— деса, Дамир:

— Мактабда дежурман,— дейди-да, чой ичмасдан ҳам кетаверади. Ойиси эса «ҳай-ҳай» деб ачинганича қолади.

Қиш кунларидан бирида Дамир яхмалак отиш учун костюмда кўчага чиқди. Ойиси:

— Ҳой болам, пальточангни кийиб ол. Совуқ ейсан,— деган эди, Дамир қулоқ солмади. Яхмалак ота-ота терлаб кетди. Чарчаб келиб ётган эди, гуп этиб иситмаси чиқди. Ойиси доктор чақирди. Доктор опа термометр қўйиб:

— Шамоллабсиз, йигитча. Икки-уч кун ётасиз, ойингизнинг гапидан чиқмайсиз,— деди. Укол қилди. Дори берди.

Шу куни Дамир ўқишдан қолди. Бунга жуда ачиниб кетди. Эртаси синфдагилар ҳайвонот боғига боришадиган эди. Кечаси билан Дамирнинг кўзига маймунлар ўйини, айиқ полвонлар кураши кўриниб чиқди. Унинг боши айланиб турарди, шунга қарамай эрта билан:

— Мен ҳам бораман,— деб туриб олди.

Ойиси уришиб берди:

— Ёт ҳозир, қулоқсиз! Доктор опанг нима деди?

— Хоҳ! Мен томошадан қоламанми?— деди Дамирга алам қилиб.

— Гапимга қулоқ солсанг-чи, ўғлим,— деди ойиси,— кейин ўзим олиб бораман.

Дамир дарров бориб каравотига ётиб олди.

Ойиси хурсанд бўлиб дадасига:

— Қаранг, ўғлингиз қулоқли бола-да,— деган эди, дадаси кулди. Дамир бошини аделга буркаб олиб пиқиллади, кулдими, йиғладими — билиб бўлмади.

## ◆ И Г Н А

**С**ора боғчасидан барвақт қайтиб қолди. У зинғиллаганича ҳовлига кирди-ю:

— Буви! Буви!— деб чақира бошлади.

Бувиси ошхонада тандирга нон ёпаётган эди.

— Ҳа, болам, нучук эрта келиб қолдинг?— деди у ошхонадан туриб.

— Опам томошага оборадила. Қўйнагимга тугмача қадаб беринг,— деди Сора.

— Ҳозир, болам,— деди бувиси.— Ноним куйиб кетмасин.

Соранинг кутишга вақти йўқ эди. Ахир у ёқда опаси билан қанча ўртоғи пойлаб туришибди-да.

Сора шкафдан янги тикилган қизил шойи қўйлагини олди.

Кейин бувисининг ишпечидан игнани олиб, кўйлагига тугмача қадашга киришди. Қанақа тугмача денг — қип-қизил, силлиқ, ялтироқ тугмача!

У, ипни игнага бир амаллаб ўтқазди-ю, у ёғига қийналиб қолди. Дам игнаси қўлидан тушиб кетади, дам тугмача сирғилиб тушади. Хуллас, кўп қийин иш экан-да! Ия, ана бир нарса чирс этиб кетди. Мундоқ қараса, игна синиб кетибди.

Сора чўчиб тушди. Ҳеч ким кўрмадими деб у ёқ-бу ёққа аланглаб ҳам олди. Энди нима қилиш керак-а? Шошиб-пишиб игна-ипларни жойига қўйди-ю, яна «буви»лаб чақира бошлади.

— Мана, боряпман!— деганича кампир бир сават иссиқ нон кўтариб уйга кирди. Сорага пиёланинг оғзича келадиган жиззали кулча берди.

— Буни еб тур, дарров қадаб бераман.

Кампир ишпечи билан шойи қўйлақчани олдига олиб ўтирди. Кўзига сариқ кўзойнагини ҳам тақиб олди. Кейин игнани қўлига ушлаб кўрсаки, синиқ.

— Буни ким синдирди?— деди ачинганича.

— Қайдам?— деди Сора юзини четга буриб.

— Майли, синса синар-ку,— деди бувиси,— лекин синиғини топиш керак. Тагин оёқ-поёғинга кириб кетмасин дейман-да.

Кампир гилам устини тимискилай бошлаган эди, Сора шошганидан:

— Қидирманг, буви! Олиб ташлаганман,— деб қўйди.— Бошқаси йўқми?

— Бошқаси бор-у, кўрпа қавиқ игна эди-да. Тугмачанга ўтмайди. Дарров бориб опоқингнинг игнасини олиб чиқа қол, қизим!

Сора койиш эшитмаганига хурсанд бўлиб, опоқисиникига чиқиб кетди, бир оз ҳаяллаб игна олиб чиқди. Бувигинаси дарров тугмачани чатиб берди. Кейин Сора ясашиб олиб боғчага ёриллади. Терлаб-пишиб боғчага борсаки, болалар ҳозиргина томошага кетиб қолишибди. Сора қовоғини солиб, лабини осилтириб уйга қайтди.

— Нега дарров қайтдинг, қизим?

— Кетиб қолишибди-ку!— деди Сора хафа бўлиб.

— Қўй, хафа бўлма, қизим!— деди бувиси уни бағрига босиб.— Игна синмаганда кечикмасдинг. Эндиги сафар вақтида борарсан.

**Қ**обилжоннинг дадаси Олим ака кузда боғчага ҳар хил кўчатлар ўтқазган эди. Баҳор келиб, дарахтлар, гуллар кўкариб кетди. Ҳадемай ўрик, шафтолилар гулга кирди, уларнинг тагида гунафшалар очилди. Буни кўрган Қобилжон терисига сиғмай қувонарди.

Ана энди Қолибжоннинг иши кўпайиб қолди. Қарасангиз, боққа кириб мерганлик қила кетди-ку! Ҳар кесак отганда десангиз, дарахтларнинг уч-учидаги пушти ранг гуллар капалакдай учиб тушарди.

Бир куни эрта билан боғчада мерганлик қилиб юрса, қўшни томондан қуш овози келяпти. Қобилжон қулоқ солиб турса, жуда ҳам ёқимли овоз. Бу қанақа қуш экан? У дарров битта кесакни олди-ю, пастак деворга тирмашди. Бундоқ қараса, қўшни боғдаги катта гул тепасида булбул сайраб турибди. Заб чиройли эканми! Қобилжон девор тепасига миниб олиш учун хўп тирмашди, чиқолмади. Яхшиям чиқолмагани! Деворга миниб олганда борми, кесак билан булбулни пойлаган бўларди!

Олим ака ишдан қайтганда Қобилжон қўшнилариликка булбул келганидан хабар берди.

— Дада, дада!— деди у қўзини катта-катта очиб,— нега бизнинг боққа булбул келмайди-а?

— Қўрқади,— деди дадаси.

— Нимадан қўрқади?— деди у ажабланиб.

— Сендан!— деди дадаси.

— Ия, нега энди мендан қўрқади?

— Ахир кесак отсанг, майиб бўлади-да! Бу ишинг ярамайди деб айтиб эдим-ку!

Қобилжон индамай, ўйланиб қолди: энди нима бўлади? Ростдан ҳам булбулжон унинг боғига ҳеч келмасмикан-а?

— Кесак отмасам келадими, дада?— деди охири Қобилжон.

— Албатта келади,— деб ишонтирди дадаси.

— Бўпти!— деди Қобилжон ва шу пайтдан бошлаб қушларга кесак отмайдиган бўлди.

Олим ака хурсанд бўлиб, қушлар учун тахтадан уя ясаб берди, Қобилжон суюна-суюна уяни ўрик дарахтининг тепасига ўрнатиб тушди.

**М**ен аввал бошқа папкалардай кулиб турардим. Бандим соппа-соғ, қулфим чиқ этиб очилиб, чиқ этиб ёпиларди. Кўрганлар ҳавас қилишарди. Ўзим ҳам, эгам Равшан ҳам хурсанд эдик. Аммо бу хурсандлигим узоқ давом этмади. Равшан мени кундан-кунга қийнаб, таъзимимни берди. Ахир папкани китоб, дафтар солишга чиқарган-ку. Равшан бўлса, шиппак билан дами чиқарилган тўп дейсизми, ланкаю қаламтарош дейсизми — дуч келган нарсани тиқиштиради. Тарс ёрилиб кетай дейман. Китоб, дафтар бечоралар бир чеккада эзилиб, қовургаси синиб ётади. Бир куни Равшан шошқалоқлик билан ичимга сиёҳдонини ҳам тиққан эди, мактабга етгунча сиёҳ тўкилиб, ҳамма ёқ кўм-кўк бўялибди. Эртаси куни Равшанга онаси овора бўлиб магазиндан бошқа китоб, дафтарлар олиб берди.

Равшан яна бир қилиқ чиқарди: мактабдан келаётганда мени бир чеккага улоқтиради-да, ўзи болалар билан тўп тепади. Ҳамма ёгим тупроқ-лойга қоришгани билан иши йўқ. Ўйнаб-ўйнаб чарчаганда-чи, тап этиб устимга ўтириб олади. Нима, мен унга пўстак ё намат бўлиб қолдимми! Буниси етмагандай, неча марта мени тўп қилиб тепиб майиб қилди. Тепки еявериб юзларим шилиниб кетди. Бандим узилиб, қулфим бузилди. Энди папкаликдан чиқиб қолдим. Охири Равшаннинг ойсига:

— Холажон, ўглинғизни тийиб қўйсангиз бўлмайдимиз? Афт-башарамни қаранг, шу аҳволда юришим уят эмасми?— деб арз қилдим.

— Уят, жоним, уят. Лекин нима қилай, сен шу ярим йил ичида уйимизга келган учинчи дастёрсан,— деди холам.

Дамим ичимга тушди. Одамлар уят қилса ҳам, индамай юравердим. Бир куни ўқитувчи уйга келди. Холам билан мен ва эгам тўғрисида анча гаплашди. Холам шикоят қилиб:

— Нуқул папка-ю, китоб-дафтар янгилайвериш жонимга тегди. Ўғлим меҳнатимга ачинмаяпти. Қани, ўзларингиз яхшилаб тушунтиринглар-чи, зора тушунса!— деди.

Ўқитувчи хафа бўлиб чиқиб кетди.

Эртасига ёмғир ёғди. Равшан мени ёмғирдан асраган бўлиб онаси тикиб берган халтачасига солиб кетди.

Шу куні охирги дарсда физкультура бўлди. Болалар залга чиқиб кетишди. Мен парта ичида эдим. Шунда аллақайси ўқитувчи ажойиб янги папка кўтариб кирди. Секин мени бўшатиб, шкафнинг бурчагига бекитди. Ҳамма юкимни ҳалиги папкага жойлади-да, яна халтага солиб қўйди.

Дарсдан кейин ҳамма қатори Равшан ҳам шошганча халтани орқалаб уйга жўнади. Эшитишимча, Равшан уйга боргунча роса ўйнаб борибди. Ойиси «Дарсингга қара», дегандан кейин халтани очибди. Очибди-ю, янги папкани кўрибоқ, бир тарсаки егандай бўлибди. «Сиз солиб қўйдингизми?» деб ойсидан сўрагиси келибди. Лекин сўрашга тили бормабди. «Ё болалар ҳазил қилишдимикин-а?» деб ўйлабди.

Эрталаб дарс бошланганда шкафнинг бурчагидан мўралаб турдим. Ана Равшан, худди айб иш қилгандай, у ёқ-бу ёққа аланглаб келди. Бугун ҳаво очиқ бўлишига қарамай, унинг қўлида халта. Янги папкани биров тортиб олиб қўймайсин дедимикин? Ҳа, шунақа шекилли. У хавотирланиброқ, папкани парта остига паналаб туриб очди. Янги папкага болаларнинг кўзи тушмади-ку, мен қулфнинг чиқ этганини эшитдим, тиржайиб оғзи очилганини кўрдим. Бу папкани анча кунгача кузатиб турдим, унга энди сира гард юқмасди, ҳамма вақт юзлари ярқ-ярқ товланиб турарди. Аммо Равшаннинг кўнгли хирароқ эди: «бу кимнинг ҳазили бўлди экан?»

## ◆ БУ ҚАНДАЙ ҲАЙВОН? (Чарушиндан)

**Б**иринчи қор ёғди. Ҳамма ёқ оппоқ бўлиб кетди. Дарахтлар, ерлар ҳам, томлар, айвонлар, айвонга чиқадиган зинапоялар ҳам, ҳаммаси қор билан қопланди.

Катя исмли қиз қорда ўйнамоқчи бўлди.

Мана у, айвонга чиқиб, ҳовлига тушмоқчи бўлиб қараса, айвоннинг остонасидаги қор устига чуқурчалар тушиб қолпти.

Аллақандай бир ҳайвон қорда юрганга ўхшайди. Ҳовлида ҳам, остонада ҳам унинг излари бор.

«Жуда қизиқ-ку!—деб ўйлади Катя,—бу ерда қанақа ҳайвон юрган экан? Буни билиш керак».

Катя бир парча гўшт олиб чиқди-да, айвоннинг лабига қўйиб, ўзи ичкарига кириб кетди.

Кун ўтди, тун ўтди. Тонг отди. Катя уйқудан турибоқ айвонга югуриб чиқди, ҳайвон гўштни еб кетганмикин деб қара-

са, гўшт бут-бутун турибди. Қандай қўйган бўлса, шундоқ қи-мирламай турибди. Излар эса яна кўпайиб қолипти. Демак, ҳайвон яна келган.

Шундан кейин Катя гўштни олди-да, унинг ўрнига шўрва-дан чиққан суякни қўйди.

Эрталаб Катя тагин айвонга чиқиб қараса, ҳайвон суяк-ка ҳам тегмабди. Бу ўзи қанақа ҳайвон экан-а?

Шундан кейин Катя суяк ўрнига сабзи қўйди.

Эрталаб қараса, сабзи йўқ! Ҳайвон келиб сабзини сира қолдирмай еб кетибди.

Шундан кейин Катянинг дадаси тузоқ қўймоқчи бўлди. Битта яшикни айвон лабига келтирди-да, оғзини ерга қара-тиб қўйди, яшикнинг бир четига чўп тираб, чўпга сабзи бойлаб қўйди. Агар сабзини туртса, чўп йиқилади-ю, яшик ҳайвон-нинг устини ёпиб тушади.

Эртаси куни дадаси ҳам, онаси ҳам, бувиси ҳам ҳайвон-нинг қопқонга тушганини кўргани чиқишди. Катя эса ҳамма-дан олдинда эди.

Ана, ҳайвон қопқонга тушибди! Яшик ерда тўнкарилиб ётибди.

Катя яшикнинг ёриғидан мўраласа, яшикнинг ичида битта ҳайвон турибди. Ўзи оппоқ, юнглари баррадай, кўзлари қиз-ғиш, қулоқлари узунгина. Яшикнинг бурчагига биқиниб олиб, сабзини чайнапти. Бу — қуёнча эди!

Уни уйга олиб кириб, даҳлизга қўйдилар. Иннайкейин ун-га каттагина катак ясаб бердилар. Қуёнча ана шу катакда яшай бошлади.

Катя эса уни сабзи, пичан, пўчоқ ва сухарилар билан боқа бошлади.

## ◆ МУЗЛИКДА

(Б. Житковдан)

**Қ**уёнча бўлиб денгиз музлаб қолган эди. Колхоздаги балиқчиларнинг ҳаммаси музликка балиқ овлагани боришди. Улар тўрларини ортиб олиб чаналарда муздан тий-ганиб борардилар. Булар орасида Андрей деган балиқчи, у билан бирга ўғли Володя ҳам бор эди. Булар анча узоқ жойга бориб қолишди. Қайсига қарасанг, ҳаммаси музлик эди: денгиз бутунлай қотиб қолган. Улар музни ёриб, шу ёриқдан тўр-ларни сувга ташлай бошладилар. Ҳаво очик бўлиб, ҳамма



хурсанд эди. Музлаган балиқлар тўп-тўп бўлиб қолган эди, Володянинг дадаси:

— Бўлди, энди уйга қайтиш керак,— деди.

Лекин шериклари, бугун шу ерда ётиб қолиб, эрталабдан тагин балиқ тутсак, деб қистай бошладилар. Кечқурун балиқ пишириб еганларидан кейин, бир-бирларининг пинжига кириб чанада ётиб ухладилар. Володя иссиқ ётиш учун дадасининг кўйнига кириб қаттиқ ухлаб қолди.

Кечаси унинг дадаси тўсатдан ўрнидан туриб:

— Ўртоқлар, туринглар! Қаттиқ бўрон бўляпти! Тагин бир фалокатга йўлиқмайлик!— деб бақира бошлади.

Ҳамма ирғиб ўрнидан турди-ю, югуришиб қолди.

Володя:

— Нега биз чайқалаямиз, дада?— деб сўраб қолди.

Дадаси эса:

— Иш чатоқ! Тагимиздаги муз кўчиб, денгизга оқиб кетяпмиз,— деб жавоб берди.

Ҳамма балиқчилар муз устида югуришиб:

— Муз кўчди! Муз кўчди!— деб чинқаришар эди.

Уларнинг ичидан биттаси:

— Энди ўлдик!— деб ваҳима солди.

Володя буни эшитди-ю, додлаб юборди. Кундузи бўрон яна ҳам кучайиб кетди. Тўлқин муз устига сув тошириб юбориб, ҳамма ёқ денгиз суви билан қопланиб кетди. Володянинг дадаси иккита ходани мачта қилиб, учига қизил кўйлагини байроқ қилиб боғлаб қўйди. Ҳамма одам бирон жойда кема йўқмикан деб чор атрофга аланглашар эди. Қўрқувдан ҳаммалари овқат ейиш, сув ичишни ҳам унутган эдилар. Володя бўлса чанага ётиб олиб, офтоб чиқиб қолмасмикин дея осмонга тикилар эди. Шунда бирдан Володянинг кўзига осмонда сузиб юрган булутлар орасидан самолёт кўриниб қолди:

— Самолёт, самолёт!— деб чинқариб юборди у.

Ҳаммалари қичқаришиб шапкаларини силкита бошлашди.— Шу вақтда самолётдан битта қоп тушиб қолди. Қопни бундай очиб кўришса, унда овқатлар бор экан, унинг ичидан яна битта хат ҳам чиқди. Хатга: «Ўзларингизни маҳкам тутинглар! Ердам етиб боради» деб ёзилган эди. Шундан бир соат вақт ўтгач, бу ерга кема етиб келди-да, одамларни, чаналарни, отларни ва балиқларни орти олди. Музликда саккизта балиқчининг оқиб кетганини денгиз портининг бошлиғи билиб қолган экан. У, кема билан самолётни буларга юборган, учувчи бу балиқчиларни кўргандан кейин кема капитанига радио орқали йўл кўрсатиб берган экан.

## М У Н Д А Р И Ж А

ЛАЗИЗ ҚАЮМОВ. ҲАҚИМ НАЗИР . . . . .	5
ЕНАР ДАРЕ. Қ И С С А. . . . .	11
СУНМАС ЧАҚМОҚЛАР. Қ И С С А. . . . .	123
АЛИ БИЛАН ШЕР. Ҳ И Қ О Я. . . . .	269
ЯХШИ ИСМ. Ҳ И Қ О Я. . . . .	270
КОМСОМОЛ БУВА. Ҳ И Қ О Я. . . . .	271
ҚАҲРАМОННИНГ АКАСИ ҚАҲРАМОН. Ҳ И Қ О Я. . . . .	272
ИККИ УРТОҚ. Ҳ И Қ О Я. . . . .	274
ОППОҚ БУВАНИНГ НЕВАРАЛАРИ. Ҳ И Қ О Я. . . . .	275
РАСМЛИ КИТОВЧА. Ҳ И Қ О Я. . . . .	275
ҚОДИР БИЛАН СОБИР. Ҳ И Қ О Я. . . . .	276
ДАМИРНИНГ ҚУЛОҒИ ИҶҚМИР. Ҳ И Қ О Я. . . . .	278
ИГНА. Ҳ И Қ О Я. . . . .	279
БУЛБУЛ. Ҳ И Қ О Я. . . . .	281
КИМНИНГ ҲАЗИЛИ? Ҳ И Қ О Я. . . . .	282
БУ ҚАНДАЙ ҲАЙВОН? Ҳ И Қ О Я. . . . .	283
МУЗЛИКДА. Ҳ И Қ О Я. . . . .	284

Н 18

**Назир Ҳаким.**

Асарлар. 5 томлик.

(Сўз боши Л. Қаюмовники). т. I Т., «Ёш гвардия», 1977.

(Урта ва катта ёшдаги болалар учун).

Т. I. Редколлегия: А. Мухтор ва бошқ. 1977.  
288 б.

**Назир Ҳаким.** Собрание сочинений. В 5 т.

Т. I. Т. I.

Уз2

*На узбекском языке*

**Ўрта ва катта ёшдаги болалар учун**

**ҲАКИМ НАЗИР**

**Т О М I**

(Собрание сочинения из 5 томов)

Издательство „Ёш гвардия“ — Ташкент — 1977

Редактор С. Сайдалева

Расмий С. Субхонов

Расмлар редактори Қ. Алиев

Техн. редактор Л. Буркина

Корректор. Ш. Шомарова

ИБ № 136

Босмахонага берилди 9/II—77 й. Босишга рухсат этилди 17/V—77 й. Формати 60×84<sup>1</sup>/<sub>16</sub>. Босма листи 18+0,25 форзац Шартли босма листи 16,74+0,23 форзац. Нашр. листи 15,74+0,37 форзац. Тиражи 30000. Қўғоз № 3.

Ўзбекистон ЛКСМ Марказий Комитети „Ёш гвардия“ нашриёти, Тошкент, 700129, Навоий кўчаси, 30. Шартнома 138—76

Ўзбекистон ССР Министрлар советининг нашриётлар, полиграфия ва китоб савдоси ишлари бўйича Давлат комитетининг I-босмахонаси. Тошкент. Ҳамза кўчаси, 21. Зак. 241. Р—09539 Баҳоси 67 т.

Н — М  $\frac{70803 - 31}{356(06) - 77}$  137 — 77